



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ  
ОЙБЕК

МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

УН ТЎҚҚИЗ ТОМЛИК

Таҳрир ҳайъати:

Марат Нурмуҳамедов, Комил Яшин,  
Шоназар Шоабдурахмонов, Иззат Султон,  
Ҳомил Ёқубов, Зарифа Саидносирова

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ

МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ  
ОЙБЕК

МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

УН ЕТТИНЧИ ТОМ

РУС АДАБИЁТИ ВА СССР ХАЛҚЛАРИ  
АДАБИЁТИДАН ТАРЖИМАЛАР

ТОШКЕНТ — 1981

Изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар:

Машҳура СУЛТОНОВА  
Нинель ВЛАДИМИРОВА,  
Зарифа САИДНОСИРОВА,  
Раъно ИБРОҲИМОВА

Масъул муҳаррир:

Наим КАРИМОВ

Ойбек Мусо Тошмуҳаммад ўғли.

Мукаммал асарлар тўплами. 19 том-лик (Таҳрир ҳайъати: М. Нурмуҳамедов ва бошқ.), Т., «Фан».

т. 17. Рус адабиёти ва СССР халқлари адабиётидан таржималар (Масъул муҳаррир Н. Қаримов), 1981, 308 б.

Айбек М. Т. Полное собрание сочинений. В 19-ти т., т. 17. Переводы произведений русской литературы и литературы народов СССР.

Ўз2

О  $\frac{70403-1163}{355(06)-81}$  134-80 4702057002

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1981 й.

# РУС АДАБИЁТИ



## А. С. Пушкин

### ҚИШЛОҚ

Ором, меҳнат, илҳомнинг қучоғи бўлган  
Мен олқишлайман, сокин масканим, сени.  
Бахтнинг, фаромушнинг оғушларинда  
Бунда жимгина оқар кунларим менинг.  
Мен сеники: шохларнинг кир саройини,  
Муҳташам базмлари, кайф-сафосини  
Чакалаклар куйига, қир уйқусига  
10 Алишдим эркин ҳаёт, фикр руҳига.

Мен сеники: севаман шу гўзал боғни,  
Унинг салқинларини, гул-чечагини,  
Хушбўй ҳид таратувчи ўт-пичанини,  
Оғочликларда чопган кумуш ирмоқни.  
Ҳар ерда қаршимдадир жонли лавҳалар;  
Кўраман икки кўлнинг зумрад юзини,  
Балиқчининг чодири баъзан оқарар,  
Орқада тепачалар, экин майдонлар,  
Узоқда кичик-кичик уйлар-айвонлар,  
20 Нам қирғоқларда юрар подалар кезиб,  
Туман босган омборлар, ел тегирмонлар;  
Ҳар ерда мўлчиликнинг, меҳнатнинг изи.

Мен қутулиб маъносиз кишандан бунда  
Ўрганамен ҳақиқатдан лаззат топишни,  
Эркин кўнглим-ла қонун тўқиб мақташни,  
Эшитмасликни онгсиз авомни шунда,  
Лек уятчан ўтинчга ёрдамга тайёр  
Ва такаббур нодоннинг ёки золимнинг  
Тақдирига мутлақо ҳасад қилмаймен.

30 Асрлар доҳийлари, сиздан сўраймен!  
Бу улуғвор узлатда сизнинг хуш садо

Яхшироқ эшитилар бунда шоирга;  
Ҳайдаб ялқовликнинг оғир уйқусин,  
Ҳавас уйғотади менда меҳнатга,  
Сизнинг буюк ижодий фикрларингиз  
Руҳнинг чуқурлигида пишадир аста.

- Бироқ руҳимни қоплар мудҳиш бир фикр:  
Тоғлар, чаман экинлар ораларинда  
Сезар инсонлик дўсти ҳар томонида
- 40 Нодонликнинг энг жирканч, қўпол изини.  
Кўрмасдан кўз ёшини, сезмай фиғонлар,  
Ҳиссиз ва қонунсиз, ваҳший боёнлар  
Бунда қаратиб олган — кўтариб қамчин —  
Деҳқоннинг меҳнатини, мулкин ва вақтин.  
Ёт омочга бой бериб калтак остида  
Раҳмсиз мулкдорларнинг шудгорларида  
Судрайдилар энг оғир бўйинтуруқни,  
Ҳаммалари қабрга бориб етганча  
Яшнатолмай кўнгилда орзу-умидни.
- 50 Чамандек гуллайди ёш жононлар бунда  
Бузуқ бир золимнинг кайфлари учун.  
Қари, чол оталарнинг белига қувват  
Меҳнатга йўлдош бўлган ўғил болалар.  
Униб ўсган уйлари ташлайди фақат,  
Азоб чеккан қулларнинг сафин тўлдирад.  
Эвоҳ, менинг овозим бутун қалбларни  
Тилса, ўйнатса эди! Нечун кўксимда  
Самарасиз бир ёнғин ёниб туради?  
Нечун йўқдир даҳшатли нотиклик менда?
- 60 Подшонинг амри ила йиқилиб қуллик,  
Кўраменми дўстларим! Эркин бир халқни,  
Урфонли ҳамда озод ватан устидан  
Бир куни гўзал тонг отарми чиндан?



\* \*  
\*

Тун нури соҳир  
Ҳаво елпадир.  
Шалдирар,  
Югурар  
Гвадалквивир.

- Мана, чиқди олтин ой,  
Тип-гинч... бирдан соз саси...  
10 Испан қизи — маҳмур ой  
Балконга суянади.

Тун ҳури соҳир  
Ҳаво елпадир.  
Шалдирар,  
Югурар  
Гвадалквивир.

- Шални еч, эрка малак,  
Келгил кундек нашъали!  
Панжаралардан андак  
20 Оёқ узат гул каби!

Тун ели тентир,  
Ҳавони елпир,  
Шалдирар,  
Югурар  
Гвадалквивир.

## БУЛУТ

Таралган бўроннинг салқит булути!  
Ёлғиз сен бу очиқ кўкнинг тутуни,  
Ёлғиз сен соласен ҳузунли соя,  
Ёлғиз сен шўх кунни қиласен хафа.

Сен кўкни гир қучиб олгандинг ҳали,  
Яшин ҳам ғазабкор чирмади сани;  
Сен ҳам очдинг сирли момақалди роқ,  
Ёмғир-ла суғординг — ер эди чанқоқ.

- 10 Бас, ўчир қорангни! Кечмишдир замон,  
Ер яшарди, илдам кўчди у бўрон,  
Дарахт баргларини эркалаб шамол  
Тинч кулар-да, сени ҳайдайди дарҳол.

## И. А. Крилов

### ЯПРОҚЛАР ВА ИЛДИЗЛАР

- Чиройли бир ёз куни  
Япроқларда ёз куйи  
Шамолларга шивирлашиб япроқлар секин,  
Кўркам, гўзал яшиллик-ла мақтанишарди,  
Қувонч билан уқтирарди бари ўз ҳуснин:  
«— Биз эмасми бу водийнинг яшил дилбарни  
Дарахт бизсиз бўлармиди шундай улуғвор,  
Кўм-кўк тожли ва шохдор,  
Биз бўлмасак, дарахт нима?»
- 10 Дарҳақиқат: биз —  
Ўзимизни мақташга бутун ҳақлимиз!  
Биз эмасми йўловчига, чўпонга салқин,  
Кучоқ очиб бағишлаган ором ва роҳат,  
Биз эмасми ҳусни билан қишлоқ қизларин  
Ўйин учун ўз бағрига тортган ҳар соат?!  
Тонг чоғлари бизга келиб сайрайди буткул  
Хуш овоз булбул.  
Ҳа, шамоллар, сиз ўзингиз ҳам,  
Айрилгингиз келмайди бир дам».
- 20 Ер остидан товуш чиқди, баргларга деди:  
«— Бизларга ҳам пича раҳмат дейилса эди».  
Шунда дарахт япроқлари кўтарди шовқин:  
«— Қайси сурбет такаббурлик билан гапирган!  
Ким у, биз билан  
Шундай дағал муомала қилади бугун».  
Пастдан япроқларга жавоб берилди шундай:  
«— Биз илдиз  
Қоронғи ер остида ишловчилармиз,  
Наҳотки сиз танимайсиз.»
- 30 Овқатни сизга  
Биз берамиз. Яйраб-яшнаб гуллайсиз бизда.  
Лекин билинг,  
орамизда шундай бир фарқ бор:  
Янги-янги кўк япроқлар унар ҳар баҳор,  
Агар қуриса илдиз  
На дарахт қолар, на сиз».

## ҚАРҒА ВА ТОВУҚ

- Смоленск князи разил душманин  
Енгмоқ бўлди ишлатиб билим-санъатин.  
Янги жабркорларга у қўйди тузоқ,  
Москвани қолдирди уларга бир чоқ.  
Шунда шаҳарнинг халқи, ҳамма ёш-қари,  
Бир нафас имирсимай қўзғолди бирдан,  
Бол арилар инидан учган сингари  
Москвадан чиқишди якдил ва яктан.  
Том бошидан бурнини қашиган қарға  
10 Бу ғавғага қарайди сокин, бемалол.  
Кўч билан бораётган бир товуқ дарҳол  
Дейди унга: «— Уртоқжон, сен ҳам сафарга?  
Ахир эшитмадингми нақ дарвозада  
Турар эмиш жабркор ва ёвуз душман».

- Қарға жавоб беради:— «Ҳа, менга нима?  
Мен қўрқмасдан бу ерда қолавераман.  
Сиз Товуқлар билан ҳеч менинг ишим йўқ.  
Қарғаларни қовурмас, қайнатмас ҳеч ким:  
Меҳмонлар-ла дўстлашиш эмасдир қийин.  
20 Балки аҳволим яхши бўлур кун сайин.  
Кўпайир суяк, салқит ва лазиз пишлоқ.  
Хайр, оқ йўл тилайман сенга, қақилдоқ!»  
Чиндан ҳам Қарға қолди. Лекин у князь  
Меҳмонларни очликдан қирган бир чоқда,  
Қарға ўйлаган мўл-жўл овқат қаёқда,  
Меҳмонлар тўрвасида ўзи бўлди жаз.  
Инсон ўз ниятида кўп вақт кўр, нодон.  
Бахтнинг изидан чопган бўласан гўё:  
30 Эришдим деганингда йўлиқар бало,—  
Қарға каби тўрвага тушасан бир он!

## ЎТКИНЧИЛАР ВА ИТЛАР

- Икки ўртоқ кетар эди кечқурун  
Суҳбатлари жиддий эди, ҳам узун,  
Бир дарвоза орқасидан тўсатдан,  
Лайча кучук вовуллади уларга,  
Кейин неча ит бошлади ҳураарга.  
Қарабсанки, бир зум ўтмай ҳар томон  
Итга тўлди, қирқ-эллик ит. Тўполон:  
Ўткинчининг бири қўлга олди тош,  
Иккинчиси деди унга: «Қўй, йўлдош!
- 10 Итлар товшин ўчирмайсан бир қадар,  
Тош кўтарсанг, улар акиллар бадтар.  
Юр илгари, итлар феълин биламан».  
Чиндан улар бироз нари силжирқан,  
Секин-секин итлар товши пасайди,  
Бир оздан сўнг ҳар ёқни жим қоплайди.
- Ҳасадчилар иши шудир ҳар замон,  
Нима кўрса ириллару акиллар.  
Сен йўлингдан қолма асло, биродар:  
Ит ҳуради, лекин ўтар карвон.

## ДУБ ДАРАХТИ ВА ЧУЧҚА

- Катта қари дуб дарахти тагида  
Очкўз Чўчқа ёнғоқни хўп ошади,  
Тўлиб тошди ҳам ухлади сояда,  
Кейин туриб, ўзича иш бошлади:  
Тумшуқ билан қазди дарахт илдизин,  
Бутоқдаги Қарға унга гапирар:  
«— Ҳай, бу ишинг дарахт учун кўп зарар,  
Илдизларин очсанг, дарахт қурийди».  
Чўчқа дейди: «— Майли, қурисин, йўқ ишим».
- 10 Бу дарахтинг нима? Ғамин ким ейди?  
Мен унинг ҳеч фойдасини билмайман:  
Ачинмайман бутунлай чириса ҳам.  
Менга фақат ёнғоқлари керакдир,  
Семираман ёнғоқларни еб ҳар дам».  
«Нонкўр чўчқа!— деди дарахт шу замон:—  
Тумшуғингни кўтаролсанг юқори,  
Билар эдинг бу ёнғоқларнинг бари —  
Шохларимда ўсиб, пишар, бегумон».
- Нодон, жоҳил одам шундай бўлади,  
20 Илму фанни, маърифатни сўкади,  
Ҳам қўл силтар барча илмий асардан  
Билмаски, еганин у мевалардан.

И. И. Козлов

ДЕЗДЕМОНА РОМАНСИ

Уйга толиб ўтирарди бечора қиз сояда,  
Эзар эди ҳасрат уни, берилганди нолага:  
«Куйлангиз сиз мажнун толни, менга мажнун кўк  
толни!»

Кўкрагига қўлларини астагина қўйди у,  
Бошини ҳам тиззасига жимгина у олди; сув —

Тўлқинлари ҳайқириб қаршисидан оқарди,  
Унинг ожиз фигонини у тўлқинлар айтарди.  
«Ай, мажнун тол, сен, мажнун тол, ай, ям-яшил  
мажнун тол!»

10 Тўлиб-тошиб оқар эди унинг қайноқ кўз ёши,  
Кўз ёши-ла юмшаганди у ернинг ваҳший тоши.  
«Ай, мажнун тол, сен, мажнун тол, ай, ям-яшил  
мажнун тол!»

Бу ям-яшил, бу мажнун тол менга гултож  
бўлажак,  
«Ай, мажнун тол, сен, мажнун тол, ай ям-яшил  
мажнун тол!»

М. Ю. Лермонтов

МАСКАРАД

ТУРТ ПАРДАЛИ ШЕЪРИЙ ДРАМА ;  
И ШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Арбенин, Евгений Александрович.  
Нина, унинг хотини.  
Князь Звёздич.  
Баронесса Штраль.  
Казарин, Афанасий Павлович.  
Шприх, Адам Петрович.  
10 Маска.  
Чинovníк.  
Қиморбозлар.  
Меҳмонлар.  
Хизматкорлар ва оқсочлар.

БИРИНЧИ ПАРДА  
БИРИНЧИ САҲНА  
Биринчи чиқиш

Қиморбозлар, князь Звёздич, Казарин ва Шприх стол атрофида  
туриб карта сузادилар ва пул тикадилар...:

1-пул тикувчи

Иван Ильич, сиз менга рухсат этинг, тикайин.

Банкачи

10 Буюрингиз.

1-пул тикувчи

Юз сўмга.

Банкачи

Яхши.

2-пул тикувчи  
Бахташ. таваккал.



3-пул тикувчи

Толени синаб кўриш керак сизга, лекин  
Кичкина тикиш ёмон...

4-пул тикувчи

20

Катта тикавер сал-пал.

3-пул тикувчи

Қўявер.

2-пул тикувчи

Ҳаммасига? Йўқ, қўрқитади, ўйна!

4-пул тикувчи

Тингла, азиз дўст, кимки катта тикмаса бугун,  
У ҳеч қандай муродга етишолмас бус-бутун.

3-пул тикувчи (*биринчига секингина*)

Эҳтиёт бўлиб ўйна.

Князь Звёздич

Бер банкангга.

2-пул тикувчи

Эй князь,

Ишни ўнгламас газаб, ўйнанг дўқсиз, беғараз...

Князь

Кенгашларни лоақал қўя туринг бу сафар,

Банкачи

Қартанг гум.

Князь

40

Ҳай, лаънати.

Банкачи

Чўзинг марҳамат қилиб.

2-пул тикувчи (*заҳарханда билан*)

Бор-йўқни бой беришга тайёрлексиз қизиқиб.  
Эполетларингизнинг баҳоси қанча турар?

Князь

Мардлик билан топганман,— харидор бўлолмайсиз,

2-пул тикувчи (кета туриб, пичинг қилади)

50 Шундай фалокат чоғи ҳам шу ёшингиз,  
Қамтарроқ кўринсангиз, яхши бўларди агар.

Князь бир стакан лимонад ичиб, четга ўтиради ва ўйга толади.

Шприх (ачиниб, унга яқинлашади)

Ақча керакми, князь... мен шу топда топаман,  
Проценти жуда оз... юз йил кута оламан.

Князь совуққина таъзим қилиб, юзини тескари буради, Шприх  
кайфи бузилиб узоқлашади.

Иккинчи чиқиш

Арбенин ва бошқалар.

60 Арбенин киради, салом бериб стол ёнига келади; кейин имо-ишоралар қилиб, Қазарин билан нарироқ кетади.

Арбенин

Хўш, нега ўйнамайсан энди?.. Ҳа, айт, Қазарин.

Қазарин

Оғайни, бошқаларга қарайман, холос.  
А, сен-чи жонажоним, уйландинг, бойсен,— барин.  
Ўз ўртоқларингни ҳам унутиб кетдинг, бу рост!

Арбенин

Ҳа, кўп вақтлардан буён сиз билан учрашмадим.

70

Қазарин

Нуқул иш билан бандсан?

Арбенин

Иш қайда... муҳаббатим.

Қазарин

Хотин-ла, базмларда.

Арбенин

Йўқ.

Қазарин

Қимор?

## А р б е н и н

Йўқ... мен қуюлдим аста!  
Бу ерда янги шахслар... кимдир манов олифта?

## К а з а р и н

Шприх, Адам Петрович! Дарров таништираман.

Шприх келиб, таъзим қилади.

Рафиқим Арбенинни сизга тақдим этаман.

## Ш п р и х

Танийман сизни.

## А р б е н и н

Уйлашимча, ҳеч қачон  
Бизлар учрашмаганмиз.

## Ш п р и х

Таъриф қилди кўп инсон.  
Ҳаққингизда жуда кўп эшитганман ривоят,  
Сиз билан танишмоқни кўпдан орзу қиламан.

## А р б е н и н

Афсус, сиз тўғрингизда эшитмадим ҳеч нима,  
Аммо сиздан, албатта, кўп нарсa ўрганаман.

100 Яна таъзим қилишади. Шприх афтини буриштириб кетади.

Бунинг менга ёқмади... Кўрганман ҳар нав одам,  
Мундақани атайлаб ясаб олиш ҳам қийин,  
Кулиши хунук, кўзи... баайни мунчоқ дегин,  
Қарасанг, инсон эмас,— ўхшамас шайтонга ҳам.

## К а з а р и н

Эҳ, оғайнижон, унинг афтидан нима фойда?  
Шайтондан бадтар бўлсин! Керак одам, у бой-да.

Бир оғиз гапирдингми — дарров қарз беради у.

110 Қай миллатдан эканини айта олмайман дадил:

Лекин ҳамма тилларда сўзлашга моҳир.

У жухуд бўлса керак,— тўғри фараз шу.

Ҳамма билан ҳам таниш,— ҳар ерда иши ҳозир,

Билмаган нарсаси йўқ,— ташвишда умри қиш ёз

Кўп нарсани кўргану, худосизга худосиз,

Сўфига — сўфи, бизча ашаддий бир қиморбоз,  
Виждонли одамлар-ла — виждонлидир баҳосиз.  
Хуллас, севарсан уни, бунга комилдир имон.

### А р б е н и н

- 120 Тасвири яхши — лекин ўзининг турқи ёмон! —  
Қани, кимдир анави новча, мўйловли акам?  
    Етмагандай, пардозга зеб бермиш  
    Мода дўконларининг мухлисидир албатта?  
Истеъфодаги танноз, кўрган чет элларни ҳам?  
    Албатта, у амалда эмас қаҳрамон.  
    У мергандир, ўқига тоби ҳар нишон?

### К а з а р и н

- 130 Шунга яқин... полкдан у дуэль учун ҳайдалган —  
    Ё бўлмаса, дуэлга қатнашмагани учун —  
Қотилликдан қўрққандир, — бунинг устига лекин  
Онаси зугумлидир, — яна беш йилдан кейин  
    Қайтадан чақирилган, шунда у ҳақиқатан  
    Жонбозликни майдонда кўрсатган бутун.

### А р б е н и н

    Манав жимит қанақа?  
Табассуми беғубор, сочлари ҳам паришон,  
Унинг ордени ҳам бор, — қўлида тамакидон?..

### К а з а р и н

#### Трушчов...

- 140 О, бу ҳумпар — бебаҳодир бу расо:  
Грузияда етти йилча қилгандир хизмат,  
Ё қандайдир генерал билан у юборилган,  
Қишилардан аллакимни пусиб гум қилган албат.  
    Беш йил камарбасталикда юриб, ниҳоят, —  
    Бўйнидаги ордени ола билган.

### А р б е н и н

Сиз янги ошналарнинг биласиз миридан сирин!  
    Қ и м о р б о з л а р (*қичқирадилар*)

Казарин, Афанасий Павлович, келинг буён!

### К а з а р и н

- 150 Бораман (*Сохта ачиниш билан.*)  
    Хиёнатнинг ёмон ўрнаги бу чин!  
Ха, ха, ха, ха!

1-п у л т и к у в ч и

Илдамроқ.

К а з а р и н

Не бало бўлди, сурон?

Қиморбозлар орасида суҳбат қизиб кетади, кейин улар тинчийдилар. Арбенин князь Звёздични кўриб қолади-да, унинг олдига келади.

160

А р б е н и н

Князь, бунда нетасиз? Биринчи мартаба-а?

К н я з ь (ёқинқирамасдан)

Худди шу саволни мен бермоқчийдим сизга-да.

А р б е н и н

Балки жавобингизнинг мен олдини оларман:  
Мен бунда кўпдан таниш; бир вақтлар кўп

кўрганман

Ҳаяжондан юрагим титраб, данг қотиб,

Бахт ғилдирагининг бунда айланишини.

Биров арши-аълода, бировни янчар босиб,

170 Мен билмасдим ҳасадни, билмасдим ачинишни:

Юраги умидларла, ҳисларла тўлиб-тошган,

Лекин ҳаёт илмида тамоm гумроҳ адашган

Кўп ёш йигитчаларни учратганман бу ерда...

Севгида авжланарди руҳларининг ёлқини;

Кўзим олдида ҳалок бўлишди улар эрта;

Янадан кўрмак насиб бўлибди менга буни.

К н я з ь (таъсирланиб унинг қўлидан тутди).

Мен бой бердим.

А р б е н и н

180 Кўраяпман — хўш? Сўнгги чора ўлимми?

К н я з ь

О! Алам қилди менга.

А р б е н и н

Фақат икки чора бор:

Бутунлай ўйнамаслик учун қасамёд этмак:

190 Ё бўлмаса, шу топда яна ўйнамак керак,  
Аммо бу ерда ютмоқ учун жазм айласангиз,  
Ҳар нарсадан воз кечинг: қариндош, дўст, номус, ор  
Сиз совуққонлик билан бутун истеъдодингиз,  
Рухингизни синанг-да, салмоқлаб кўринг роса:  
Ҳар зарраси теқширинг ётнинг, танишнинг бутун  
Ҳисларин, фикрларин юзларида ҳар дафъа  
Жуда равшан сезишга одатланинг — бу мумкин.  
Қўлларни машққа солинг йилларча; ҳар нимадан  
Жирканнинг: майли инсон ё табиат қонуни.  
Кундуз ўйланг, тун ўйнанг, ёзғирманг қийналаркан,  
Токи дардларингизнинг билинмасин тутуни.  
Маҳоратда сиз билан тенг келувчи бир одам  
Енингизда бўлганда, омаднинг хижолатманд  
Оқибатин ҳар онда кутиб қалтираманг ҳам,  
200 Қизарманг бетингизга айтсаларки: «Олчоқсан!»

Сукут. Князь унинг сўзини базўр эшитади ва безовта бўлади.

Князь

Билмайман, бу аҳволда мен нима қилсам экан?

Арбенин

Нима истайсиз?

Князь

Балки бахт.

Арбенин

210 О, бунда йўқ бахт!

Князь

Ютқиздим бор-йўғимни!.. Кенгаш беринг менга шахт.

Арбенин

Мен маслаҳат бермайман.

Князь

Хўп, мен ўлай...

Арбенин (бирдан унинг қўлидан ушлайди).

Тўхтангиз,

220 Менга беринг ўрнингиз. Сиз ёшсиз,— мен бир замон  
Ёш эдим, сиз сингарни йўқ эди ҳеч тажрибам,  
Яна сиздек гердайган эдим, диққатсиз беғам,

Ва агар меним... (Тўхтаб қолади.)

Биров йўлим тўсса эди...

У он... (Князга қаттиқ тикилиб қарайди.)

(Товушини ўзгартириб.)

Сиз دادил бўлиб қўлни беринг — яхши фол,  
Бошқаси-ла ишингиз бўлмаса ҳам бемалол!

(Стол олдига келади, унга жой берадилар.)

230

Бу мискинга беринг йўл:

Синамоқчйман, тақдир менга қандай боқаркин,

Бугунги ошиқлари учун тақдир бериб қўл,

Тингламасмикан эски қулининг зорин!

К а з а р и н

Чидамадинг... туташди эски ўт, ғайрат. (Секингина.)

Ишқилиб расво бўлиб, қолма уятга,

Эски қиморбоз билан ўйнамоқ ғоят

Қийин эканини яхши исботла.

Қ и м о р б о з л а р

240

Марҳамат, жойнинг тўри сизники,— сиз хўжайин.

Бизлар меҳмон.

1-пу л т и к у в ч и (иккинчининг қулогига)

Эҳтиёт бўл — катта оч энди кўзни!..

Бу Ванька — валадни ҳеч таъбим ёқтирмас локин,

Туз билан уриб қўяр мендаги тузни.

Ўйин бошланади; ҳамма одам столга ёпирилади, баъзан ҳар хил  
садолар эшитилади, бундан кейинги суҳбат давомида кўп кишилар  
хафаланган ҳолда столдан узоқлашадилар.

250

Шприх Қазаринни саҳнанинг олдига олиб чиқади.

Ш п р и х (қувлик билан)

Иш каттами, ҳаммаси ғуж бўлишди бир жойга.

К а з а р и н

Таъзирларин берар у, эсдан чиқмас бир ойча!

Ш п р и х

Уста экан-да!

К а з а р и н

Уста эди.

## Ш п р и х

Эди? А ҳозир...

К а з а р и н

Ҳозирми?

Бой, уйланди, бўлиб қолди улуғвор;  
 Қўзичоқдай ювош боқар, — ҳали ҳам бўри ботир...  
 Менга дерларки: инсон табиатин ўзгартар,  
 Ва тарки одат қилар. — Буни дегувчи аҳмоқ;  
 Борсин, фаришта бўлиб кўринсин — жуда дилдор,  
 Лекин дилида шайтон маскан қуради ҳар чоқ.  
 Дўстим, сен гарчи *(елкасига қоқиб)*

270 А, сенинг ҳам ичингда шайтонча қурмиш маскан.

Икки қиморбоз ўзаро қизғин сўзлашиб, яқинлашади.

1-қиморбоз

Ахир сенга айтдим-ку.

2-қиморбоз

Нетмак керак, биродар,  
 Юз бермади шекилли омади қурғур.  
 Ишлатмадимми ҳийла — йўқ, ҳаммасин баравар  
 Уйлаш ҳам уят бўлур...

280

К а з а р и н *(яқин келади)*

Жаноблар, қалай ёки кучингиз етмади? А?

1-қиморбоз

Бизнинг Арбенин моҳир.

К а з а р и н

Ҳа, жаноблар, сиз нима!

Стол атрофида қиморбозлар орасида ҳаяжон.

3-пул тикувчи

Шундай қилиб, юз мингни қамрар у нокас.

4-пул тикувчи *(четга)*

290 Юлиниб қолар ҳали...

5-пул тикувчи

Кўрарминз.



## Арбенин (Ўрнидан туради)

Етар, бас!

Олтинларни олиб нари кетади. Бошқалар стол олдида қоладила:  
Казарин ва Шприх ҳам стол олдида. Арбенин индамасдан княз-  
ни қўлтиқлайди ва пулларни беради; Арбениннинг ранги ўчган.

Князь

300 Аҳ, мен унутмасман буни ҳеч қачон...  
Қутқардингиз ҳаётимни.

Арбенин

Ақчангизни ҳам.

(Аччиқ киноя билан)

Тўғриси; ҳал этиш эмасдир осон,—  
Булардан қай бириси азиз ва кўркем.

Князь

Сиз мен учун жуда зўр хизмат қилдингиз.

Арбенин

310 Ҳеч бир.

Тасодифан шод бўлиб, отилдим ҳаяжонга,  
Яна сурон-ла тўлди ақлим, кўкрагим ҳозир;  
Мен ўйинга ўтирдим — сиз кирган каби жангга.

Князь

Ютқиза олардингиз...

Арбенин

Мен... йўқ!.. Утиб кетгандир у тотли кунлар изсиз —  
Бари ҳам менга равшан... барча нозик йўлларин  
Биламан... шу сабабдан тарк этдим ўйинни чин.

320 Князь

Миннатдорчилигимдан нечундир тортинасиз.

Арбенин

Чин сўз шуки, мен бунга тоқат қилмайман ҳаргиз.  
Ҳеч кимга бурчлимасман ҳеч жиҳатдан ҳаётда.  
Мен бировга яхшилик кўрсатган бўлсам агар,  
Унга мухлис бўлганим учун эмас, албатта;  
А, анчайин бу ишни билмаганман бир зарар.

Князь

Мен сизга ишонмайман.

330

Арбенин

Ишонинг деб айтар ким!  
Аллақачондан буён бу бўлмиш менга одат.  
Ҳафсала бўлса эди риёкорлик қилардим...  
Қўйинг бу гапни чўзини учун сира йўқ ҳожат...

(Бироз сукут қилиб.)

Ёмон бўлсам айрилсак, сизга ҳам ва менга ҳам.  
Бугун байрам экан-ку, ростданам маскарад бор.  
Энгельгарднинг уйида...

340

Князь

Бор, ҳа.

Арбенин

Борамизми?

Князь

Мен тайёр.

Арбенин (четга қараб)

Дувурда ором олғум.

Князь

Унда аёллар... ажойиб...  
Айтарларки, у ерда бўлармиш ҳатто...

350

Арбенин

Айтаверсинлар, бизга нима даҳли бор аммо?  
Ниқоб остида барча амал — мансаб баравар,  
Ниқобда на руҳ, на-да унвон бор — ёлғиз бир тан.  
Чеҳраларни ниқоблар яширган бўлса агар,  
Ҳисларнинг ниқобини дадил кўтардилар...

Кетишади.

Учинчи чиқиш

Арбенин ва князь Звёздичдан ташқари, ҳалигилар.

1-қиморбоз

360

Ҳайтовур йиғиштирди ўйинни... у жуда бало...

## 2-қимор боз

Эс-хушингни йиғгунча вақт берса-чи лоқал.

Хизматкор (киради)

Тайёрдир кечки таом...

Хўжайини

Афандилар, борайлик,  
Ютқизиқ дардин босар шампанское сал-пал.

Кетадилар.

Шприх (ёлғиз)

370 Мен уғрашмоқ истайман Арбенин билан...  
Кечки таомни текин тушириш ҳам бир орзу.

(Бармоғини пещонасига қўйиб.)

Бунда овқатланаман... у-буни ўрганаман.  
Кейин орқаларидан маскарадга тез учув.

(Уз-ўзича фикр қилиб чиқиб кетади.)

Иккинчи саҳна

Маскарад

Биринчи чиқиш

Маска, Арбенин, сўнгра князь Звездич.

Оломон саҳнада уёқ-буёққа юриб туради; сўл ёқда канапе —  
курсн.

Арбенин (киради)

Қидираман бекорга ҳар вақт ўйин-томоша,

Қаршимда чувиллайди турли оломон...

Юракни муз қоплаган, хаёл ухлар доимо:

10 Булар бари менга ёт, мен ҳам уларга ётман!

Князь эснаб яқин келади.

Мана букунги насл.

Мен бўлсам шундай ёшда кезардим хомушона?

Хўш, князь? Рост келмабсиз бирорта можарога?

Князь

Нима қилай, юраман бир соатдир муттасил!

## Арбенин

А! Сиз истайсизки, бахт келсин-да, бошга қўнсин!  
Янги қилиқ... тарқатиш керак дунёга шитоб. ●

20

Князь

Ҳамма ниқоб бемаъни...

Арбенин

Йўқдир бемаъни ниқоб:

Сўзламаса у сирли, тилга кирса... дилбар чин.

Ниқобнинг сўзларига дадил бера оласиз —

Табассум, нигоҳ — майли нима хаёл яратар.

Мана, сизга бир мисол, уён бир зум боқингиз

Сарв қад турк хотини... у қандай асл виқор

Билан жилваланади... гавдаси қандай тўлғун!

30 Кўкраги қандай эркин, ҳирс билан олар нафас!

*Сиз биласизми у ким бўлиши мумкин?*

Балки мағрур графиня ё князь хоними — бас,

Улфатчилик париси... маскараднинг юлдузи.

Яна бу эҳтимолки, шу гўзал нақ эртага

Оқшомда қошингизга келар ярим соатга.

Ҳар ҳолда сиз кўрмайсиз бундан ҳеч зарар сўзи.

(Кетади.)

40

Иккинчи чиқиш

Князь ва маска кийган аёл.

Бир домино<sup>1</sup> яқин келиб тўхтади; князь ўйга ботган ҳолда туради.

Князь

Бу гаплар тўғри,— лекин айтиб бермоқ кўп осон...

Бироқ мен ҳали ҳам эснаб тураман...

Лекин ана биттаси келмоқда... тангри, раҳм эт!

Бир маска айрилиб, князнинг елкасига уради.

Маска

Биламан...

Сени!

Князь

50

Афтидан, кўп оз биласан, жонон!

<sup>1</sup> Домино — маскарада кийиладиган махсус кенг кийим.

М а с к а

Нотўғри ўйладинг — маълумдир менга бу ҳам.

К н я з ь

Бу ҳолда мендан кўра, сен бахтлироқ экансан...

(*Масканинг тагидан қарайди.*)

Лекин хато қилмасам агар,  
Бунинг оғзи ғунчадай нафис ва дилбар.

М а с к а

Сенга ёқсам яхшилик чиқмас чамаси.

К н я з ь

Ким-чун?

М а с к а

Биздан биримиз учун.

К н я з ь

Очиқ эмас сабаби.

Сен кароматинг билан мени қўрқитолмайсан,  
Гарчи мен бўлмасам-да, жиллаям айёр,  
Биламан кимлигингни...

М а с к а

Демакки, сен биласан,  
Бизнинг суҳбатимизнинг оқибати не бўлар.

К н я з ь

Бир оз сўзлашамиз-да айриламиз.

М а с к а

Чин гап-а?

К н я з ь

Мен ўннга-ю, сен чапга...

М а с к а

80

Лекин сен-ла атайлаб учрашиш, сўзлашиш-чун  
Бу ерга келган бўлсам — шу вақт сўзларинг ўрин:  
Аммо сенга айтсамки, нақ бир соатдан кейин,  
Умрбод унутмайман — деб қасам ичасан чин;

Менинг оғзимдан фақат биргина «хайр!» деган  
Сўзни эшитмоқ учун ҳаётингни бутунлай  
Менга бағишламоққа хурсандлигинг айтасан.  
Вақтики, мен нишонсиз учарканман шарпадай!

К н я з ь

Ақлли маскасан-ку — жуда эзмасан аммо!  
Мени танисанг агар, айт-чи, кимман, ажабо?

90

М а с к а

Сен! Тутуриқсиз, даҳрий, худком, ахлоқи бузуқ,  
Худбин ёвуз — шу билан ожиз бир инсон;  
Сендагина акс этмиш бутун бир замон,—  
Бу кунги асрки, у порлоқ, лекин бўш, қуруқ.  
Тўлғун ҳаёт қидириб эҳтиросдан қочасан.  
Ҳаммани қамрамоқчи, бўлолмасдан фидойи;  
Фурурсиз, қалбсизлардан нафрат қиласан чоғи.  
Бироқ, ўзинг шуларнинг қўлида ўйинчоқсан.  
О! Мен биламан сени...

100

К н я з ь

Бу менга жуда мақбул.

М а с к а

Қилгансан кўп ёмонлик.

К н я з ь

Эҳтимол, беихтиёр.

М а с к а

Ким билади! Аёл ҳеч сенга қўймаса кўнгил —  
Яхши эди, мен кўпдан бу нарсадан хабардор.

К н я з ь

110

Ахтармайман муҳаббат.

М а с к а

Ахтаришни билмайсан.

К н я з ь

Ахтариб зерикдим фақат.

30

М а с к а

Агар қаршингда жонон  
Пайдо бўлса: сен меним!— деса агар ноғиҳон,  
Сен шунда ҳам парвосиз, ҳиссиз қола биласан?

К н я з ь

120 Лекин у кимдир ахир? Бир гоё, албатта, ул.

М а с к а

Йўқ, аёл у... Хўш, кейин иш қалай бўлур дегил.

К н я з ь

Хўп, қани кўрсат уни, келсин қошимга дадил.

М а с к а

Каттароқ кетдинг — сўзни ўзинг ўйлаб кўр буткул!

Бирмунча вақт сукут.

У талаб қилмайди ҳеч на оҳу воҳ, на карам,  
На кўзёши, на ўтинч, на ёлқинли арзи ҳол...

130 Лекин у кимдир...— бунини суриштирмаслик учун,  
Ҳар бобда чурқ этмаслик учун ичасан қасам.

К н я з ь

Мен қасамёд этаман икки дунё ҳақиға,  
Виждоним гувоҳ бутун.

М а с к а

Қара, борамиз энди!  
Унутма, орамизда ҳазил-ҳузил йўқ сира...

Қўлтиқлашиб кетадилар.

140 Учинчи чиқиш

Арбенин ва икки маска.

Арбенин эркак маскани қўлидан судраб келади.

А р б е н и н

Жаноб, менга дедингиз шундай нарсалар,  
Ки уларга тоб бериш учун ҳеч виждон  
Рози бўлмайди бир он..  
Сиз биласизми, мен ким?..

М а с к а

Ким бўлгансиз — биламан

150

А р б е н и н

Олинг ниқобни — олинг шу топда!  
Ҳар номусдан ҳолидир ҳаракатингиз!

М а с к а

Нима бўпти! — маскадек юзим сизга белгисиз,  
Ўзим ҳам кўрмоқдаман сизни биринчи дафъа.

А р б е н и н

Ишонмайман! Нечундир мendan жуда қўрқасиз.  
Аччиғланиш уятдир. Қўрқоқсиз, тез йўқолинг.

М а с к а

160

Хайр, лекин кўрарсиз,  
Шу кечаси офатга йўлиқасиз, шайланинг.

*(Оломон орасига кириб йўқолади.)*

А р б е н и н

Тўхта... йўқолди... ким у? Манов ташвишни худо  
Юборибди. Қандайдир қуён юракли душман,  
Менда бунақаларнинг ҳисоби йўқдир асло,  
Ха, ха, ха, ха! Яхши бор, дўстим, оқ йўл тилайман...

Т ў р т и н ч и ч и қ и ш

Ш п р и х в а А р б е н и н

170 Шприх пайдо бўлади. Қанapeda маскали икки аёл ўтиради,  
кимдир келиб, безовта қилади; қўлидан ушлайди... Бир аёл куч  
билан ажралиб кетади, билгузуги тушиб қолади.

Ш п р и х

Евгений Александрич, кимни судрагандингиз,  
Сира раҳм қилмасдан?..

А р б е н и н

Мен дўстим билан  
Ҳазиллашдим анчайин.

Ш п р и х

180

Албатта, ҳазилингиз —  
Ҳазил бўлиб тушмади. У сўкиб кетди кейин.



Арбенин

Кимга?

Шприх

Ҳа, бир маскага.

Арбенин

Қулоғингиз кўп сезгир.

Шприх

Эшитмаган нарсам йўқ, аммо сукут қиламан  
190 Ўзгаларнинг ишига сира тикмайман тумшуқ.

Арбенин

Бу аён:  
Демак, билмас экансиз... қандай ёмон!  
У ҳақда...

Шприх

Қай тўғрида?

Арбенин

Ҳазиллашаяпман, йўқ, йўқ...

Шприх

200 Айтинг-чи...

Арбенин

Дейдиларки, хотинингиз таннозмиш...

Шприх

Хўш, нима бўпти?

Арбенин (товушини ўзгартиб)

Сизга борарми у мўйловдор?  
(Бир қўшиқни ҳиргойи қилиб жўнайди.)

Шприх (ёлғиз)

Нафасинг қурсин сенинг, шошмай тур йўлдан  
озмиш,

210 Мендан куласан... ўзинг бўлурсан гўсхўр номдор.

(Оломон орасига кириб йўқолади.)

Бешинчи чиқиш

1-маска (ёлғиз).

1-маска ҳаяжонланган ҳолда тез киради ва канапега ташланади.

1-маска

220 Аҳ!.. нафасим бўғилди... кўп югурди орқамдан,  
Нима бўларди агар маскани олса... Йўқ, у  
Мени танимади ҳеч... гумон қиларми, зотан —  
Киборлар оламида ҳар ким диққат ва туйғу  
Билан боқиб, танг қолган бир аёл шавқ ичида  
Унга қаттиқ ёпишсин, бир-икки лаззатли он  
Бахш этишлиги учун унга ёлворсин; сира  
Муҳаббат талаб қилмай, истасин шафқатгина,  
Дангал десин: мен сенинг! Бўлмас бундақа гумон.  
Бу сирдан абадиян у воқиф бўлмас.  
230 Майли.. мен истайман... лекин шундай бир ҳавас  
Бордир унда: эсдалик учун қандай бўлмасин  
Бир нарса... узук тилар... жуда хатарли локин!  
(*Ерда ётган билагузукни кўриб, олади.*)

Бахтни қара. Худойим — олтин билагузукни  
Кимдир йўқотган... унга бераман — кўп соз! Буни...  
Билагузук билан мени қидира қолсин.

Олтинчи чиқиш

1-маска ҳам князь Звёздич  
Лорнет тутган князь шошиб-пишиб келади.

Князь

240 Минглаб хотин ичида энди уни танийман,  
Худди ўша аёл.  
(*Канапега ўтиради ва унинг қўлини ушлайди.*)  
О! Энди қочолмайсан.

Маска

*Сиздан қочмоқлик маҳол.*

Не истайсиз?

Князь

Сизни кўрсам...

Маска

250 Мен сизнинг қаршингизда.  
Қизиқ фикр айтасиз!

К н я з ь

Бу жуда ёмон ҳазил!

Сенинг мақсадинг ҳазил меники бошқадир, бил...  
Бенуқсон жамолингни очмасанг менга ҳозир,—  
Бу алдамчи ниқобни юлиб оламан ахир;  
Мен куч билан...

М а с к а

Тушунинг, эркаклар надир...

260 Кўнглингиз қониқмайди... сизни севганим  
Кифоя қилмас сизга! Бўлсангиз менга ҳоким;  
Хўрламоқ учун сизга меним номусим керак,  
Балда ёки сайлда менга дуч келган чоғда,  
Дўстларингизга қизиқ бир можаро, бир эртақ  
Айтиб берурсиз шунда уриб қаҳқаҳа;

Уларда қолдирмаслик учун асло бир гумон  
Секин дейсиз: ана у... кўрсатасиз ўшал он.

К н я з ь

Товшинг эсимда қолар.

М а с к а

270 Бу қизиқ гап ҳаммадан!  
Шундай товуш-ла сўзлар юзларча хотин;  
Уларга айтиб кўринг — уялтиришар локин;  
Шундай қилсалар ёмон бўлмасди зотан!

К н я з ь

Лекин бахтим тўкисмас.

М а с к а

280 Бу тўғримикан, қайдам...  
Мен ниқобни юзимдан олмаганимга  
Балки худога шукур қилажаксиз дамба-дам.  
Эҳтимол кампирдирман, хунуқдирман... афтимга  
Қараб жуда жирканган бўлар эдингиз.

К н я з ь

Қўрқитмоқ бўласан ҳам.  
Аммо гўзаллигининг билдим бир четин ёлғиз,  
Қолган жиҳатларини билмасдан борми илож.

М а с к а (кетмоқчи бўлади)

Мангуликка алвидо!

К н я з ь

О, бир нафас тур яна!

290

Бермайсанми ҳеч нима менга ёдгорлик учун?

Сенда ҳеч раҳму шафқат йўқ бу телбага?

М а с к а (икки қадам чекиниб)

Ҳақлисиз, ачинаман — билагузугимни олинг!  
(Билагузукни ерга ташлайди, уни князь ердан олгунча маска оломон орасида ғойиб бўлади.)

Еттинчи чиқиш

Князь, ундан сўнг Арбенин.

К н я з ь (Кўзлари билан маскани беҳуда қидиради)

Тоза ўсал бўлибман... ақлдан озиш мумкин...

(Арбенинни кўриб қолиб.)

300

А!

А р б е н и н (ўйга ботган ҳолда келади)

Ким экан у аччиқ сўзли пайғамбар...  
Мени таниб қўйсин у... бу эмас ҳазил-ўйин...

К н я з ь (яқин келиб)

Сизнинг у эски сабоқ иш берди ушбу сафар.

А р б е н и н

Қалбдан хурсандман.

К н я з ь

310

Учиб келди қошимга.

А р б е н и н

Бахт ҳамиша шундайдир.

К н я з ь

Мен энди ушлаб олиб, иш битди, деганимда  
Тўсатдам...

*(кафтига пуфлайди)*

Буларнинг бари бир туш бўлмаса — нетай,  
У чоқ аҳмоқлигимни бўйнимга олай.

Ар бенин

320 Мен ҳеч нарса билмайман, баҳслашмайман  
шунинг-чун.

Князь

Сиз қўймайсиз ҳазилни, дардга дармон йўқ бутун?  
Барин сизга айтаман.

*(қулоғига бир неча сўз шивирлайди.)*

Очилиб қолди оғзим!

Қув хотин чиқди қочди — мана бу

*(билагузукни кўрсатади)*

330 Тушдир гўёким.  
Охири жуда ночор.

Ар бенин *(кулиб)*

Бошлашингиз чаккимас!

Қани бир кўрсатинг-чи... яхши билагузук экан,  
Қаердадир шундайин кўрганман... сабр эт бир оз.  
Йўғе, бу мумкин эмас... мен унутган эканман.

Князь

Қайдан топаман уни...

Ар бенин

Истаганингга ёпиш;

340 Бу ерда ундайлар кўп — мушкул эмас қидирмоқ!

Князь

У бўлмаса-чи агар?

Ар бенин

Балки бўлур қулайроқ.

Аммо нимаси ёмон? Хаёл қилинг, муқаррар...

Князь

Йўқ, қидириб топаман денгиз қаъридин уни,  
Менда билагузуги.

Арбенин

Бир-икки айланамиз —  
У агарда бўлмаса тамом аҳмоқ, бетамиз,  
Изини олиб қочган бўлур кўпдан бир йўли.

учинчи слахна

Биринчи чиқиш

Евгений Арбенин киради, хизматкор.

Арбенин

Мана оқшом базми ҳам ўтди — кўп суюнаман.  
Жилла бўлмаса ўзни унутиш керак бирон он.

Бутун шу қурама халқ ва шу маскарад деган

Нарса менинг миямда ҳали гувуллар ёмон.

Нималар қилдим унда, кулунч эмасмидир бу!

10 Мен кўп кенгашлар бердим жазман хушторга.

Билагузукларни қиёс қилдим, гумонсирадим...

Шоирлар каби хаёл сурибман бошқаларга...

Худо ҳақи, бундай роль: энди шу ёшим

Билан тўғри келмас-ку!

(Хизматкорга.)

Қалай, уйга қайтмади бека ҳали ҳам?

Хизматкор

Йўқ-а.

Арбенин

20

Қачон келади?

Хизматкор

Соат ўн иккиларда

Қайтмоқчи эдилар.

Арбенин

Бирдан ошибди бир дам, —  
Унда тунаб қолмасди — кечикарми шунчаям!

Хизматкор

Билмас камна.

Арбенин

30

Гўё билмайсан? Боравер — шамни  
Столга қўй, чақирғум керак бўлганда сени.

*Хизматкор кетади; у курсига ўтиради.*

Иккинчи чиқиш

Арбенин (ёлғиз)

Тангри адолатлидир! Менинг ул ўтиб кетган  
Кўнларим гуноҳига жазо фурсати етган  
Бўлмасин тагин,— балки бу кун мен бунга  
маҳкум.

Бир вақтлар бошқаларнинг хотинлари — бир  
туркум —

40

Кутарди мени. Энди ўз хотиним кутаман...  
Гўзал маккораларнинг улфатида мен бекор —  
Аблаҳона маҳв этдим ёшлигимни бир замон;  
Кўп чоқлар мен севилдим,— ёлқинли эҳтироскор.  
Мен ўзим бирини ҳам севмаган эдим бир он.  
Оқибатин билардим бошламай можарони,  
Ўзгаларнинг қалбига уқтирар эдим мудом  
Энага эртагидай муҳаббатнинг розини.

50

Бу ҳам бездирди қаттиқ, ҳаётдан олмадим ком!  
Севмаслик-чун дунёда ҳатто бирон кимсани,—  
Муқаддас ҳуқуқ фақат уйланмак деган  
Кўп ғалати кенгашни берган эди биттаси;  
Ва мен бир хотин олдим, итоаткор, камсухан,  
Ҳам гўзал эди, ҳамда назокатли бир дилбар,  
Гўё бўғизлаш учун келтирганман алтарга —  
У қўзичоқ сингари ювош эди нақадар...  
Унутилган туйғулар ичда уйғонди бирдан:

60

Улик қалбимга у чоқ мен назар солдим...  
Кўрдимки, юрагимга унинг севгиси кирган,  
Тилга ҳам олиш уят... Даҳшатда қолдим!  
Яна хаёлларим, яна муҳаббат  
Бўш кўкрак фазосида тўлқинланади қаттиқ.  
Мен қайтадан денгизга отилган синиқ қайиқ:  
Қирғоқларга яна мен қайтаманми саломат?

*(Ўйга чўмади.)*

Учинчи чиқиш

Арбенин ҳам Нина.

Нина оёқ учида юриб киради ва орқадан келиб эрининг пешона-  
сидан ўпади.

70

Арбенин

Аҳ, салом, Нина... Қалай келдинг, ниҳоят!  
Кўпдан келиш керакди.

Н и н а  
Наҳот вақт шунча ўзган?

А р б е н и н

Мен бир соатдан буён кутаман сени,—

Н и н а

Аҳ, мунча ёқимтойсан?

Жиддан?

А р б е н и н

80

Ўйлайсанки... аҳмоқ деб?

Уйда кутаверар у... а, мен...

Н и н а

Оҳ, эгам! Нетай, менга ишқилиб  
Ҳамиша зуғумлисан, зарда билан боқасан,  
Ҳеч йўл билан кўнглингни ола билмайди ҳеч ким.  
Менсиз бўлган чоқларда зерикасан қоласан,  
Учрашдикми — вайсайсан ҳар вақт бетиним!

А р б е н и н

90

Менга дангал айт буни: Нина, кибор ўчоғин  
Тарк этгин, мен сен билан ҳамда сен учун,—  
Яшайман; нима учун бир эркак, қандай бўлмасин  
Бўш, маъносиз ва руҳан тамоман юпун  
Ва корсетга чулганган бульварлар олифтаси,  
Эртадан то кечгача сенга ҳамроҳ бўлади,  
А, мен эса бир кунда сенга бир нафасгина  
Икки оғиз сўз айтишдан ўзга ҳаққим йўқ сира?

Н и н а

100

Бу саволга жавоб бер... мен ҳамиша

тайёрман —

Мен ўз ёшлигимни-да бир қишлоқда ёқарман,  
Тарк этарман балларни, ҳашаматни, модани —  
Ва шу зериктирувчи эркни, ўзгани.

Менга очиқ айта қол дўстга айтгандек... лекин  
Нималарга учириб кетибди хаёл мени...  
Фараз қилайлик, сен мени севган ҳам бўл, шундайин,  
Оз севасанки, ҳатто билмайсан рашк ҳисси не!

А р б е н и н (кулиб)

Нима қилай? Бепарво яшаш кирмиш одатга,  
Рашк қилмоқлик ҳам кулунч бўлурди...

110

Н и н а

Албатта.

40



Арбенин

Жаҳлинг чиқаётирми?

Нина

Йўқ, ташаккур эгаман.

Арбенин

Сен қайғу чекмоқдасан.

Нина

Йўқ, мен фақат дейманки.

Мени унча севмайсан.

120

Арбенин

Нина?

Нина

Хўш, яна нима?

Арбенин

Қулоқ сол... бир тақдирнинг бизлар занжири билан  
Абадий боғланганмиз... Эҳтимол бу хатодир;  
Бу тўғрида сен ва мен ўйласак бемаънодир.

*(Тиззасига ўтқазиб, ўнади.)*

130

Сен ҳали ёшсан, жисман ва руҳан-да жувонсан;  
Ҳаётнинг зўр китобин очиб ўқийсан ёлғиз.

Биринчи — бош варағин, қаршингда ётар чексиз  
Бахт, қабоҳат денгизи.

Истаган йўлга ёнсан,

Умидвор бўл, орзу қил — кўп умидлар узоқда,  
А кечмишда ҳаётнинг эди покиза, оппоқ!

На ўз қалбингни ва на менинг қалбимни ҳеч чоқ  
Билмасдан менга тушдинг, — ишонаман, севасан,  
Лекин бола сингари, ҳислар билан иноқда,

Шўхлик қилиб, чуқур севасан, ишонаман.

140

Аммо мен бошқачароқ севаман — кўп нарсани  
Кўрганман, синаганман, ҳамма нарсани таниб,  
Ҳамма нарсани биллиб, англаганман, аксари

Севганман — лекин кўпроқ юрганман

нафратланиб.

Бироқ энг кўп тотганим — изтироб зарби!

Дастлаб орзу бепоен, сўнг баридан жиркандим.

- Гоҳо мен ўз-ўзимни англамай ёндим.  
 Гоҳо англамади мени бу олам.
- 150 Танидим ҳаётимда лаънат разолатини,  
 Епдим мен қучоғимнинг совуқ марҳаматини  
 Туйғулар учун, дунё бахт-саодати учун...  
 Жуда кўп йиллар ўтиб кетди шу йўсин.  
 Меним бузуқ ва қабиҳ ёшлигим ҳаяжони  
 Билан оғуланган у кечмиш кунлар ҳақида,  
 Оғушингда ётаркан, учиб ул диёр сари  
 Қандай чуқур нафрат-ла қиламан муҳокама.  
 Қадрингни билмагандим — мен бахти шўр илгари!  
 Лекин руҳни қоплаган муз қатламлари бутун,  
 Тезгина тушди-кетди, гўзал олам кўклами.
- 160 Кўзларимга очилди, мен қайта яшагали  
 Тирилдим — юрагимда яхшиликка кенг ўрин.  
 Лекин баъзан қандайдир бир ёвуз руҳ янадан  
 Мени суриб кетади кечмишнинг гирдобига,  
 Сенинг сеҳркор товушинг ва юзинг офтобига  
 Тўсиқ бўлиб, ҳушимни учиради дафъатан.  
 Ўз ўзим-ла олишиб, оғир ўйларнинг юки  
 Остида қаҳрлиман, хафақонман тун-қуни.  
 Сенга тўқиниш билан циркинлашдан қўрқаман,  
 Қўрқаман токи сени чўчитмагай нолалар,
- 170 Азоб билан юракдан юлинган оҳ-садолар,  
 Уша вақтда дейсанки: у мени севмас экан!  
*Н и н а у н г а м е ҳ р б и л а н қ а р а б , с о ч л а р и н и с и л а й д и .*

Н и н а

Сен ғалати одамсан!.. Сен ўз ишқинг ҳақида  
 Ҳикоя қиларкансан сўзларни чертиб — моҳир.  
 Бошинг ҳам оловланар,  
 Фикринг жонли порларкан кўзларингда жимгина,  
 Шунда ҳар нима десанг ишониш эмас қийин;  
 Аммо кўпинча...

180

А р б е н и н

Кўпинча?

Н и н а

Йўқ, баъзи вақтда лекин!

А р б е н и н

Юрагим жуда қари, сен эса жуда ёшсан,  
 Ҳисларимиз ҳамоҳанг бўлиши мумкин, аммо —

Эсимда бор, мен сенинг ёшингда экан,  
Ҳар нарсага ишонар эдим мутлақо.

Н и н а

190 Сен бугун ҳам норози кўринадан... худойим!

А р б е н н и

О, йўқ... мен бахтиёрман... мен золим  
Ва тентак бўҳтончиман; ҳасадхўр, ўсал ёвуз  
Оломондан узоқман ва жуда узоқ.

Бахтиёрман... сен билан ҳозир — юзма-юз!  
Қўл силтайлик ўтмишга! Зулматли, оғир  
У эски замон бизга абадий ясоқ!

Кўриб турибман, сени юбормиш менга халлоқ,  
Самонинг мукофоти — қиймат баҳодир.

200 *(Нинанинг қўлини ўпади, ногаҳон бир қўлида  
билагузукни кўрмайди, тўхтаб қолади, ранги ўчади.)*

Н и н а

Рангинг оқариб кетди, титрайсан... о, худойим

А р б е н н и *(ўрнидан сакраб туради)*

Мен? Ҳечқиси йўқ! Қани иккинчи билагузук?

Н и н а

Йўқолган.

А р б е н н и

А! Йўқолган.

210

Н и н а

Нима бўлибди, жоним?

Бу бир фалокат эмас, қиймат бўлсайди тузук...  
У йигирма беш сўмдан ортиқ турмаса керак.

А р б е н н и *(ўз-ўзича)*

Йўқолган... Нега бу ҳол эсанкиратди мени,  
Зимдан сўзлайди менга қандайдир шубҳа-гумон!

Наҳотки, у фақат бир туш бўлса-ю, буниси  
Менга десаки: уйғон!

220

Н и н а

Тўғриси айтсам, сенга тушунолмайдиман.

Арбенин

(Қўлларини чалиштириб, қаттиқ тикилади)  
Билагузук йўқолган?

• Нина (ранжиб)

Йўқ, мен сизни алдайман!

Арбенин (ўз-ўзича)

Ўхшашлик-чи — ўхшашлик!

Нина

230 Туширдим — тўғри гап шу  
Мен уни каретада — қидирсинлар, буюринг;  
Албатта, мен тақмаган бўлардим агарда шу  
Ҳодисани ўйлаган бўлсайдим бурун...

Тўртинчи чиқиш

Аввалгилар ҳам хизматкор.

Арбенин (чақиради, хизматкор киради)  
(Хизматкорга)

Билагузук йўқолган... сен дарров каретани  
Ағдариш-тўнтариш қил... тополмай қайтсанг сени  
Шўрингни қайнатаман!..

240 (Нинага.)

Меним номусим, бахтим  
Устида сўз боради — билиб қўй буни

(Хизматкор кетади.)

(Паузадан кейин, Нинага.)

Агарда каретада топмаса уни?

Нина

Демак, у ҳолда бошқа жойда йўқолган балким.

Арбенин

Бошқа жойда? Қаерда — биласанми?

250

Нина

Илк марта

Шундай хасис ва шундай қаҳрли кўринасиз;  
Сизни тездан тинчитиш учун худди эртага  
Буюртаман ўшандай яп-янгисин шубҳасиз.

Хизматкор киради.

Арбенин

Хўш, нима? Тез жавоб бер...

Хизматкор

Бутун каретани роса титдим-да...

260

Арбенин

У ерда тополмадинг!

Хизматкор

Топилмади-я.

Арбенин

Билардим буни... жўнайвер...

*(Нинага маънодор қарайди.)*

Хизматкор

Маскарада йўқолган чиқар, албатта.

Арбенин

270

А! Маскарада! Сиз ҳам бўлдингиз маскарада?

Бешинчи чиқиш

Аввалгилар, хизматкорлардан бошқа бири.

Арбенин *(хизматкорга)*

Жўна!

*(Нинага.)*

Бири мансаб, орденлар ёки шуҳрат қозонар,

Бири улфатчиликка, ҳангомаларга учар,

Бири саёҳат қилар, бири завқёб қимордан...

Кездим, қимор ўйнадим, бебош эдим чалишдим,

Дўстлар орттирдим, тортдим ишқнинг макрини ёрдан,

Мансабпараст бўлмадим, шуҳрат билан олишдим.

Бой ҳам бўлсам, йўқсул ҳам эзарди хафақонлик.

Қайга борсам у ерда кўрдим фақат ёмонлик,

Фурурим зўр, ҳеч ерда унга эгдадим гардан,

Ҳаётдан менга қолган бутун бойлик ёлғиз сан:

Ожиз ниҳол бўлсанг-да, гўзалсан фариштадан:

Ишқинг ва табассуминг, кўзинг, нафасинг бари

280

290 Мен инсонман, уларнинг бўлсам ёлғиз соҳиби.  
Улар бўлмаса, менда қолар на бахт, на юрак,  
На туйғулар қолади, на борлиқ ва на истак!  
Аммо алданган бўлсам... алдаган бўлсанг агар...  
Агар меним кўксимда бир илон шунча кунлар  
Исиниб ётган бўлса,— ишнинг ҳақиқатини  
Аниқ пайқасам агар... нозинг билан алданиб,  
Бошқа бири орқадан қолса ҳақорат отиб!

300 Нина, менга қулоқ сол... руҳим азалдан локин  
Қайноқдир нақ худди зўр лава сингари,  
Ёрилмас экан ҳали — у қаттиқдир тош каби...  
Лекин унинг тошқини билан дуч келмоқ ёмон!  
У вақтда афв кутмагил, кутмагил сира —  
Ўз кеким-чун қонуннинг тушунмайман гапига.  
Мен ўзим кўзёшисиз, ачинишсиз, бегумон,  
Узаман ҳаётимиз — кўз юмамиз иковлон.

*(Нинанинг қўлидан тутмоқчи бўлади, у четга сапчийди.)*

Н и н а

Яқин келма... О, мунча даҳшатлисан!

А р б е н и н

310 Даҳшатли? Йўқ, ҳазилинг, мен бўлганман масхара!  
Шундайми?  
Ҳа, кулинг, кулинг... нечун мақсадга етиб, яна  
Рангингизни ўчириб, қалтирайсиз? Қани у  
Қизгин хуштор, қаерда маскарад ўйинчиғи.  
Буни илгарироқ айтсангиз нима

Бўлур эди сиз учун — у ҳолда сизни олиб  
Борар эдим, қайтишда келардик биргалашиб,  
Бу иш шарафимизга лойиқ бўларди пича.  
Мен на қаттиқ терговим, на сохта назокатим

320 Билан сизга монелик қилмас эдим ҳеч қачон...  
Сиз ким билан бўлдингиз?

Н и н а

Сўрангиз одамлардан;  
Улар айтишар барин, ҳатто қўшиб чатишар.  
Улар тушунтиришар барчасини бирма-бир;  
У ерда кимлар бўлди ва сўзлашдим ким билан,  
Мен кимга эсдалик деб билагузук берибман.  
Маскарадга ўзингиз бормасангиз-да, ахир,  
Юз мартаба яхшироқ билажаксиз — қолмас сир.

(Кулади.)

330 Худо ҳақи — кулгили, жуда кулгили!  
Арзимаган нарсага жанжал ва сурон —  
Уят эмасми, гуноҳ эмасмикин бу.

Арбенин

Ишқилиб, сўнгги кулги бўлмасайди бу ханданг!..

Нина

О, агар талвасангиз давом этаркан яна,  
Бу нарса сўнгги кулги бўлмас, албатта.

Арбенин

Эҳтимол, ким билади..

340 Қулоқ сол, Нина! Сени шундай поёнсиз, қизгин  
Ва инсонга хос севги қучи билан ёниб, чин  
Севаман — бу, албатта, мени кулги қилади.  
Ажабланарликми бу? Ўзгаларнинг дунёда  
Миллионлаб мақсадлари, умидлари бор экан,  
Бир кўпларининг эса бойликлари зиёда,  
Баъзилар илму фанга шўнғиб кетган тамоман.  
Қани; марҳамат қилиб, буёққа келсин.  
Жаҳаннам азобини тоттирдингиз бир йўли —  
Ёлғиз у етишмасдан турибди лекин.

350 Нина

Ҳа, ҳа, шундай экан-да, ундаги гумон!  
Биргина билагузук сабабли шунча ғавғо;  
Ишонингки, сизнинг бу ҳаракатингиз ёмон,  
Бунга менгина эмас, кулади бутун дунё.

Арбенин

Ҳа! Кулинг, масхараланг, ер юзи аҳмоқлари,  
Беғам, беташвиш лекин аянчли эрлар, мен ҳам  
Бир вақтлар алдар эдим сизни дамба-дам,  
Ҳолбуки яшайсизлар, авлиёлар сингари,

360 Жаннатда.. ҳайҳот! Лекин меним жаннатим, инон  
Ҳам кўк, ҳам ер жаннатим эдинг, алвидо!  
Хайр, ҳаммаси аён.

(Нинага.)

Кет, йўқол, йиртқич ҳайвон!  
Мен аҳмоқ ўйладимки, қайгудан таъсирланар,

Меним қаршимда дарҳол сирларни бир-бир очар,  
Тавба қилар... яна тиз чўкиб бўлар пушаймон?  
Тўғри, мен юмшар эдим кўрсам агар.  
Бир қатра... бир қатра кўз ёши... йўқ! Кулги бўлди  
жавоби.

370

Н и н а

Билмайман, ким қасд этди менга бўҳтон этмоққа,  
Мен афв этаман сизни, қалбимнинг йўқ гуноҳи;  
Ачинаман, мен ожиз гарчи сизга ёрдамдан,  
Сизни юпатиш учун ёлгон сўзлай олмайман.

А р б е н н и

О, сўзлама... мен сендан ўтишаман... бас, етар...

Н и н а

380 Лекин қулоқ сол менга... мен гуноҳсиз, соф  
Майли мени жазолар тангри — тингла...

А р б е н н и

Бу жавоб

Қандай бўлишлигини мен ёддан ҳам биламан.

Н и н а

Пичинг-ла —

Кинояларни тинглаш оғир... Севаман  
Сени, Евгений.

А р б е н н и

390 Хўп, тап бермасдан бўлмас,  
Эътирофнинг вақти-я...

Н и н а

Сен тингла, ёлвораман;  
О, тангрим, ахир ўзинг нима истайсан?

А р б е н н и

Қасос!

Н и н а

Кимдан қасос олмоқчи бўлдинг?

А р б е н н и

400

О, келар фурсат.  
Тўғриси, менга у чоқ ҳайрон қоласиз.



Н и н а

Менданми қасос... ахир нечун имирсилайсан?

А р б е н и н

Қаҳрамонлик сизга ярашмас фақат.

Н и н а (*жирканиш билан*)

Ахир, кимга?

А р б е н и н

Сиз ким-чун ташвиш тортасиз?

Н и н а

410 Яна кўпми кўраман шундай дақиқаларни?  
О, бас қил, сен ўзингнинг бу рашкчилигинг билан  
Мени ўлдиражаксан... мен ўтинчни билмайман,  
Сен ўжар, инодчисан... аммо шунда ҳам албат  
Мен сени кечираман.

А р б е н и н

Беҳуда гайрат!

Н и н а

Бироқ тангри мавжуд... у кечмас.

А р б е н и н

420 Ачинаман!

Нина йиғлаб чиқиб кетади.

(*Арбенин ёлғиз.*)

Аёл деган мана шу! Сизнинг ҳаммангизни ҳам  
Барча ноз-итобингиз биланман кўпдан буён,  
Ожиз бир идрок менинг бўлмиш экан насибам,  
Олган сабоқлар учун ҳақ тўлайман каттакон!  
Ўйлаб қарасанг, меним нимами севиш мумкин?—  
Важоҳатим, товушим серзарда бўлган учун!..

(*Хотинининг эшигига келиб қулоқ солади.*)

430 У нима қилаётир: кулмоқдадир, эҳтимол!  
Йўқ, йиғлайди. (*Кета туриб.*) Афсуски,  
кечикди йиғи — малол!..

ИККИНЧИ ПАРДА  
БИРИНЧИ САХНА

Баронесса чарчоқ ҳолда креслода ўтиради.  
Китобни ташлайди.

Баронесса

10 Уйлаб қара: яшашнинг маъноси борми? Ҳар чоқ  
Бошқаларнинг хулқига яхши кўриниш, кейин  
Ҳамиша қул бўлиш-чун! Жорж Зандга берайлик ҳақ!  
Бу кунги аёл нима? Эрксиз махлуқ, а нечун  
Орзу-ҳавас, ҳирсларнинг фақат бир ўйинчиғи!  
Қибор ҳукмига тобе ва шунда ҳимоясиз,  
Ҳисларнинг ёлқинини яшириш ёки уни

20 Кўркам гуллаган пайтда бўғиш керакдир ожиз.  
Аёл нима? Уни ёш чоғидан назр каби  
Четга чиқарадилар манфаат — фойда учун,  
Айблашади ўзига бино қўйган деб,  
Ўзгаларни севмакка йўл беришмайди бутун.  
Унинг кўксига баъзан эҳтирос тошар-қайнар,  
Қўрқувни ва идрокни, фикрларни қувади.

Қибор ҳокимиятин унутиб бири агар  
Орзуларнинг ниқобин тушириб, майли сари  
Берилмак истар экан бутун юраги билан —  
У вақт — алвидо бахтга, оромга — кеч баридан!  
Қиборлар бор... уларда сир билиш одат эмас!  
Афтга — либосга қараб, виждон, айбини ўлчар,  
Ташқи назокатларни хўрлашга у чидамас  
Ва энг қаттиқ жазолар!..

(Уқимоқ истади.)

30 Йўқ, мен ўқий олмайман... бутун шу мулоҳаза,  
Андишалар мени зўр тўлқинлатди — қўрқаман.  
Ундан бир душман каби... бўлиб ўтган воқеа  
Эсга тушса, ўзимга ҳайрон қоламан.

Нина киради.

Иккинчи чиқиш

Нина

Ченада сайр этаркан, ҳузурингга  
Қирсам деган фикр келди, mon amour<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Дилбарим (франц.).

Баронесса

40 C'est une idée charmante, vous en avez toujours<sup>2</sup>.

(Ўтирадилар.)

Шамол ва қаттиқ совуқ бўлишига қарамай,  
Аввалгидан кўра тусинг бугун синиққан  
Ва кўзларинг қизарган — бу йиғидан бўлмагай?

Нина

Кечаси уйқум қочди — ҳам мен бугун хаста ҳол.

Баронесса

Докторинг яхши эмас — сен бошқа бир доктор ол.

Учинчи чиқиш

50 Князь Звёздич киради.

Баронесса (совуққина)

Аҳ, князь!

Князь

Бизнинг дала сайлимиз бузилган — бу тўғрида мен  
Кеча бўлган эдим хабардор.

Баронесса

Князь, ўтиришинг сўрайман.

Князь

60 Бу сизни, қайгуртирар  
Деб ҳозир баҳслашгандим, таъсир қилмабди бир оз.

Баронесса

Тўғри, афсусланаман.

Князь

А мен хурсандман беҳад,  
Йигирма боғ сайлидан яхшидир бир маскарад.

Нина

Маскарадада иштирок қилдингизми сиз кеча?

---

<sup>2</sup> Ҳамма вақт сизнинг фикрингиз гўзал бўлади (франц.).

Князь

70

Бўлдим.

Баронесса

Қандай кийимда?

Нина

У ерда кўп эди...

Князь

Ҳа, мен ниқоб орқали

У ерда хонимлардан танидим анчасини.

Албатта, ясенишга сизлар ҳар вақт ҳаваскор.

(Кулади.)

80

Баронесса (қизғин ҳолда)

Князь, сизга билдириб қўйишим керак экан —  
Бу бўхтоннинг ҳеч қандай жойи йўқ куладиган.

Ўз қадрини билган хотин у ерга қандай борар,

Маълумки, унда бўлур ҳар хил қурама авом,

Шилқимлар ундагина қутирар тамом

Таниш хавфи ҳам бор,— сизга уялмак даркор,

Бунга ўхшаш сўзлардан воз кечмак керак.

Князь

Сўздан қайтолмасам-да, лекин мумкин уялмак.

90

Чиновник киради.

Тўртинчи чиқиш

Аввалгилар ҳам чиновник.

Баронесса

Қаердан келасиз?

Чиновник

Чиқдим ҳозир мен идорадан,

Ишингиз тўғрисида сўзлашай деб келаман.

Баронесса

Ҳал қилдингизми уни?

100

Чиновник

Йўқ, аммо тез! Балки мен халақит бердим...

52

Баронесса

Ҳеч бир...

(Дераза томонга бориб гаплашади)

Князь (четга)

Арзи ҳол пайти етган!

(Нинага.)

Мен бугун кўрган эдим сизни бир магазинда.

Нина

110 Қайсинда?

Князь

Инглизда.

Нина

Кўп бўлди?

Князь

Ҳозиргина.

Нина

Шуниси таажжубки, сизни унда танимапман.

Князь

120 Банд эдингиз...

Нина

Билагузук танлаш билан эдим банд.

(Редикюлдан билагузук чиқаради.)

Мана бунга мос қилиб...

Князь

Чиройлик билагузук.

Бунинг бошқаси қани?

Нина

Иўқолган!

Князь

130

Чинданми-а?

Н и н а

Хўш, нима қизиғи бор?

К н я з ь

Яширмайсизми,

Қачон?

Н и н а

Уч кун бўлди, йўқ, кеча, йўқ, ўтган ҳафтада.  
Қачон йўқолганлигин билиб нетасиз.

140

К н я з ь

Бир фикрим бор эди-да,  
Анчагина ғалати фикр эҳтимол,

(Чегга.)

Хижолат чекмакда у — қалтисроқ тушди савол!  
Уҳ, бу ойимчалар-ей!

(Нинага.)

Уз ёрдамимни дарҳол  
Сизга таклиф қилардим... балки топилиб қолар.

Н и н а

150 Марҳамат қилинг... Қайда?

К н я з ь

Қаерда йўқолган у?

Н и н а

Эсимда йўқ.

К н я з ь

Биронта балдами?

Н и н а

Бўлиши мумкин.

К н я з ь

160 Ё совға қилингандир бировга эсдалик-чун?

Н и н а

Қаердан чиқардингиз сиз бундай хулосани?  
Уни мен кимга ҳам қилардим совға?

Эримгамасми?

54

Князь

Гўё фақат эр бор дунёда —  
Сизда рафиқалар кўп, бу равшандир кун каби  
Майли йўқолган бўлсин,—  
Топган кишига лекин  
Сиздан бўлурми бирон мукофотнинг ваъдаси?

170

Нина (табассум қилиб)

Ҳар хил бўлур мукофот.

Князь

Сизни у киши агар,  
Севса ва сизни кўриб: мана йўқолган, дилбар,  
Топилди деса — сизнинг табассумингиз учун,  
Сўзингиз-чун дунёни аямас эса бутун!

Қачондир сиз ўзингиз бўлгуси бахт-саодат  
Ҳақида унга қилган бўлсангиз бир ишорат!  
Агарда ниқоб кийиб, ўзни танитмай ёлғиз

180

Муҳаббат сўзлари-ла эркалаган бўлсангиз...  
Оҳ! Бир тушунсангиз-чи.

Нина

Мен бу сўзлардан фақат  
Шунн англадимки, сиз унутгансиз хижолат...  
Ҳозирда сиздан қаттиқ илтимос: бундан буён  
Мен билан сўзлашмангиз ҳеч ерда ва ҳеч қачон.

Князь

О, тангрим? Хаёлларим... ачкиқлансангиз наҳот?

(Ўз ичида)

190

Бўйин товладинг — яхши... фурсат келар, у замон  
Етарман мақсадимга...

Нина Баронесса ёнига боради.

Чиновник таъзим қилиб чиқиб кетади.

Нина

Adieu, ma chère<sup>1</sup> то эртагача хайр.

Баронесса

Ҳа, бир оз тур, топ ange<sup>2</sup> бир-икки оғизгина.  
Сўзлаша билмадик ҳам

<sup>1</sup> Хайр, азизим (франц.).

<sup>2</sup> Фариштам (франц.).

Упишадилар.

200

Нина (кетаркан)

Мен эрта эрталабдан кутаман сени ахир.

(Кетади.)

Баронесса

Менга бир кун ҳафтадан асло кўринмайди кам.

Бешинчи чиқиш

Аввалгилар. Нина ва Чиновникдан бошқа.

Князь (четга)

Сендан қасдим оламан! Отинчани қара-я!

Ё мен аҳмоқман ёки у воз кечар.

210

Мен лекин танидим билагузукни.

Баронесса

Князь, чўмдингиз ўйга?

Князь

Ҳа, кўп нарсани яхши ўйлашга тўғри келар.

Баронесса

Суҳбатларингиз қизгин бўлди шекилли,  
Айтинг, нима тўғрида баҳслар қилинди?

Князь

Унга дедимки, сизга дуч келдим маскарада?

220

Баронесса

Кимга?

Князь

Унга.

Баронесса

Нинага?

Князь

Ҳа!..

Этдим унга исбот.

56



230

Баронесса  
Уялмай сира,  
Одамларнинг кўзида қилаверасиз гийбат.

Князь

Тентакликдан баъзи вақт қиламан бунга журъат.

Баронесса

Жилла бўлмаса, ўзи йўқда аямоқ керак!  
Сизда ҳеч қандай далил йўқ экан яна.

Князь

Йўқ... Менга билагузук берилди худди кеча!  
Нинадаги ҳам худди шунинг ўзидак.

240

Баронесса

Ана исбот... Мантиқий жавобга қара!  
Ҳар бир магазинда ҳам бор худди шундайлари!

Князь

Ҳамма магазинларни мен кезиб чиқдим бугун,  
Шундайи фақат бир жуфт экан — инондим бутун.  
Сукутдан сўнг.

Баронесса

Эртагаёқ Нинага кенгаш бергум фойдали!  
Маҳмаданаларга ҳеч ишонма дейман.

250

Князь

Менга қанақа кенгаш?

Баронесса

А сизгами?

Бошлаган ишни дадил давом эттириш зарур.  
Ҳам хонимлар номусин лозим кўпроқ қадрлаш.

Князь

Шу икки кенгаш учун икки қатла ташаккур.

Кетади.

Баронесса

Шундай енгил бир эрмак бўлур аёл номуси?  
 Унга ростини айтсам, қолар эдим балога!  
 Хайр, князь хатодан сизни тиювчи  
 Мен эмасман: эвоҳ, йўқ, ёлвораман худога.  
 Менга шу нарса қизиқ — Нинанинг билагузугин  
 Мен қандай топа қолдим — демак у ерда Нина  
 Бўлган экан-да.— Мана муаммо энди ойдин...  
 Мен севаман князни билмасам-да сабабин,  
 Балки анчайин зерикнш, дилгирлик, рашкдангина...  
 270 Сабабини билмайман... Қайғураман, ёнаман  
 Ва на бирон нарсада дилга ором топаман!  
 Қулоғимга киргандай оломоннинг кулиши  
 Ачинишлар билдирган заҳарли ивир-шивир!  
 Йўқ, бу шармандаликдан номусим тўкилиши  
 Керак — жаддимга қолсин бошқа аёл, бари бир;—  
 Майли виждон азоби билан юрак қийналсин,  
 Лекин бу гуноҳимни бошқа бир одам олсин!..

(Ўйлаб қолади.)

280 Ўҳў-ҳў, қанча даҳшатли ишлар саф тортиб ўтар.

Еттинчи чиқиш

Баронесса ҳам Шприх.

Шприх киради ва эгилб салом беради.

Баронесса

Аҳ, Шприх ҳамиша сен вақтида тайёр.

Шприх.

Раҳм этасиз — мен сизга фойдали бўлсам агар,  
 Ўзимни бахтиёр деб ҳисоблаб эдим гоят,  
 Сизнинг марҳум эрингиз...

Баронесса

290

Сен ҳар вақт шундай дилбар?

Шприх

Тангри ярлақагур барон.

Баронесса

Эсимда бор, бегалат,  
 Бундан беш йил илгари.

Ш п р и х  
Неча минг қарз...

Б а р о н е с с а  
Биламан, бугун сенга тўлайман беш йиллик фоиз...

300

Ш п р и х  
Ақчага эҳтиёж сезмайман ҳаргиз.  
Раҳм этасиз, анчайин, эсладим тасодифан.

Б а р о н е с с а  
Айт, қандай янгилик бор?

Ш п р и х  
Бир графдан бемиқдор  
Гап эшитдим — у ердан мен чиқдим ҳозиргина  
Киборларда воқеанинг сон-саногини йўқ сира.

310

Б а р о н е с с а  
Эшитмадинг ҳеч нима?  
Князь Звёздич билан Арбенин ҳақида?

Ш п р и х (эсанкираб қолиб)  
Йўқ... эшитдим... эшитмасдан, албатта, илож  
борми...  
Бу ҳақда сўзлаб, сукут этди киборлар бари...

(Четга.)  
Шўрим қурсин, эсда йўқ, аҳволим жуда чатоқ!

320

Б а р о н е с с а  
О, воқеа тарқалган бўлса ҳаммага шу чоқ,  
Утибди иш ҳаддидан.

Ш п р и х  
Лекин сиз бу тўғрида нима ўйлайсиз дея —  
Сизга югурдим зотан.

Б а р о н е с с а  
Уларни қоралабди кибор олами;  
Мен уларга маслаҳат берар эдим — мисоли,  
Князга шундай дердим; аёл севар ҳар замон  
Эркакдаги инодни,

330 Аёл истарки, эркак минглаб говларни яксон —  
Қилиб, интилсин ёлғиз ўз маҳбубаси сари.  
А мен Нинадан эса тилардимки, бирмунча  
Ташлаб димоғдорликни, камтар бўлса ярашур!  
Хайр, жаноб Шприх, сизлар зерикмагунча  
Ўтирардим-ку, аммо синглим кутиб қолади.  
(Кетатуриб, четга.)

Энди мен қутулибман -- бу менга яхши сабоқ.

Саккизинчи чиқиш

Шприх (ёлғиз)

340 Хотиржам бўлинг: маълум киноангиз, мен бироқ  
Буни такрор эшитиш учун кутмайман сира!  
Ақл, зеҳн, фаросат қандай тез ишлайди-я!  
Бу ерда фитна бор... ҳа, чигалга аралашади,—  
Князь мендан, албатта, миннатдор бўлар талай.  
Мен унинг агентлари қаторига кираман.  
Учиб келаман рапорт билан бу ерга кейин.  
Ҳийла қурса у вақтда беш йилнинг процентин  
Мен қўлчамга иламан.

Иккинчи саҳна

Бирийчи чиқиш

350

Арбенин кабинетини.

Арбенин ёлғиз, кейин хизматкор киради.

Арбенин

Бари рашкдан, бу равшан, лекин йўқ далил-исбот!  
Мен хатодан қўрқаман — леқин қолмади тоқат,—  
Қўл силтамак, бир зумлик талваса деб буни бот  
Унутай? Бундай ҳаёт қабрдан ҳам зўр даҳшат!  
Қўрганман, руҳи совиған, ғайратсиз одамлар бор,  
Улар бахтли ва хуррам, тинч ухлашар бўронда —  
Бу ҳаёт суққа арзир!

350

Хизматкор (киради)

Биров кутар тубанда.

Бекага хат келтирмиш княгинядан.

Арбенин

А қайсисидан?

Хизматкор

Билолмадим.

Арбенин

Хат? Нинага! Туравер!

*(Кетади; хизматкор қолади.)*

Иккинчи чиқиш

Афанасий Павлович Казарин билан хизматкор

Хизматкор

Барин чиқиб кетдилар, нақ ҳозир,  
Жаноб бирдам шунда турсалар...

Казарин

Яхши.

Хизматкор

Мен ҳозир билдираман.

*(Чиқиб кетади.)*

Казарин

Мен бу ерда кутаман, майли бир йил бўлсам.  
Мосё Арбенин, уни охиргача кутаман.

Ишларим жуда расво, шундай мен аламзада!

Менга жудаям моҳир ўртоқ керак шу дамда.

Чакки бўлмасди, бунинг устига агар

Ҳамиша олижаноб ва жўмард бўлса кейин

Уч минг деҳқон соҳиби бўлса асилзодалар

Ичида ҳомийларга эга бўлса соз тағин.

Арбенинни қиморга мен жалб этмагим керак;

У эски замонларга содиқ қолади бешак,

Уз дўстини ҳимоя қилишни билади у,

Тирмизаклар олдида сезмайди қўрқув.

Ҳозирги ёш-яланглар!

Мени пичоқдек ганглар!

Истаганингча уқтир,

На бошлашни, на чоғи келса тўхташни билмас,

Номус, виждон деганин у писанд қилмас,

Олижаноблик билан ўйнашга тоби йўқдир!

Сиз бир назар солингки, кексалардан анчаси

370

380

390

400 Қимор билан эрийшди мансабларга қанчаси  
Бу разолатда бутун  
Зодагонлар-ла тезда ўпишди оғиз-бурун,  
Бунинг сабаби қайда?— Улар ҳар бир бобнинг ҳам  
Ўз қонун ва расмини роса бажара олган.  
Қоидадан чиқмаган... қара-чи бир дам  
Шараф, миллионлаб ақча уларга ўта қолган!

Учинчи чиқиш  
Казарин ҳам Шприх.  
Шприх киради.

410 Шприх  
Аҳ! Афанасий Павлович,— мана бу мўъжиза  
Аҳ, хурсандман эсда йўқди дуч келишимиз.

Казарин  
Мен ҳам шундай. Кўргали келдингми?

Шприх  
Ҳа, ҳа. А сиз?  
Казарин

Мен ҳам шундай.  
Шприх

420 Чинданми? Ёмон бўлмади бизга,  
Бу ерда қамти келмак,— менга сиз билан бир иш —  
Тўғрисида сўзлашув керак эди — мен хурсанд.

Казарин  
Сен ҳар вақт кўп ишлар билан бўлар эдинг банд,  
Бир иш билан илк дафъа.

Шприх  
Осон аския сотиш,  
Чиндан, зарур иш.

430 Казарин  
Истар эдим сен билан гаплашмакни мен ғоят.

Шприх  
Хўп, бўпти, биз эплеймиз иккимиз баҳамжиҳат.

## Қазарин

Билмайман... қани, гапир!

## Шприх

Ёлғиз сўрайман шуни:  
Эшитдингизми сира, сизнинг қадрдонингиз  
Арбенин...

*(Бармоқларини бошига шох қилиб кўрсатади.)*

440

## Қазарин

Нима дейсан?.. Мумкин эмас, сен буни  
Биласанми аниқ, чин...

## Шприх

Яратган эгам!

Мен ўзим бош-қош бўлдим — беш минут олдин ахир.  
Мен билмасдан ким билсин?

## Қазарин

Шайтон ҳар ерда ҳозир..

## Шприх

450

Воқеа бундай: унинг хотини шу орада,  
Эсимда йўқ, балдами ёки ибодатхонада,  
Еки бир маскарадда битта князча билан  
Учрашган — князга у кўринибди кўп илиқ.  
Ҳаш-паш дегунча князь бахтга етган, севилган.

Лекин унинг қошида танноз бирдан тийилган,  
Аввалгидан озгина кўрсатган совуқ қилиқ.  
Князнинг феъли айнаб, югурган ҳамма ёққа  
Гап тарқатган — зўр бало бошга тушгуси паққа!

460

Бости-бости қилишни мендан кўплар сўрашди...  
Мен ҳам белни боғладим — бир зумда иш жўнашди:  
Князь сирни сақлашга сўз берди... ёзди кейин  
Бир хат, бу қулбаччангиз уни бир оз тузатди,  
Ўз ерига ўшал он келтирди-да, узатди.

## Қазарин

Ҳазир бўл, эри тагин қулоғингни узмасин.

## Шприх

Бундай ишларни энди кўраяпманми, лекин  
Дуэлсиз кечди бари...

К а з а р и н

470 Шапалоқ ҳам емадинг?

Ш п р и х

Сиз ҳар вақт ҳазил, кулги...  
Ҳамиша айтаманки, умрни беҳудага  
Хавфга отиш ярамас жуда.

К а з а р и н

Бу тўғри гап-ку!  
Ҳамма учун бебаҳо шундай умрни ногоҳ  
Бефойда нобуд қилиш, албатта, катта гуноҳ.

Ш п р и х

480 Бунн йиғиштирайлик — муҳим нарса устида  
Сиз билан гаплашайин.

К а з а р и н

Хўш, у нима?

Ш п р и х

Анекдот!

Иш мановдан иборат.

К а з а р и н

Ҳа, ишларинг қурсин-а,  
Арбенин келаётир шекилли, тугат.

490

Ш п р и х

Ҳеч ким йўқ — менга граф Врутидан яқинда  
Бешта зотлик кучукни олиб келишган эди.

К а з а р и н

Худо ҳақи, сенинг бу анекдотинг жойида!

Ш п р и х

Ўзлари яхши овчи, сотиб олсалар олтин-да.

К а з а р и н

Шундай қилиб, Арбенин — аҳмоқ бўлиб...

Ш п р и х

500 Тинглангиз.



К а з а р и н

Расво бўпти, дечи,  
Алданди ва масхара бўлди эл орасида!  
Бундан сўнг, уйлана кўр.

Ш п р и х

Тақсирим хурсанд бўлар эди бу хазинадан.

К а з а р и н

Уйланишда бахт, вафо ҳаммаси бир сафсата!  
Ҳай, сен уйланма, Шприх!

510

Ш п р и х

Ҳа, кўпдан уйланганман...  
Тингланг энг соз хазина шугина экан.

К а з а р и н

Хотинми?

Ш п р и х

Кучук.

К а з а р и н

Кучук — оғзидан тушмайди асти!  
Менинг қадрдон дўстим, сўзга қулоқ сол.  
520 Хотинингни сақлашинг унчалик маълум эмас,  
А, итларни қўлдан тез чиқаришинг кўп маҳол.  
Арбенин хатни кўтариб киради, улар ёзув столидан чапда тур-  
ганлари учун Арбенин уларни кўрмайди.

Қўлда хати ва ўйчан: билмак қизиқ шу нафас.

Т ў р т и н ч и ч и қ и ш

Аввалгилар ва Арбенин

А р б е н и н (*уларни пайқамай*)

О, миннатдорлик! Унинг кимлигини билмайин  
Номус ва истиқболин ўзим яқиндагина  
530 Қутқармаган эдимми, эй илон! Ҳай, нодида!  
Энг баттарин пасткашлик! У ўйин билан секин  
Менинг хонадонимга ташланар ўғри каби,  
Номусимни топтайди, расво қилади мени!  
Ўтмишдаги кўп аччиқ тажрибани унутиб,

Кўзларимга инонмай, қолдим саросимада.  
Инсонни танимаган бир гўдак каби аста  
Гумон қилмабман ундай жиноятни ҳеч замон.  
540 Ҳўйлагандим: ҳамма айб Нинададир... бу хотин  
Ким — у билмас... ўзининг тундаги можаросин,  
Ажойиб ва ғалати тушдек унутар ҳамон!  
Йўқ, у ҳеч унутмапти, қидирган ва топган у.  
Ва шунда ҳам ўзини тия олмаган...  
Ана миннатдорчилик! Мен дунёда кўп шов-шув  
Кўрган эдим, лекин танг қолмоқдаман янадан.

*(Хатни яна қайта ўқий бошлади.)*

«Мен сизни топдим, аммо эътироф этишни яқбор  
Хоҳламадингиз». Жуда ўта кетган камтарлик.  
550 «Ҳақлисиз... овозадан даҳшатлироқ нима бор?  
Тасодифан эшитиб қолишлари хатарлик.  
Нур ёнган кўзларингиз маъноси менга аён  
Нафрат эмас, бир қўрқув ўқигандим у замон.  
Сиз сирни ёқтирасиз — бу иш сир бўлиб қолар!  
Сиздан кечишдан кўра, ўлимимга розиман».

### Ш п р и х

Хат! Ҳа ўша — ҳамма иш тамом бўлди дафъатан.

### А р б е н и н

Ўҳ-ҳў! Уста бузуқи — сенга чинакам  
560 Қонли жавоб юборсам деган истак бор!

*(Казаринга.)*

А, сен шу ердамисан?

### К а з а р и н

Бир соатдир кутаман.

### Ш п р и х *(четга)*

Баронессага борай, кўра берсин ишини,  
Истаганча ялиниб-ёлворишини.

*(Эшикка яқинлашади.)*

### Б е ш и н ч и ч и қ и ш

570 Шприхдан ташқари аввалгилар.  
Шприх сездирмасдан чиқиб кетади.

К а з а р и н

Биз Шприх билан эдик... Шприх қайда?  
Йўқолибди.

(Чегга.)

Хат бор-а! Ҳамма гап энди аён!

(Унга.)

Сен фикрга ботибсан...

А р б е н и н

580 Толдим фикрга бир он.

К а з а р и н

Дунё умиди, завқи сохталиги ҳақида.

А р б е н и н

Тахминан! Миннатдорлик нимада...

К а з а р и н

Ҳа, мана шу

Тўғри-да — турли-туман қарашлар бордир,  
Бироқ, ҳар ким нима демасин, лекин ушбу  
Масала муҳокама этишга сазовордир.

590 А р б е н и н

Сен қандай фикрдасан?

К а з а р и н

Мен ўйлайманки, дўстим,  
Миннатдорлик — хизматнинг баҳосига жуда зич

Боғлиқ бир нарсадирким,  
Яхшилик кўп вақт бизнинг ихтиёрда эмас ҳеч!

Мана, масалан, менга Слукин кеча  
Беш минг сўмга яқин пул ютқазди яна,

600 Худо ҳақи, мен ундан жуда миннатдор,  
Яна сен қандай дегин: ичсам, есам, ухласам —  
Ҳар вақт ўйлайман уни.

А р б е н и н

Қазарин, ҳазил бекор.

## К а з а р и н

Мен сени кўп севаман, қулоқ сол бу дам,  
Сенга айтадиган гапим бор жиддий;  
Раҳм эт, қардош, ташлагин дўқингни ва зардангни;

610

Кўз олдинга шундайин тўкиб соламан  
Мен дунё ҳикматининг сирларини тамоман.  
Миннатдорлик ҳақида фикрларимни агар  
Эшитмакни истасанг... айтай, сабр эт, биродар.  
Бу тўғрида Вольтер ё Декарт ҳарна деса-да,  
Бу дунё меним учун фақат бир тўплам қарта,  
Ҳаёт — банка, қисмат-тақдир сузар, мен ўйнайман,  
Қимор қондаларини инсонларга қўллайман.

Мен бу қондаларни изоҳ этгали мана  
Сенга битта мисолни кўрсатиб ўтай.

620

Мен тузга бир минг сўмни қўйибман бир варакай:  
Ички сезгимга қараб,— иримчиман қартада!  
Фараз қилайлик, ҳийласиз ва ёлғиз тасодифан  
У ютиб олди — жуда хурсанд бўламан;  
Аммо тузга ҳеч маҳал билдирмайман ташаккур.  
Ғиқ этмасдан ютуқни ёнга солавер!

Сўнг чарчагунча, пулни ортиқ тикканим тиккан;  
Кейин ясайман якун,

Мижигланган қартани отаман бутун!

Энди — лекин азизим, мени тингламайсан-ку?

А р б е н и н (*ўйга ботиб*)

630

Ҳар ерда ёмонлик, ҳар ерда ёлғон,  
Шу кунларда тош каби серрайиб, бежон  
Тинглайман мазаллатни — қандай расво ишдир бу!

К а з а р и н (*четга*)

Ўйга толди.

(*Унга.*)

640

Бошқа бир муаммога энди биз  
Кўчамиз-да, уни ҳам яхшилаб текшираимиз.  
Лекин адашмаслик-чун кўражакмиз оҳиста,  
Фараз қилайлик, масалан, қиморга ёки бузуқ  
Ишларга бош суқишни орзу қилибсан яна,  
Шу пайтда бир рафиқинг келади сенга ёвуқ,  
Ва дейди: «Эй биродар, огоҳ бўл лаҳза».  
Яна бирор шунингдек ҳикматли кўп маслаҳат,  
Бир чақага арзимас, ҳаммасининг қиймати,

Тасодифан, анчайин тинглайсан уни фақат,—

650 Сўнг узун умр тилаб, тайёрсан хўшлашгали;  
У сени ичкиликдан қайтарган бўлса агар,  
Дарров сен уни шунда, ичириб маст-алас қил,  
Насиҳатлари учун қартада уни ютгил,  
Қимордан қутулса у... балга югур, биродар,  
Хотинига кўнгил қўй... сева олмасанг лекин,  
Эрдан ўч олиш учун йўлдан оздир хотинин.  
Ҳар иккала ҳолда ҳам, дўстим, сен томонда ҳақ,  
Берган сабоғи учун қайтарасен соз сабоқ.

А р б е н и н

Сен яхши ахлоқчисан!

(Четга.)

Бу гап ҳаммага маълум...

А, князь... сабоқ учун мен ҳалол жавоб бергум.

К а з а р и н (эътибор қилмасдан)

660 Изоҳ этишим қолди энг кейинги моддани.  
Сен аёлни сеvasан... унга этасен қурбон  
Номус, бойлик, дўстликни, жон ҳам унинг фидоси;  
Хушомадлар, ўйинлар кўрсатасан ҳар замон,  
Лекин қайси нарсага у ташаккур этади?

Эҳтиросинг қилдирган сенга буларнинг барин,—

Ўз иззат-нафсинг учун ва қисмат тағин  
Аёлни эгаллаш-чун бўлур бор-йўғинг қурбон,

670 Совғанг аёлнинг бахти учун эмас, бу аён.  
Мана буларни оғир бош билан ўйлаб қара,  
Тан берасан: шартлидир ҳарна бор бу дунёда.

А р б е н и н (паришонҳол)

Ҳа, ҳақлисан: хотин-чун на маъно бор севгида?

Ҳар куни унга керак янги зафарларгина.

Майли, йиғла ва ўртан, қийналиб, ялин-ёлвор,

Унга кулунчдир бундай ожизлик оҳу-воҳлар;

Ҳақлисан — ким аёлда ўзининг ер жаннатин

Кўрмакни хаёл этса — аҳмоқлигини билсин.

К а з а р и н

680 Уйланган ва бахтиёр бўлсанг-да аммо,  
Сен кўп тўғри ўйлайсан.

Арбенин

Тўғрими бу, ажабо?

Казарин

Шундай эмасми?

Арбенин

Эвоҳ!.. мана бахтиёр...

Казарин

Мен хурсанд...

Бироқ, уйланганинг-чун мен пича ачинаман!

690

Арбенин

А, нима бўпти?

Казарин

Анчайин... келади хотиримга

Утган замон... сен билан бирга иккимиз у чоқ

Айши-ишрат қилардик...

Иккаламиз ҳам эсли йигит бўлсак-да мутлоқ!

Хўб замонлар эди-да... тонгда ором ва лаззат,

Тунги завқбахш ишратдан хотира бениҳоят...

Сўнг тушки овқат, вино — Раулга шараф ва шон:

Гулдор қадаҳларда май кўпирар ва ярқирар,

Аскиялар тугамас, суҳбатда севинч, сурон,

Сўнг театр жўнаймиз — биз иккимиз бекадар

Саҳнанинг орқасидан гўзал раққосаларни,

Актрисаларни имлаб олиш манзаралари

Едимга туша қолса, юрак титрар нақадар...

Тўғрими, ўша замон,

Ҳар нарса яхшироқди, ҳар нарса арзон?

Мана, пьеса ҳам битди... ўқдай учиб борамиз

Бир дўст уйига... кирдик... қиморнинг қизғин чоғи.

Қарталарда олтинлар уюлганлар ҳисобсиз:

Бири оловдай ёнар... унинг ўртоғи

Қабрдаги ўликдан рангсиз, титрайди жағи...

Биз ўтирамиз... шунда жанг қизир интиҳосиз!

Юракни, руҳни қаттиқ қамраб олади

Эҳтирос, сезгиларнинг бўронлари дамба-дам.

Кўп вақт азамат фикр ёйиб ишга солади

Файратли, ёш ақлнинг мурувватини илдам...

Уқув — малака билан рақибни енгсанг агар,

710

70

720 Қул каби тиз чўкади қаршингда қисмат қадар —  
Наполеоннинг ўзи ҳам  
Сенга ожиз, бачкана кўринади бу сафар.

Арбенин терс бурилади.

### Арбенин

730 Ай! Сиз, жўшқин умидлар, беқарор, лекин ёлқин  
Билан тўла кунларим, сизни қайтаради ким!  
Нодоннинг бахт деганин қурбон қилай сиз учун,  
Керак эмас беғамлик — тинчлик истамас дилим.  
Эр, оила отаси бўлмак ишимми меним,

Меним ишимми, ахир? Ёмонлик ва қабоҳат  
Лаззатини кўп замон синабман бениҳоят,  
Улардан чўчидими, тиградим юрагим?  
Битсин ҳиммат-саховат: мен сени танайман,  
Сен ҳам алдадинг мени,  
Бир оз вақт иноқ бўлдик, энди узиб ташлайман —  
Хайр, хайр!

*(Стулга ўзини ташлайди ва юзини яширади)*

### Казарин

Ҳа, энди меникидир бу киши!

учинчи сахна

740 Князь уйда бир хона. Эшик иккинчи уйга очилган.  
Князь иккинчи уйда диванда ухлаб ётади.

Биринчи чиқиш

Иван, сўнгра Арбенин.  
Хизматкор соатга қарайди.

### Иван

Етти ҳам деярли туга ётипти,  
Уйғотишни буюрган эди худди саккизда.

750 Рус одатича ухлар, бунда муддат қочипти,  
Демак, боққолга чиқиб келсам бўлади тезда.  
Эшикка қулф солай... нотинч бўлмайди кўнгил.

Ҳа... эй... зинадан чиқиб келади биров,  
Ҳозир уйда йўқ, дейман... ва қутуламен дарров.

Арбенин киради.

### Арбенин

Князь уйда?

Хизматкор

Уйда йўқлар.

Арбенин

Ёлгон.

760

Хизматкор

Чиқди ул,

Беш минут бундан бурун.

Арбенин (*қулоқ солади*)

Ёлгон айтдинг! Шу ерда.

(*Кабинетни кўрсатади.*)

Ҳа, у ширин уйқуда: қара нафас олишин.

(*Четга.*)

Тезда жим бўлар лекин...

770

Хизматкор (*четга*)

У сезар ҳар нарсани...

(*Унга.*)

Уйғотишликни князь буюрмаган эди-ку.

Арбенин

Уйқуни севади у... кўп соз: тотиб кўрар у  
Абадий уйқуни ҳам.

(*Хизматкорга.*)

Сенга айтдим шекилли,

Уйқудан туришига қадар кутаман уни!

Хизматкор кетади.

780

Иккинчи чиқиш'

Арбенин (*ёлғиз*)

Қулай фурсат келипти! Ё ҳозир, ё ҳеч қачон!  
Машаққатсиз, қўрқувсиз, бажараман, бу даркор.  
Исбот қиламен, бизнинг бўғин аро лоақал  
Биргина юрак борки, ҳақоратга ҳеч маҳал  
Чидамас у! Мен эмас навкар — хизматкор.

Уларга бўйин эгиш фурсати кечди... ҳатто  
Мен уларнинг кўзида ҳайқириб, душманимни  
Курашга чақирсайдим, кулар эдилар, аммо

72



790 Энди кулмаслар! О, йўқ ундай эмасман... бекор  
Кўтармайман бошимда шармандаликни бир он.

*(Эшикни очади.)*

Уйқуда у! Сўнгги бор қандай туш кўрар беор?

*(Даҳшатли илжайиш билан.)*

Уйлайманки бир зарба билан беражакдир жон —  
Бошни тамом тушулар... тирқиллаб оқар қони...  
Булар бари табиатга бўлажак эзгу эҳсон!

*(Хонага киради.)*

*(Икки минут қадар туриб, қайтиб чиқади.)*

800 Йўқдир имкони!

Сукут.

Ҳа! Етмади бу ишга кучим ҳам, иродам ҳам!  
Мен айнабман, мен бутун ҳаётимда илк марта  
Титраб-қалтираб кетдим... Қачондан буён, эгам,  
Қўрқоқ бўлибман?.. Қўрқоқ... ким айтди бунини  
шартта,

Ўзим айтдим, ҳақиқат... уят бўлди... кўп уят,  
Югур, қизар, ўсал бўл, сен разил одам, замон  
Бошқалардек сени ҳам ерга қоқмиш беомон,  
Ўз-ўзинга мақтаниб юрган экансан фақат;

810 О! Афсус... чиндан афсус... сен-да урфоннинг  
Жабрида буклибсан... сенда қолмамиш мадор.  
Сен севишни билмадинг... Ўч олишга бўлиб зор...—  
Келдинг... келдинг-ку — лекин ботинолмадинг!

Сукут.

*(Ўтиради.)*

Жуда баландланиб кетибман, аммо  
Тўғрироқ бир йўлни излашим керак...  
820 Бошқа ўй, бошқа ният менинг бешифо  
Хаста сийнамга чуқур ўрнашмиш, демак,  
У яшайди... ўлдириш чиқди моладан.

Қотилларни майдонда жазолаб ўлдиришар —  
Майли! Урфонли халқнинг ичида туғилганман:  
Тил ва олтин... мана бу бизнинг ханжар ва заҳар!

*(Сийҳ олиб хат ёзади, шляпасини олади.)*

Учинчи чиқиш

Арбенин ва Баронесса.  
Эшикка қараб юради, тўр тутган бир хонимга дуч келади.

830

Тўр тутган хоним  
Аҳ!.. Хароб бўлди бари...

Арбенин

Бу нима?

Хоним (*типирчилаб*)

Қўйворинг мени.

Арбенин

Йўқ, бу сотқин ва олчоқ эзгуликлар учун хос  
Чинқириқ эмас сира.

(*Хонимга қатъий равишда*)

840

Чиқарманг овоз!

Оғиз очманг, бўлмаса мен шу нафасдагина...  
Қандай шубҳа ва гумон! Ёлғиз эканмиз ҳали,  
Кўтаринг тўрни юздан.

Хоним

Мен адашиб кирибман.

Арбенин

Ҳа, учрашдик тўсатдан,  
Адашганга ўхшайсиз, менимча, вақт жиҳатдан,  
Аммо маконни тўғри топгансиз.

850

Хоним

Худо ҳақи,  
Мен сизни танимайман, қўйиб юборинг мени.

Арбенин

Қизиқ бир саросима... очилишингиз керак.  
У уйқуда ётибди... туриб қолиши мумкин!  
Мен ҳаммасин биламан... лозим қатъий ишонмак.

Хоним

Ҳаммасини биласиз!

860

Арбенин тўрни юлиб олиб ташлайди-да, таажжубланган ҳолда ор-  
қага чекилади, кейин ўзига келади.

Арбенин

Шукурлар бўлсин, эгам,  
Бир сафаргина хато қилдирдинг менга, демак!

Баронесса

О! Мен не кунга қолдим? Бўлдим расвойи олам.

Арбенин

Афсус ва надоматлар энди фойдасиз —  
Қўшиламан, шу пайтда ҳар ким бўларди хафа;

870 Оловдай иссиққина оғуш ўрнига ёлғиз

Совуқ қўлларга тушиш кўнгилсиздир, албатта.  
Ҳа, бу бир зумлик қўрқув... ташвиш тортмоқ ҳам

Камтарман, жар солмайман — сиз ҳам тангрига <sup>бекор.</sup>

Шукур қилинг учрашган мен бўлдим, бошқа беор  
Бўлсайди бор шаҳарга соларди зўр тўполон.

Баронесса

Аҳ! У энди уйғонди, гапирар.

880 Арбенин

Уйқисирар...

Хотиржам бўлаверинг, ҳозир чиқиб кетаман...

Фақат тушунтирингиз, сизни манав олифта,

Қайси маҳорати-ла бирдан қилибди мафтун?

Унинг ўзи тош каби ҳиссиз-ку, нима учун

Ҳамма хотинлар ёнар унинг муҳаббатида?

Нега оёқларингиз остида у чўкиб тиз,

Қасамлар-ла ялиниб, қуймайди кўз ёшларин?

О... сиз... бунда ёлғизсиз... — дарди бор бир аёлсиз:

890 Ҳаё-номусни янчиб, қурибсиз бу ерга пн...

Хўш, нега сизда асло хунук бўлмаган, туйғун

Бошқа аёл ҳам унга қурбон бўлишга тайёр,

Ўз бахти, ҳаётини, ишқини ҳам тору мор

Қилади? Бир боқини ёки бир сўзи учун?

Нечун... о, мен бир аҳмоқ!

(Қаттиқ ғазабланиб.)

Сабаби нима, нечун?

Баронесса (қатъий равишда)

Гапингизнинг тагини тушундим... мен биламан,  
Сиз келгансиз...

900

Арбенин

А қандай! Айтиб берди сизга ким!

(Эсини йиғиб.)

А сиз нима биласиз?

Баронесса

О, сиздан ўтинаман,  
Сиз мени кечирингиз...

Арбенин

Сизни қораламадим,  
Аксинча, севинаман дўстнинг хушбахтлигига.

910

Баронесса

Орзулар, эҳтирослар қар қилмиш мени пича,  
Ҳамма ишга мен айбдор, тинглангиз...

Арбенин

Борми ҳожат?  
Менга барибир... чунки мен тор ахлоқ душмани.

Баронесса

Мен бўлмасайдим, у вақт ёзилмас эди у хат  
Ва на...

Арбенин

920

А! Бу нарса жуда ҳам ортиқча ғусса кони!  
Хат! Қайси хат? А! Унинг равшан бўлди маъноси!  
Учраштириб қўйдингиз... ўргатдингиз... қачондан  
Бошлаб бундай ролларга одат қилдингиз экан?  
Сизни нима мажбур этди? Маъсум гуноҳсиз ошиқ  
Қурбонларни ўзингиз келтирасиз бу жойга,  
Ё бўлмаса ёшларнинг ўзлари келишади?  
Ҳа, тан бердим! Хазина эмишсиз ҳар саройда;  
Хошимларимиз фаҳши ажаблантирмас мени!

Баронесса

930 О! Худойим...

Арбенин

Сўзлайман хушомадсиз... Оп-очиқ...  
Сизга қанча ҳақ тўлар бу жаноблар ҳаммаси?

Баронесса (курсига йиқилади)

Ҳеч инсоф йўқ сизда.

Арбенин

Ҳа,

Хато қилдим, кечиринг, хизматингиз самимий!

(Кетмоқчи бўлади.)

940

Баронесса

О, мен жинни бўламан! Тўхтаг! Кетаётир у.  
Қулоқ солмас... ўламан...

Арбенин

Ишни эттиринг давом!

Бу нарса сизни шуҳрат, шарафга етказар-ку...  
Энди мендан қўрқмангиз, мени афв этинг тамом...  
Бундан сўнг учрашишдан тангри сақласин мангу...  
Дунёда ҳар нимадан этдингиз мени маҳрум.  
Сизни таъқиб этаман ҳар ерда ва ҳар қачон,  
950 Кўчада ҳам хилватда — қўймайман сизни бир зум;  
Борди-ю, ўчакишиб қолдик... бу жуда ёмон!  
Сизни ўлдирар эдим... Лекин ўлим зўр ҳадям —  
Ки мен уни сақлайман бошқа бир аёл учун.  
Кўрасиз — мен хушфеъл... мен танлайман

жаҳаннам —

Азобини. Сизгадир ернинг жаннати бутуи.

(Кетади.)

Тўртинчи чиқиш

Баронесса (ёлғиз).

960

Баронесса (унинг орқасидан)

Тинглангиз — онт ичаман... Ёлғон гап бу... ва Нина  
Гуноҳсиз... Билагузук! Менинг ишим... менгина...  
Қулоқ солмайди, кетди, нима қилай! Ҳар қаён  
Говға солар... ҳожат йўқ... тезда қутқарай уни,  
Қанча қийин бўлмасин қутқараман. Ногаҳон  
Ялинай, майли яксон бўлсин қўнглим ғурури:  
Ўзимни алдамчи деб фош этай, бу жиноят!  
У уйғонди... келмоқда... жазм этай, о, уқубат!

Бешинчи чиқиш

970

Баронесса билан князь.

Князь (бошқа хонада)

Иван! Уерда ким бор.. товушлар эшитаман!  
У қанақа халқ ўзи! Бирпас ухлаёлмайман!

(Киради.)

Ийя! Бу қанақа ташриф — беминнат!  
Соҳибжамол! Қувондим роса!

(Таниб сачраб кетади.)

Аҳ, Баронесса! Йўқ.. бунга ишониш қийин.

Баронесса

980 Сапчидингиз орқага?

(Паст товуш билан.)

Сиз ҳайрат қиласизми?

Князь (хижолат бўлиб)

Йўқ, хурсандман-ку, лекин  
Кутмаган эдим бундай бахтли бир дақиқани.

Баронесса

Кутсангиз эди агар, қизиқ бўларди жуда.

Князь

Мен нималар ўйлабман? Кошки билсайдим ҳали...

990 Баронесса

Билиш мумкин эди-я, билмадингиз беҳуда.

Князь

Ўз айбимни бутунлай, ювишга мен тайёрман  
Қайси жазога лойиқ кўрсангиз, этай қабул...  
Кўр ва соқов эканман; билмаслик — бор гуноҳ шул...  
Энди нима қилайки, биргина сўзга зорман...

(Унинг қўлидан ушлаб.)

Аммо қўлларингиз... муз! Юзингизда изтироб!  
Наҳотки, сиз бўлсангиз сўзларимдан гумондор?

1000 Баронесса

Янглишасиз! Мен сиздан бирон эътироф  
Эшитиш учун ёки ишққа бўлиб талабгор  
Келганмасман бу ерга. Бизга хос бўлган бутун  
Ҳаёни ва қўрқувни унутмак керак бу кун.

Йўқ, бу парса муқаддас бурч ҳамда вазифадир:  
Кечди ортиқ у меним эски ҳаётим.  
Мен чин интилган ҳаёт том ўзгачадир:  
Емонликка сабабчи менми бўлмадим?  
1010 Энди ўтмишни ўртмак менинг мақсадим!  
Ўз ҳаёсизлигимга чидай оламан,  
Ўзимни қутқармадим... бошқани қутқараман...

### К н я з ь

Бу яна нима демак?

### Б а р о н е с с а

Менга бўлмангиз тўсиқ...  
Бу сўзларни айтишга ботиниш учун  
Мен ўз руҳимни қанча қийнадим... яна бўғиқ  
Изтироблар илгида бўлган эдим мен тутқун,—  
1020 Буларнинг барчасига ягона сабабчи сиз...  
Бунга боқмай, мен сизга бўлажакман муҳофиз...  
Нега? Нечун? Билмайман... Сазовормассиз бутун  
Садоқатларимга сиз... мени севмак, тушунмак  
Қўлингиздан келмади... яширмоқ нима керак —  
Балки ўзим ҳам бунни қилмаган эдим орзу...  
Лекин қулоқ солингиз! Бугун менга эшитув  
Муяссар бўлди — қандай эшитдим?— бу бари бир...  
Арбенин хотинига ёзганмишсиз қалтис хат...  
Одамлар орасида «миш-миш» бўлибди бу сир.  
У сизни севар эмиш — бу ёлғон, ёлғон! Туҳмат.  
1030 Тангри ҳақи, ишонманг... бу фикрнинг ўзиёқ  
Ҳаммамизни маҳв этар — ҳаммамизни! Бу ноҳақ  
Хат Нинага етмаган... лекин эри хабардор...  
У жуда даҳшатлидир нафратда, муҳаббатда —  
У ҳозир шунда эди... ўлдиран сизни... катта  
Йиртқиç у... сиз шундай ёш...

### К н я з ь

Бу қўрқинишнингиз бекор!  
Арбенин зодагондир,— ақллидир у ғоят,  
1040 Айюҳаннос солишга журъат қилмагай сира;  
Ўртада бир эҳтиёж, мақсад йўқ экан ахир.  
Бекорчи ҳангомадан қилмас қонли фожиа.  
Борди-ю жаҳли чиқди — бу оддий воқеадир:  
Лепажнинг тўппончаси қўлларга олинажақ,  
Ўттиз икки қадамни ўлчарлар бизга ул чоқ —

Тўғриси айтсам, мана эполетларга  
Сазовор бўлолмади ёвлардан қўрққан олчоқ.

Баронесса

1050 Лекин умрингиз сиздан кўра бошқага азиз,  
...Ва ўзга бир ҳаётга бўлса у алоқадор  
Ва сизни ўлдирсалар!— у вақт, танграм! Ёлғиз  
Мен бўламан гуноҳкор.

Князь

Сизми?

Баронесса

Ачинингиз.

Князь (*ўйлаб*)

Мен дуэлга тайёр;

1060 Қошида айбдорман — гарчи мен билмасам ҳам,  
Издат нафсига тегдим, оқланмоқ учун шу дам  
Биронта чора йўқдир.

Баронесса

Йўқ, бунинг чораси бор.

Князь

Ёлгон сўзлашми? Шуми? Мен умримни қизганиб,  
Ҳеч ёлгон сўзламайман, топингиз бошқа чора,  
Мен шу топда бораман.

Баронесса

1070 Бир зум! Бормангиз шошиб,  
Қулоқ солинг, айтаман.

(*Қўлидан ушлайди.*)

Ҳаммангиз алдангансиз! У маска

(*йиғларкан, столга ёнбошлайди*)

мен эдим — мен!

Князь

Ахир сиз қандай қилиб? Бу шарпа-хаёл!

Сукут.

Ҳа, Шприх! Уша айтди... Ҳамма айб унда ёлғиз.



Баронесса (*хушини йиғиб, нари кетиб*)

1080 Бирпас бош айлантирган гумроҳлик эди у ҳол,  
Қизиқ тентаклик эди — пушаймон бўлдим чексиз!  
У нарса ўтиб кетди — барин унутинг дарҳол.  
Қайтаринг билагузукни! — қандайдир бир ажойиб

Тақдир тақозоси-ла топилган тасодифан,  
Менга ваъда беринг, бу сир тутилиши вожиб...  
Мен худонинг ҳукмида. Сизни афв этар, зотан  
Сизнинг ихтиёрдамас мени кечириш!  
Мен бош олиб кетаман... Уйлайманки, кўришиш  
Қайта насиб бўлмагай.

(*Эшикка келиб, князь орқасидан югурмакчи эканини кўради.*)

1090 Сиз келмангиз орқамдан.

(*Кетади.*)

Олтинчи чиқиш

Князь (ёлғиз).

Князь (*узоқ ўйлагандан кейин*)

Ҳақиқатан ҳам нима қилишимни билмайман,  
Бу гаплардан мен фақат англадим шу нарсани;  
Бўш-баёв бола каби ҳеч иш чиқаролмасдан,  
Шундай ўнғай фурсатни қўлдан бераман ҳали.

1100 (*Столга яқин келади.*)

Ҳа, яна бу нимаси: мактуб... ким ёзган экан?  
Арбенин... ўқиб боқай!

«Муҳтарам князь! Бугун кечқурун N никига кел; у  
ерга ҳамма улфатларимиз йиғилади. Биз вақтни хур-  
сандчилик билан ўтказамиз... Бутун кеча мудраб ўтир-  
маслигинг учун атайлаб сени уйғотмадим — хайр, ал-  
батта, кутаман; сенга самимий бўлган

*Евгений Арбенин».*

1110 Аҳ-а, ушбу мактубдан жанг — отишув чиқармоқ  
Учун алоҳида кўз соҳиби бўлиш керак.  
Дуэлга даъват этиш олдидан қайси аҳмоқ  
Зиёфатга чақирар? Эшитилмаган эртақ.

ТҮРТИНЧИ САҲНА

Н никда бир хона.

Биринчи чиқиш

Қазарин, хўжайин ва Арбенин қарта ўйнамоқ учун ўти-  
радилар.

Қазарин

Киборлар ифтихори бўлган барча қилиқни  
1120 Сен тарк этдингми чиндан,  
Қадимги йўлга одим қўйганинг ҳам аниқми!  
Бу жудаям соз фикр... шак йўқ шоирлигингдан  
Яна сенда даҳонинг бордир барча нишони.  
Уй-жой, икир-чикири сени сиқажак,  
Қўлингни бер, азиз дўст, бер қўлинг шул чоқ,  
Сен биз билан биргасан.

Арбенин

Утмишнинг ўчган қораси.  
Мен сизники!

Қазарин

1130 Аҳ! Менга бу ҳол кўп хуш кўринар,  
Ақлли одамлардан минг ўргулсанг ҳам арзир;  
Сунъий ҳаёт, хулқ улар учун занжирдан баттар...  
Сен менга ёрдамлашиб ўйнайсанми, айт ҳозир?

Хўжайин

Оз-моз юлиш керакдир князнинг қитиқ патин.

Қазарин

Ҳа... ҳа...

(Чегга.)

Қамти қилиш жуда бўлажак қизиқ.

1140 Хўжайин

Кўрармиз — от дупури!..

(Шовқин эшитилади.)

Арбенин

У келди.

Қазарин

Сеннинг қўлинг

Титрайди?

Арбенин

О, қўявер!— ўйиндан чиққаным аниқ!

1150

Князь киради..

Иккинчи чиқиш

Аввалгилар ва князь.

Хўжайин

Аҳ, князь! Хурсанд бўлдим — буюрнинг, бетакаллуф,  
Қилични олиб қўйиб, ўтиринг шу он:  
Қизгин жанг кетаётир.

Князь

Оҳ! Томошаси матлуб.

Арбенин

1160 Уйиндан қўрқасизми сиз ўша вақтдан буён?

Князь

Йўқ, сиз-ла шерик бўлсам қўрқмайман, бу — чин.

(Четга.)

Киборлар одатича, эрга хушомад қуюқ,

Хотини атрофида гир айланайин...

Фақат севгида ютай — қимор бўлсин ютқизиқ!

(Ўтиради.)

Арбенин

Бугун мен сизга бордим.

1170

Князь

Ўқидим хатингизни,

Кўрасизми, мен сўзга кўнаман.

Арбенин

Остонада

Менга кимдир йўлиқди — уялган, сароснма...

Князь

Уни танидингизми?

Арбенин (кулиб)

Ҳа, танидим шекилли!

1180

Князь, сиз жуда хавфли, йўлдан урувчи одам,  
Мен ҳаммасин тушундим, ҳамма гап бўлди аён.

К н я з ь (четга)

У ҳеч нима англаган эмас — бунда йўқ гумон.  
(Нарироқ бориб, қиличини қўяди.)

А р б е н и н

Мен истамас эдимки, сизга меним хотиним  
Озгина майл кўрсатсин.

К н я з ь (наришонлик билан)

Қани, нима сабабдан?

1190

А р б е н и н

Анчайин,— мен хушторлар қидирган фазилатчан,  
Юмшоқ кўнгил эрлардан эмасман — қизгин қоним.  
(Четга.)

Ҳеч гап кор қилмас унга... О, мен сенинг у ширин  
Оламингни бузаман, аблаҳ, сочаман заҳар.  
Сен қартага жонингни тика олсайдинг агар,  
Жонингга қарши мен ҳам жонни тикардим кескин.

Уйнайдилар. Арбенин сузади.

К а з а р и н

1200

Эллик сўм тикдим.

К н я з ь

Мен ҳам.

А р б е н и н

Сизга айтиб берай мен бир латифани,  
Уни эшитган эдим бир вақт, ёшроқ паллада:  
Бугун менинг бошимдан сира кетмайди нари.  
Хуллас шу: қандайдир бир асилзода, барин  
Уйланган одам — сенинг қартанг ютди, Казарин.  
Уйланган одам хотин садоқатига ғоят  
1210 Ишонибди-да, ширин ғафлатга ботмиш чуқур,—  
Князь, сизда қандайдир жуда ортиқча диққат,  
Ютқазасиз баҳазур.—

Эр — оқ кўнгил, севикли, ўта берибди ой-кун,  
Бу бахт етишмагандай, бепарво, беғам эрга  
Бир дўсти учрашибди... бир замонларда эса  
Муҳим хизматлар қилган экан у дўсти учун —  
Ҳам уни номус, виждон соҳиби дебди бутун.

Охири нима бўпти? Қандайдир менга мубҳам,  
Бир йўл билан ўша эр билибдики, миннатдор  
1220 Уртоғи ва ўз бурчин билувчи бу соф одам —  
Унинг ўз хотинига муҳаббат қилмиш изҳор.

К н я з ь

Хўш, эр нима қилибди?

А р б е н н и (*саволни эшитмагандай*)

Князь қолди-ку ўйин.

Қарамай кўп тикасиз.

(*Унга қаттиқ тикилиб.*)

У эр нима қилганин

Билишга қизиқасиз? Арзимаган нарса-чун  
1230 Бир шапалоқ урибди... Князь, сиз нима тағин  
Қилардингиз?

К н я з ь

Нақ шундай йўл тутардим. Хўш, кейин  
Отишдиларми?

А р б е н н и

Йўқ.

К а з а р н и

Қиличлашибди?

А р б е н н и

1240 Йўқ. Йўқ.

К а з а р н и

Демакки, ярашибди?

А р б е н н и (*заҳарханда билин*)

О, йўқ.

К н я з ь

Нима қилибди қани?

А р б е н н и

Олибди қасосини,  
Бузуқни дўсти ебди яхши шапалоқ.

1250

К н я з ь (кулади)

Қоидаларга тамом хилоф бўлибди бироқ.

А р б е н и н

Қайси бир фармонда бор  
Нафрат ва қасос учун қонуну қоидалар?

Уйнайдилар. Сукут.

Ютди... ютди...

(Урнидан туриб.)

Шошманг-чи, сиз мана шу қартани

Алмаштирдингиз.

1260

К н я з ь

Мен! Мен! Қараб гапиринг, ошнам!

А р б е н и н

Уйин тамом...

Бу ерда мардлик қолмади мутлақ.

(Нафаси бўғилиб.)

Сиз ғирром, тирриқ, аҳмоқ...

К н я з ь

Мен? Мен?

А р б е н и н

1270

Олчоқ, мен шунда бераман таъзирингиз,  
Токи ҳар кимса учун ҳаром бўлсин изингиз.

(Қарталарни унинг башарасига отади. Қнязь шундай  
ўсал бўлганки, нима қилишини билмайди.)  
(Товушини пасайтириб.)

Энди ора очиқ бўлди.

К а з а р и н

Не бало бўлди сенга?

(Хўжийинга.)

1280

Уйин қизиган пайтда уни бирдан урди жин.  
Анов қизиб кетганди, тўкарди икки юз минг.

К н я з ь (эсини йиғиб, сапчиб туради)

Шу топда орқамдан юр, ишнинг тушмабди менга,  
Қон! Бу ҳақоратларни ювар ёлғиз қонингиз.

Арбенин

Отишмоққа? Сиз билан? Мен-а? Сиз янглишасиз.

Князь

Қўрқоқ.

*(Унинг устига ташланмоқчи бўлади.)*

Арбенин *(тахдид билан)*

1290

Майли! Аммо сиз менга кела кўрмангиз яқин,  
Хатто бунда қолишни сизга кўрмайман лойиқ!  
Қўрқоқман — кўрқоқни ҳам кўрқитолмайсиз локин.

Князь

О, уришмоққа мажбур қиламан сизни ортиқ!  
Мен ҳар ерда айтаман қилиғингиз қанақа,  
Ва олчоқ мен эмас — сиз...

Арбенин

Қаршимасман мутлақо.

Князь *(яқин келиб)*

1300

Мен доврұқ соламанки, мен хотинингиз билан...  
О, сиз эҳтиёт бўлинг... эслаанки, билагузук...

Арбенин

Бу нарса учун сизнинг жазангизни берганман...

Князь

Эй, чидаб бўлмас аҳвол... мен қайдаман? Бу хунук...  
Ҳамма ҳам менга қарши — мен сизни ўлдираман!

Арбенин

Ихтиёр сизда — хатто сизга кенгаш бераман —  
Тезроқ ўлдилинг мени... балки бироздан кейин  
Ботирлигингиз бирдан сўниб қолмасин тағин.

1310

Князь

О, қайдасан, номусим! Беринг бу сўзни ҳозир,  
Қайтаринг менга уни — қиламан қуллуқ оғоз,  
Ҳа, сизда ҳеч қанақа эзгулик йўқ, сиз ахир  
Кимсиз — инсонми ёки шайтон?

Арбенин

Менми? Қиморвоз!

Князь (йиқилиб, юзини бекитиб)

Номусим, ҳай номусим!

1320

А р б е н и н

Номус қайтмайди асло.

Яхшилик, ёмонликнинг орасидан кўчди ғов,  
Сендан юз ўгиради нафрат-ла бутун дунё,  
Бундан сўнг бўлажаксан, албатта, якка мохов;  
Сен қонли кўзёшлардангина оларсан лаззат,

1330

Таниш-билишлар бахти руҳинг учун зўр кулфат  
Ва эмгак бўлур, тун-кун ўйлайсан бир нимани;  
Сенда муҳаббат ҳисси ва гўзаллик ҳисси ҳам  
Аста сўнар, қовжирар куздаги барг сингари,  
Ҳеч кимса санъати-ла бахт бермас сенга бир дам!  
Ҷириган бир новдадан барглар узилган каби,

Барча хушчақчақ дўстлар сендан тезда айрилар;  
Қизариб, юзни ёпиб халқ ичида расво,—  
Бадкирдор жинояти унча оғирмас, аммо

Ҳаммадан кўпроқ уят эзар, бошинг хам қилар!  
Хайр энди...

(Кета туриб.)

Узоқ яша — шудир тилак доимо...

1340

(Кетади.)

УЧИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Бал

Биринчи чиқиш

Б е к а

Баронессани кутиб тураман, билмадим у  
Келармикан — мен зотан, ачинаман сиз учун.

1-м е ҳ м о н

10

Сизни англадим-ку.

2-м е ҳ м о н

Баронесса Штрални кутасизми? Ноўрин —  
У жўнаган!

Қ ў п м е ҳ м о н л а р

Қаерга? Қўп бўлдими — сабаби?

2-м е ҳ м о н

Қишлоққа, бугун тонгда жўнади.



Хоним

О, худойим

Наҳот, ўз ихтиёрича?— нима экан нияти?

20

2-м еҳмон

Ишқ-муҳаббат хаёли. . бу қилиқ кимга лозим!

Тарқалиб кетишади, эркаклардан пккинчи бнр туркум.

3-м еҳмон

Биласизми, Звёздич бой берибди қиморда.

4-м еҳмон

Аксинча, ютибди у — фирромлик-ла, афтидан,  
Бир шапалоқ ҳам ебди.

5-м еҳмон

30

Отышмабдими шартта?

4-м еҳмон

Йўқ, истамабди.

3-м еҳмон

Разил олчоқ эканин зотан

Роса кўрсатибди у!

5-м еҳмон

Шу кундан эътиборан  
Дўстликни йиғиштирдим.

6-м еҳмон

40

Мен ҳам!— кўп ёмон қилиқ.

4-м еҳмон

Бу ерда бўларми у?

3-м еҳмон

Йўқ, бетлаёлмас, аниқ.

4-м еҳмон

Ана у!

Князь яқин келади, у билан зўрға саломлашадилар. 5- ва 6-мехмондан бошқа ҳаммалари нари кетишади. Кейин улар ҳам кетишади.

50

Нина диванга ўтиради.

## Князь

Мен ҳам, у ҳам ҳаммадан ажралиб қолдик, демак.  
Бундан қулайроқ фурсат топилмайди, албатта.

(*Нинага.*)

Сизга икки оғиз сўз айтмоқчи эдим сўнг дафъа,  
Буни сиз диққат билан эшитишингиз керак.

Нина

Мен эшитмагим керак?

Князь

60

Сизга кўп алоқадор.

Нина

Қайдан етиша қолди ажиб шафқаткор!

Князь

Тўғри, бу ажиб, чунки ҳалокатим сабаби  
Фақат сиздирсиз... аммо мен сизга ачинаман:  
Менга аёнки, мени қақшатган қўл зарбаси  
Сизни ўлдиражакдир; арзимаган кек билан  
Отмайман разолатга мен ўзимни ҳеч қачон,  
70 Лекин сўзимни тингланг, эҳтиёт бўлинг зинҳор;  
Эрингизнинг бағри тош, у динсиз ва бадкирдор,  
Сезаман, бошингизда бир офат бор — бегумон,  
Ҳамишалик алвидо, гуноҳкор бўлмади фош.  
Унга жазо беришга имкон йўқ менда ҳозир,—  
Лекин фурсати етар ҳозирча сабр-бардош...  
Олинг билагузукни, керакмас менга ҳеч бир.

Арбеини узоқдан уларга қараб туради.

Нина

Князь, жинни бўлибсиз, сиздан шу топда  
Аччиғланиш ҳам уят бўларди чоғи.

80

Князь

Ҳамишаликка хайр, сўрайман сўнгги дафъа...

Нина

Сиз қаерга жўнайсиз, жуда ҳам узоққами?  
Ойга эмас, албатта?

90

Князь (кета туриб)

Йўқ, яқин. Кавказ сари.

Бека (бошқаларга)

Қарийб жам бўлди ҳамма, бу ер сизларга кўп тор,  
Жаноблар, анав залга тез марҳамат қилинглар!  
Mesdames, сизлар ҳам шу ёққа киринглар.

Кетишади.

Иккинчи чиқиш

Арбенин (ёлғиз, ўз-ўзига сўзлайди)

Мен шубҳа қилдимми? Мен? Бундан ҳамма  
хабардор;

Ҳар томондан пичинглар менга заҳарли тикан  
Қаби қадалар... улар учун мен ожиз, нодон!

Менинг ғайратларимнинг самаралари қани?  
Қайда қолди ўктамлик — мен бу билан баъзида

100 Оломонни янчардим сўзларимнинг тифида?

Икки аёл бўлибди мардлигимнинг қотили!  
Улардан бири... О, мен уни жуда севаман,  
Севаман — шунга боқмай, алдандим қаттиқ ёмон...  
Йўқ, инсонларга уни менми ташлаб қўяман?

Бизларни ҳукм қилиб ўтирмас улар чандон...

Мен ўзимнинг даҳшатли ҳукмимни бажараман...  
Унга ўлим топаман — ўлимимга шу ватан.

(Қалбига ишора қилади.)

110 У аёл ўлар, унинг билан ортиқ яшамоқ  
Мумкин эмас... айрича яшамоқ-чи?

(Ўз-ўзидан қўрққан каби.)

Бу аниқ!

У ўлади — мен эски қаттиқ продамга ҳақ  
Беражакман! Афтидан, тақдири шунга лойиқ:  
Умрининг баҳорида ҳалок бўлиш, мен каби

120 Бадкирдорнинг жонони бўла туриб, ўзгани  
Севинш... бу нарса равшан!.. Шундай аҳволдан кейин  
Яшай оладими у! Тангри пинҳонсан, лекин  
Ҳар ерда ҳозир-нозир! — сен қабул айла уни,  
Ўз омонатим каби мен сенга топшираман —  
Уни кечир, ёгилсин шафқатинг нури —  
Бироқ, мен тангри эмас, кечиролмайман!

Музыка эшитилди.

(Хона ичида юриб, бирдан тўхтаб қолади.)

Бундан ўн йиллар аввал, мен фаҳш майдони сари

Дастлаб қўяркан қадам, бир кечадаёқ

Ютқизиб қўйган эдим бори-йўғимни тақдир,—

Олтин қадрини яхши билган эдим ўша чоқ,

130 Лекин маълум эмасди ҳаёт қадри — баҳоси;

Мен қаттиқ хафа бўлдим, жўнай кетдим ва заҳар

Сотиб олдим-да қайтдим қиморхонага шу он,

Кўкрагимда энг кучли тўлқинланар қон.

Бир стакан лимонад бир қўлимда ва дигар

Қўлимда эса борди тўртлик пика қартаси,

Энг кейинги сўлкавой яна у сирли заҳар

Қиссамда ётар эди — чиндан зўр эди хатар;

Бахт кулди — бир соатда қайтди ютқизиқ бари!

Бу заҳарни сақлайман ўша замондан буён,

140 Сирли ва мўъжизали бир тумор дея,

Ҳаётнинг жуда оғир ғовғалари ичида

Сақладим қора кун-чун, яқиндир у кун, у он.

(Тез чиқиб кетади.)

Учинчи чиқиш

Бека, Нина бир неча хонимлар ва кавалерлар.

Кейинги мисралар айтилганда кирадилар.

Б е к а

Ёмон бўлмасди бир зум олсамиз ором.

Х о н и м (бошқа бирига)

150 Бу ер шундай иссиқки, эриб бораман.

П е т р о в

Настасья Петровна бизга куйлар бир мақом.

Н и н а

Мен янги романсларни, тўғриси, ҳеч билмайман,

А эскилари эса зериктирган мени ҳам.

Х о н и м

Аҳ, Нина, қани, куйла, бир шингил куйла шинам.

Б е к а

Шундай ёқимтойсанки, сен бизни, ҳақиқатан,

160 Соатлаб беҳудага ялентирмайсан, жоним.

Н и н а (*пианино олдига ўтиради*)

Бироқ, сиз диққат билан тингласангиз фармоним,  
Кошки бундай жазолар билан сизни бир оз жим  
Қилиш мумкин бўлсайкан!

(*Куйлайди.*)

Сенинг кўзларингда қайнаб тошаркан  
Эркисиз кўзёшлари билан қайғу-ғам,  
Сен бир ўзга билан бахтсиз яшарсан —  
Буни кўриб, тушуниб, тутмайман мотам.

170

Сенинг ниҳол умрингни кемирар ичдан  
Гулни босган печакдан ҳасрат ёлқини,  
Не дердим: Хурсандман — сени мен севган  
Сингари севолмас у — сезаман буни.

Сенинг кўзларингнинг нурида бир он  
Тасодифан бўлсин бахт ярқираса,  
У чоқ қийналаман, куяман пинҳон,  
Кўксимни бир дўзах тўлдирар роса.

Тўртинчи чиқиш

180 Учинчи куплетнинг охирида эри кириб келади ва фортепианога ёнбошлайди. Нина эрини кўриб, чалишдан тўхтайти.

А р б е н и н

Қани, давом эттиринг.

Н и н а

Унутганман охири.

А р б е н и н

Агар лозим топсангиз  
Ёдингизга соламан.

Н и н а (*хижолат тортиб*)

190

Йўқ, нега?

(*Четга, бекага.*)

Тобим келишмаяпти.

(*Ўрнидан туради.*)

М е х м о н (бошқа бирга)

Янгидан расм бўлган ҳар ашулада  
Шундай сўзлар бўларки, уларни хотин  
Айта олмайди сокин.

2-меҳмон

200 Яна бизнинг табиий тилимиз кўп лўнда-да,  
Аёлларнинг нозига ҳануз мос бўлолмаган.

3-меҳмон

Ҳақлисиз; эрқдан ўзга билмаган ваҳший каби  
Бизнинг мағрур тилимиз эгилмас ҳақиқатан,  
Биз бўлсак эгиламиз — биз эгилиш бандаси.

Морожний тортадилар. Меҳмонлар залнинг бошқа бир бурчига тарқалишиб, бирин-сирин бошқа хоналарга кириб кетадилар, охирида Арбенин ва Нина иккови қолади. Саҳнанинг орқа томонидан Мажҳул шахс кўринади.

210

Н и н а (бекага)

У ер иссиқ, дам олиб ўтирай бир чеккада!

(Эрига.)

Сен, малагим, морожний, келтириб берсанг менга.

Арбенин бир чўчиб тушади-да, морожний олиб келгали кетади:  
олиб келаётганда заҳар сепади.

А р б е н и н (четга)

Ҳай ажал, ёрдамга кел.

Н и н а (эрига)

220 Уҳ, кўнглим ғаш, хафаман;  
Албатта, интизордир менга бир бало.

А р б е н и н (четга)

Ички туман ҳисларга мен баъзан ишонаман.

(Морожнийни бераркан.)

Ол, зерикишга, ғамга мана бу даво.

Н и н а

Ҳа, балки бу совутар...

А р б е н и н

О, совутмаслиги борми? |

Н и н а

230 Бугун бунда зерикдим. |

А р б е н и н

Борми бошқа иложи? |

Халқла зерикмаслик-чун аҳмоқликка, макрга  
| Дангал қарай билишни одат қилмоқ лозимдир!  
Дунёда улуғ куч бу ва бу ҳокимдир!

Н и н а

Ҳақлисан! Даҳшат!..

| А р б е н и н

Ҳа, даҳшат! |

240

Н и н а

Айбсиз, доғсиз гул йўқ-а.

А р б е н и н

Йўқ.

Мен бир софдилни топдим, деб ўйлагандим фақат.  
Йўқ.

Билсам, беҳуда экан.

Н и н а

Сен нималар деяпсан?

А р б е н и н

250

Мен дедимки, киборлар орасида биргина  
Шундайин... сени билдим.

Н и н а

Рангинг жуда ўчиқдир.

А р б е н и н

Тўғри, кўп танца қилдим.

Н и н а |

Довдирама; топ апи! Қўзғолмадинг-ку сира.

---

<sup>1</sup> Азизим (франц.).

А р б е н и н

Ҳа, тўғри, танцани оз қилганлигим сабабли!..

Н и н а *(бўш тарелкани беради)*

260 Ол бунни, столга қўй.

А р б е н и н *(олади)*

Бир томчи қолдирмабди менга! Вой насибаси!

*(Уйга ботиб.)*

Машъум одим босилди, қайтиб бўлмас орқага,  
Майли унинг-чун биров йўлиқмасин балога.

*(Тарелкани ерга ташлаб синдиради.)*

Н и н а

Уқувсизсан мунчаям.

270

А р б е н и н

Ҳечқиси йўқ, хастаман.  
Уйга жўнайлик илдам.

Н и н а

Кетайлик, азизим, айт менга: бугун жуда ҳам  
Қовоғинг солиқ! Мендан норозисан? Нимадан?

А р б е н и н

Йўқ, йўқ, мен сендан бугун бўлдим кўп хурсанд.

Кетадилар.

М а ж ҳ у л ш а х с *(ёлғиз қолиб)*

280

Сал қолди ачинишга,— шундай бир он келдики,  
Мен отилмоқчи бўлган эдим олдинга...

*(Уйлаб қолади.)*

Йўқ, майли бажарилсин қазо-қадар битиги,  
Иш кўриш учун навбат келар менга кейинча.

*(Кетади.)*



## Иккинчи саҳна

Биринчи чиқиш

Арбенининг ётоқхонаси.

Нина киради, кетидан хизматчи хотин.

Хизматчи хотин

Хоним ойим, алланечук рангингиз ўчуқ.

Нина (*зирагини олиб*)

Тобим йўқ.

Хизматчи хотин

| Чарчагансиз.

Нина (*четга*)

Эрим мени қўрқитади... маълум эмас сабаби!  
У гапирмайди, яна қарашлари ғалати.

(*Хизматчи хотинга.*)

300 Бўғилиб бораяпман; корсетдан бўлса керак —  
Айт, менга ярашдими бугунги кийим-кечак?

(*Ойна олдига боради.*)

Сўзинг рост, тусим ўчган, рангсизман ўлик каби;  
Лекин бу Петербургда рангсиз бўлмаган ким бор?  
Фақатгина бир кампир — князь хотини, у ҳам  
Бўлса упа-элик! Киборлар айёр!

(*Тароқларини олиб сочини ўради.*)

Бирон жойга ташла-да, менга бер шаль.

(*Креслога ўтиради.*)

310 Кўп севдим янги вальсни! Аллақандай шавқ билан  
Қанақа тез айландим — ажойиб парвоз ҳам тан  
Ҳам фикримни судради аллақайга — нақ шамол;  
Юрагим жим сиқилди; на шодлик берди бу ҳол,  
На-да ҳасрат, билмайман — китоб бер менга, Саша,  
Уҳ, қандай зериктирди мени қайтадан князь.  
А тўғриси, ачиниш мумкин у тентакчага!  
Унда нималар деди... бадкирдор, жазо... Кавказ...  
Бало... — бари талваса.

Хизматчи хотин

320 |

Мумкинми, йиғиштирсам?

(Безакларни кўрсатади.)

Нина |

Кўявер.

(Уйга толади.)

Эшикда Арбенин кўринади.

Хизматчи хотин

Мумкинми кетиш? |

Арбенин

(Хизматчи хотинга, бўғиқ товуш билан)

330

| Кетавер.

Хизматчи хотин кетмайди.

| Борсанг-чи.

Хизматчи хотин кетади. Арбенин эшикни қулфайди.

Иккинчи чиқиш

Арбенин ҳам Нина

Сенга керак бўлмасми энди ортиқ у?

Нина |

Шу ердამисан?

340

Арбенин

| Шу ердаман!

Нина

| Қасалга ўхшайман-ку,  
Бошим олов чулғаган — кел-чи менга яқинроқ,  
Ушлаб кўр — сезасанми, бошим бутун ёнмоқда?  
Мен бекорга ебман-да морожнийни у ёқда,  
Албатта, шамоллаган бўлсам керак мен у чоқ.  
Айт-чи тўғри эмасми?

| Арбенин (паршонҳол)

350

Морожний? Ҳа-а...

Н и н а

Азизим! Мен сен билан сўзлашмоқчийдим пича!  
Сен ўзгариб кетгансан бир қанча вақтдан буён,  
Аввалги эркалалашлар қани, йўқ бир учқуни.  
Сўзларинг кескин, дағал, кўзингда совуқ туман,  
Биргина маскарад-чун — о, кўролмайман уни.  
Унга бормаслик учун қасам ҳам ичдим ҳатто.

А р б е н и н *(четга)*

Ажаб эмас, йўқ энди маскарадинг ҳожати! |

360

Н и н а

Бу — бир мартаба бежо ҳаракат оқибати.

А р б е н и н

Бежо ҳаракатмиш! О!

Н и н а

| Шунда-да ҳамма бало.

А р б е н и н

Яхши ўйлаш керакди ҳар нарсани олдиндан.

Н и н а

370

О, агар билсам эди сенинг хулқингни аввал,  
Балки сенга тегмаган бўлар эдим ҳеч маҳал;  
Сени қийнаш, ўзимни дардга отиш — бу гўзал,  
Бу яхши ишми чиндан!

А р б е н и н

Мен севаман-ку, ахир! |

Н и н а

Қанақа севги? Бундай ҳаёт менга не даркор?

А р б е н и н *(унинг ёнига ўтиради)*

380

Ҳақлисан! Ҳаёт нима? Ҳаёт пуч бир нарсадир.  
Юракда қон шўх ўйнаб тураркан, бизда йўқ зор,  
Дунёдаги ҳар нима биз-чун қувонч, фароғат.  
Орзулар, эҳтирослар фасли ўтгандан кейин,  
Ҳар нарса хунук, хира кўринар борган сайин!  
Ҳаёт нима? Болалар эрмағи учун фақат  
Ярайдиган ва кўпдан маълум бўлган топишмоқ;

Унда энг биринчиси — тугилиш! Иккинчиси —  
Чексиз машаққат, сирли яралардан азобдир,  
Сўнгиси ўлим — бутун олсанг: ҳаёт саробдир!

Н и н а (*кўкрагига ишора қилиб*)

Бунда надир куйдирар

390

А р б е н и н (*сўзида давом этиб*)

Тузалар! Йўқ ҳечқиси!

Сукут эт-да, қулоқ сол: айтдим-ку, ҳаёт гўзал  
Бўлиб кўринган чоқда унинг ҳам қисмати бор.

Лекин давомлидирми! Ҳаёт — мисоли бир бал,  
Рақс этасан — жуда соз, атроф ёруғ ва дилдор...  
Уйга қайтиб, бужмайган кийимни ечган ҳамон,  
Барини унутасан, ўтирасан бедармон.

Лекин ёшлик чоқларда, ҳаётнинг бўш ғалваси  
Кўнгилга чуқур сингиб қолмаган экан ҳали,

400

Яхшиси ҳаёт билан тезда видолашмоқдир,  
Бир зумда ўзга олам сари учмоқ керакдир —  
Ақл, онг ўтмиш юки билан бандмаскан ҳали,  
Ўлмоқ лозим — ўлимнинг хавфи энг оз паллада,  
Аммо бу бахтни тақдир беравермас ҳаммага.

Н и н а

О, йўқ, яшамоқчиман.

А р б е н и н

Нега керак?

Н и н а

410

Евгений,

Қасалман, қийналаман.

А р б е н и н

Дардингдан кўра жиддий  
Ва даҳшатли азоблар оз дейсанми — бепоён?

Н и н а

Доктор чақиртир.

А р б е н и н

Ҳаёт — абадий, ўлим — бир он!

Н и н а

420 А мен яшамоқчиман.

А р б е н и н

Дардкашлар учун аммо  
У ерда қанча юпанч муҳайё.

Н и н а (*қўрқув билан*)

Ялинаман:  
Докторни тез чақиртир.

А р б е н и н (*ўрнидан туради, совуқлик билан*)

Чақирмайман, нетасан.

Н и н а (*сукутдан кейин*)

430 Тўғри, ҳазиллашасан — аммо бу ҳазил ёмон: |  
Мен ўлишим мумкин — тезроқ чақиртир.

А р б е н и н

Нима бўпти? Докторсиз ўлмоққа йўқми имкон?

Н и н а

Сен ёвуз ва золимсан, |  
Евгений, мен хотининг бўламан, ахир.

А р б е н и н

Ҳа! Биладан — биладан!

Н и н а

440 О, раҳминг келсин! Менинг кўкрагимда шу топда  
Гўё бир олов тошди, ўлиб кетаман.

А р б е н и н

Шунча тезми? Йўқ ҳали. |

(*Соатига қарайди.*)

| Ярим соат бор.

Н и н а

О, сен севмайсан мени.

А р б е н и н

450 Ахир мен сени |  
Қандай севай — сийнамга бир жаҳаннамни бутун  
Ағдарганинг учунми? Йўқ, азоб чекканинг-чун

Мен жуда севинаман; ай, тангри, тангри:  
Мендан севги сўрашга журъат қиласан яна!  
Сени кам севганмидим, менга айт-чи бир дафъа?  
Сен бу эркалашимнинг ҳеч билдингми қадрини?  
Ҳа, мен сенинг севгингдан кўпми сўрадим ўзим?  
Кўзларинг илиқ боқса, қилсанг майин табассум —  
Хўш, сендан нима кўрдим: макр, хиёнат ини!

Мумкинми! Мени сотиш!  
460 Аблахнинг бўсаси-чун... мени-я — илк сўзинг-ла  
Жон фидо қилиш менга бўларди бахт, қувонч иш,  
Менга вафосиз бўлдинг. Менга-я? Ҳам шунча тез!

Н и н а

О, агар ўз айбимни билсам эдим мен ўзим —  
У вақт...

А р б е н н и

Жим бўл ё жинни бўламан, йўқдир тўзим!  
Уҳ, қачон бу азоблар битар ичимда!

Н и н а

470 Топиб олибди князь билагузугимни, кейин  
Қандайдир бир туҳматчи тарафидан чин  
Алданибсан, фикримча.

А р б е н н и

Шундай, алданибман-да!  
Бас энди! Янглишибман; бўла олгум бахтиёр;  
Дея хаёл қилибман... яна ишониб гарчи  
Севишни ўйлаганман... лекин тақдирнинг ғаддор  
Соати етди... бемор талвасасидек бари  
480 Утди-кетди! Эҳтимол умидвор бўлиб тағин  
Самовий хаёлларни мен тиргиза олардим,  
Қалбнинг эски кўкламига жон киргиза олардим,  
Сен истамадинг локин!

Йиғла! Йиғла — лекин, айт кўзёши, Нина,  
Нима деган нарсадир? Фақатгина сув!

Мен йиғладим а? Мен, мен эркаклигим ила!  
Ғазабдан, рашк қилишдан, азобдан ва уятдан  
Мен йиғладим, тўсатдан!

А сен ҳеч биласанми, эркак йиғисин

Маънисинималигин!

490 О! Шундай дақиқада келма ёнига сира:  
Бир қўлида ўлим бор, жаҳаннам кўкрагида.

Н и н а

(*ийглаб тиз чўкади ва қўлларини кўкка чўзади*).

Улуғ халлоқ, бер омон!

Бу тингламас, аммо сен ҳаммани эшитасан,  
Ҳаммасини биласан,  
Қудратли тангри, мени оқлай биласан!

А р б е н и н

Тўхта, лоақал худо қошида айтма ёлгон!

Н и н а

Йўқ, ёлгон сўзламайман, сохта муножот билан  
Унинг қудсиятини ерга урмайман ҳаргиз  
Ожиз, дардкаш руҳимни унга таслим этаман;  
Сени ҳукм этади у, менга ҳомий у ёлғиз.

А р б е н и н (*қўлларини қовуштириб уйда юради*)

Энди муножот вақти етмоқда Нина:  
Бир неча минут сўнг ўлишинг керак —  
Сенинг вафотинг эса одамларга сиргина  
Бўлиб қолар, қозимиз тангрининг ўзи бешак.

Н и н а

Нима? Улмоқ? Нақ ҳозир — йўқ мумкинмас  
ҳеч маҳал.

А р б е н и н (*кулиб*)

Бу сизни чўчитишин мен билган эдим аввал.

Н и н а

Улим, ўлим! Тўғри дер — сийнамда — дўзах қайнар!

А р б е н и н

Тўғри, мен сенга балда бергандим заҳар.

Н и н а

Мумкинмас, ишонмайман — йўқ, сен мени масхара  
(*унга ўзини ташлайди*)

Қилмоқдасан... сен золим эмас... шафқат учқуни  
Сенинг қалбингда бордир... Умрим экан баҳорда,  
Сен бағритошлик билан маҳв этолмайсан уни,

Мен чеккан азобларни яна ҳам зўрайтирма,  
Евгений, сен бундайин мендан юзинг ўгирма,  
Мени қутқор, мендаги қўрқувни тарат бир зум...  
Менга қара...

530           *(Унинг кўзларига тикилиб, сапчиб кетади)*

О! Сенинг кўзларингдадир ўлим!

*(Стулга йиқилади ва кўзларини беркитади.)*

Арбенин яқин келиб, уни ўпади.

Арбенин

Тўғри, сен ўлажаксан — мен ўзим бунда ёлғиз,

Еп-ёлғиз қолажакман... йиллар ўтар, мен ожиз

Бўлиб ўларман — лекин яна танҳо! Бу даҳшат!

Аmmo сен! Сира қўрқма. Гўзал олам — бир жаннат

Сенга очилажакдир ва сени фаришталар

540           Арши аълода маскан бериб қабул айлашар.

*(Йиғлайди.)*

Ҳа, мен сени севаман... нимаки бўлса, барин

Унутдим... ҳар қасоснинг ҳудуди бўлур, локин —

Мана у ҳудуд, қара қотилинг гўдак каби

Бошингда туриб ҳўнграб йиғлар — чексиз ҳасрати...

Сукут.

| Нина *(сурғулиб чиқиб, сакраб кетади)*

Буёққа, бу томонга... ёрдам беринг! Уламан —

550           Заҳар, заҳар — эшитмаслар... мен тушунаман:

Сен жуда эҳтиёткор... ҳеч ким... келмас ҳеч...

Бироқ, сен ёдингда тут! Тангри тортар ҳукмга

Ва мен сени, эй қотил, лаънатлайман, қарғайман!

*(Эшикка етмасдан, ҳушдан кетиб йиқилади.)*

Арбенин *(заҳарҳанда билан)*

Қарғиш! Лекин қарғишдан нима фойда бор?

Мени тангри қарғаган.

*(Яқин келади.)*

Оҳ, ожиз банда, |

Жазо ғоят зўр бўлди сенга...



(Қўлини қовуштириб тик туради.)

Ранги ҳам ўчган!

(Чўчиб кетади.)

Бугун чеҳраси сокин, на пушаймон ва на зор,  
На бир виждон азоби кўринар унда ҳозир...

Мумкинми бу?

Н и н а (кучсизгина) |

Евгений, хайр!

Мен ўламан, гуноҳсиз... сен ёвуз ва бадкирдор...

| А р б е н и н

570 Йўқ, йўқ — гапирма, сени на алдамчилик ва на  
Айёрлик қутқаради... қани тез гапир:  
Мен алданганман... Менинг севгим билан ҳеч нима,  
Ҳатто дўзах ҳам бундай ҳазиллашолмас ахир!  
Индамайсан? А, ўчга, кинга сен кўп сазовор... |  
Лекин бу нарса ёрдам қила билмас. Уласан...  
Тинч бўл, бу сир одамлар учун бўлмас ошкор!

Н и н а |

Менга энди барибир... Ҳар ҳолда мен ҳар қачон  
Гуноҳсизман ва покман тангри қошида.

(Улади.)

А р б е н и н (унга яқинлашади  
ва тезда юзини ўгиради)

Елғон!

(Креслога йиқилади.) |

Т ў р т и н ч и п а р д а

Б И Р И Н Ч И С А Ҳ Н А

Б и р и н ч и ч и қ и ш

А р б е н и н (стол олдида, диванда ўтиради)

Заифландим, чарчадим қийноқ ичида, |  
Ўчакишиб қалбимда қолмади мадор...

Туйғуларим, қандайдир оғир, жафокор  
Ва алдамчи оромни тотди сўнггида!  
Бу совуқ уйқу ичра баъзи вақтларда юрак

- 10 Беихтиёр заҳматлар билан ташвишланарак  
Алланимани кутган сингари зирқирайди.  
Битмаганмикан дардлар — ажабо бу дунёда,  
Янги изтиробларни кўриш бор пешонада!  
Бўлмагур гап! Кунлар ўтар — унутилар барчаси,  
Йиллар юки остида узилар хаёл тори;  
Қачон бўлмасин тинчлик, сукунат қайта бошдан —  
Менинг бу кўкрагимга жо бўлажак беҳосдан!

*(Уйга ботади, бирдан бошини кўтаради.)*

- 20 Мен хато қилганман! Йўқ, хотираларим ҳар он  
Босиб келаверажак! Шундай жонли, равшан, чин,  
Мен кўрмоқдаман унинг ёлворишин, қайғусин,  
Нарироқ юр, нарироқ  
Жимгина ўтавер, эй сен, уйғонган илон!

*(Бошини қўллари орасига олади.)*

Иккинчи чиқиш

К а з а р и н *(секингина)*

‘Арбенин шу ердами? Қайғули оҳ чекади,  
Кўрамиз қандай ўйнар экан комедияни.

*(Унга.)*

- 30 ( Қадрдон дўстим, сенга тушган фалокат  
Хабарин эшитиб чопдим ўшал он,  
Илож борми — тақдирда ёзилган бўлар, албат,  
Ҳар кимнинг бошида бор ўзга мусибат.

Сукут.

Ҳа, биродар, етар, бас, ниқобингни ол,  
Кўзларинг кибр-ҳаво билан ерга қадама.

- 40 Бу нарса одамлар-чун ва халқ ичида дарҳол  
Яхши иш беради — биз актёрлармиз-ку роса.  
Айт-чи, биродар... сенинг тусинг оқарди нечун?  
Бугун кеча қартада ютқизгандек сен бутун  
О, сен, эски доғули — биз сен билан бафуржа  
Сўзлашмоғимиз мумкин... ана қариндош-уруғ:  
Мотам тутиб келишган ҳаммаси марҳумага.  
Хайр, тез кўришармиз.

Кетади.

Учинчи чиқиш  
Қ а р и н д о ш л а р келишади.

Хоним (жиянига)

50 Буларга тангри қаҳри ёғилганлиги равшан;  
Эри ёмонди, ўғли бўлибди ёмон — баттол.  
Магазинга киришни сен менинг эсимга сол,  
Азалик кўйлак учун бир оз мато оламан.  
Гарчи ҳозир ҳеч қандай даромад бўлмаса-да,  
Қариндошлар дастидан ишим бўлар пачава,

Жиян

Ma tante!<sup>1</sup> Эгачимнинг вақтсиз ўлими  
Қай сабабдан экан, айтсангиз буни?

Хоним

60 Сабаби — сизнинг модага берилган кибор олам  
Жуда аҳмоқ. Ҳали кўп офат кўрарсиз, бўтам!

Кетадилар.

Тўртинчи чиқиш

Улик ётган уйдан доктор билан бир чол чиқади.

Чол

Улганда бормидингиз?

Доктор

Мени тополмабдилар...

Морожнийдан, баллардан ташвиш кўп дея;  
Айтардим-ку ҳамиша.

70

Чол

Кафани зангин экан — кўрдингизми, шойилар?  
Менинг қардошим ўтган баҳорда этди вафот,  
Тобутига ёпилганди шундай шойнлар қат-қат.

(Кетадилар.)

Бешинчи чиқиш

Доктор (Арбенинга яқин келиб,  
унинг қўлидан ушлайди)

Дам олишингиз керак.

<sup>1</sup> Хола! (франц.).

Арбенин (чўчиб тушади)

А!

80

(Четга.)

Шув этиб кетди юрак!

Доктор

Бу кеча сиз ботдингиз жуда қаттиқ қайғуга.  
Ухлангиз.

Арбенин

Мен урниб кўраман.

Доктор

90

Энди қиттак  
Ердам ҳам мумкин эмас; сиз ўзингизни жуда  
Эҳтиёт қилинг.

Арбенин

Уҳў! Менга бўлмас ҳеч бало.

Бу дунёда не турли алам ва жафо  
Кўрмади менинг сийнам, бари бир тағин  
Мен тирикман... кўп кутдим: қачон бахт очилгуси;  
Бир малак сифатида тангри юборди уни,  
Лекин меним шум, жиноий нафасим  
Илоҳий сифатни булғади ёлғиз.

100

Мана энг гўзал вужуд, менинг малагим,  
Қарангиз, ётади у совуқ ва жонсиз.  
Мен бир дафъа умримда бегона бир одамни  
Номусим гаров қўйиб, қутқардим ҳалокатдан.  
А у бир соатдан сўнг, кулги ва ҳазил билан  
Чанг солди борлиғимга, ағдарди менга ғамни.

(Кетади.)

Доктор

У чинданам касалдир ва унинг миясида  
Сонсиз аламлар бўлган — гумон йўқ зарра қадар.  
У жинни бўлса агар,

110

Унинг ҳаёти учун хавфим йўқ сира.

(Кетаркан, икки кишига дуч келади.)

Олтинчи чиқиш

Мажҳул шахс ва князь киради.

М а ж ҳ у л ш а х с

Рухсат этинг сўрашга — мумкинми, истардик биз  
Арбенини кўришни.

Д о к т о р

Чиндан, айтишим қийин.

Унинг хотини кеча ўлди.

120

М а ж ҳ у л ш а х с

Кўп ачинамиз.

Д о к т о р

У жуда мотамзада.

М а ж ҳ у л ш а х с

Уни қизғанаман чин.

Бироқ у уйдаими?

Д о к т о р

Уми? Уйда!— албатта.

М а ж ҳ у л ш а х с

130 Менинг унда кўп муҳим ишим бор эди, лекин.

Д о к т о р

Жаноблар, сизлар унинг дўстларими ё ўзга?

М а ж ҳ у л ш а х с

Ҳозирча дўст эмасмиз — аммо у билан кам-кам  
Дўст тутушмоқлик учун келдик бу днёрга.

Д о к т о р

У касалдир чинданам.

К н я з ь (қўрқиб)

140 Ҳушидан кетиб ётади?

Д о к т о р

Йўқ, сўзлайди, юради,  
Ҳали умидимиз бор.

К н я з ь

Худога шукур!

Доктор кетади.

Еттинчи чиқиш

Князь

О, ниҳоят!

Мажҳул шахс

150

Юзингиз ўтда ёнар.

Сиз ўз қарорингизда собитсиз ҳали?

Князь

Гумонингиз ҳақлими ёинки бекор,  
Бунинг учун бутунлай ишонтирасиз мени?

Мажҳул шахс

Бирпас қулоқ солингиз — иккимизда мақсад бир,

Иккаламиз ҳам ундан нафрат қиламиз;

Лекин унинг руҳини билмайсиз — гўё қабр

Сингари у зим-зиё ва чуқур, сассиз;

160

Агар бирон нарсага кўз солса у бир дафқир,

Бас, унда абадиян жим кўмилади.

Шубҳа, гумонлар унга далилдек туюлади.

Афв этиш, ачинишни билмас асло у,—

Кўнгли ранжиса унинг билгани шу: ўч олув!

Унга ана шу мақсад; ана шу қонун.

Ҳа, у чаққон ажалнинг бордир бирон сабаби.

Унга душманлигингиз билгандим — мен дўст каби

Сизга хизмат қилайин. Сиз сўқишасиз ҳали,

Мен икки қадам ортда, томошабинман бутун.

170

Князь

Аммо бир кун илгарини мени ранжитганини

Қайдан била қолдингиз?

Мажҳул шахс

Сўзлардим-ку барини,

Аммо қизини йўқдир сиз учун сира,

Яна бу ҳақда сўзлар бутун бир шаҳар.

Князь

Ҳеч чидаб бўлмас фикр!

Мажҳул шахс

180

Сизни қийнар шугина.

Князь

О, сиз билмайсиз, уят ёмон нақадар!

М а ж ҳ у л ш а х с

Уят?— буни унутишни ўргатади тажриба.

Князь

Исмингиз нима?

М а ж ҳ у л ш а х с

Сизга керакми исмим?

190 Мен сизга бир шерикман, номусингизга.

Чинакам ҳомий бўлиб ўзим ишга киришдим.

Бундан ортиқни билиш керакмас сизга.

Ҳа, жим! Одимлар... оғир, салмоқли, секин-секин  
Юриб келмоқдалар. У! Унинг ўзи!— бир нафас

Нари кетсангиз — унга баъзи гаплар айтайин,  
Сизнинг гувоҳлигингиз бизнинг ишга ярашмас.

Князь бир чеккага кетади.

Саккизинчи чиқиш

Арбенин (*шам кўтарган ҳолда*)

200 Улим! Улим! О, бу ер, ҳамма ер бу сўз билан  
Тўлган гўё,— қамраган руҳимни ҳам ичидан;  
Мени у таъқиб этар, хотинимнинг тош каби  
Ҳиссиз жасадига мен узоқ боқдим жимгина.

Тилга, тасвирга сиғмас юрак ҳасрати,

Бу ҳасрат билан тўлган, тошган бутун шу сийна.  
Юзларида тинч ҳузур, у гўдакларча беғам

Абадий бир табассум гунчадай очилди жим,  
Қучоғига оларкан абадият: кел, бўтам!—

Унда ўз тақдирини ўқиди руҳи ҳалим:  
Наҳотки, мен янглишдим? Йўқдир хатога имкон,

210 Янглишмайман — ким менга унинг гуноҳсизлигин —  
Исбот қила олади — ёлғон, бу ёлғон!

Қаерда исбот, далил — менда, улар менда бор!  
Ишонмадим хотинга — энди кимга ишонай,

Ҳа, мен эҳтиросли эр ҳамда совуққон ғаддор

Судья бўлдим — ким мени бу ишончдан қайтарар,  
Қайтаришга ботинар?

М а ж ҳ у л ш а х с

Ботинаман — мен!

Арбенин (дастлаб қўрқади ва орқага чекилиб,  
шамни юзига тутади)

220

А сиз кимсиз?

Мажҳул шахс

Евгений, танимадинг сен мени,  
Бу ҳол таажжуб эмас — дўст эдик бир замонлар.

Арбенин

Кимсиз ахир?

Мажҳул шахс

230

Мен сенинг муаккилнигман эзгу.  
Ўзни билдирмай, юрдим ҳар қаерда сен билан,  
Ҳамиша юзим бошқа, ҳамиша бошқа кийим —  
Хабардор бўлдим барча ишларингдан,  
фикрингдан —  
Яқинда маскарада сени огоҳлантирдим.

Арбенин (чўчиб тушиб)

Авлиёларни сира ёқтирмайман, шу замон  
Чиқиб кетинг, сўрайман. Жиддий айтаман сизга.

Мажҳул шахс

240

Менга ҳеч кор қилмайди сизнинг бу қатъий фармон,  
Қулоқ солмайман сизнинг таҳдид овозингизга,  
Мен кетмайман бу ердан — энди менга хўп аён  
Бўлдики танимадинг. Мен ундай хавф-хатардан  
Кўрқувчи, сақладиғи кўп чоқдан буён  
Мақсадидан айновчи одамлардан эмасман.  
Мақсадимга етишдим — мен бу ерда узала  
Тушаман-да, ўламан бир қадам йўқ орқага.

Арбенин

Мен ўзим шундақаман — аммо ортиқ бу билан  
Мақтанмайман.

(Ўтиради.)

Тинглайман.

250

Мажҳул шахс (четга)

Ҳалигача ҳам  
Менинг сўзларим унга таъсир қилмади надан?



Еинки ҳақиқатан янглишган бўлмай!  
Оқибатни кутамиз.

(Унга.)

260 Етти йил бундан олдин,  
Арбенин, табир эдинг мени. Ёш эдим аммо,  
Тажрибасиз эдим ҳам давлатманд ва бетизгин.  
Сен эсанг — кўксинг ичра бу совуқ бўлмишди жо —  
Сен ўзинг ҳар қаерда ифтихор этган одат —  
Йўлдошингди ҳар нарсадан жирканиш, қаттиқ  
нафрат!

Билмайман, ақлингданми кўрармиз буни,  
Ёки шароитданми — руҳингни текширувчи  
Мен эмасман. Уни худо билар-ку,  
Чунки шундайин руҳни ясай олган ёлғиз у.

А р б е н и н

Бошланиши яхшидир.

М а ж ҳ у л ш а х с

270 Бўлмас охири ёмон.  
Бир вақт мени аврадинг,— торта билдинг ҳам  
Ўз ёғингга... ҳамёнда лиқ тўла ақчам,—  
Ҳа, яна мен у замон  
Толега ишонардим.— Сен билан ўйнаб қимор,  
Ютқаздим,— отам хасис ва жуда ғаддор  
Бир одам эди,— ундан дакки емаслик учун  
Ютқизиқни қайтаришга мен жазм айладим бутун.  
Сен ёш бўлсанг-да гарчи даҳшатли бир панжада  
Гўё бўғгандек мени,— ютқаздим барин яна.  
Ўзни йўқотаёздим, ёдингдадир, аҳтимол

280 Кўзёшлар, ёлворишлар... бироқ буларнинг бари  
Сенинг фақат кулгингни қистатди. О! Бир ханжар  
Билан кўксимни ёриш яхшироқ эди, балки  
Сенда у замон бироқ,  
Пайғамбарона қараш йўқ эди илгарига.—  
Сенда ёмонлик тухми мана ушбу чоқ  
Ҳақиқий мевасини бермиш мўлгина.

Арбенин сапчиб турмоқчи бўлади, лекин яна ўйга чўмади.

290 Мен ўша ондан бошлаб тарк этдим ҳар нарсани,  
Аёлларни ва ишқни, ёшликнинг завқ-нашъасин,  
Энг нозик хаёллар-ла ҳаяжонлар лаззатин.

Ва жаҳонда очилди янги жаҳон, сир каби,  
Ажойиб ва яп-янги сезгиларга бой олам,  
Жамиятдан қувилган инсонларнинг диёри,  
Иzzат-нафсини билган, юраги музлар жойи,  
Бунда оромбахш эди азобларнинг ўзи ҳам.  
300 Мен кўрдимки — дунёда ёлғиз ақча ҳукмдор,  
Дарров унга топиндим. Йиллар ўтди, ҳарна бор.  
Барчаси оқди кетди: бойлигим ва сиҳатим!  
Бахтнинг эшиги менга ёпилди абадиян!  
Сўнгги шартни сўрадим тақдир хазинасидан:  
Мана, кўриб турибсан, қалайдир вазиятим.  
А! Қалтирамоқдасан! Англайсан ҳарна эса,  
Менинг мақсадимни ҳам ва айтган гапимни ҳам,  
Хўш — сени танимайман, деб айта кўр-чи яна.

### А р б е н и н

Иўқол — танидим сени — танидим шу дам!..

310

### М а ж ҳ у л ш а х с

Иўқол! Атиги шуми — мендан кулган эдинг-ку,  
Мен ҳам бир хурсанд бўлай.  
Яқинда қулоғимга чатилдики, сен ушбу  
Кунларда бахтиёрсан, уйлангансан ҳамда бой;  
Жуда аччиғим чиқди — дилим зардобга тўлди.  
Ва узоқ вақт ўйладим: нима учун ул  
Шундай бахтиёр бўлар — ичимдан нидо бўлди.  
Ва шивирлади менга: бор, бор, тинч қўйма буткул!  
320 Мен оломон ичида ҳар вақт орқангдан юрдим  
Чарчамадим, ҳамиша сен-ла югурдим,  
Ҳаммасин билиб, ниҳоятида,  
Меним меҳнатларимга етди хотима.  
Қулоқ сол — билим олдим — сенга бирдан-бир  
Ҳақиқатни очаман...

(*Чўзиб гапиради.*)

Қулоқ сол: хотинингни ўзинг ўлдирдинг, ахир!  
Арбенин сакраб тушади, князь яқинлашади.

### А р б е н и н

Ўлдирганман?— Мен?— Князь! Оҳ! Бу нима

330

М а ж ҳ у л ш а х с (*орқага чекиниб*)

тағин...

Мен ҳаммасини айтдим, у айтади қолганин.

Арбенин (қаттиқ газабланиб)

А! Фитна-фасод... кўп соз... мен сизларга асирман.

Сизга моне бўлмоқлик кимнинг қўлидан келар?

Ҳеч кимнинг... сиз бу ерда подшосиз... ҳақирман

Упаман оёғингиз.. Рухим ҳолсиз зирқирар

Кўзларингизга қараб... мен гўдакман ва аҳмоқ,

Сўзларингизга қариш йўқдир сира жавобим.

340

Ҳазил билан алдандим, енгилдим бир зумдаёқ,

Болтага ҳам эгаман нидамасдан гарданим;

А сиз адашдингизми, меннинг руҳимда ҳали

Ақл бор, жуда эски тажриба бор, қувват бор.

Барчасин унинг қабри тортган деб сиз умидвор?

Сизга жавоб бермайман нақ ўтмишдаги каби?

Мен, сизнинг фикрингизча, жуда ожиз эканман,

Миш-миш гаплар макрига учибсиз бекор!

А-ҳа, саҳнангиз жуда яхши қурилган экан,—

Уйиннинг охирини пайқамасиз, не бўлар.

350

Манави бир бола-ку — шунга боқмай мен билан

Қурашмоқни ўйлабди. Унга лўнда шапалоқ

Оз кўринган ўхшайди — тотасиз ўзгасидан.

Албатта, сиз тотасиз кўп ўтмасданоқ.

Ҳаёт зериктирдими! Ажабланмаслик мумкин:

Аҳмоқнинг, бекорчининг будир ҳаёти зотан.

Хотиржам бўлинг энди — ўлдириласиз чиндан,

Ўласиз-да, оласиз олчоқ номини бутун.

Князь

Кўрармиз — лекин илдам.

Арбенин

360

Хўп, борамиз, борамиз.

Князь

Бахтлиман ҳозир.

Ма ж ҳ у л ш а х с (тўхтатиб)

Ҳа — муҳим гап эсдан чиқмиш.

Князь (Арбенинни тўхтатиб)

Шошманг, шуни билдингки, сиз мени беҳудага

Қоралаган экансиз... Сизнинг у қурбонингиз

370

Бутунлай айбсиз экан — мени нечун жуда

Ҳақорат қилгандингиз... шу тўғрида хабардор

Қилмоқчи эдим сизни — борамиз муҳим иш бор.

Арбенин

Нима? Нима?

Мажхул шахс

Хотининг гуноҳсиз. Сен кўп ёмон  
Жазо берибсан унга.

Арбенин (*қаҳқаҳа уради*)

Ҳазилингиз бепоен!

Князь

380 Иўқ, йўқ — ҳазил билмайман, худо ҳақи гапим чин.  
Тақдир тақозоси-ла унинг билагузуги  
Баронесса қўлига тушган ва кейин  
Баронесса ўз қўли билан топширган уни.  
Мен ўзим янглишганман, менинг севгимни лекин  
Хотинингиз бутунлай рад этган эди.  
Бир хатодан шунча кўп ёмонликлар чиқишин  
Билсам, мен на кўз ва на табассум ахтарардим,  
Баронесса ҳам,— ушбу мактуби билан  
Сизга очиб ташлайди бутун ишни зимидан.  
Тезроқ ўқинг!— ганиматдир менга ҳар бир он...

390 Арбенин хатга қарайди ва ўқийди.

Мажхул шахс (*кўзларини осмонга мунофиқона  
тикиб*)

Бадкирдорни — қотилни қисмат айласин яксон!  
Афсус! Гуноҳсиз ҳалок бўлди бечора.  
Лекин бунда бўларди насибаси ғам-ғурсса,  
Самоларда у топар жаннатдан макон!  
Оҳ мен уни кўрганман — унинг кўзлари бутун  
Рухининг асллиги билан ёнарди порлоқ,  
Ким ўйларди бу гўзал гулни тўсиндан қуюн  
400 Эзиб-янчиб ташлайди бир нафасдаёқ?  
Нега лол бўлиб колдинг, бадбахт, сен бу чоқ?  
Юл сочларингни. қийнал, ўртан ва бақир.  
Даҳшат! О! Даҳшат!

Арбенин (*уларга ташланади*)

Мен бўғаман сизларни, жаллодлар, ҳозир!

(*Бирдан бўшашиб, курсига йиқилади.*)

Князь (*дағаллик билан туртиб*)

Тавбаю-тазаррудан бир фойда чиқмас.

Пистолетлар кутади — жанжал ҳал бўлсин буткул.  
Индамас ҳам эшитмас... ва наҳотки, ул  
410 Ақл-ҳушдан айрилган...

М а ж ҳ у л ш а х с  
Эҳтимолки, рост...

К н я з ь

Менга мене бўлдингиз.

М а ж ҳ у л ш а х с

Урамиз якка-якка.

Мен ўч олдим, сиз сал кеч қолдингиз, назаримда!

А р б е н и н (*ваҳшиёна боқиб, ўрнидан туради*)

О, сиз нима дедингиз? Битди тоқатим,  
420 Шундай ҳақоратландим, мен шундай ишонардим...  
Кечир, эй тангри, кечир — ўзинг қил карам.

(*Қаҳқаҳа уради.*)

А кўзёшлар, надоматлар, ёлворишлар бўлди кам?  
Сен ўзинг кечирдингми?

(*Тиз чўкади.*)

Мана, мен қаршингизда тиз чўкдим бир қул каби  
Лйтингиз-чи, хиёнат, маккорлик — булар барн  
Аниқ равшан-ку ахир... сиз хотинимни ҳозир  
430 Қоралангиз, истайман ва буюраман шуни.

У гуноҳсиз? Сиз шунда бўлганмидингиз ахир?

Билганмидингиз надир меннинг руҳим қайгуси?

Мен ҳозир ўтингандай, менга ёлворди у ҳам,

Хато --- мен хато қилдим — нима бўлибди, қани!

Худди шундай деганди унинг ўзи-да у дам,

Лекни мен: *ёлғон*, дедим бу гапларнинг барчаси.

(*Ўрнидан туради.*)

Буни мен айтдим унга.

Сукут.

440 Тинглангиз мана буни:

Унинг қотили менмас.

*(Мажхул шахсга қаттиқ тикилиб қарайди.)*

Сен, сен, эт иқрор,  
Тез иқрор эт, дадилроқ гапир, беғубор,  
Кўнгил билан лоақал менга сўзла бир йўли.  
О, азиз дўст, сен менга мунча золимсан?  
Мен уни севардим-ку, унинг томчи кўзёшши  
Кўкларга, жаннатларга алишмас эдим локин,  
Майли, мен ҳаммасини сен учун кечираман.

*(Унинг қучоғига йиқилади ва йиглайди.)*

450 М а ж х у л ш а х с *(уни қўлполлик билан итариб)*  
Ўзингга кел — эсингни йиғ...

*(Князга.)*

Бундан олиб кетамиз...  
Очиқ ҳавога чиқса, албатта, тез у  
Тузук бўлиб қолади...

*(Унинг қўлидан ушлайди.)*

Арбенин!

А р б е н и н

460 Кўришмаймиз... Хайр, хайр... юринг, борамиз...  
Бу томонга, бу ёққа.

*(Унинг қўлидан чиқиб, тобут турган уйга югуради.)*

К н я з ь

Тутинглар уни!

М а ж х у л ш а х с

Бу мағрур ақл — зако бугун тамом бемадор!

А р б е н и н *(фарёд чекиб, қайтиб келади)*

Қарангизлар, бу ерда! Ҳай қарангизлар!

470 *(Саҳнанинг ўртасига келиб.)*

Мен сенга айтдим-ку, сен золим, ғаддор!

Ерга йиқилади, кўзларини бир нуқтага тикиб, яслангандай ўтиради.  
Князь ва Мажхул шахс унинг тепасида туришади.

## Мажҳул шахс

Ухшатиб ўч олмоқлик эди умрим мақсади,  
Мана бугун ўчимни олдим мен тамом!

## Князь

У телба бўлди... Бахтли... А мен? Мен номус ва ном,  
Кўнгил тинчлигидан ҳам маҳрум бўлдим абадий!

480

## В. Г. Белинский

### ПОЭЗИЯНИНГ ХИЛ ВА ТУРЛАРГА БУЛИНИШИ\*

Поэзия санъатнинг олий туридир. Ҳар қандай бошқа санъат ўз ижодий фаолиятида кўриниши учун восита бўлган материал билан маълум даражада сиқилган ва чегараланган ҳолда бўлади. Архитектура асарлари, ё бир буюк бутунлик ташкил этувчи қисмларининг гармонияси билан, ёки ўз формаларининг улуғлиги ва дабдабаси билан бизни ҳайратда қолдиради, ўткир қиррали учлари само сари бизнинг руҳимизни юксалтиради. Лекин уларнинг руҳимизга қилган таъсири шу билан чекланади. Бу — фақат шартли символизмдан

\* Адабиётимизнинг ёшлиги ва рус жамиятининг адабий маълумоти гўдаклигига қарамасдан, бундан йигирма йил аввал бизда кучли танқидий ҳаракат бошланди ва бу ҳаракат кун сайин кучайиб бормоқдадир. Журналларда (илгари ҳатто альманахларда ҳам) танқидий тус, руҳ ва оқимда бўлган озми-кўпми ажойиб мақолалар доимо кўриниб келди ва кўринмоқда. Бизнинг адабиётимизда танқидчи бўлиб шуҳрат қозонган бир неча номни кўрсатиш мумкин. Халқ журналлардаги танқидларни, тақризларни ҳам нафис адабиёт повестларини ва бошқа асарларини ўқигани сингари завқ билан ўқийди. Қисқаси, журналларимиз ва адабиётимизнинг ҳаётини танқид ташкил қилади. Бу факт таскин берарлидир: бу нарса эстетик маълумот олиш, нафислик қонуларини англашга жонли интилиш, ватан адабиёти асарларининг фазилатини ва унинг ходимларининг қадр-қиммати даражасини мувофиқ бир йўсинда англаш учун жамиятда жонли эҳтиёж борлигини кўрсатади. Аммо булар ҳаммаси ҳали қаноатлангирмайди, бу фақат бир эҳтиёждир, бу яна ҳам муҳимроқ эҳтиёжни — нафислик қонуларини системали суратда билишни ва бунга асосланган ватан адабиёти тарихини системали равишда ўрганишни кўрсатади. Ҳолбуки, бу бобда бир қанча уринишлар бўлишига қарамай, бизда бу эҳтиёжни озгина бўлсада қониқтирадиган битта ҳам китоб йўқ. Бизда шу чоққача чиққан бундай асарларнинг қаноатлангирарли эмаслигига асосий сабаб — фикр юритишнинг етишмаслиги, система йўқлиги, дунёқарашлар ва тушунчаларнинг ўзбошимчалиги, эскириб қолганлигидир.



абсолют (мутлақ) санъатга интилишдир; бу ҳали тўла маънодаги санъат эмас, фақат санъатга интилиш ва унга биринчи қадамдир; бу ҳали бадний формада ўз ифодасини топган фикр эмас, фақат фикрга ишора қилувчи бир бадний формадир. Скульптура соҳаси кенгроқ, метморликка қараганда унинг воситалари бойроқдир, у

Еш адабиётчилардан бири бўлган Белинский жаноблари рус адабиётидаги бу муҳим камчиликни мумкин қадар йўқотишга ҳавас қилиб, кўпдан бери ўзининг фикрини банд этган мақсадга — рус адабиётининг танқидий тарихини ёзишга қарор берган; Ватан адабиётини севгани, кўпдан буён унинг тараққиёт йўлини диққат билан мушоҳада қилгани ва бу тўғрида старли даражада маълумотга эга бўлгани учун, — у ўзининг бу асарини муваффақиятсиз чиқмас, деб умид қилиши мумкин, лекин унинг асари рус тилида бундай асарлар ёзишда биринчи тажриба бўлади, албатта. Кўрсатилган сабаблардан ташқари, уни бу асарни ёзишга ҳаваслан-тирган нарса, адабиётимизда шу маҳалгача айланиб юрган ҳамма идеялардан оригинал ва бутунлай ўзгача фикрларини, нафосатга ва рус адабиётига доир турли журналларда босилган айрим мақолаларидаги идеяларини махсус бир китобда системали суратда ёзиб, халққа тақдим қилиш орзусидир. Унинг китоби «Рус адабиётининг назарий ва танқидий курси» деган умумий ном билан чиқади ва асосий фикр бирлиги, систематик ёзув билан бир-бирига зич боғлангани ҳолда, мана шу қисмларни ўз ичига олади: Умумий муқаддима; Эстетика (умуман санъат идеясининг тараққиёти ва қисман поэзия назарияси); Рус шеърӣ вазинлар назарияси; Умуман адабиёт назарияси; Умуман халқ поэзиясига қараш; Рус халқ поэзияси ёдгорликларига танқидий қараш («Игорь жангномаси ҳақида» эпик ва лирик мазмундаги рус қўшиқлари); Рус ёзувининг бошланишидан тортиб то Улуғ Пётр замонасигача бўлган ёдгорликларга тарихий қараш. Кантемир ва Ломоносовдан бошлаб Карамзингача, Карамзиндан Пушкингача ва Пушкиндан то 1841 йилгача бўлган рус китоб адабиётининг тарихи; Рус адабиётига умумий қараш, келажак умидлари, хулоса. Бадний асарларнинг ва нима сабабдандир диққатга лойиқ бўлган беллетрист-тик асарларни ҳам муфассал равишда танқидий кўздан кечирин-дан бошқа, «Рус адабиётининг назарий ва танқидий курси»да адабиётга яхши ёки зарарли, оз ёки кўп таъсир кўрсатган ва лойиқ ёки полыйиқ равишда машҳур бўлган вақтли нашриёт тарихига — журналистика бошланишидан тортиб «Москва журна-ли» ҳам Карамзиннинг «Европа ахбори»га қадар ва улардан тортиб то ҳозирги замон нашриёт тарихигача, барчасига тўла диққат қилинади.

Тақдим қилинган мақола эстетикадан бир парчадир; бу парча бир жиҳатдан бутун бир асар намунаси бўлиб хизмат қилади. Адабиёт тарихидан «Ватан мактублари»га ҳам бир-икки парча киргизилади.

Китоб 1842 йил бошида чиқади, компакт нашрда ўттиз листдан ортироқ бўлади, катта нимчорақли, икки стунда, ўрта ва майда ҳарф билан босилади. Петербург китобфурушларидан бири нашр этишга ваъда қилмоқда.

Инсон танаси шаклларининг гўзаллигини ифодалайди, инсон юзидаги фикр кўланкаларини кўрсатади; лекин у юздаги фикрнинг бир пайтини, тандаги (attitude) бир вазиятнигина тутиб олади. Шу билан бирга скульптуранинг ижодий фаолияти инсоннинг бутун сиймосини қамрай олмайди, балки инсон танасининг ташқи шакллари билангина чегараланади, эркак кишиларда фақат мардлик, улуғворлик ва кучни, хотинларда гўзаллик ва нозикликни ифода қилади. Рассомлик санъати бутун инсонни, ҳатто унинг ички руҳий дунёсини ҳам ўз ичига олади; аммо рассомлик ҳам ҳодисанинг фақат бир пайтини қамраш билан чегараланади. Музика эса, энг кўп, руҳнинг ички дунёсини ифода этувчидир; лекин музика ифода қилган идеялар товушлардан (садолардан) айрилмайди, товушлар руҳга кўп нарса берса ҳам, ақлга ҳеч нимани очиқ ва аниқ қилиб айтмайди. Поэзия эркин инсон сўзида ифодаланади, сўз эса — ҳам товуш, ҳам картина, ҳам аниқ ва равшан айтилган тасаввурдир. Шунинг учун поэзия бошқа санъатларнинг ҳамма элементларини ўз ичига олади, бўлак санъатларнинг ҳар бирига айрим равишда берилган ҳамма воситалардан бирваракай ва тўла суратда фойдаланади. Поэзия санъатнинг бир бутунлигини ва унинг бутун тузилишини кўрсатади ва санъатнинг ҳамма томонларини қамраб, унинг ҳамма очиқ ва аниқ айирмаларини ўз ичига олади.

1. Поэзия идеянинг маъносини ташқи кўринишда ифодалайди ва маънавий оламни бутунлай аниқ, пластик образларда уюштиради. Бунда ҳамма ички маъно юзага чиқади ва бу икки томон — ички ва ташқи томонлар — бир-биридан айрим ҳолда кўринмайди, бироқ бевосита жам ҳолида олганда улар аниқ реалликни — воқеани гавдалантиради. Бу ерда шоир кўринмайди; пластик — муайян дунё ўз-ўзидан тараққий этади, шоир эса ўз-ўзидан вужудга келган ҳодисанинг фақат ҳикоячиси бўлиб қолади. Бу эпик поэзиядир.

2. Ҳар бир ташқи ҳодисадан аввал тилак, орзу, ният, хуллас — фикр тугилади; ҳар бир ташқи ҳодиса ички, яширин кучларнинг фаолияти натижасидир: поэзия воқеанинг мана шу иккинчи, ички томонига, бу кучларнинг туб негизига кириб боради, ташқи реаллик, воқеа ва хатти-ҳаракат ана шу кучлардан ўсиб чиқади, бунда поэзия янги ва қарама-қарши турда кўрина-

ди. Бу субъективлик салтанати, бу ички дунё, ўз ичида қолувчи ва ташқарига чиқмайдиган ташаббуслар дунёсидир. Бунда поэзия ички элементда, туйғу ва онг доирасида қолади; бунда руҳ ташқи реалликдан ўтиб яширинади, ташқи оламни ўзида акс эттирган ички ҳаётнинг мислсиз жилваларини поэзияга ҳадя қилади. Бунда шоирнинг шахсияти биринчи ўринда туради, биз ҳамма нарсани фақат у орқалигина қабул қиламиз ва англаймиз. Бу лирик поэзиядир.

III. Ниҳоят, бу икки хил туркум ажралмас бир бутун бўлиб бирлашади: ички ҳодиса ўз ичида қолишдан тўхтади ва ташқарига чиқади, амалда ўзини кўрсатади: ички, идеал (субъектив) ҳодиса ташқи, реал (объектив) ҳодиса бўлиб қолади. Эпик поэзияда бўлгани сингари, бунда ҳам турли субъектив ва объектив кучлардан чиқиб келучи белгили, реал ҳаракат тараққий этади; лекин бу ҳаракат энди соф ташқи характерга эга бўлмайди. Бунда хатти-ҳаракат, воқеа бизга бирданига ва тайёр ҳолда кўринмайди, биздан яширинган ишлаб чиқариш кучларидан чиққан, ўз ичида эркин бир доира чизган ва кейин ўз ичида таскин топган воқеа сифатида кўринмайди,— йўқ, бу ерда биз бу хатти-ҳаракатнинг индивидуал иродалар ва характерлардан бошланиш, келиб чиқиш процессини кўрамиз. Иккинчидан, бу характерлар ўз ичларида бекиниб қолмайди, балки узлуксиз равишда ошкор бўлади ва ўз руҳининг ички мазмунини амалий манфаатда очади. Бу, поэзиянинг юқори даражаси ва санъатнинг гулдас-тасидир, бу драматик поэзиядир.

Поэзиянинг уч хилининг ҳар бирига умумий ва қисқача обзор қилгандан сўнг, энди уларни бир-бири билан таққослаш орқали чуқур маъноларини кенг равишда очиб ташлаймиз.

Эпик ва лирик поэзия ҳақиқий дунёнинг икки абстракт томонидирки, улар бир-бирларига батамом қарама-қаршидирлар; драматик поэзия эса бу қарши томонларнинг жонли ва мустақил учинчи бир нимага бирлашувидир.

Эпик поэзия ўз-ўзига, шоирга ва ўз ўқувчисига нисбатан асосан объектив, ташқи поэзиядир. Эпик поэзия мавжуд дунё ва ҳаётни кузатишни, уларнинг ўзларига нисбатан ёки уларни кузатувчи шоир ва китобхонга нисбатан бутунлай лоқайд ҳолда бўлишларига қара-

май, мана шу дунё ва ҳаётни кузатишни ифода этади.

- Лирик поэзия, аксинча, асосан субъектив ички поэзиядир, шоирнинг ўз ифодасидир. «Лирик поэзияда,— дейди Жан-Поль Рихтер,— санъаткор — картина, яратувчи эса ўз асари бўлиб қолади». Эшик поэзияни архитектура, ҳайкалтарошлик ва рассомлик сингари санъатларга ўхшатиш мумкин; лирик поэзияни фақат музика билан солиштириш мумкин. Ҳатто шундай лирик асарлар борки, уларда поэзияни музикадан ай-  
10  
риб турувчи чегара қарийб йўқолиб кетади. Масалан, кўпгина рус халқ қўшиқлари халқ эсида қолади, бунинг сабаби уларнинг мазмунида эмас (чунки уларда қарийб мазмун йўқ), улардаги сўзларнинг маъносида эмас (чунки бу сўзларнинг қўшилуви қарийб ҳар қандай маънодан маҳрумдир ва грамматик маънода олганда эса ҳеч қандай мантиқийлик йўқдир), аммо бу қўшиқлар, сўзларнинг қўшилиши натижасида пайдо бўлган садоларнинг мусиқийлиги, шеърларининг вазни ва қуйидаги оҳангдорлиги билан, ёки оддий одамлар  
20  
айтганидек, ўз «товуши» билан эса сақланиб қолади. Бошқа лирик пьесалар, оддий маънодан маҳрум бўлмасалар ҳам, алоҳида маънога эга бўлмай, ўз шеърларининг ёлғиз оҳангдорлиги билангина чексиз мутлақо оддий маънони ифодалайдилар, масалан, тентак Офелия қўшиғининг мана бу байти каби:

У ётарди тобутда, ёпилмаганди юзи,  
Унинг юзи очикди, ёпилмаганди юзи.

- Ёпилмаган деган сўз очиқ демакдир, очиқ демак эса ёпилмаган демакдир; лекин озгина грамматик ўз-  
30  
гариш билан бир хилдаги сўзнинг такрорланиши руҳга қандай чуқур таъсир этади! Бу байтлар ўқилиш эмас, балки куйланиши кераклиги сезилиб туради. Мана, Қозлов томонидан таржима этилган ёки қайтадан ишланган Дездемона қўшиғи:

Ўйга толиб турарди бечора қиз сояда,  
Эгар энди ҳасрат уни, берилганди нолага:  
«Куйлангиз сиз мажнун толни, куйланг менга кўк толни!»

Кўкрагига қўлларини астагина қўйди у,  
Бошини ҳам тиззасига жимгина у олди; сув

- Тўлқинлари қаршисидан ҳайқаришиб чопарди,  
40  
Унинг ожиз фиғонини у тўлқинлар куйларди.  
«Эй мажнун тол, мажнун тол, эй ям-яшил мажнун тол!»

Тўлиб-тошиб оқар эди унинг қайноқ кўз ёши.  
Кўз ёши-ла юмшаганди у ернинг ваҳший тоши.  
«Эй мажнун тол, сен мажнун тол, эй ям-яшил мажнун тол!»

Бу ям-яшил, бу мажнун тол менга гултож бўлажак,  
«Эй мажнун тол, мажнун тол, эй ям-яшил мажнун тол!»

Айтингчи, бу ерда мажнун тол сўзининг шеър мавзуига — Дездемонанинг изтиробига қандай алоқаси бор? Дездемона ўз қўшиғини куйлаган чоқда, ўзини мажнун тол тагида ўтирган деб хаёл қилганми, чорасиз ҳасратда ўзининг чорасиз қайғусини, муқаррар тақдирининг бутун фожиасини сўзлаб беришини истаб унга мурожаат қилган ва ундан овутишни сўраганми экан?.. Қандай бўлмасин, ҳеч қандай бир аниқ маъно ифода этмайдиган бу мисра: «Эй мажнун тол, сен мажнун тол, эй ям-яшил мажнун тол», ўз ичида чуқур фикрга, ўзини ифода этишдан ожиз бўлган, сўзни тарк этиб, ҳис ва музика садосига айланган фикрга эга... Ва шунинг учун ҳам бу мисра қалбга чуқур киради, қониқмас қайғунинг қайновчи ширин туйғуси билан уни ҳаяжонлантиради... Пушкиннинг тамом бошқа турга оид, лекин худди шунинг каби мусиқий шеърлари қаторига кирадиган машҳур бир романси ҳам шундайдир:

Тун ели тентир,  
Ҳавони елпир.  
Шалдирар,  
Югурар  
Гвадалквивир.

Мана чиқди олтин ой,  
Жим... жим... бирдан соз саси...  
Испан қизи хумордай:  
Балконга суялади.  
Тун ели тентир.  
Ҳавони елпир.  
Шалдирар,  
Югурар  
Гвадалквивир.

Шолни еч, эрка малак.  
Қўрин кундек нашъали.  
Панжаралардан андак  
Оёқ узат гул каби.  
Тун ели тентир,  
Ҳавони елпир.  
Шалдирар,  
Югурар  
Гвадалквивир.

Бу нима?— сеҳрли картинами, хаёлий кўринишми, ёки кўкдан янграган ва шайдо қилувчи испан қизининг муҳаббат ва орзулар билан ҳорғин боши устидан учиб ўтган мусиқий аккордми... Зийнатли, эҳтиросли жануб кечасининг сирли, шаффоф қоронғилигида янграган серенада садоларими, балконга лоқайд суялиб, гўзал кечанинг хушбўй ҳавосини чапқоқлик билан ютиб, нозанин испан қизи эшитган, интизор ва туйғуларга тўла серенада садоларими?.. Шамол ҳаракати билан оққан ҳавонинг тўлқини ва Гвадалквивирнинг кумуш тўлқинлари бу ажиб гўзал байтларнинг гармоник музикасида эшитилмайдими? Нима бу — поэзиями, расми, музиками? Ёки шуларнинг ҳаммаси қўшилиб бирикма ясаганми, яъни унда картина садолар билан гапирадими, садолар картина ясайдими, сўзлар бўёқлар билан порлаб, образлар билан жилваланиб, оҳанглар жаранглаб маъноли нутқни ифода қиладими?.. Пьесанинг ўртасида қайтарилиб, сўнгра уни охирида беркитувчи биринчи куплет нима? Бу — ҳар қандай сўздан кучлироқ бўлган сўзсиз товуш, яъни рулада эмасми?..

Эпик поэзия табиатда бор бўлган картиналар ва образларни ифода этмоқ учун образлар, картиналар қўллайди, лирик поэзия эса инсон табиатининг ички моҳиятини ташкил этувчи образсиз ва шаклсиз туйғуни ифода этиш учун образ ва картиналар қўллайди. «Эпос,— дейди Жан-Поль Рихтер,— ўтмишдан келиб чиққан воқеадан иборатдир; лира ҳозирги вақт ичида бўлган сезишдир». Ҳатто, лирик шоир, афтидан, ўз шахсияти учун бутунлай ташқи бўлган, ўзига бегона дунёдан олган туйғуни ифода қилган вақтда ҳам у субъективдир; чунки у ифода этган ҳар қандай туйғу, ижод қилиш вақтида, унинг ўз хусусий туйғуси бўлиб қолади, сабаби шуки, у туйғу шоирнинг шахсияти орқали ўтади. «Тарихий воқеа эпосда ҳикоя қилинади, драмада олдиндан кўринади ёки яратилади; лирада эса ҳис қилинади ёки кечинилади»,-- дейди Жан-Поль Рихтер. Германиянинг бу машҳур мутафаккир шоирининг фикрича, лирика поэзиянинг бошқа ҳамма формаларидан олдин пайдо бўлгандир, чунки «у онадир, образсиз Прометей олови ҳамма образларни жонлантиргани каби лирика ҳам ҳар қандай поэзиянинг ёқувчи учқунидир». Лирика поэзиянинг бошқа турларидан олдин ўтганлиги

тўғрисида, тарихий маънода Жан-Поль Рихтер билан келишиб бўлмайди. Биз учун грек санъати ўрнатқич, форма ва юқори обрў бўлиши керак, чунки жаҳонда ҳеч бир халқнинг санъати грек санъати каби ўзига хос ва нормал равишда ўсган эмас. Қадимги грек ҳаётининг тўла-тўқислиги кўпроқ санъатда ифодаланган. Шунинг учун грек санъатининг тарихий тараққиёт актлари биз учун маъқул обрў кучига эга бўлиши керак. Уларда лира драмадан олдин пайдо бўлгани каби эпоней ҳам лирадан олдин яралган. Санъат тараққиётининг бундай йўли ақлга ҳам мувофиқдир: болаллик чоғини кечириб турган халқ учун табиатга ва ҳаётга ўзича мавжуд бўлган табиат ва ҳаёт деб, объектив қараш ва фикрни ўтмиш ҳақидаги афсона деб билиш ички мушоҳададан ва мустақил онг каби фикрдан олдин ўтиши лозим. Бироқ бундан ҳамма халқларда санъат тараққиёти бир хилда изчиллик билан бориши керак, деган хулоса чиқариб бўлмайди. Шунинг унутмаслик лозимки, греклар ҳаётининг бутун тўлаллиги кўпроқ санъатда ифодаланган, уларнинг миллий тарихи асосан санъат тараққиёти тарихидир; ҳолбуки, бошқа халқларда санъат ҳаётнинг ёрдамчи элементи, иккинчи даражадаги манфаат ҳисобланиб ижтимоий ҳаётнинг бошқа стихияларига бўйсунгандир. Масалан, яҳудийларнинг диний поэзияси асосан фақат лирикадир, яъни ё соф лирик поэзия, ёки эпик лирика, ёки лирик догматик поэзиядир. Халқ бўлиб эмас, балки қабила бўлиб чўлларда тарқоқ ҳолда яшаган, жамоатчиликка ёт бўлган арабларда эса фақат лирика, ёки лирик-эпик поэзия мавжуд эди, лекин драматик поэзия уларда ҳеч вақт бўлган эмас ва бўлиши мумкин ҳам эмасди. Бошқа ўлкаларни забт этувчи ва қонун чиқарувчи халқ нуқул сиёсий ва граждандлик манфаатлари билан машғул бўлган римликларда поэзия, санъаткор Грециянинг намунали асарларига рангсиз — юзаки тақлид қилишдан иборат бўлган. Ҳаётларининг мазмун бениҳоя бой бўлган жамоатчиликнинг сон-саноқсиз элементларига эга бўлган, бу элементларнинг юқори даражадаги тараққиётига эришган Европанинг янги халқларида поэзиянинг ҳамма турлари бор, лекин улар Европа халқларининг ҳар бирида алоҳида изчиллик билан, ёки яхшироқ қилиб айтсак, бутунлай аралаш ҳолда пайдо бўлган. Масалан, инглизларда Шекспир билан бирга дастлаб драма

тараққий этди, икки асрдан сўнг Байрон, Томас Мур, Вордсворт ва бошқаларнинг асарлари билан лирик поэзия катта тараққиётга эришди, лирик поэзия билан бир қаторда Вальтер Скотт ижодида эпик поэзия ҳам ўсди, эпик поэзия келиб чиқиши ва тили жиҳатидан Англияга қардош бўлган Шимолий Америка Штатларида Купер асарларида тараққий қилди.

- 10 Жан-Полнинг лирик поэзия ҳар қандай поэзиянинг стихиясидир, деган фикрига келсак, бу фикр бутунлай ҳақли ва чуқур маъноли эканини кўрамиз. Ҳар қандай поэзиянинг ҳаёти ва руҳи лирикадир; лирика поэзиянинг асосидир, у поэзиянинг поэзиясидир,— ва Жан-Поль Рихтер чуқур маъно билан, ҳаққоний равишда лирикани ҳар қандай поэзиянинг умумий элементи деб атайди ҳам уни бутун поэзияда айланиб юрувчи қонга ўхшатади. Шунинг учун лиризм ўз-ўзича, поэзиянинг айрим бир турини ташкил қилса-да, поэзиянинг бўлак турларига ҳам кириб боради. Зевс яратган
- 20 ҳамма нарсаларни Прометей олови жонлантирган каби, у ҳам стихия каби поэзия турларини жонлантиради. Мана шунинг учун Шекспир драмалари — энг юксак ижодий куч маҳсули бўлган драматик асарлар — лиризмга шундай бойки, бу лиризм уларда драматизм асосидан барқ уриб туради ва гўзал қизнинг юзига ранг берган каби, унинг жозибали кўзларига олмос нури бағишланган каби, драматизмга ҳам лирика ҳаёт нурининг товланишини, ўйноқилигини бахш этади. Лиризмсиз эпопея ва драма мазмун жиҳатидан ортиқ даражада прозаик ва совуқ — лоқайд бўлар эди;
- 30 лиризм тезда уларда устулик қилувчи элементга айланган ҳолда драма ва эпопея сокин ҳаракатсиз ва кам таъсир бўлиб қолади.

- Эпопеянинг мазмунини воқеа ташкил этади; эол созининг торларини шамол чертгани каби шоир руҳини силкитган, тутқич бермас ва оний сезги лирик асарнинг мазмунини ясайди. Шунинг учун асарнинг идеяси қандай бўлмасин, у ортиқча узун бўлмаслиги керак, балки аксар вақт жуда қисқа бўлиши лозим. Эпик поэзиянинг ҳажми воқеанинг ҳажмига боғлиқ, асарда
- 40 узун воқеа мароқли ва яхши ёзилган бўлса диққатимизни чарчатмайди; воқеа кесилиб қолиши бошқа мавзуларга ўтиб, яна унга қайтиши мумкин: «Илиада»ни, Вальтер Скотт ёки Купернинг ҳар қандай романи каби



уни бир неча кун давомида ўқишимиз мумкин. Китобни бир қанча вақт ташлаб қўйиб, яна ўқиб, орада бошқа ишлар билан машғул бўла оламиз. Умуман, эпопея, поэзиянинг бошқа турларига қараганда, ҳажм жиҳатидан шоир учун анча кўп эркинлик беради. Қуйида кўриб ўтажамиз драма, ҳажм — катталиқ жиҳатдан озми-кўпми аниқ чегарага эга бўлади; аммо лирик асарлар бу жиҳатдан жуда чегаралангандир. Агарда драма жуда узун бўлса, бизнинг диққатимиз ва таассуротни идрок этиш фаолиятимиз, драмадаги ўсиб борган ҳаракатнинг тўхтовсиз ўзгариши натижасида узоқ вақт бардош бериши мумкин; лекин лирик асар фақат сезгини ифода қилади, ёлғизгина сезгимизга таъсир этади, бизда мароқ уйғотмайди, фақат поэзияда эмас, ҳатто воқеликда ҳам ақлимизни кучли банд этувчи, сезгимизга таъсир қилувчи объектив фактлар билан ҳам диққатимизни тутиб турмайди. Мазмуннинг бойлигига қарамасдан, лирик асар ҳар қандай мазмундан маҳрумдек кўринади, бутун вужудимизни ширин сезгилар билан зир титратиб, фақат ўз мазмунини бутунлай баён қилмайдиган мусиқий пьесага ўхшайди, чунки бу мазмунни инсон тилига кўчириб бўлмайди. Мана шунинг учун ўқилган дoston ёки драманинг мазмунини бошқа кишига айтиб бериш, ҳатто айтиб бериш билан ҳалиги одамга озми-кўпми таъсир қилиш ҳамавақт мумкин, аммо лирик асарнинг мазмунини ўқиб олиш ҳеч мумкин эмас. Уни на айтиб бериш ва на изоҳ қилиш мумкин; лекин уни шоир қаламидан қандай чиққан бўлса, худди шундай ўқиб бериш билан иккинчи одамда таъсир қолдириш мумкин; агарда уни сўз билан айтиб берилса ёки прозага айлантирилса, у қанотлари чиройли ранг-баранг капалак ҳозиргина ичидан учиб кетган хунук, ўлик бир чиганоққа айланади. Шу сабабдан гўё «фикрлар»га бой бўлган сохта — лирик асарлар шеърдан прозага айлантирилса, улар ҳеч нима йўқотмайдилар; ҳолбуки, ижодий руҳнинг энг чуқур бағирларидан чиққан буюк асарлар прозага айлантирилса, ёки оз-моз уқувсиз таржима қилинса, кўн вақт ҳар қандай аҳамиятини йўқотади. Бу жуда табиий бир ҳол: сиз, эшитган музикангизни куйлаб бермангиз ёки музика асбобида чалмасангиз, у музиканинг оҳанги ҳақида бошқа кишига қандай тушунча бера оласиз? Агарда сиз, фалон музика асарида ишқ

ва рашк идеяси яхши кўрсатилган десангиз,— бу му-  
сиқий пьеса тўғрисида сиз ҳеч нима айтмаган бўласиз:  
уни куйлашга ёки чалишга бошласангиз — у ўз тили  
билан ўзини англатади.

Албатта, лирик асар музика асари билан айти бир  
нарсга эмас. лекин уларнинг асосий моҳиятида ўхшаш-  
лик бор. Лирик асарда, ҳар қандай поэзия асарида бўл-  
гани сингари, фикр сўз билан баён қилинади: лекин у  
10 фикр сезги орқасига яширилган бўлади ва бизда мушо-  
ҳида уйғотади, бунга эса онгнинг очиқ ва аниқ тилига  
кўчириш қийин. Бу нарсга шунинг учун ҳам қийинки, соф  
лирик асар гўё бир картинага ўхшайди, лекин унда му-  
ҳим нарсга картинанинг ўзи эмас, у бизда уйғотган сез-  
гидир; худди шунинг каби операда иштирок қилувчи  
шахснинг драматик вазияти ўз-ўзича эмас, балки шу  
вазиятни кўрсатган музика билан ёки иштирок қилувчи  
шахснинг чуқур қалбидан чиққан инграш билан муҳим  
аҳамият касб этади. Масалан, Пушкиннинг «Булут»  
номли лирик пьесаси шундайдир:

20           Таралган бўроннинг сарқит булут,  
              Ёлғиз сен ложувард кўкнинг тутуни.  
              Ёлғиз сен соласан мунгли бир соя,  
              Ёлғиз сен шўх кунни қиласан хафа.

              Сен кўкни гир қучиб олгандинг ҳали,  
              Яшин ҳам ғазабкор чирмади сани;  
              Сен ҳам қўйдинг сирли момақалдироқ,  
              Ёмғир-ла суғординг — ер эди чанқоқ.

30           Бас, ўчир қорангни! Кечмишдир замон,  
              Ер яшарди, илдам кўчди у бўрон.  
              Дарахт баргларини эркалаб шамол,  
              Тинч кўклардан сени ҳайдайди дарҳол.

Дунёда қанча одамлар борки, бу пьесани ўқиб, унда  
ахлоқий дастурлар ва фалсафий афоризмлар топмай:  
«Ҳа, бунда нима маъни бор? — Бемаза пьесача», дейди.  
Аммо руҳларида табиат бўронлари акс этган одамлар,  
сирли момақалдироқ тилига очиқ тушунганлар, қувноқ  
кунни қайғуга солувчи паришон бўроннинг булутини  
умумий шодлик замонида келган ҳазин фикр каби оғир  
деб сезувчилар,— бу кичик шеърда санъатнинг буюк  
40 асарини кўрадилар.

Драма қарама-қарши элементларнинг — эпик объек-  
тивлик билан лирик субъективликнинг келишувидан  
иборат бўлса-да, лекин ҳар ҳолда у лирика ҳам эмас.

эпопея ҳам эмас, балки шуларнинг икковидан келиб чиққан, бутунлай янги ва мустақил бўлган учинчи бир нарсадир. Шунинг учун грекларда драма эпос ва лириканинг натижасига ўхшаб борган, чунки уларнинг кейин пайдо бўлган ҳам энг кўркем ва грек поэзиясининг сўнги гули бўлиб танилган. Эпопеяда бўлгани каби драмада ҳам воқеа бўлишига қарамай, драма билан эпопея ўз моҳиятлари жиҳатдан бир-бирларига тамоман қарама-қаршидирлар. Эпопеяда воқеа, драмада одам ҳукмрондир. Эпосдаги қаҳрамон—воқеа; драманинг қаҳрамони— инсон шахсидир. Эпопеядаги ҳаёт ўз-ўзича мавҳум бир нарсадир, яъни у ўзи қандай бўлса, шундайлигича берилади, у ҳаёт одамга боғланмаган, ўз-ўзича билинмовчи, инсонга ҳам, ўз-ўзига нисбатан ҳам лоқайд бўлувчидир. Эпос эса ўзининг муаззам улуғлигида абадий ўзгармас, ўз гўзаллигининг ҳашаматли норлоқлигида ҳар вақт лоқайд қолган табиатнинг ўзгинасидир. Драмада ҳаёт фақат ўз-ўзича мавжуд эмас, балки ўзи учун ҳам мавжуддир. Драманинг қаҳрамони одамдир, драмада одам устидан воқеа ҳукмронлик қилмайди, балки воқеа устидан инсон ҳукмронлик қилади, инсон ўз иродаси билан воқеани истаганича яқунлайди, унга истаганича хотима беради. Бу фикрни очиқроқ кўрсатмоқ учун биз қадимги ва янги дунёнинг буюк бадий асарларидан мисоллар келтирамиз.

«Илиада»да тақдир ҳукм суради. У фақат одамларнинг эмас, балки худоларнинг ҳам хатти-ҳаракатини идора қилади. Ривоя қилинажак воқеани биздан яширган пардани шоир кўтарган замониёқ, биз Иллонни\* ахейликлар забт қилиши кераклигини олдиндан билиб оламиз. Масалан, Патроклнинг ўлдирилиши тасодифий эмас, қонли жанг шароитига боғлиқ эмас, йўқ, бу нарсани тақдир аввалдан белгилаб қўйган. Несторнинг ўғли Ангилос Патроклнинг ўлими тўғрисидаги бу шум хабарни Ахиллеста билдирмоқ учун шошган вақтда Ахиллес нақ шу замоннинг ўзида бу қайғули воқеани олдиндан сезиб, ўз чодирни ёнида ўтирар эди ва ўйлаб ўз-ўзига дер эди:

Оҳ, тангрилар қалбга мудҳиш фалокатни бажардим,  
Бу тўғрида онам олдин хабар берган: у деганди:  
Трояда, мендан аввал жангда ботир Мирмидонли,

\* Илион — қадимги замонда Кичик Осиё шимолидаги Троя шаҳрининг грекча исми.

Троянинг майдонида айрилажак кун нуридан.  
Ўлмас худо! Менетиннинг олижаноб ўгли ўлди.  
(XXIII қўшиқ, 8—12-бетлар).

Ахилл ўз дўсти Патроклни ўлдирувчи одамдан ўч олиши керак; лекин ўлдирган одамнинг ўзи Феб қўли билан отилган Парис ўқидан ўлиши лозим, буни Ахиллнинг ўзи ҳам билади.— океаннинг ўлмас париси бўлган кумуш оёқли онаси Фетидага у шундай дейди:

10 Энди сенга ниҳоятсиз бир қайғуни билдирайин,  
Халок бўлган ўғил дарди: сен ортиқ кўрмайсан  
Ота юртда уни. Чунки қалбим менга буюрмайди,  
Яшашни ҳам, жамиятда юришни ҳам, агар Гектор  
Найзам билан парчаланиб, жон бермаса, энг суюкли  
Патроклга қилган жабри учун менга ҳақ бермаса.  
(88—96-бетлар).

Агар Гектор унинг қўлида ўлса, у вақт Ахилл ҳам халок бўлажagini она каромат қилиб, ўглини бу ишдан қайтаради:

20 Хабарингга қараганда, сен ҳам, ўғлим, тез ўласан,  
Приамнинг ўғлидан сўнг, сенга кафан муҳайёдир.  
(95—96-бетлар).

Ахиллес эса бунинг сабабини суриштириб ҳам ўтирмайди, фақат тотли ўч олиш учун, тақдирга бўйсунмиш учун қаҳрамонларча тайёрлик кўради:

30 Оҳ, ўламан шу топдаёқ! Гўзал юртдан кўп йироқда.  
У йиқилди, албат мени чақиргандир, қутқараман ўлимдан!  
Мен ҳаётда не киламан! На кўраман азиз юртни!  
На қутқардим Патроклни, на у кучли Гектор урган  
Бошқа асл дўстларимни мудофаа қилмадим мен.  
Бефойда юк бўлиб ерга, суд олдида ўтираман,  
Эна мен эр? Кенгашларда бошқалар ҳам гарчи яхши,  
Лекин Ахей ботирлари нчида мен жангда олдин.

40 Мен чиқаман, менга азиз бошини янчаган у Гекторни  
Учратаман. Мен ўлимга тайёрдирман, уни менга  
Буюрадир энг қудратли Кронион ва худолар.  
Энг азамат Зевс Кронидга қанча суюк бўлмасин.  
Энг улуг мард Геракл ҳам бу ўлимдан қочолмади:  
У қаҳрли Зевс учун қанча суюкли бўлсада,  
Қайтмас тақдир ва адоват энгди ботир Герани ҳам:  
Менга тақдир шундай ёзмиш эса, мен ҳам қайда бўлса,  
Унда ўлим; лекин олдин порлоқ шараф қозонаман.  
Троянинг у кўкракдор хотинлари орасидан  
Бир кўпининг фиғону нола билан кўксини ёрдираман.

Гул юзлардан ёшларни қўлларини-ла арттираман.  
Мен кўп кунлар маъракадан тин олганим тез билишар.  
Мен чиқаман; жангга, она, қўй, қарорим бузолмайсан.

(98—126-бетлар).

Ахиллес ҳаётининг фалокатли тақдирин Гекторнинг ўзинга ҳам маълум; ўлар экан, жасадини таҳқир этмасликни ўз душманидан сўраб ялинади, лекин розилик ўрнига қарғиш эшитиб, дейди:

Жон бераркан миссовутли Гектор унга хабар сўйлар:  
Билар эдим сени; сенга ёлворишим таъсир қилмас —  
Буни мен илк сезган эдим; кўкрагингда қалбинг темир,  
Мен сен учун тангри қаҳри бўлмам, лекин оч кўзингни,  
Александр, тирандоз Феб, бир қудратсиз каби сени,  
Секай дарвозаларида ағдаражаклари кунни!

10

(XXII қўшиқ, 355—360-бетлар).

Бу ҳам оз; Зевс — ихтирочиннинг ўзи Гекторга қандай шафқатлар қилмасин, унинг тақдирига қанчалик хафа бўлмасин, бошқа ҳамма худоларни титратган ўзининг олий худодлик ҳокимияти билан унга ёрдам беролмайди, лекин ўзга бир олий ҳокимиятнинг қарорига келади: 20

Зевс олтин тарозини ёйди; унга тошлар узоқ  
Уйқу билан қотирувчи икки ўлим насибасин;  
Бир насиба Ахиллеснинг, бири Приам ўғлиники,  
Ўртасидан тутиб тортди; босди Гектор насибаси,  
Андага йиқилди у; кетди ундан Апполон ҳам.

(9 -13-бетлар).

Мана шулардан очиқ маълумки, дostonнинг қаҳрамони Ахилл эмас, чунки у эркин продага эга эмасга ўхшайди, ўз билганича ҳаракат қилмайди, балки бошқанинг ўзидан юқори, даф қилинмас ҳокимиятнинг продасинигина бажаради. Бу тақдирнинг продаси! Одамлар қўрқадиган ва худоларнинг ўзлари ҳам сўзсиз бўйсундиган бу «тақдир» нима? Бу грекларнинг тушунчасидиркин, биз янгилар, уни онгли зарурият, воқелик қонунлари, сабаблар билан натижалар ўртасидаги нисбат, хуллас, объектив ҳаракат деб атаймиз, у ўсади ва ўз онгининг ички қуввати орқасида ҳаракатга келади, буғ машинаси каби юради, у тўхтамасдан, йўлдан тоймасдан боради, унга одам учраса, янчиб кетиши мумкин, метин тоғ учраса, ўзи парчаланиб кетиши мумкин. 40

- Баъзи одамлар, Вальтер Скоттнинг кўп романларидаги қаҳрамонлар, бутун бир асарнинг воқеаларини ўзига тўплаб, айни замонда шундай рангсиз характерга эгадирларки, улар диққатимизни ўзларига бутунлай боғлаб олмайдилар, бизнинг мароқимизни кўпроқ оригинал ва характерли бўлган иккинчи даражали шахсларга бағишлайдилар, деб ёзувчидан гина қиладилар. Ҳақиқатан ҳам, Вальтер Скоттнинг масалан, яхши романларидан бирининг қаҳрамони бўлган рицарь
- 10 Иваное, ким?— У ўз даврнинг умумий руҳида бўлган баҳодир, олижаноб одамдир. Бошқа хусусияти йўқ. Қаҳрли Бриан билан, гўзал сеҳрли Ревекка билан, ҳатто саксониялик Цедрих ва Ательстан билан уни солиштириб кўрганда Иваное — аллақандай рангсиз кўланка, нурсиз очерк, сиймосиз бир образ бўлиб қолади. У оз ҳаракат қилади, романнынг боришига оз таъсир қилади. У дам ярадор, дам ўлим олдида, дам тутқун, ҳолбуки, бошқа шахслар ҳаракат этади, улар биринчи планда тасвирланади. Ўз эҳтиросларининг ваҳшийлигига қарамай, ўзининг ахлоқсизлик ва қилмишларининг жиноийлигига қарамай, оқсоқ рицарь Бриан, Иваноега қараганда минг мартаба йирикдир, у ўқувчида хайрихоҳлик уйғотади, чунки у типик шахс, қудратли ва ўзига хос бир характердир. Ҳолбуки, Бриан романда иккинчи даражали персонаждир, романнынг бутун иплари роман қаҳрамони, асосий шахс бўлган Иваноенинг шахсий тақдирида тўпланади. Аммо бунга қарамасдан, улуг романчига қарши бу айблар фақат ташқи кўринишдан гина тўғрига ўхшайди, лекин ҳақиқатда бутунлай ёлғондир; романда камчилик бўлиб кўринган нарсаси — эпопеянинг моҳиятидир. Масалан, «Маннернинг ёки астролог» бунинг энг таажжубланарли намунаси бўлиб хизмат қила олади; бунда роман қаҳрамони фақат учинчи қисмда ўртага чиқади ва шунда ҳам қандайдир сирли шахс бўлиб кўринади, у гарчи повестнинг биринчи саҳифаларидан бошлаб, дунёга келган онлардан, романнынг бутун воқеаларини, амалини ўзида бириктирган бўлса ҳам, романнынг охирида унинг қаҳрамон эканини биласиз. Соф эпик характердаги асарда шундай бў-
- 40 лиши ҳам керак, бундай асарлар асосий шахс ўсиб борувчи воқеанинг фақат ташқи маркази бўлиб хизмат қилади ва асосий шахс бизнинг инсоний хайрихоҳлигимизга муносиб умумий инсоний хусусиятларга эга бў-

диши мумкин: чунки эпопеянинг қаҳрамони инсон эмас, ҳаётнинг ўзидир. Эпопеяда воқеа, бир ҳисобда, инсонни босиб тушади. ўзининг буюклиги ва азаматлиги билан инсон шахсиятини тўсиб қўяди, ўз мароқи, ранг-баранглиги билан, картиналарнинг кўплиги билан диққатимизни ундан четга тортади.

Драмада воқеанинг кучи, муҳимлиги «коллизия» каби, ёки хато каби, ёки қаҳрамон қалбининг табиий интилуви билан бурч — вазифа ҳақидаги унинг тушунчаси ўртасида келиб чиққан низо каби кўринади; улар, яъни табиий интилув ва бурч унинг иродасига боғлиқ эмас, уларни қаҳрамон на ҳал қилади ва на даф эта олади, уларнинг ҳал бўлиши воқеага боғлиқ бўлмай, балки фақат қаҳрамоннинг эркин иродасига боғлиқдир. Воқеанинг кучи драма қаҳрамонини чорраҳага келтириб қўяди, ўз-ўзи билан курашдан чиқиш учун бир-биринга бутунлай қарши бўлган йўлларнинг иккисидан бирини танлаш заруриятини келтириб чиқаради; лекин йўл танлаш воқеага эмас, драма қаҳрамонига боғлиқдир. Бугина эмас, драманинг катастрофаси қаҳрамоннинг жасоратсиз тараддуди натижасида ҳам вужудга келиши ва тезлашиши мумкин; аммо бу жасоратсизлик ҳам воқеанинг моҳияти ва кучида эмас, балки фақат қаҳрамоннинг характеридадир. Бунинг энг яхши мисол Шекспирнинг Гамлетидир: у ўз отасининг даҳшатли ўлимини отасининг арвоҳидан эшитади; Гамлет эмас, балки ўлган королнинг мунофиқ укасининг бузуқ иродаси тайёрлаган воқеа мана шудир; бу воқеа Гамлетни ўч олувчи ролини ўйнашга мажбур қилади; лекин бу роль унинг табиатига у қадар тўғри келмагани учун у энди ўз-ўзи билан ички курашга кириб кетади, бу кураш икки душман кучининг, яъни отаниннг ўлими учун ўч олишга ундовчи бурчнинг ва ўч олишга ўз шахсий қобилиятсизлигининг натижасидир. Мана трагик коллизия! Ота ўлимининг сирини очиш каби даҳшатли кашф Гамлетни бир туйғу, бир ўй билан, ҳар минут сайин ҳаракатга келувчи ўч олиш туйғуси ва фикри билан қуроллантириш ўрнига, бу даҳшатли кашф уни ўз-ўзидан чиқмасликка, балки ўз ичига беркинишига, ўз руҳининг ички томонларига диққат қилишга мажбур этади, унда ҳаёт ва ўлим, замон ва абадий ироданиннг кучсизлиги ва бурч тўғрисида саволлар туғдирувчи, унинг диққатини ўз шахсиятига, унинг арзимас — ки-

- чиклигига ва батамом ожизлигига қаратди, унда ўз-ўзига нафрат туғдирди. Гамлет фазилатга, ахлоққа ишонмайдиган бўлди, чунки у ёмонлик ва ахлоқсизликка жазо бериш учун ўзини кучсиз ва қобилнотсиз деб билди, фазилатли ва ахлоқли бўлишдан ҳам ўзини тия олмади. Бу ҳам оз: ишқининг ҳақиқат эканига, хотиннинг қадр-қимматига ишонч тугайди; телба каби ўз туйғусини ботқоққа булғайди, тепади. Ўзини шундай маъсум, шундай садоқат билан бутунлай бағишлаган латофатли, гўзал хотин сийнасида, ўзи шундай чуқур, шундай нафис севган хотиндан воз кечади, у билан тузган муқаддас иттифоқни марҳаматсиз қўллари билан узади, ҳаводан, нурдан ва оҳангдор садолардан яратилган хотинни, нафис хотинни раҳмсиз ва қўпол таҳқир қиладди, дунёда бахтдан, фазилатдан хабар берувчи нимаики бўлса, барчасидан гўё воз кечишга ошиқади. Бундан равшан кўринадики, Гамлетнинг табиати соф, ҳис ва фикр учун туғилган субъектив табиатдир. Даҳшатли воқеа ундан ҳис ва фикр эмас, иш талаб қилади; уни идеал, ҳаракат оламидан практик оламга қақиради.
- Табий, мана бу вазиятдан Гамлет қалбида ҳар қандай драманинг моҳиятини ташкил қилган даҳшатли кураш пайдо бўлади. Бу драманинг охири Гамлет иродасининг озод қароридан эмас, балки тасодифдан (Гамлет билан Лаэрт беғараз қилични алмаштиради ва ўғлига тайёрланган заҳарли қадаҳни ичган қиролича — онанинг қасддан қилмаган хатоси) вужудга келса ҳам, «Гамлет» ҳеч бир эпик асар эмас, балки кўпроқ драматик асардир: чунки бу трагедия мазмунининг моҳияти ва ўсиши унинг қаҳрамонининг ўз-ўзи билан ички курашувидир. Бу кураш бўлмаса, «Гамлет» биз учун ҳатто ёрдамчи аҳамиятга ҳам эга бўлмайди, чунки бизга шундай чуқур таъсир қилувчи Офелиянинг тақдири ҳам худди шу курашнинг натижасидир. Бундан ташқари, ўз қардошининг қотили бўлган королнинг ўлими, сўнувчи қандил кучлироқ ёлқин билан лоп этиб ёнгани каби, умрининг охирида қудратли жасорат билан алангаланган Гамлетнинг иши бўлиши билан бирга, король жиноятининг ҳам зарурий оқибатидир... «Макбет» ва
- 40 «Отелло» драматик моҳият сифатидаги коллизиянинг энг мукамал намуналаридир. Дабдаба сурувчи қўмондон, машҳур мансабдор, — яхши ва зотли мўйсафид королнинг қариндоши бўлган Макбет ўз дилида чуқур



яширинган, лекйн кучли, эҳтиросли шуҳратпарастликнинг наърасини эшитади. Қалбаки ишқ ва ҳаққоният билан сугорилмаган қудратли руҳлар учун даҳшатли ва ҳалокатли бўлган бу эҳтирос, унга қўрқинчли учта дев суратида кўриниш беради. Уларнинг дарҳол юзага чиқувчи кароматлари уни узоқ вақт саросима қилмайди, чупки улар ўз руҳининг эринган, чуқур ва қоронги нияти эканини у тезда кўради. Унинг шуҳратпарастлиги аёл шаклида, девсифат махлуқ бўлган ўз хотини сиймосида, янги ва яна ваҳималироқ бўлиб кўриниш беради. У 10

Макбетда виждоннинг сўнги сасларини ўчиради, ёмонлик қилиш учун жасоратини намуна қилиб, унда қалбаки уятчанлик туғдиради ва уни ёмонликка қатъий равишда ундайди. Бу ерда воқеа деярли ҳеч қандай роль ўйнамайди: воқеа Макбетнинг ўз иродаси билан тайёрланади, ёмонликка етакловчи шароитнинг машъум равишда яратилиши ёмонлик қилишга фақат ёрдам беради, лекин уни тугдирмайди. Биз Макбетни ўз-ўзи билан курашда, фожiali коллизияда кўрамиз: у ўз ичидаги гуноҳкор интилишни енгуви ҳам мумкин, унинг изидан 20

бориши ҳам мумкин, бу нарса унинг иродасини айбидир, у бу ёмонлик асосининг жозибаси кетидан чопди; воқеани унинг иродаси яратди, лекин унинг иродасига йўлланма воқеа берган эмас. Драманинг қолган қисми Макбетнинг машъум курашдан ўз ихтиёри билан чиқишининг натижасидир: подшоҳни ўлдиришдан кейин пайдо бўлган, воқеаларни ўзгартириш ихтиёрида эмас, жиноят уни ёвузликка топширади, улар унинг қўлидан тутиб кўр одам каби ёмонликдан ёмонликка етаклайди. Фақат номус билан ўлиш унинг ихтиёрида эди ва у 30

жанг қилиб, лекин енгилмасдан, ўз гуноҳи билан улў бўлган кишига, айбдорга ярашадиган бир тарзда ўлди. Воқеа Отеллони рашкчи вазиятига келтириб қўяди. Албатта, бу воқеа унинг иродаси ёки онгидан чиққан эмас, лекин шунга қарамай, ўзининг вулкан каби кучли темпераменти, Арабистон саҳроларидаги қум бўронлари каби бир лаҳзада тутоққан ва жаҳолатга берилган характери, Шарқдан, Африкадан келиб чиққанлигини кўрсатувчи ўзининг хурофий хаёли билан бу воқеанинг вужудга чиқишига сабабчи бўлган машъум дақиқада 40

салбий айбдор бўлган Дездемонага нисбатан ўзининг йиртқичлигини жиловласа эди, у соф ҳақиқат унинг кўзларига ҳаётнинг бахти ва саодати учун очилган бў-

лур эди; лекин у ҳайвоний ўч олишнинг шиддатли тўлқинини жиловлашни истамади ёки жиловлашдан ожиз бўлди, бунинг натижасида ҳақиқат нури, Эвменид чирроғларининг жаҳаннам шуъласи каби унинг кўзларини очди, лекин чаққонлик билан ўзи думалаган ўпқоннинг чуқурлигини ўлчаш учунгина очди...

Поэзиянинг бу уч тури, мустақил элементлар сифатида, айрим-айрим мавжуд бўлсалар ҳам, лекин алоҳида асарларда кўришиш бериб, улар бир-бирларидан кескин чегаралар билан ажралмайдилар. Аксинча, улар кўпинча аралаш ҳолда учрайдилар, масалан, ўз формаси билан эпик бир асар драматик характерларга эга бўлади ва гоҳо бунинг акси ҳам кўринади. Ичига драматик элемент кирганда, эпик асар бундан ўз мумтозлигини йўқотмайди, балки бундан ютади. Бу нарса хусусан христиан санъатининг асарларига оиддир, бу асарларда ички томондан, субъектив томондан кўрсатилган инсон шахсиятидан юқори ҳеч нима бўлмайди, шунинг учун уларнинг ичига драматик элемент ҳақли равишда киради ва қимматини оширади. Драматик элемент билан суғорилган эпик асарнинг энг яхши мисоли Гоголнинг «Тарас Бульба» номли повестидир. Бу ажойиб бадий асар ўз ичида икки драматик коллизияга эгадир, уларнинг ҳар бири буюк драматик асарга арзир эди. Очлик даҳшати билан тинқаси қуритилган бир душман шаҳрининг қамали вақтида Бульбанинг ўғли Андрей, кўпдан буён уни мафтун этган, душман қабиласига мансуб бўлган бир қизга дуч келади. У ўзининг ватандошларига, бир динда бўлган одамларига хиёнат қилмасдан, отасининг қарғишига учрамасдан, у қизга таслим бўлолмайди, шу билан бирга, у ўша қиздан ажралиб ҳам кетолмайди, чунки қанчалик одам фарзанди бўлса, шунчалик малорусдир: мана коллизия. Ёшлик кучлари билан қайновчи тўлқин табиат қалбининг мароқига рефлексиясиз берилди, чексиз саодатнинг бир они учун у жонидан кечди, отасининг қўлида ўлди, бу ўлим, коллизияда унинг иродаси, қарорининг зарурий натижаси ва сохта, ғайритабiiй табиатдан қутулиш учун ягона йўл эди. Иккинчи томондан, ота ўз ўғлини жаллоди бўлиш имконияти эмас, балки жаллоди бўлиш зарурияти қаршисида туради: қандай фожиали ҳолат, қандай даҳшатли коллизия, ярим ваҳший

запорожецнинг темир иродаси қандай даҳшатли чиққан!.. Гоголнинг бу повести ҳар ҳолда санъатнинг буюк асари бўлар эди, лекин драматик элементнинг мўллиги орқасида бу асар энг буюк санъаткорларнинг биринчи даражали асарлари орасида ҳурматга лойиқ ўринни олиши керак. Драматик элемент Пушкиннинг «Полтава» сига қанчалик чуқур мазмун, қанчалик ҳаракат бахш этади! Мазепа билан Мария ўртасидаги бир саҳна, Шекспир қалами билан чизилган саҳна, кишининг руҳига нақадар ҳузур беради, бизнинг бутун вужудимизни нақадар чуқур ларзага солади! Севучи аёл қалбининг рашки билан қийналган Мария сирли юриш-туриши ва совуқлигининг сабабини Мазепадан сўрайди:

Эй менинг севгилим,  
Юртимизга сен шоҳ бўласан балким!  
Сенинг оқ сочингга қандай ярашар,  
Подшоҳлик тожи!

Мазепа

Тўхта,  
Ҳали иш битган йўқ. Бўрон қўзгалар,  
Ким билади, мени нималар кутар?

20

Мария

Мен сенинг ёнингда қўрқув билмайман —  
Сең шундай қудратли! Биламан албат.  
Сенг кутар тахт.

Мазепа

Агар жанг бўлса-чи?..

Мария

У ҳолда, сен билан мен ҳам жанг сари,  
Оҳ, сендан айрилиб туриш мумкинми?!  
Йўқ, бекор: сенда бор шоҳлик пишони.

30

Мазепа

Суясанми мени?

Мария

Мен! Суяманми-я?

Мазепа

Айт, отами, ёки эр сенга азиз?

Мария

Суюкли дўст, ёлғиз,  
Бу саволлар нечун? Бу мени бекор  
Ташвишга солади, оиламни мен  
Унутишлик учун тиришадирман,  
Мен у оиламни қилдим шармисор;

40

Эҳтимол (уҳ, қандай мудҳиш бир хаёл),  
Отам мени қарғаб, оқ қилган дарҳол,  
Барчаси ким учун?

М а з е п а

Сенга, демакким,  
Отадан мен азиз? Сукут қиласан...

М а р и я

Ё раббим!

М а з е п а

Не дейсан? Жавоб бер.

М а р и я

Сен ўзинг ҳал қил.

М а з е п а

Тингла: агар бизга, унга ё менга,  
Ўлмоқ лозим эса, сен қилсанг ҳукм,  
Айт, у чоғ сен кимни қилардинг қурбон?  
Кимга сен мурувват қилардинг у он?

М а р и я

Оҳ, етар! Қалбимни паришон қилма!  
Сен кўп жодугар.

М а з е п а

Жавоб бер!

М а р и я

Рангинг ўчиб кетди: сўзинг қаҳрли...  
Аччиғланма, оҳ! Мен ҳар нимани  
Сенга қурбон қилиш учун тайёрман,  
Инон, аммо бундай сўзлар қўрқитар,  
Бас, энди.

М а з е п а

Нималарни айтдинг менга сен ҳозир,  
Мария, эсда тут.

30

Жуда ҳам севган одамга бениҳоя вафодор бўлган хотиннинг қалбига бундан ҳам чуқурроқ назар солиш мумкинми? Бола ўйинчоғини севган каби Мария ҳам маъшуқининг оқ сочли бошидаги тожни севади; уни севади ва шунинг учун у билан бўлганда қўрқув сезмайди. Мариянинг назарида у «шундай қудратли»ки, гарчи унга таҳдид этган хавф борлиги ҳақида унинг ўзи Марияни огоҳлантирса ҳам, Мария бирон хавф борлигига ишонгиси келмайди!.. Агар у ҳалокатга маҳкум бўлса, бу билан Мариянинг тақдири ҳал бўлмайди: 40 Мария учун яна хурсандчилик бор, у ҳам бўлса, у билан бирга ҳалок бўлишдир. Бу ерда ўз ишқининг чўқ-

қисига чиққан аёлни кўрамиз, шоиримизнинг ажиб адабий тасвирига Шекспирнинг ўзи ҳам биронта сўз қўшолмасди! Мария ота билан маъшуқидан бирини танлаб олиш тўғрисида ўйлаб қўрқар экан, бунда қанча ҳақиқат ва турмушга мослик бор! Қалбини ўлим совуқлиги билан музлатучи бу саволга зарурий ва мусбат жавобдан бўйин товлашни иташ, шундай табиий! Маъшуқи фойдасига жавоб беришида Мариянинг руҳидан қўпган хаста фарёд каби жавобида хотин табии-тининг зўр тантанаси бор! Мазепанинг бу ажиб саҳнани тамомловчи мудҳиш сўзларидан қабр совуқлиги эсиб туради.

Нималарни айтдинг менга сен ҳозир,  
Мария эсда тут!

Кочубейга азоб бериш олдидан Кочубей билан Орлик саҳнаси; Мария билан онаси саҳнаси; Полтава жанги олдидан Мазепа билан Орлик ҳам югуриб боручи Мазепа билан жинни Мария саҳналари: уларнинг ҳар бири — сўзнинг бутун чексиз маъноси эътиборила, трагедиядир!..

Вальтер Скотт билан Купер романларининг аксарини-нда муҳим бир камчилик бор, лекин бу камчиликни ҳеч ким кўрсатмайди ва ҳеч ким бундан шикоят қилмайди (лоақал бизнинг журналларимизда): бу камчилик романларда эпик элементнинг қатъий кўп бўлиши ва ички, субъектив элементнинг йўқлигидир. Мана шу камчилик натижасида бу икки буюк санъаткор, ўз асарларига нисбатан, қандайдир, совуққонлик кўрсатадилар, улар учун мавжуд нарсанинг ҳаммаси яхши, уларнинг қалблари на яхшилиқни, на ёмонлиқни, на гўзаллик, на хунуклиқни кўрганда зарбини тезлатмайди, улар гўё одамда қалб борлигига гумон қилмайдилар. Албатта, бу нарса фақат бизнинг замонамизда камчилик деб ҳисобланиши мумкин, лекин бу нарса ҳар ҳолда ҳам камчиликдир; чунки замондошлик санъаткор учун буюк фазилатдир. Бироқ бу икки романчи баъзан, истар-истамас янги санъат руҳига берилди, уларнинг асарларидан яхши ва юксаклари драматик элемент билан озми-кўпми суғорилган эканини кўрсатиш учун биз уларнинг ўзлари яратган асарлардан мисол келтириб кўрсатамиз, «Ламмермур келини» ҳатто оддий ўқувчиларга ҳам фавқулодда чуқур таассурот қолдиради, бу нарсанинг сабаби шундаки, бу асар роман шак-

- лида бўлган бир трагедиядан бошқа нарса эмасдир. Мана шунинг учун Эдгар Равенсуд романининг мароқини ўзига тўплабгина қолмай, балки том маъносида қаҳрамондир, оригинал шахсдир, типик характердир, қайғурувчи эмас, балки ҳаракат этучи шахсдир. Унинг учун унинг асл шахсияти диққатимизни ўзига тортади. унинг бахтсиз тақдири бизнинг бутун вужудимизни ларзага солади. Бироқ романнинг беҳад таъсир қилиши ёлғиз унинг мазмунидагина эмас, балки унинг бадиий
- 10 шакли ҳам катта роль ўйнайди, унинг шакли содда, сиқик, уюшқоқ, воқеаларнинг ривожланиб боришида мураккаблик ва чалкашлик йўқ, воқеаларнинг такомиллида қатъий бирлик бор, афсуски, автор ўз қаҳрамони кўпроқ ташқи томондан кўрсатиб, унинг қалбига чуқурроқ кирган эмас, унинг қалбининг энг чуқур жойларида жилваланган драмани биз учун ёритган эмас. Автор шундай қилса, «Ламмермур келини» чинакам шекспирона драма бўлур ва ўқувчига қилган таъсири ҳам минг марта кучлироқ бўлур эди. «Сен-Ронан сувлари»да эса Франс Тиррелнинг Клара Мобрайга ишқи ва фожиали муносабати ҳам шунинг каби бузуқ укаси Этерингтонга бўлган даҳшатли муносабатлари руҳ ва қалбнинг энг чуқур жойларига қадар очиб берилган. Тиррелнинг Клара билан тоғларда учрашув саҳналари, кейин Тиррелнинг Джекиль билан, жиноятчи укаси томонидан вакил бўлган бу капитан билан учрашувлари шундай чуқур ҳақиқат билан суғорилган, қалб кечинмаларини, сирларни, эҳтирос ва қайғуларни шундай чуқур англашликни кўрсатибдики, улар Шекспирнинг
- 30 ҳар қандай драмасини безай оладилар. Табиати эмас, кўпроқ одати ва қисқа ўйлаши орқасида ахлоқсиз бўлган капитан Джекиль, ҳийлакор ниятлари билан Тиррелга келган Джекиль чексиз ишқ, чексиз изтироб ва чексиз фидокорлик каби унга ёт бўлган манзара қаршисида биринчи марта ҳайратда қолгандек, Тиррелнинг олдиндан бошини қуйи солиб, чуқур ўйга ботиб кетишини ҳам бир марта ўқигач, унутиш мумкин эмас... Умуман, биз бу жиҳатдан «Сен-Ронан сувлари»ни «Ламмермур келини»дан анча юксак ва инсонийроқ
- 40 деб биламиз. Бу масалада бизнинг фикримизга кўплар қўшилмаса, бунинг сабаби «Сен-Ронан сувлари»нинг мураккаблигида, воқеаларнинг мўллиги ва чалкашлигида, характерли, типик шахсларнинг кўплигидадир.

Тиррель ҳам Қларага нисбатан бу роман «Ламмермур келини»дан кўра кўпроқ драматик, лекин ёрдамчи воқеалар жиҳатидан бу асар соф эпопеядир ва унда бўлган драмани озми-кўпми ёпиб кетувчи эпопеядир. Рицарь Иваноега Ревекканинг рад этилган ишқи бутун романга нисбатан эпизод бўлса ҳам, бунга қарамасдан, асосий идея сифатида унга бир бутунлик беради, булутли кунда ҳам улуғ ва гўзал бўлиб, лекин қуёш чиққанда, унинг нури иситгани каби у ҳам романни жонлантиради ва иситади. Ревекканинг Ровенна билан учрашув саҳнаси руҳга чуқур қайғули, лекин чексиз оромбахш таъсир кўрсатади; севишга тўла сазовор бўлган, лекин қувғин қилинган ва нафрат остида қолган бир қабила орасида туғилгани учун ўз кўзи олдида ҳамма ҳуқуқдан, христиан ва рицарь билан топишувга ҳар қандай умиддан маҳрум бўлган аёлнинг чуқур қалбини, эътироф этилмаган ишқининг изтироб сирларини бизга очиб беради... Мана асл ва гўзал яҳудий хотин ўзининг рақибаси олдида келади, унга қимматбаҳо совғалар таклиф қилади ва пардани кўтариб, унинг парчаланган қалбининг санамини асир этган гўзал юзни унга кўрсатишни, садақа сўраган каби ундан ёлвориб сўрайди... Бу қандай ажойиб картина, ишқ ва дард билан маст бўлган ўқувчининг нигоҳига бу картина ўзининг чуқур фо- 10

ни билан қандай чексиз манзара очади!..

Купернинг «Саҳрода йўл кўрсатувчи» номли асари, мана буларнинг ҳаммасига қараганда, драматик романнинг юксак намунасидир, ўз умрининг энг яхши йилларини Американинг катта, қалин ўрмонларида, елкасида ов милтиғи билан ўтказган, улуғ табиатнинг кенг эркин- 30

лигига берилиб, маданий ҳаётнинг ўнгайликларидан ва қизиқтирувчи нарсаларидан ихтиёрый равишда воз кечган, тангри яратган улуғ борлиқнинг ҳашаматли сукунатида тангри билан баланднарвоз суҳбат қилишни истаган, табиати чуқур ва қудратли руҳга эга бўлган одамни тасаввур қилинг; баданининг ва руҳининг бутун кучлари эндигина гуллаган, бошқалар кучдан қоладиган бир паллада, қирқ ёшда гўдакча — ювон қалбининг тозалигини, туйғунинг латофатини ва ёлқинини сақлаган бир одамни тасаввур қилинг; ҳар турли хавф- 40

хатар билан доим курашиб, йиртқич ҳайвонлар, ёвуз Мингалар билан абадий жанг қилиб, очиқ ҳавода ўсган одамни кўз олдингизга келтиринг; этлари темирдай,

- мускуллари пўлатдай, қотма гавдали, арслон каби мард бўлишига қарамай нозик қалб эгаси бўлган одам ҳаёт йўлида хотинлик оламининг гўзал, латиф бир намуна-сига йўлиқади ва секин-секин ишқ унинг бутун вужудини эгаллайди... Унинг дўсти сержант, гўзал қизнинг отаси, ўз қизининг тақдирини кўпдан буён унга ваъда қилган. У билан бирга Мабелни гўзал ва ёш йигит Джаспер кузатиб боради. Патфайндер содда, очиқ, қалби Джаспер кўксига ўзи учун қўрқинчли бир рақиб сезмайди. Уни ота меҳри ва дўст садоқати билан севади; унинг кўнгли очиқ асл, мард характерли ва тетик, жасур хулқи, меҳнатни севгани, чаққонлиги учун севади. Патфайндер, фурсатни ҳеч қўлдан бермасдан Мабелга Джасперни мақтайди, унинг фазилатларини Мабелга яққол кўрсатади. Мана унинг Мабель билан гаплашадиган вақти келади,— унинг бутун хаёлларини золлим воқелик маҳв этади; қалбни узишга мажбур этган чуқур табиатнинг бутун қудрати билан ёлғиз унингна сева билган, шу чоққача қўпол ва танҳо бўлган ҳаётининг бахт ва саодати тўғрисида энг қимматли хаёлларини бағишлаган бир сиймо уни чуқур ва эзгулик каби ҳурматлайди, лекин унга хотин бўлолмайди... У ўзининг темир бармоқлари билан қалтираб, бўйнини қисади, юзида дард аломати бўлса ҳам, кулиб гапирди: «Тўғри, сержант айбдор, сержант хато қилган!» Оҳ, у қандай чуқур дард чекди, унинг дарди қандай асл, инсоний характерга эга, ҳеч қандай йиртқичлик, ҳеч қандай ваҳшийлик қилмайди, унинг дағал кўзларидан ёшлар оқади, у табассум билан Мабель қўлини қисади ва шундан бошлаб, ишқдан бузилмаса ҳам, ишқ буюмидан ҳаминшалikka кечади, мардлик билан оғир бут осиб юради!.. Ниҳоят, Джаспер унинг рақибни эканини билган пайт ҳам унинг учун даҳшатли пайт эди; лекин у бу синовдан ҳам ўтди: у Мабелни унга топширади, ортиқ ўзига насиб бўлмайдиган бахт ва хурсандчиликни уларнинг икковига тилайди, ҳаёт рафиқасини ҳурмат қилишни, қўпол эркак табиати билан унинг нафис, хотин қалбини таҳқир этмасликни Джаспердан сўрайди,— ва улардан абадий равишда яширинади...
- 40 Бу гўзал асарнинг танқидини ёзмаймиз\*. Унинг айрим

\* «Отечественные записки» бу ерда «Саҳрода йўл кўрсатувчи» романига тақриз ёзиш тўғрисидаги ваъдасини такрорлаш имкониятидан фойдаланмоқчи бўлади.



ерларига қизиқиб қолишдан хавфланиб, фақат умумий жиҳатларигагина ишора қилиб ўтамиз: бу романни ўқиган ва тушунган одамлар, унда бир қанча ажиб бадий саҳналар борлигини, бу саҳналарда ҳислар кураши, Патфайндер руҳининг бўрони даҳшатли ҳаққонийлик билан тасвир этилганини хотирлайдилар; уларнинг бутун тафсилотини мунтазам равишда текшириб ўтмасдан, баъзиларини бутунича кўчириб келтирмасдан, уларнинг фазилатини кўрсатиш мумкин эмас. Такрор гапирамиз: ўқиган ва фикрига сингдирганлар бизни англасалар керак ва ёлғиз шуни айтамикки, бу роман ўз борлигидан воз кечиш (Resignation)нинг юксак даражаси, дарднинг буюк материяси, инсон қалбининг энг асл, энг чуқур сирларини фош этишдир. Купер Шекспир каби чуқур қалб билувчи руҳ оламининг буюк рассомидир. У баён қилиб бўлмас ҳолларни равшан гапирган, ташқи ва ички ҳодисаларни бир бутунга айлантирган,— унинг «Саҳродаги йўл кўрсатувчи» романи роман формасида бўлган шекспирона драматир. У билан ҳеч нарсани тенглаштириб бўлмайди, бу жинсда ягонадир, эпик поэзия соҳасида янги санъатнинг тантанасидир, бунинг сабаби, авторнинг буюк имтиёзи романининг ҳар бир сатрида қиррали садафдаги қуёш нури каби драматик бошланманинг бўлишидандир.

Эпопеяда драма бўлганлигига ўхшаш драмада ҳам эпопея бўлади. Бу аниқ. Грекларда, лирикани ҳам истисно қилмасдан, поэзиянинг ҳамма турлари оз, кўп даражада эпик характерда бўлган, чунки бу халқнинг бутун ҳаёти энг кўп пластик тасаввурда кўринган. Грекларнинг трагедияси, айниқса, эпик характердадир; бу жиҳатдан у янги, христиан драмаси, Шекспир драмасига тамом қарама-қаршидир. Грек драмасининг қиҳрамони одам эмас, воқеадир; унинг мароқи шахснинг тақдирида тўпланган эмас, балки халқнинг тақдирида, халқ намоёндалари сиймосида тўпланган. Шунинг учун грек трагедиясининг асосий шахси ҳар вақт яримхудо подшоҳ қаҳрамондир, унга қарши қўйилган шахс эса халқдир; халқ трагедияда хор каби иштирок қилади, унинг ўзи пьесанинг боришига узоқ таъсир кўрсатмайди, лекин у пьесанинг ўсувини гўё кўздан кечирад ва у ҳақда ўз фикрини билдирад. Грек трагедиячилари ўз қаҳрамонлари сиймосида халқ ва ижтимоий ҳаёт стихиясини ифодала-

- ганлар. Масалан, Софоклнинг «Антигона» номли энг асл асарида трагедия қаҳрамони сиймосида табиий оилачилик идеяси кўрсатилган, Креон шахсида эса давлат ҳуқуқининг, қонун кучининг тантанаси кўрсатилган. Креон ватан душмани бўлган Полиникни кўмишни ман этган; грекларнинг диний ва ижтимоий тушунчаларига мувофиқ, ўликни кўммаслик ўлган одам учун ҳам, унинг тирик қолган қариндошлари учун ҳам энг катта шармандалик ва фалокат ҳисобланган. Антигона Полиникнинг
- 10 синглиси, бахтсиз аканинг жасадини яширин равишда кўмишни ўз синглиси Исменага буюради. Қўрқоқ, кучсиз Исмена рад қилади,— мана шунда юксак руҳли Антигона бир ўзи олижаноб қаҳрамонликни бажаради. Бу ишдан хабар олган Креон Антигонадан бу жиноятни аниқ қилганмисан ва бу иш учун ўлим жазоси кутиб турганини билганмисан, деб сўраган вақтда Антигона тасдиқлайди ва акаси гарчи айбдор бўлса ҳам, ҳар ҳолда, у «нафрат қилиш учун эмас, севиш учун туғилган»лигини қўшиб айтади. Совуқ ўлим жазоси ҳукмини қалтирамасдан
- 20 тинглайди ва авф сўрамайди. Унинг куёви ва Креоннинг ўғли — Эмон ўз қаллигини кечирришни сўрайди, ўжар ота билан жанжаллашади ва ғазабланиб, унинг ҳузуридан чиқиб кетади. Руҳоний Тирезий Полиник жасадини кўмишга кенгаш беради, қариндош-уруғ ҳуқуқи бузилганидан таҳқир этилган худолар ғазабининг маҳкум ифодалари билан қўрқитади. Хор кўринишида бўлган халқ товуши эса Антигона томонида экани очиқ. Креон ҳали ҳам ўз сўзида, лекин унда энди шубҳа туғилади: у асл жиноятчи қизни кечирришга, эҳтимол тайёрдир, лекин қонун кучини сусайтириш, давлат ҳуқуқини пасайтириш унга қийин. Ниҳоят, Тирезийнинг дўқини қувватловчи халқ товуши, Антигонани қутқариш учун Креонни гарчи у қадар хоҳламаса ҳам кўндиради. Лекин вақт ўтган: очдан ўлдириш учун элтиб қўйилган ғорда Антигона ўзини дорга осиб ўлдирган, Эмон эса отасининг кўз олдига унинг жасади устида ўзига найза санчиб ўлдиради. Креоннинг хотини, Эмоннинг онаси бўлган Эвредика эса ўғлининг ҳалок бўлганини эшитиб, жон беради. Креон ўзининг зolimлигига афсус қилади, унинг томонидан
- 40 ҳалок қилинган қариндошларининг суюкли кўланкаларига мотам тутаяди, аччиқ ҳаяжон ичида қолади. Трагедия қадим замон руҳида хорнинг ахлоқий апофегмаси билан тантанали равишда битади. Шундай қилиб, қон ҳуқуқи

томонидан ҳақоратланган давлат ҳуқуқи таҳқир этувчидан ўч олади; лекин ўч олувчи, ўчнинг даҳшатли оқибатлари натижасида, таҳқир этилган қон ҳуқуқи томонидан ўзига кин орттиради; бу воқеадан халқ чиқарган ҳикмат эса бу икки жиҳатни келиштирувчига хизмат қилади... Эпопеяда бўлгани каби грек трагедиясида ҳам, уларнинг асосий дунёқараши — тақдир катта ўрин олади. Эдип ҳеч қандай жинойтсиз, даҳшатли жинойткор бўлиб қолади ва бу учун кўзларини нурдан маҳрум қилиб, ўз-ўзига жазо беради... Шоҳона дардкашнинг ўлими уни ер ости кучлари билан яраштиради, — ва унинг қабри, худоларнинг кўрсатишича, унинг азобланган жасадига жой берган мамлакат учун ободонлик гарови бўлиб қолади... 10  
Ҳар бир грек трагедиясининг ҳаракати тишда бўлади; нштирок қилувчиларнинг ички олами томошабинларнинг кўзларидан яширинади. Ҳаракатнинг ўсуви содда, унча мураккаб эмас, бир моментдир, чунки объектив ва абстракт бўлган мазмуннинг ўзи ҳам катта асарга мавзу бўлолмайди. Механизм бир хил, пружиналар ҳар вақт айна бир нарса. Иштирок қилувчи шахслар, гўзал, лекин башаралари деярли ўзгармай бўрттириб ифодаланади. 20  
лекин кўзлари қорачиғсиз жонли нурсиз ҳайкалларга ўхшайди.

Янги санъатда тарихий мазмунга эга бўлган, асосий идеяси юқори давлат ҳаётидан олинган драмаларгина, баъзан, эпик характерда бўлади. Масалан, Шекспирнинг «Макбет» ёки «Ричард II» асарлари шундайдир. «Отелло»да эса ҳар кишига озми-кўпми англашиладиган ва муяссар бўладиган ҳис ўстиради; «Король Лир»да эса оломон ўртасида ҳар ким учун яқин ва мумкин бўлган бир ҳолат кўрсатилган. — шунинг учун бу пьесалар ҳаммага ҳам кучли таъсир қилади. Лекин «Макбет» билан «Ричард II»нинг мароқи соф объективдир, шунинг учун жуда оз одамларга яқин ва муяссар бўлади. Шу билан баравар, икки драма ҳам бу жиҳатдан эпик, деб аталиши мумкин, уларда воқеанинг ўсиши юксак даражада драматикдир, чунки у ҳаракатга тўладир ва ҳар бир одам ўзининг ички мароқи соҳасида ўзини кўпроқ ва тўлароқ баён қилади. Лекин Пушкиннинг «Борис Годунов» асари соф эпик характердаги трагедиядир. Годуновнинг жиноятни драма бошланишидан аввал бўлиб ўтган, шоир ўз қаҳрамонини трагик коллизия курашида кўрсатмайди. Биз унинг кўпдан буён ўзиники деб ҳисоблаган тожик 40

- қабул қилиш учун халқдан қандай айёрлик ва усталик билан таклиф қилиши унинг ичида қандай ўзгариш туғдираётир, буни кўрмаймиз. Шу ондаёқ бизнинг диққатимиз янги қаҳрамонга, поймол қилинган давлат ҳуқуқининг ўчини олиш учун тарихий Немезидо томонидан танланган қуролга — келгуси пуч номдорга ўтади. Фақат саҳнада ўч олувчи пайдо бўлгач, Годуновнинг ички ҳолатини биздан яшириб турган пардани бироз кўтаради, унинг ўзи билан тилсиз гаплашувини, ўз виждони билан
- 10 даҳшатли равишда ҳисоблашувини бизга баён қилади. Пушкин трагедиясида икки қаҳрамон бор, ёки очигини айтсак, битта ҳам қаҳрамон йўқ. Унинг қаҳрамони — воқеадир, бунинг идеяси таҳқир этилган, давлат ҳуқуқини тарихий Немезидонинг ўч олишидир. Мана шунинг учун Пушкиннинг бу улуғ асари оз кишиларгагина англашилади ва халқнинг кўпчилиги орасида бу асар ўзи лойиқ бўлган шарафни кўролмайди, унинг идеяси ва характери ҳамма учун, умумга муяссар бўладиган мароққа эга эмасдир. Годуновнинг характерларини ҳам мана
- 20 шунга боғлаш керак. Ўз асарининг зарарига, Пушкин тарихга маҳкам ёпишиб, Годуновни фавқулодда ақлли бир шухратпараст сифатидагина кўрсатади, унга ҳеч қандай шахсий улуғлик ва тарихнинг қаҳрамонига хос бўлган ҳеч қандай доҳиёна руҳ кучи бағишламайди. Ва шунинг учун, трагедиянинг баъзи қисмларининг (масалан, ўз ҳужрасида ёлғиз ўзи ўтирган вақти ва кейин келгуси пучномдор билан суҳбатда воқеанавис Пименни кўрсатган доҳиёна саҳна) қимматини англасалар ҳам, ўзининг секин ва улуғвор эпик юксалишида шундай буюк
- 30 асарнинг бутун ҳолида идеясини қамраб олмайдилар. Трагедия билан комедия ўртасида қолган кўпгина драматик асарлар эпик драмаларга мансубдирлар. Масалан, Шекспирнинг «Бўрон», «Цимбелин», «Ўн иккинчи кеча» ёки «Нима лозим» деган асарлари шундай асарлардир, буларда ҳаётнинг ўзи қаҳрамон вазифасини бажаради. Масалан, «Нима лозим»ни олайлик; бунда қаҳрамон ёки қаҳрамон хотин йўқ; бунда ҳар бир шахс диққатимизни тартади; ҳатто бутун бир асарнинг ташқи
- 40 мароқи севучи бир жуфт шахсга тўпланган, уларнинг иккиси ҳам ўқувчини баравар қизиқтиради, уларнинг топишуви эса драманинг ечимини ташкил этади. Лирик элементнинг зўр ўрин олиши эпопеяда ҳам, драмада ҳам бўлади. Байрон билан Пушкин дostonлари

ҳам лирик дostonлар сирасига киради. Уларда эпопеяда бўлгани каби воқеа эмас, балки драмадаги сингари одам ҳукм суради ёки бу икки томон тенглашиб кетади ва ўз-аро бир-бири ичига киради. Уларнинг муҳим фарқи шундаки, у дostonларда воқеанинг фақат шоирона моментлари олинади ва уюштирилади, ҳаёт прозаси эса идеаллаштирилади ва шеърӣ тусга киргизилади. Пушкиннинг «Евгений Онегин»и ҳам лирик дostonлар қаторига кириши керак. «Онегин» мазмунининг деярли кўп қисмини ҳаёт прозаси ишғол этган бўлса ҳам, лекин бунда проза жонли, қанотли, нурли, поэтик ва гармоник мазмунга едирилган, бу эпиграммалар олови билан чақнаса ҳам, у соф лирик элемент бўлган ҳасрат ичида эриб кетган. Ҳикояда шоирнинг чекинишлари, унинг ўз-ўзига хитоблари бу ягона ва энг гўзал бадий асарнинг энг қимматли лирик марваридларидир. 10

Шиллернинг «Орлеан қизи» ва «Мессин келини» каби асарлари асосан лирик драмалардир, уларда ҳаракат ўз-ўзича олганда аҳамиятли эмас, балки опера либреттоси аҳамиятига эгадир, уларнинг моҳиятини улардан ҳар бирининг асосий идеясини баён қилувчи лирик монологлар ташкил этади. Бу — олижаноб эҳтирослар, юксак ўйлар ва буюк ҳодисаларнинг шоирона авжидир, бу гапларни айниқса, «Орлеан қизи»га нисбатан айтишимиз мумкин. Байроннинг «Манфред»и, Гётеннинг «Фауст»и, гарчи бошқа бир характерда бўлса ҳам, лирик драмалардир; булар йўқолган ҳаёт тўлиқлигига рефлексия орқали интилувчи икки одамнинг парчаланган табиатининг шоирона авжидир. Субъектив мушоҳададаги руҳ масалари, борлиқ ва абадийлик сирлари, одам шахсининг тақдирини ва унинг ўзига, умумга муносабатлари ҳақидаги масалалар бу икки буюк асарнинг моҳиятини ташкил этади. Ўз хусусиятига кўра, лирик драма ташқи воқелик шароитларини менсимаслиги мумкин; саҳнага руҳларни чақириш ва эҳтирослар, орзулар, ўйларга жонли образлар ва қиёфатлар бериш мумкин. Символизм ва аллегорияга мойилликни лирик драманинг камчилиги деб ҳисоблаш мумкин. «Фауст»нинг иккинчи қисмини бир қадар ҳақли равишда ана шу масалада камситадилар. 30

Лирик асарларнинг ўзларига келса, улар баъзан, 40 роман ва балладада кўрилгани каби эпик характер қабул қиладиларки, бу тўғрида қуйида муфассалроқ тўхтаимиз. Улар драмадан моҳиятини эмас, балки форма-

ни оладилар, бу форма ҳис кучини қўзғаб фикрнинг қувватли ифодасига ёрдам беради. Шу турдаги лирик асарларнинг драматик формадаги энг яхши намуналари мана шу пьесалардан иборатдир: Пушкиннинг «Шоир ва оломон» ва «Китобфурушнинг шоир билан суҳбати», Веневитиновнинг «Шоир ва дўст»и, Лермонтовнинг «Журналист, ўқувчи ҳам ёзувчи» деган асари.

10 Поэзиянинг ҳар бир турининг умумий аҳамиятини таърифлаш ва солиштириш орқали тушунтириб, уларнинг ҳар бирининг хусусиятларига ва турларга бўлинишларига ўтамиз.

### Эпик поэзия

Эпос, сўз, эртак буюмнинг ташқи кўринишини тасвирлайди ва умуман буюм нималиги ҳам қандай бўлиши ҳақида фикр юритади. Қандай бўлмасин бир буюмнинг муҳим томонини ва унинг моҳиятини тўла равишда қамраб оладиган ҳар бир ибора эпоснинг бошланғичидир. Қадимгиларда эпиграмма (битик маъносиди) бу характерга эга бўлган. Қадим грекларнинг гномлари, яъни 20 баъзи бир гомондан бизнинг мақол ва маталларга тўғри келувчи ахлоқий иборалари ҳам бунга мансубдир, лекин улар юксак, шоирона, баъзан диний характерлари билан ва комизм, прозадан холи бўлиши билан ажралади. Гўдак халқнинг ҳар хил ахлоқий гаплар тўплами ҳам эпосга мансубдир, шуларда ёш халқ ҳаётида поэзия билан проза ажратилмасдан илгари дунёга, табиатнинг турли қисмларига ва ҳоказога ўз қарашини жонли, самимий кузатиш шаклида ифода қилган. Кейинги замонларда ҳаёт прозасидан келиб чиққан дидактик шеърлар- 30 ни улар билан аралаштириш ҳеч керак эмас.

Эпоснинг тараққиёт босқичининг яна юқорида қадим замоннинг космогония ва теогониялари туради. Биринчисиди коинотнинг бошланғич илоҳий кучлардан пайдо бўлиши, иккинчисиди бу кучларнинг турли худликларга ажралиб кетиши тасвир қилинади. Ниҳоят, эпик поэзия ўз тараққиётининг учинга етишади, воқеаларнинг манбан бўлган инсонга етиб боради ва эпопеяда ифодаланади.

40 Эпопея ҳар вақт поэзиянинг олий тури, санъатнинг тожи ҳисобланган. Бунинг сабаби «Илиада»га грекларнинг ва улар орқасидан замонамизгача бўлган бошқа халқларнинг буюк ҳурматидир. Греклар ҳаётининг бутун

тўлалиги ва бутун бойлиги ифодаланган қадимнинг энг буюк асарига нисбатан бу чексиз ва кўр-кўрона ҳурмат шундай зўрайганки, «Илиада»да ўз замони ва ўз халқининг руҳидаги бир эпик асар каби эмас, балки эпик поэзиянинг ўзи деб қараганлар, яъни ўзи мансуб бўлган поэзия тури билан асарни аралаштириб юборганлар. «Илиада»нинг формасига яқин ҳар қандай асар, унинг ҳар қандай кўчирмаси эпик дoston бўлиши керак ва ҳар бир халқ ўз эпопеясига, тагин грекларга қандай бўлса, нақ шундай эпопеяга эга бўлиши керак, деб ўйлаганлар. 10  
 «Илиада»га қараб ҳатто эпик дostonнинг таърифини ҳам ясаганлар; бу таърифга кўра, эпик дoston халқнинг тақдирига таъсир кўрсатган буюк тарихий воқеани куйлаш эмиш. Бунинг натижасида эпик дoston яратмоқ учун ватан тарихидан катта воқеани қидириш, бошланишда музани (илҳомни) даъват қилиш, «куйлайман» деб бошлаш ва томоғи қирилгунча куйлашгина қолади, холос. Мана шундай қилиб, Виргилий Энейнинг ҳисобсиз фалокатларга чидаш бериб, Троядан Тибр қирғоқларига келганлиги тўғрисидаги афсонани эсга туширган ва «сапо»\* 20  
 деб асарини бошлагач, эпик дoston ёзганига ўзи ишонган ва бошқаларни ҳам ишонтирган. Унинг қадим дунё санъатининг ўлим даврида, санъатга қарши бўлган бир замонда пайдо бўлган асари, текис, силлиқ ва ялтироқ, риторик асари, «Илиада»дан биринчилик шуҳратини олмоқ учун узоқ вақт тортишган. Ғарбий Европанинг католик монахлари Виргилийни авлиёлар қаторига қўшиб қўяёзган эди; антипоэтик француз танқидчиси Лагарп «Энеида»ни «Илиада»дан юқорироқ қўйишга қадар борди. Шундай қилиб, «Қутулган Қуддус», «Улисовнинг 30  
 ўгли Телемакнинг саргузашти», «Йўқолган жаннат», «Мессиада», «Генриада», «Гонзальв Кордуанский», «Тилемахида», «Петриада», «Россиада» ва бошқа бир кўп «ада»лар «Энеида»дан туғилди. Испанлар ўзларининг «Араукана»си билан, португалияликлар ўз «Луизитана»лари билан фахрланадилар. Бу «эпик» ва «қаҳрамонлик» дostonларининг қиммати қай даражада эканини билмоқ учун, шубҳасиз, умуман эпопеянинг моҳияти ва шартларига ва «Илиада»нинг характерига бир қарашнинг ўзи кифоя қилади. 40

Эпос халқнинг эндигина уйғонган онгининг поэзия соҳасида биринчи пишган мевасидир. Эпопея халқнинг

\* Куйлайман демакдир.

фақат гўдаклик даврларида, унинг ҳаёти ҳали икки қарши томонга — поэзияга ва прозага ажратилмаган чоқда халқнинг тарихи фақат афсона бўлган замонда дунё ҳақида унинг тушунчалари фақат диний тасаввурлардан иборат бўлганда, унинг куч-қудрати ва тоза фаолияти фақат қаҳрамонлик ғалабаларида кўринган замонлардагина пайдо бўлиши мумкин. «Илиада»да ҳаёт поэзияси ва прозаси шундай ажралмас шаклда жипслашганки, унда оддий ҳунарлар санъат деб аталади ва осмонда яшовчи Гефест эса яратади (ишламайди, қилади), у ижодий ўй-тушунчага асосланиб, худолар, қаҳрамонлар учун қалқонлар, қуруллар, ширин зиёфатларда худолар оёқларини қўйсин учун олтин уч оёқлар, ёғоч курсилар (скамейкалар), боғичга ўтказилган, маҳкам лўкидонли, ажойиб ишланган эшикли храмлар (қулф ясаш қаёқда! бундай немис қувлигига худоларнинг санъати ҳам бориб етмаган эди) яратади. «Илиада»да одамларнинг иш-ҳаракатида худолар ҳам шахсан иштирок қилади, уларни ҳам манфаат ва ҳирс ҳаракатга келтиради; кенгашларда худолар ўзаро жанжаллашадилар, гуруҳларга айрилиб бир-бирларига қарши чиқадилар, ахеяликлар ва данайликлар сафида бир-бирлари билан урушадилар; воқеанинг тақдирини уларнинг бевосита таъсири ечади. «Илиада»да дин — ижтимоий ҳаётнинг бошқа стихияларидан ҳали айрилган эмас: халқ ҳуқуқи, сиёсий тушунчалар, граждон ва оила муносабатлари — ҳаммаси тўғридан-тўғри диндан келиб чиқади ва ҳаммаси динга бориб тақалади. Муғамбир Одиссей Аякс Теламонид билан ким ўзишга чопишади, 30 рақибининг ўтиб кетишини кўриб у Палладага сиғиниб, ёрдам сўрайди: Эгнохнинг кўк кўзли қизи ўз суюклисига раҳм қилади. Аякс бузоқ тезагига сирпаниб йиқилади ва Одиссей биринчи мукофотни, кумуш косани олади, лекин Аякс ҳам шод, чунки у иккинчи мукофотни «боқилиб семирган, энг миқти бузоқни» олишга муваффақ бўлади. Кўрасизми; оддий тасодиф — тасодиф эмас, ўз суюклисига кўмак берган маъбуданинг иши, Аякснинг ўзи бунга бутун жони билан ишонади.

40 Турди, дала бутасининг шоҳларини ушлаб олди,  
Тезакларни у тупуриб, Аргивянларга деди:  
«Яшинчининг қизи, дўстлар, оёғимга энён берди, Афина!  
У Одиссейга доим ёрдам қилар бир — она!»

(XXIII қўшиқ, 780—784-бетлар).



Одиссей инсон донолигининг юксак нуқтасидир; лекин унинг донолиги нимада? Унинг донолиги қувликда, кўпинча қўпол ва юзаки қувликда, биз буни оддий тилда «тилёғламачилик» деймиз. Лекин гўдак халқ кўзида бу қувлик мумкин бўлган доноликнинг энг баланд босқичи бўлиб кўринган. Гомернинг энг юксак ва оддий фикрларининг соддадил бўлиши ҳам мана шундадир. Гомернинг яшаган даври Ксеркснинг Грецияга ҳужумидан 600 йил аввал деб фараз қиладилар, бу давр халқнинг гўдакликдан тамом чиққан, маънавий ва гражданилик ҳаёти тўла тараққий қилган давридир. Демак, Гомер ўз «Илиада»сида қандай бўлса, турмушда ҳам худди шундайдир: тасвир этган воқеалари илҳом орқали қандай равшан кўринган бўлса, худди шундай бўлиши мумкинлигига у бутун руҳидан ишонувчи бир кекса—бола, соддадил бир доҳий эди; хуллас, у ўз ижоди билан бир бўлган ва ижоди ҳам унинг муқаддас эътиқодларининг, унинг энг чуқур ишончларининг самимий ва соддадил ифодасидир. Бироқ Гомер Троя уруши замонларида эмас, балки ундан икки юз йил кейин пайдо бўлган. Агарда Гомер ўша воқеанинг замондош кузатувчиси бўлса эди, ундан бир дoston яратолмас эди: воқеа ёш халқнинг жонли ва кўркам фантазиясининг шоирона афсонаси, эртаги бўлиб қолиши лозим эди; воқеа қаҳрамонлари узоқ замонлардан, уларнинг табиий гавдасини ғоят даражада катталаштирувчи ўтмиш ичидан кўриниши керак эди; уларни кўзга ташланадиган қилиб, бошдан-оёққача шуҳрат, шон нури билан бежаб, яқиндан қаровчи кўзга жуда яққол кўринадиган ҳамма гадир-будурларни ва оддий тафсилотларни ёпиб кетиши лозим эди. Ҳозирги нарса гўдак халқнинг шоирона асарларига мавзу бўла олмайди, ўзининг музалар ҳақида айтган афсонавий қўшиғида, кейинча герман фикри билан онгли равишда ривожлантирилган поэзия моҳиятини баён қилган замон кексаси Гезиод шундай дейди: «Музалар унга илоҳий қўшиқ сўйладилар, у келажакни ва ўтмиш воқеани мақтасин», лекин музаларнинг ўзлари «ҳамма нарса ҳақида, нима бор, нима бўлади ва нима бўлиб ўтган, барисини сўйлаб, Олимпда Диянинг буюк ақлини қўшиқлар билан хурсанд қиладилар; фақат худоларнинг поэзиясигина, ўтмиш ва келажакдан ташқари, ҳозиргини ҳам қамрайди,

чунки худолар ҳаётининг ўзи поэзия ва саодатдир\*. Аммо Гомер яшаган давр, у куйлаган воқеа давридан жуда кўп узоқлашмаган эди: ҳамма нарса ҳали ўша воқеа билан тўла эди, у ҳақдаги афсоналарга тарихга ишонган каби ишонар эдилар, ўтмиш билан ҳозирги замон орасида катта фарқ кўрмас эдилар ва шунинг учун Гомер Троя урушининг замондоши бўлмаса ҳам, муқаддас Илионнинг таслим бўлиш шовқинини равшан сезарди...

- 10 «Энеида»нинг қиммати энди равшан бўлса керак, унинг доно автори ўтмишга ёпишган; афсонага чанг солган, лекин бу ўтмиш, бу афсона, Олегнинг Истамбул атрофига юришлари биз русларни қанча қизиқтирса, «Энеида» авторини ҳам бундан ортиқ қизиқтирган эмас. Ўз ҳаётининг деярли бутун циклини босиб ўтган, йиқилишга юз тутган бир халқнинг аъзоси, қариган, чириган, ҳамма эътиқодларини йўқотган, кўринишда худоларни ҳурмат қилиб, лекин яширинча уларни масхара қилган бир маданиятнинг ўғли Виргилий икки юзлама, мунофиқ бўлмаса, мўмин банда бўлиб кўрinarмиди, унинг ичини тўлқинлантирмаган, қалбининг ҳамма қирраларини ларзага солмаган, унинг диний эътиқоди бўлмаган нарсани у масхара қилмасдан, самимий равишда шоирона ҳаяжон билан сўйлаши мумкинми?.. Достон ўз ичидан чиққан фикрдан туғилмасдан, балки «Илиада» мавжуд бўлгани учун унга ҳавасланиб, онгли равишда туғилган бўлиши, унинг «Энеида»си оригинал асар бўлмай, балки буюк намунага разил тақлиддан иборат бўлиши, у достонга энг яхши танқид ва қатъий ҳукм бўлиб хизмат қилади. Бу асар, тўғриси, пардоз жиҳатидан гўзал, ташқи лотин гекзаметрларида ёзилган «Улисснинг ўғли Телемакнинг саргузаштлари»дир.
- Янги халқларда эпопея яратиш учун бўлган уринишларнинг мевалари, шубҳасиз, «Қутулган Қуддус», «Йўқолган жаннат» ва «Мессиада»дир. Буларда энг яхши поэтик қисмлар ҳақиқатан мўлдир; уларни ижод этувчиларида буюк шоирлик қобилияти борлиги биллонилади; лекин уларнинг мазмуни ва замон руҳига ёт бўлган форма беришга интилиши, улардан албатта
- 40 «Илиада»лар яшашга интилиши, уларни табиий равишда бузган ва бутунлай тасқара қилиб қўйган ва шунинг

\* Тарихий тараққиётда қадимги ва янги халқларда поэзия назарияси, С. Шевирев, 17-бет.

учун улар бутун ҳолда текис бадий асар бўла олмай-  
дилар, улар бевосита ижодий актдан туғилган эмас,  
балки онгли ва шу билан бирга хато фикрдан келиб  
чиққан. Урта асрлардаги Европа рицарларининг қаҳ-  
рамонлик Грецияси ҳаёти билан қандай ўхшашлиги бор?  
Салб юришлари билан Троя уруши орасида қандай ало-  
қа бор? — Ҳеч қандай, чунки ташқи ўхшашликларни  
ҳисобга олиш тўғри эмас! Аммо Тасс ундан ҳам, бундан  
ҳам албатта «Илнада» ясашни истаган, академик пар-  
дозларни кўзда тутиб, асарини, бир неча марта қайта-  
дан тузган... Ариостнинг «Orlando Furioso»\* асари «Қу-  
тулган Қуддус» каби шуҳратли бўлмаса ҳам, Тасснинг  
овозаси кетган асаридан минг марта кўпроқ рицарь  
эпопеяси-дир. Шахслар билан воқеаларнинг ранг-баранг-  
лиги, чигал тасодифлар ва тўқинишларнинг гулдор  
тўқимаси, проза ва поэзияга ажралган ҳаёт, замон ша-  
ронти ва руҳига мувофиқ энг комик кулги элемент,  
ишқ, жанглар, сеҳргарлик, мўъжизалар, чекинишлар ва  
эпизодлар — булар ҳаммаси Ариостнинг даъвосига,  
сунъийликка, риторикага ёт бўлган асари Европа ри-  
царлари ҳаётининг руҳини, манзарасини Тасс достонига  
қараганда кўпроқ ифода қилади ва рицарь эпопеяси-  
нинг талабларига кўпроқ жавоб беради.

«Йўқолган жаннат» буюк талантнинг асаридир, ле-  
кин бундай достонни Инжил давридаги яҳудий ёзиши  
мумкин эди, эътиқодга озод фикрий элемент кирган  
Кромвел даврининг одами ёзолмайди. Шунинг учун бу  
достоннинг формаси ғайритабiiийдир; буюк фантазияни  
кўрсатувчи айрим гўзал жойлари бўлсада, достонда  
мавзунинг буюклигига мос тушмаган хунук қисмлар  
кўпдир; малакларнинг йиқилган руҳларга қарши оддий  
қуроллар билан жанг қилиши уларнинг эфир баданла-  
рига етказган ва зарбнинг кучига қараб бир соатдан то  
бир суткага қадар тузаладиган яраларини, ёвуз руҳлар-  
ни отиш учун малакларнинг кечаси тоғдан топиб олган  
тўпларини мисол келтириш кифоя қилади...

«Месснада» ҳам шоирона қисмлардан маҳрум эмас...

Бизнинг русча «ида», «ада» ва «яда» ларга келсак,  
улар тўғрисида шундан бошқани айтиб бўлмайди:  
«Ором ол, азиз жасад, қувноқ тонггача»...

Ҳаммаси бўлмаса ҳам, деярли барча халқлар, гўдак-

\* «Исёнкор Роланд». — *Ред.*

лик даврларида эпик ривоятларга эга бўлганлар; лекин ҳамма ривоятлар бадий нўқтаи назардан қаралиши мумкин эмас, чунки уларда чексиз идея бўлиши зарур. Халқнинг вазияти, унинг субстанцияси эпоснинг асосий мавзунни ташкил этса, бундан бошқа яна, у халқ ўз ичида идеяга, руҳга эга бўлиши ва жаҳоншумул-тарихий халқ бўлиши ҳам зарур. Мана шунинг учун эпопеяга намуна сифатида фақат баъзи бир нодир асарларнигина келтириш мумкин, масалан: «Маҳабгарата» ва

- 10 «Рамайяна» каби ҳинд дostonлари ва айниқса Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» эпослари. Ҳинд дostonлари қанча кўркам бўлмасинлар, Гомер эпослари билан тенглаша олмайдилар, чунки улар санъатнинг ҳали фақат ўзини кўрсатишга интилган бир босқинчига мансубдилар, демак, поэзиянинг ҳамма талабларига ҳали жавоб бера олмайдилар... Миллий жиҳатдан муҳим бўлган бошқа эпик тараннумлар, масалан, германларнинг «Niebelungenlied»\* каби, лекин улар оламшумул инсоний мароққа эга эмаслар ҳам у қадар бадий тўлалик кўрсатмайдилар.

- Шундай қилиб, эпопеянинг мазмунини ўз ҳаётининг индивидуал манбалардан ҳали айрилмаган халқнинг ҳаёт моҳияти, субстанция кучлари, вазияти, турмуши ташкил қилиши керак. Шунинг учун эпик дostonнинг асосий шартларидан бири унинг халқчиллигидир: ширнинг ўзи ҳам воқеага ўз халқининг кўзлари билан қарайди, воқеадан ўз шахсини айирмайди. Лекин эпопея юқори даражада миллий бўлиши билан барабар,— у айни вақтда, бадий асар бўлиши учун индивидуал халқ ҳаётининг формаси, ўз ичига умумий инсоний, жаҳон аҳамиятига эга бўлган мазмунни олиши керак. Грекларнинг индивидуал ҳаёти ана шундай бўлган, ва шунинг учун уларнинг ҳатто космогоник ва теогоник тараннумларидаги гўдакларча какалаш ҳам кейинчалик бутун кишилиқ дунёсининг моли бўлиб қолди. Такрор айта-миз: биз юқорида суянаётган Гезиоднинг музаларга бағишланган қўшиғида нафосат фалсафаси билан тўла, бизга замондош германларнинг ҳаракатсиз фикри орқасида ўсган янги замон эстетикасининг улуғлиги ва
- 30 моҳияти бордир. Мана шунинг учун «Илиада» билан «Одиссея» миллий грек асарлари бўлиши билан барабар, айни замонда бутун инсониятга ҳам тегишлидир-

\* «Нибелунглар ҳақида қўшиқ».— *Ред.*

лар, ҳамма замонларга, ҳамма халқларга яқиндирлар, дунёдаги ҳамма тилларга, шеваларга озми-кўпми қулай таржима қилинадилар. Греklar ўзларининг гўдаклик даврлари билан кишиликнинг мукамал ва мумтоз намояндалари сифатида бутун кишилик жамиятининг гўдаклик даврини ифода қиладилар. Гомер дostonларини ўқиркан, кишилик дунёси ўзининг порлоқ гўдаклик (фақат греklarникини эмас) даврини хотирлайди. Массалан, рус қўшиқларида ва эпик ривоятларида поэзия кўп, лекин бу поэзия халқ индивидуаллигининг тор, ёпиқ доирасига тикилган умумий инсоний мазмундан маҳрумдир, шунинг учун фақат рус руҳига англашилади ва таъсир қилади, лекин бошқа ҳар қандай халқ учун ҳеч нима демайди, уни ҳеч бир бошқа тилга таржима қилиб бўлмайди. Худди шу сабабдан бизнинг халқ қўшиқларимиз ва эпик ривоятларимиз ҳар қандай бадийликдан маҳрумдир, айрим ўринларда поэзиянинг порлоқ мисолларини кўрсатсалар ҳам, аynи замонда прозаик жойлар билан тўладир, кўпинча улардаги фикр ўз ифодасини топмайди, ишоралар ва символлар билан гулдирайди. Фақат умумий инсоний, жаҳоншумул мазмун бадий формада кўрина биледи.

Эпопея учун мазмун беришга халқ моҳияти ҳаётининг воқеада ифодаланиши керак. Халқнинг гўдаклик замонларида унинг ҳаёти кўпроқ ботирликда, қаҳрамонликда ифодаланади. Халқнинг бутун ички кучларини қўзғатиб, ташқарига чиқариб, унинг ҳали мифик тарихида бир давр очган ва унинг келажак ҳаётига таъсир қилган умумий халқ уруши, ўзининг азаматлигига кўра, эпик воқеалар ва эпопея учун бой материал беради. Афсонавий Троя уруши греklar учун худди шундай воқеа эди ва «Илиада» билан «Одиссея» учун мазмун берди, бу дostonлар эса Софокл ва Эврипиднинг трагедиялари учун кўпинча мазмун берди. Эпопеяда иштирок қилувчи шахслар тўла равишда миллий руҳ намояндалари бўлиши керак; лекин қаҳрамон ўз шахси билан халқ кучларини, унинг моҳиятининг, руҳининг бутун поэзиясини тўла-тўқис кўрсатиши керак. Гомернинг Ахиллеси яна шундайдир. Ҳалок бўлаётган халқнинг, оиласининг таянчи, ўз оиласида шафқатли эр ва ота бўлган ва фақат Ахиллесга ён берувчи ботир: қудратли паҳлавон Гекторни сиз севасиз; сиз унинг ўлимига жуда ачинасиз, адолат тўғрисида Ахиллесга ён

босган худоларга ва тақдирга аччиғланасиз, лекин астойдил тикилиб қарасангиз, ғазабли, шонли, эҳтиросли, шоирона Пелид Гектордан ҳақиқатан устун эканини кўрасиз. У бошдан оёқ шуҳрат нурига чўмган бир қаҳрамон. Греция руҳининг ҳамма томонларини тўла равишда кўрсатувчи, маъбуданинг мумтоз ўғлидир. Гектор Ахиллдан кўра инсоний сифатга кўпроқ эгадир, лекин Ахилл Гектордан кўра кўпроқ илоҳий сифатдир. Ахилл ҳамма қаҳрамонлардан юксакдир. Аякс кучда

10 унга тенг, лекин чаққонликда ундан орқада. Кенгашнинг бошлиғи бўлган, кўп яшаб соч-соқоли оқарган Нестор, узун умрининг тажрибаси билан ақли тўлган қариллик шавкати, қалбнинг бачкана мулойимлиги ва қариллик парвозлигининг юксак намунасини кўрсатади. Одиссей сиёсат маъносида донишмандлик намояндасидир. Аякс жўшқин, мардлик ва жисмоний куч билан тўладир. Халқларнинг пастири Агамемнон шоҳона улуғлик билан айрилиб туради. Қисқаси, «Илиада»да иштирок этувчи шахслардан ҳар бири грек миллий руҳининг бирон томонини ифода қилади, лекин Ахилл халқнинг асосий кучларини жамлаб кўрсатади. У ўзи билан ҳеч кимни тенг кўрмайди. Фақат мажлислардагина кўнгилли равишда баъзиларни ўзидан илгари қўяди. Ахилл — қаҳрамонлик Грециясининг шоирона юксак намунасидир; бу ҳақли равишда дoston қаҳрамонидир. Унинг буюк қаҳрамон руҳи гўзал ва худога ўхшаш танада маскан қурган; мардлик унинг юзида гўзаллик билан бириккан; унинг ҳаракатларида улуғворлик, гўзал ихчамлик, пластик кўркамлиқ бор. Унинг нутқларида

30 олижаноблик ва гайрат бор. Худолар ва тақдир унга ёрдам бериши ажабланарли эмас; унинг қуролсиз ҳолда биргина кўриниш бериши, уч марта ҳайқирғи, Троя аскарларини тумтарақай қилиб қочирishi ажабланарли эмас. У бутун дostonнинг марказидир... унинг Агамемнонга ғазаби ва у билан келишуви дostonнинг боғланишини ва ечилувини, бошланиши, ўртаси ва охирини ташкил қилади. У ўз чодирда жимгина ўтиради, аччиғланади, жангларда қатнашмай олтин қилли лирани чалади, лекин у дoston қаҳрамони бўлишдан бир минут

40 ҳам узоқлашмайди, дostonда ҳамма нарса ундан чиқади ва ҳамма нарса унга бориб тақалади. Бунинг сабаби шундаки, у дostonда ўзича эмас, халқ номидан, унинг намояндаси сифатида қатнашади...

Эпопея бутунликка, ҳаракат бирлигига, қисмларида мутаносбликка эга бўлиши керак — бу нарса эпопеянинг алоҳида хусусиятигина эмас, ҳар бир бадий асарнинг зарур шартидир.

Замонамизнинг эпопеяси романдир. Эпоснинг ҳамма асоси, муҳим хусусиятлари романда бордир, фақат айирмаси шундаки, романда бошқа элементлар, бошқа манзара ҳукм суради. Бунда қаҳрамонлик ҳаётининг афсонавий ўлчовлари, қаҳрамонларнинг азамат сиймолари йўқ, бунда худолар иштирок қилмайди, романда 10 одатдаги, прозаик ҳаётнинг ҳодисалари идеаллаштирилади, умумий тип остига олинади. Роман ўз мазмуни учун ё тарихий воқеани олиб, унинг соҳасида эпосдаги каби, қандай бўлмасин бир хусусий воқеани кенгайтириши мумкин: фарқ бу воқеаларнинг характерида: демак, воқеани ўстириш ва кўрсатиш характеридадир: ёки роман ҳаётни мавжуд воқеликда унинг ҳақиқий ҳолатида олиши мумкин. Бу умуман янги санъатнинг ҳуқуқидир, бунда хусусий одамнинг тақдири унинг жамиятига нисбатан муҳим бўлиб қолмасдан, балки киши- 20 ликка ҳам муҳимдир. Кундалик ҳаётнинг сўнгги асоси, гарчи адабий кучлар моҳияти бўлса ҳам, лекин ўзининг кўринишида тасодифийдир, ҳар қандай аҳамиятдан маҳрум бўлган, ташқи нарсалар билан бўғилгандир. Тарих гарчи ўзининг ҳақиқий кўринишида абадий қонунларни ва мувофиқ заруриятни кўрсатса ҳам, лекин кўринган вақтда унинг фактлари ўз-ўзини англашдан маҳрумдир, шунинг учун ташқи воқеалар шаклига эгадир, яна улар кундалик ҳаётнинг тасодифлари билан ҳамиша чигаллашган, ўралган бўлади. Бадий асар си- 30 фатида романнинг вазифаси кундалик ҳаётдан ва тарихий воқеалардан барча тасодифий нарсани олиб ташлаш, уларнинг яширин қалбига, жонли идеясига кириш, ташқи, тарқоқ воқеаларни руҳ ва ақл маскани қилишдир. Роман бадийлигининг даражаси асосий идеянинг чуқурлигига ва айрим хусусиятларда у идеяни ташкил этган кучга боғлиқдир. Ўз вазифасини бажариш билан роман озод фантазиянинг меваси бўлган ҳамма бошқа асарлар қаторига ўтади, мана шу маънода роман оддий халқнинг зарур эҳтиёжларини таъмин этувчи юзаки 40 беллетристик асарлардан қатъий ажратилиши керак. Ричардсонлар, Фильдинглар, Радклиф, Левис, Дюкре-Дю-мениль, Лафонтенлар, Шпис, Крамерлар, Поль де,

Коклар, Марриет, Диккенс, Лесажлар, Мичьюренлар, Гюго, де-Виньилар нисбий аҳамиятга эгалар, машҳурлар ёки машҳур бўлганлар, лекин уларнинг номларини Сервантес, Вальтер Скотт, Купер, Гофман ва Гёте номлари билан, романчи сифатида, аралаштириш мумкин эмас.

- Романнинг соҳаси, эпик дoston соҳасига қараганда, беқиёс даражада кенгдир. Роман, исмидан маълум христиан халқларининг янги маданиятидан келиб чиққан, бутун граждaнлик муносабатлари, ижтимоий, оилавий ва умуминсоний муносабатлар чексиз равишда мураккаб ва драматик булиб, ҳаёт чексиз кўп элементлари билан энига ва чуқурлигига ўсиб кетган бир даврда пайдо бўлди. Қизиқтиручилиги ва мазмун бойлигидан ташқари, роман, бадний асар сифатида, эпик дostonдан ҳеч тубан эмас. Биз фақат икки поэмани намуна қилиб кўрсатдик, холбуки, Вальтер Скоттнинг бир ўзи ўттиздан ортиқ роман ёзган, деб бизга эътироз қилишар балки. Тўғри, эпик дoston генийдан кўпроқ диққат талаб қилади, у дostonда ўзининг бутун умрининг зафарини кўради, аммо бунинг сабаби эпопеянинг романдан устунликда эмас, янги халқлар ҳаётининг эски греклар ҳаётига қараганда жуда бой, ғоят аъло мазмундадир. Грекларнинг тарихий ҳаёти бир воқеада ва бир дostonда ифода қилинган (чунки «Одиссея» грек ҳаётининг бошқа томонини ифода қилса ҳам у «Илиада»нинг гўё давоми ва охиридир). Уларда янги Гомер чиқса эди, унинг дostonи учун Троя уруши каби бошқа бир воқеа топилса эди, фараз қилайлик, шундай воқеа топилган ҳам бўлсин, шунда ҳам унинг дostonи «Илиада»нинг такрори бўлар, демек, ҳеч бир мумтоз бўлмас эди.
- 30 Масалан, алп урушларини олинг: Вальтер Скотт бу даврга оид тўртта роман ёзган («Граф Роберт Парижский», «Конетабль Честерский», «Талисман», «Иваное»). Агар у мингта роман ёзганда ҳам бу воқеани тўла равишда битирмаган бўлар эди. Бундан ташқари, романда яна бир катта афзаллик борки, хусусий ҳаёт ҳам унга мавзу бўла олади, грек эпопеяси учун бу мазмун ҳеч вақт мазмун бўла олмасди, қадим замонда жамият, давлат, халқ бўлган, лекин индивидуал шахсият сифатида одам мав-
- 40 жуд эмас эди, шунинг учун грекларнинг эпопеясида ва шунинг каби драмасида, фақат халқ намояндалари — ярим худодлар, қаҳрамонлар, подшоҳлар ўрни ола билганлар. Роман учун ҳаёт одамдадир, инсон қалбининг, инсон



руҳининг мистикаси, инсон тақдири, халқ ҳаётига унинг ҳамма муносабатлари роман учун бой материалдир. Романда Ревекка албатта малика ёки Юдифь каби қаҳрамон бўлиши бутунлай лозим эмас: у хотин бўлиши романга кифоя.

Роман Вальтер Скотт асарлари билан юксак баъдий тараққиётга эришганлигини эътироф этиш керак. Унга қадар роман ўзи пайдо бўлган давр талабларини қондирар эди ва у билан бирга ўлар эди. Испаниялик Мигэль Сервантеснинг ўлмас асари «Дон Кихот», яна Гёте романлари («Вертер», «Вильгельм Мейстер», «Die Wahlgewandtschaften»<sup>\*</sup> истисно қилиниши мумкин. Бу сўнгги асарлар гарчи буюк қимматга эга бўлсаларда, бевосита ижодиёт асарлари эмас, балки рефлектор ижодиётнинг асарлари сифатидагина алоҳида аҳамиятга эгадирлар. Айтиш мумкинки, Вальтер Скотт ўзига қадар мавжуд бўлмаган тарихий романи яратди. Табиатан эстетик туйғудан маҳрум бўлган, поэзияни қалб ва руҳ билан ҳис этиш эмас, муҳокама қилувчи одамлар тарихий романларга қарши чиқадилар, ундаги тарихий воқеаларни хусусий ҳоллар билан бирлаштиришни нотўғри топадилар. Ахир воқеликнинг ўзида тарихий воқеалар хусусий одамнинг тақдири билан чулғашиб кетмайдими, аксинча, хусусий одам баъзи вақтда тарихий воқеаларда қатнашмайдими? Бундан ташқари, ҳар бир тарихий шахс майли у подшоҳ ҳам бўлсин, айни замонда оддий бир одам, бошқалар каби севадиган, нафратланадиган, дардланадиган ва суюнадиган, орзу ва умид қиладиган бир одам эмасми? Ва унинг хусусий ҳаётининг шароитлари тарихий воқеаларга таъсир қилмайдими ва бунинг акси ҳам бўлмайдими? Роман тарихий фактларни ёзишдан воз кечади ва уларни ўз мазмунини ташкил қилган хусусий воқеа билан боғланишда қабул қилади, бу орқали у тарихий фактларнинг астарини очиб беради, тарихий шахснинг кабинетига ва ётоғига бизни олиб киради, унинг уй ҳаёти, унинг онлавий сирларини кўрсатади, уни бизга фақат тарихий кўрик мундирида эмас, балки чопон ва қалпоқ остида ҳам кўрсатади. Мамлакатнинг, асрнинг манзараси, уларнинг одат ва хулқлари тарихий романининг ҳар парчасида, гарчи унинг ғоясини ташкил этмаса ҳам, баён қилинади.

<sup>\*</sup> «Кўнгил қўйиб қариндош бўлиш». — *Ред.*

Шунинг учун тарихий роман гўё шундай бир нуқтаки: унда фан сифатида бўлган тарих санъат билан қўшилишади, у тарихнинг тўлдирувчиси, унинг бошқа бир томонидир. Биз Вальтер Скотт тарихий романини ўқир эканмиз, роман воқеаси бўлаётган даврнинг замондоши, мамлакатнинг граждани бўлиб қоламиз, биз улар тўғрисида, жонли шоҳиди шаклида, ҳар қандай тарих берган маълумотга қараганда тўғрироқ тушунча оламиз.

10 Ҳозирги романларнинг бадиий қиммати жиҳатидан Вальтер Скотт ҳамма романчилар, ҳамма халқларнинг буюк ижодчилари билан бир қаторда туради. У христиан Европасининг ҳақиқий Гомеридир. У билан бир қаторда Шимолий Америка Штатларининг гениал романчиси Купер туради. Унинг романлари бутунлай ўзига хосдир ва юксак бадиий қимматидан бўлак Вальтер Скотт романларига ҳеч бир ўхшашлиги йўқдир, лекин янги адабиёт тараққиётининг тарихий изчиллиги маъносида уларнинг натижасидир: янги роман яратиш шарафи Вальтер Скоттда қолади.

20 Повесть ҳам айни романнинг ўзгинасидир, фақат кичик ҳажмдадир, асарнинг ҳажми мазмуннинг ҳажми ва моҳиятига қараб белгиланади. Бизнинг адабиётимизда романнинг бу тури ҳақиқий санъаткор Гоголга эгадир. «Тарас Бульба», «Старосвет помешчиклари», «Иван Ивановичнинг Иван Никифорович билан қандай жанжаллашгани тўғрисида» номли повестлари энг яхши повестлардандир. Ҳозирги бадиий қиммати жиҳатидан Пушкиннинг «Капитан қизи» номли повести ҳам бунга яқин туради, унинг «Буюк Пётрнинг араби» деган битмай қолган романининг бир парчаси шуни кўрсатадики, агар шоир

30 бемаҳал вафот этмаганда рус адабиёти бадиий-тарихий роман билан бойинган бўлар экан. Улардан бўлак бизнинг адабиёт соҳамизда яқинда кўринган ёш талант жаноб Лермонтовнинг повести ва ҳатто романи ҳам келажакда кўп нарсаяъда қилади. Немис адабиётида повесть намояндаси гениал Гофмандир, у хаёлий поэзиянинг айрим шаклини яратган, деб айтиш мумкин. Повестнинг шундай кенг тараққиётини бошқа адабиётлар кўрсатгани йўқ. Исmlари Вальтер Скотт ва Купердан 40 кейин тилга олинишга лойиқ бўлган повестлар ҳатто инглиз адабиётида ҳам йўқ. Вашингтон Ирвинг одатдан ташқари истеъдодли ҳикоячи, бундан ортиқ эмасдир.

Байрон ва Пушкин дostonлари намуна бўлиб хизмат қилувчи янги шеърый дostonлар бўлиб, пайдо бўлган замонларида романтик дostonлар деб аталган, уларда очиқ равишда мавжуд бўлган лирик элементларга қараб гарчи лирик дostonлар дейилиши лозим бўлса ҳам, бунга қарамай, улар эпик турга мансубдирлар ва чунки уларнинг ҳар бирининг асоси воқеадир ва форманинг ўзи ҳам соф эпик формадир. Бироқ бу замонамиз эпопеяси, бу лиризм ва драматизм билан суғорилган бўлиб, кўпинча, уларнинг эпопея билан аралаш формасини олади, унда воқеа гарчи ўз-ўзинча ҳам мароқли бўлса-да, инсонни кўмиб қўймайди.

Эпик поэзияга идиллия ёки эклога ҳам мансубдир, бундан XVI аср поэзиясининг айрим турини — чўпон поэзияси ёки буколик поэзияни яратди. У вақтларда идиллияда кишиликнинг жамият бўлиб яшашига қадар бўлган даврни, одамлар гўё қўйдек ювош, қўзидек яхши, каптар боласидек нозик бўлган даврдаги чўпонларнинг турмушини куйлашни истар эдилар. Чучмал, сентименталлик, ҳар қандай энергиядан маҳрум бўлган сўник, чирик муҳаббат ҳисси бу чўпоний поэзиянинг фарқ қилувчи характерини ташкил қилади. Буни қадимгилар асосида Теокрит номига ўйлаб чиқарганлар. Қадимгиларга ва Теокритга нисбатан бу юзаки бўҳтоннинг қай даражада бемаъни эканини кўрсатмоқ учун, идиллия тўғрисида ҳақиқий тушунчани бериш учун биз бу ерда машҳур Гнедичнинг бу ҳақда айтган фикрини келтирамиз. Гнедич қадимги замонни чуқур билади, унинг бадий руҳи билан суғорилган, унинг муқаддас саслари билан юраги тўлган, у руҳ ва таланти эътибори билан ҳақиқий шоирдир. У Теокритнинг «Сракузянка ёки Адонис байрами» номли идиллиясини грекчадан таржима қилиб, сўз бошида мана шундай дейди:

«Идиллия поэзияси бизда ва Европанинг янги адабиётларида ҳам чўпоний поэзия деган тор таъриф билан чегараланган: бу нотўғри таърифдир. Мана бундан худди шундай асоссиз бўлган бошқа фикрлар келиб чиқади, яъни чўпоний поэзия (идиллиялар, эклоглар) бизнинг адабиётда бўлиши мумкин эмас эмиш, чунки бизда қадимгиларга ўхшаш чўпонлар йўқ эмиш ҳоказо, ва 40 ҳоказо.

«Грекларнинг идиллияси, сўзнинг маъносига кўра, кўриниш, картина, ёки бизча саҳна демакдир, лекин ҳам

чўпон, ҳам граждан, ҳам ҳатто қаҳрамонлик саҳнасини.  
Теокритнинг идиллиялари, поэзиянинг бу айрим турида  
Теокритнинг ғарбнинг ҳамма халқлари учун намуна бў-  
либ хизмат этган биринчи, тўғрироқ айтганда, ягона  
шоир экинчи исбот қилди. Бу турни гарчи у ишлаб  
чиқаришга киришмаган бўлса ҳам, уни мукаммаллаш-  
тирган, табиатга яқинлаштирган. У, ўз идиллиялари  
учун ватани Сицилияда ихтиро қилинган саҳна кўри-  
нишларининг формасини қабул қилиб, уни мазмуннинг  
10 турлилиги билан бой қилган, улар учун мавзунини содда,  
халққа яқин қилиб олган, ўзи яшаган Александр  
саройидаги ҳашаматга содда халқ фикрларини қарши  
қўйиб, бу қарама-қаршилиқ билан, табиатдан тамом  
узоқлашган ўқувчиларни асир этишни истаган. Птоле-  
мей саройи Сицилия чўпонларининг хулқларини сира  
билган эмас эди: улар ҳаётининг картиналари ўқувчи-  
лар учун икки томондан нафосатга эга бўлиши керак  
эди, мавзунинг енгиллиги ва замоннинг фавқулодда  
нозикланиши ва ҳадсиз зийнати орасидаги қарама-қар-  
шилиқ ичра кишига таъсир қилиши керак эди. Зийнат  
20 юки ва ҳаёт шовқини билан чарчаган қалб, тинчроқ,  
лаззатлироқ ҳаётни ёдга солувчи нарсага жуда мафтун  
бўлади. Табиат инсон қалби устидан ўз қудратини ҳеч-  
вақт йўқотмайди.

«Инсонлар жамияти ўша вақтдаги Миср каби ҳадга  
етгач, унда шоирлар шунга ўхшаш қарама-қаршилиқ-  
лар яратишга уринганлар. Лекин ёлғиз грекларгина ҳам  
табиий, ҳам оригинал бўлишга муваффақ бўлганлар.  
Бошқа ҳамма халқлар табиатнинг ўзини яхшилашга ва  
ўз-ўзларича ўзгартиришга уринганлар: сезгини сезгир-  
лик билан, соддаликни сунъийлик билан алмаштирган-  
лар. Римликлар шаҳар халқи учун қишлоқ ҳаёти карти-  
наларини кўрсатишга неча марта уринганлар. Виргилий  
30 ўз соҳасини идиллиялардан бошлаган, лекин шеърлари-  
нинг нафислигига қарамай, у Теокритдан орқада қолди:  
унинг чўпонлари кўпинча ораторлардир. Римликлардан  
Қалпурний ва бошқалар табиатга эмас, Виргилийга  
тақлид қилганлар.

«Янги замон адабиётларида, айниқса италян ада-  
биётида, поэзиянинг ҳамма турлари ишлатилган, бузил-  
ган одамлар ичида жуда кўп идиллиялар пайдо бўлди,  
40 лекин Санназарода табиийлик қандай оз, Гваринида қан-  
дай сунъийлик кўрамиз, французлар ҳақида гапириш  
ҳам ортиқча. Людовик XV саройида кўп ўқилган Генсер

ҳам замон имтиҳонидан ўтолмайди. У сентиментал табиат яратди, ўз чўпонларини идеаллаштирди ва ҳаммадан ёмони шуки, у идиллияларга грек мифологиясини киргизди. Унинг катта хатоси шундан иборат: нимфлар, фавнилар, сатиралар биз учун ўлган, улар замонамиз поэзиясида кўринишлари мумкин эмас, улар бизга совуқ кўринадилар. Шундай қилиб, Теокрит Гомер каби шундай бир ёрқин сиймо бўлиб қоладики, биз адашган вақтимизда ҳар вақт унга қайтишимиз керак бўлади.

«Бизга замондош бўлган герман шоирларигина ана шу вақтга қадар Теокритни яхши тушунадилар: Фосс, Броннер, Гебель чин халқ идиллияларини яратдилар, уларнинг асир қилувчи картиналари ўқувчини табиат бағридаги ширин ҳаётга, жамиятнинг ҳозирги вазияти бизни шунча узоқлаштирадиган ҳаётга олиб боради, ҳатто улар шундай ҳаётга ишқ уйғотади. Бу муваффақият ёзувчиларнинг ёлғиз истеъдодида эмас: Санназаро, Геснер ҳам истеъдодли эдилар. Идиллия поэзияси поэзиянинг бошқа турларига қараганда кўпроқ халқ мазмунини, табиий мазмунни талаб қилишини герман шоирлари англаганлар, ёлғиз чўпонлар эмас, яшаш шариони табиатга яқин бўлган ҳамма одамлар бу поэзияга мавзу бўла оладилар. Улардаги муваффақиятнинг асосий сабаби мана шудир».

Теокритнинг «Сиракуза аёллари» номли идиллиясининг мазмуни шу. Оилалари билан Александрияга келган Сиракуза аёллари бир-бирлариникига борадилар; Адонис байрамини кўришни истаб, Птолемей Филадельфнинг саройига келадилар, унинг хотини Арсиноа бу ерда байрамни яхши тузган. Бу идиллия, бир томондан, содда халқнинг турмушини, онлавий муносабатларини, унинг ҳар кунги ҳаётини кўрсатади, иккинчи томондан, аргивали машҳур қўшиқчи қизнинг Адонис шарафига куйлаган юксак, шоирона қўшиғини оддий хотинларга тинглатиб, шавқ-завққа солиб, юқори илоҳий ҳаётга содда халқнинг муносабатини кўрсатади. Ҳар икки томон, яъни оддий халқ турмушининг проза ва поэзияси, хотинлардан бири бўлган Горгонинг охириги нутқида ҳам кўринади:

Праксиноя, оҳ ажиб куй! Аргивали қиз бахтиёр.  
Истеъдод-ла тотли сасда бахтиёрдир юз мартаба!  
Лекин уйга жўна! Меним Диоклид туз тотмаган.  
Эрим жуда қариб қолган, оч қолса у, кун бермайди:  
Кечир, суюкли эй Адонис! Яна қайтгин бахтимизга!

Жуковский томонидан таржима қилинган Гебель ва бошқа немис шоирларининг «Қизил карбункул», «Икки эди, яна битта», «Кутилмаган учрашув», «Норман одати», «Саёҳатчи ва қишлоқ қизи» (Гёте), «Сули кисели», «Қишлоқ қоровули» шеърлари идиллияга намуна бўла олади. Рус тилида оригинал идиллиялар кўп бўлган, лекин «Ким эскини ёдласа, унинг кўзи чиқади» деган мақолга қараб биз улар тўғрисида сукут қиламиз. Гнедичнинг «Балиқчилар» деган гўзал идиллияси порлоқ бир истиснодир. Унда турмушнинг ва иштирок қулувчи шахсларнинг ифода образи идеаллаштирилган, лекин упаллик ва бўёқ суришдан иборат бўлган салбий классик маънода идеализация эмас, у ортиқ даражада лиризм билан сугорилган, бир кўп ифодаларнинг соф русча бўлишига қарамай, ундан қадимги эллин поэзиясининг руҳи келиб туради. Ҳар ҳолда бўёқларнинг кўркемлиги, чуқур ички ҳаёт, масъул идея ва гўзал шеър Гнедич идиллиясини ҳақиқий лекин, афсуски, адабиётимизнинг ҳали баҳоланмаган бир дури қилади. Пушкиннинг «Гусар» ва «Будрис ва унинг ўғиллари» номли шеъри идиллиядир.

Эпик поэзияга аполлог ва масал киради, буларда ҳаёт икир-чикири ва практик маишат донолиги шоирона шаклга солинади. Поэзиянинг бу тури фақат икки янги адабиётда — француз ва рус адабиётида юксак тараққиётга эришди. Француз адабиётида масал намояндаси Лафонтендир; бизнинг адабиётимизда бир қанча талантли масалчилар бор. Крилов сиймосида халқ масалларининг ҳақиқий гениал ижодчисига эга бўлди, унинг масалларида практик ақл, туйғуллик, рус халқининг афтидан соддадил, лекин узиб олувчи пичинги тўла равишда ифодаланган.

Дидактик поэзия деб ёритилган поэзия ҳам эпик поэзияга мансуб бўлиши керак, лекин бу тўғрида кейинроқ гапирамиз.

### Лирик поэзия

Эпосда субъект мавзу билан кўмилган бўлади, лирикада эса субъект мавзунини ўз ичига олиш, сингдириш, уни чуқур ўзлаштириш билан чекланмайди, балки мавзуга тўқнашув унинг ичида қандай туйғулар уйготган бўлса, барчасини ички чуқурлигидан олиб чиқади. Лирика тилсиз сезгиларга сўз ва образ беради, уларга алоҳида ҳаёт бағишлайди. Демак, лирик асарнинг маз-

мунн объектив воқеанинг тараққиёти эмас, унинг мазмуни — субъектнинг ўзи ва у орқали ўтган ҳамма нарсасидир. Лириканинг майдалигини сабаби шундадир, айрим асар ҳаётни бутунча қуча олмайди, чунки субъект бир онда ҳамма нарса бўла олмайди. Айрим одам турли моментда турли мазмун билан тўлган бўлади. Гарчи руҳнинг бутун тўлалиги унга муяссар бўлса ҳам, лекин бу бирданига бўлмайди, беҳад кўп моментларда айрим-айрим муяссар бўлади. Дунёни ва ҳаётни ҳаракат қилдирувчи кучлар бўлган ҳамма умумий нарса, ҳамма субстанцияга оид нарса, ҳар қандай идея, ҳар қандай фикр — лирик асарнинг мазмуни бўла олади, лекин бу умумий нарса субъектнинг энг яқин, энг ички нарсасига айланиши, унинг сезгисига кириши, унинг бирон томони билан эмас, балки бутун мавжудияти билан боғланган бўлиши шарт. Қишини машғул этган, тўлқинлатган, шодлатган, қайғига солган, завқлантирган, тинчитган, ҳаяжонлантирган нима бўлса, қисқаси, субъектнинг маънавий ҳаётини ташкил қилган ҳамма нарса, субъект нчига нима кирса, унда нима пайдо бўлса, шуларнинг барчасини лирика ўзининг қонуний бойлиги каби қабул қилади. Мавзу бу ерда ўз-ўзича қимматга эга эмас, ҳаммаси субъектнинг унга берган аҳамиятига боғлиқ, ҳамма нарса хаёл ва сезги билан мавзуга кирган руҳга боғлиқ. Масалан, шоирнинг китоб ичидан топиб олган қовжироқ гули қандай мавзу бўлиши мумкин? Лекин у Пушкиннинг лирик асарларидан энг яхшиси, энг нафис, энг музыкали бўлган бир асарни яратиш учун Пушкинга илҳом берди.

Лирик асар аини сезги меваси бўлгандан жуда узун бўла олмайди ва бўлиши керак ҳам эмас, узун бўлса, у совуқ ва зўраки асар бўлади, завқ бериш ўрнига ўқувчини чарчатади. Туйғумизни уйғотиб, уни узоқ вақт ишлатиб туриш учун биз қандай бўлмасин бир объектив мазмунни кузатишимиз лозим: акс ҳолда, туйғу қанча чуқур очилса, кўркем гул каби қанча яшнаса, ушунча тез совийди. Мана шунинг учун опера энг узун мусиқали асардир, унда музыка объектив хатти-ҳаракатга боғланган ва унинг драматизми ҳукм сурган мотивга қарамай унга жонли ранг-баранглик бағишлайди. Мавжуд либреттога эмас, балки хаёлий либреттога асосан ёзилган аини опера зериктирувчи бўлиб кўринар эди. Мана шу сабабдан лирик дoston ёки операнинг ҳажми белгили

чегарага эга бўлмайди. Аммо соф лирик асар бир лаҳзалик илҳомнинг меваси бўлиб, бизнинг бутун вужудимизни ларзага солиши ва узоқ вақт қалбимизни тўлдириши мумкин, лекин бунинг учун биз уни бир неча минутда ўқиб чиқишимиз керак. Шоир руҳининг оний, бир лаҳзалик кайфиятнинг меваси бўлган лирик асар шоир руҳи бошқа кайфиятга бўйсунмасдан илгари қоғозга кўчмаса, у йўқолади, яна қайтмайди. Шунинг учун шоир

10 бўлгани учун сезгилар бирлиги, демак, фикр бирлигини таъмин қила олмайди, шу сабабли у тўла, бутун ва индивидуал бўлмайди, бирлашиб ақлга таъсир қилувчи турли идеялар ва образлар бўлмаганидан, хислатларимизнинг идрок қобилияти ҳам узоқ вақт фаолиятда бўлмайди ва тез чарчайди. Мана шунинг учун Пушкиннинг ҳамма лирик асарлари, истисносиз, Пушкиндан илгари ўтган шоирларнинг лирик пьесаларига қараганда қисқадир. Лирик пьесаларнинг узунлиги одатда шундан келиб чиқадики, шоир айна пьесада бир сезгидан бошқа сезгига ўтади ва бу ўтишларни у риторик қўшимчалар билан боғлашга истар-истамас мажбур бўлади: ёки антипоэтик, антилирик сохта оқимдан — қандай бўлмасин мавҳум фикрни дидактик равишда кўрсатишдан келиб чиқади. Лирик пьесаларнинг узунлигига сабабчи бўладиган ҳар икки камчиликнинг ёрқин намояндаси риторик элегиячи (марсиячи) Ламартиндир. Державинда шу хилдаги камчиликларни кучли талантнинг ёрқин шуълалари баъзан ювиб кетса ҳам, лекин унинг «Измаилнинг олиниши ҳақида ода» каби

20 узун одалари жуда зериктиради, чарчатади: унинг «Шалолола»сини ҳам бирданига ўқиб чиқиш қийин. Ўлмас Ломоносовнинг шеърларидаги ораторлик нутқлари, Петровнинг «Тантанали ода»ларида риторик пучак кўпиклар: Кошанский жанобларининг риторикаси қоидаларига мувофиқ ўз айрилиқлари ва «Бахтсизликлари»нинг мотамини куйлаган Капнистнинг бемаза вайсашлари, ниҳоят, Мерзляковнинг\* университет дарс-

\* Бу ерда Мерзляковнинг одаларигина назарда тутилади: унинг қадим замон адабиётидан қилган таржималари ва қўшиқларининг кўп қисми жуда яхшидир. Мерзляковнинг табиати шоирона бўлган, лекин ўтган асрнинг риторика ва шеър назарияси уни адаштирган, Ломоносов одаларига келсак, бу ерда фақат унинг шеърят билан ёрқин порламаган узун ва риторик характердаги тантанали одаларини кўзда тутилади.



ларида ўқиб берадиган тантанали, ғайри самимий наъмасозлигига келсак,— буларнинг барчаси ўқувчиларнинг руҳини оғир диққатбозликка ва хафақонликка тортиб ботириш учунгина ярайди.

Лирик поэзия ҳаёт ва оннинг ҳамма босқичларида, ҳамма аср, ҳамма даврларда пайдо бўлади, аммо унинг гуллаган ҳолати, эпоснинг аксича, бир томондан, халқ ичида субъективлик, иккинчи томондан, мусбат прозаик воқелик ҳосил бўлган замонга тўғри келади. Эпоснинг кўркем ва тўла тараққий қилган бевосита онг босқичида, лирик поэзия ҳали ўзининг юксак мақсадидан узоқда эди, тўғриси айтганда, у ҳали санъат соҳасидан ташқарида эди. Буни табиий ёки халқ поэзияси деб атаганлар. 10

Лирик поэзиянинг турлари субъектнинг ўз асари учун олган умумий мазмун муносабатига боғлиқдир. Агар субъект умумий кузатиш элементига чўмса ва бу кузатиш ўз индивидуаллигини йўқотгандай бўлса, у вақт кўшиқлар, дифирамблар, псалма ва пеанлар ҳосил бўлади. Бу босқичда субъективлик хусусий овозга эга эмас ва унга кўлка солган юксак фикрга бутунлай берилади, бунда ҳали алоҳидаланиш оз ва умумий нарса оз ёки кўп бошланғичи ва биринчи моментидир, шунинг учун, масалан, Каллимах ва Гезиод гимнлари, Пиндарнинг дифирамблари эпик характердадир. Ўз ичида ривоятларга йўл беради ва умуман анча катта ҳажмда бўлган лирик дostonлар шаклидадир. Янги поэзияда шу турдаги лирик асарлар намунаси оздир. Шиллернинг машҳур «Шодлик гимни» гарчи ёлқинли жўшқин руҳнинг эксцентрик кучи бўйича ҳам кўшиқ, ҳам дифирамб деб аталишига лойиқ бўлсада, лекин у ортиқ даражада онг билан суғорилгандир. Пушкиннинг «Вакх тантанаси» ва унинг «Вакх куйи» номли шеърлари ҳам Батюшковнинг «Вакханкалари»нинг мазмуни қадим грек ҳаётидан олинган. Пушкиннинг «Русия бўҳтончиларига» ва «Бородин йиллиги» деган асарлари жўшқин, ёлқинли, дифирамб илҳоми билан тўлиқ нафас олсалар ҳам, қатъий маънода уларни гимн ёки дифирамб деб бўлмайди, чунки уларда шоирнинг шахсияти жуда сезилиб туради. Бу хил асарлар намунасини фақат қадим замон адабиёти кўрсата олади. 20 30 40

Шоир субъекти ўз-ўзини онглаб, қизиқтирган бирор мавзунини эркин равишда олади, ана шунда ода келиб чи-

қади. Оданинг мавзуи ўз-ўзига ҳам бирон субстанциал мароққа (ҳаёт, воқелик, онгининг турли соҳалари: давлат, худолар, қаҳрамонларнинг шуҳрати, ишқ, дўстлик ва ҳоказога) эга бўлиши мумкин; мана шу ҳолда одалар тантанали характерга эга бўлади. Бунда гарчи шоир ўз мавзуига бутунлай берилса ҳам, лекин ўз субъективлигини ҳам унутмайди, ўз ҳуқуқини сақлайди, у мавзунинг ўзини кенгайтириб қўя қолмайди, балки бу мавзу билан илм тўла илҳомини ҳам тараннум қилади.

- 10 Пушкиннинг «Наполеон», «Денгизга», «Кавказ» ва «Обвал» номли асарлари шу қабилдадирлар. Умуман шуни уқтириб ўтиш лозимки, гимн ёки дифирамб ва қўшиқ ўртасида бўлган ода замонамизга у қадар хос эмас. Замонамизнинг шоири ўзини қизиқтирган мавзудан фантазия картина ясайди (масалан, Лермонтов Кавказдаги «Терак совғалари»ни ёзгани каби); лекин унинг суюкли ва руҳига яқин шеър тури — маъноси ва моҳияти кўпроқ лирик ва субъектив бўлган қўшиқдир. Одада ташқи нарса — объективлик кўпроқдир, қўшиқ эса субъективликнинг соф диёридир. Мана шунинг учун Державиннинг қудратли шоирлик фаолиятини кўрсатган одалар Пушкинда оз учрайди. Державиннинг кўпгина одалари пухта эмаслиги, ғайри бадиний пардозни ва мунтазам формаси озми-кўпми риторикага эга бўлишига қарамай, лирик поэзиянинг тури сифатида, замоннинг руҳида, одамларга намуна бўлиб хизмат қила олади. Улардан айниқса мана шу асарлари: «Мешчерскийнинг ўлимига», «Шалола», «Биринчи қўшиғига», «Очаков қамали вақтида куз», «Гўзалликнинг тугилиши» ва бошқалар.
- 30 Лириканинг тоза ва қўшимчасиз элементи қўшиқда кўринади; қўшиқ, сўзнинг кенг маъносидида, соф, субъектив сезгиларнинг ифодасидир. Хусусан руҳимизнинг қоронғисидида ўз-ўзидан тугилган, поэзиянинг ижодий кучисиз ифода қилинмайдиган, бениҳоя кўп ва турли шаклдаги сирли сезгилар ўз хусусиятидан қутулиб, яъни ёлғиз менга тегишли бўлишидан қутулиб, хаёл қанотларида учиб ёруққа чиқади. Ниҳоят, субъект, бу бутунлай шахсий сезгилардан бўлак, лирик асарларда кўпроқ умумий нарсаларни, ўз ҳаётининг онгли фактларини, турли сезгиларни, қарашларни, фикрларни, бутун объектив маълумотни ва ҳоказоларни ифода қилади. Бунга қўшиқдан бошқа яна сәнетлар, станцлар, канцоналар, элегиялар, бағишлов шеърлари, сатира ва махсус исм билан аташ ҳам

қийин бўлган хилма-хил шеърларнинг ҳаммаси мансубдир. Буларнинг барчаси, қўшиқ билан бирга, замонамиз лирикасини ташкил қилади. Пушкиннинг лирик илҳомининг энг яхши, энг руҳли асарлари шулар жумласидандир. Масалан, «Ёлғизлик», «Битмаган картина», «Уйғониш», «Кундуз юлдузи сўнди», «Белгисиз кечангизни севман», «Рашк хаёллари мени кечирасизми», «Булутли кун сўнди», «Дев», «Шуҳрат орзуси», «Ватанимнинг зангори самоси остида», «19 октябрь», «Қиш йўли», «Паришта», «Шоир», «Хотира», «Илк сезиш», «Гул», «Грузин тепаликларида ётар тун қоронгиси», «Сенинг ёш чоғларингда», «Қиш тонги», «Шовқинли кечаларда тентиб юрсамми», «Шоирга», «Меҳнат», «Мадонна», «Қиш оқшоми», «Ортиқча ҳадя», «Анчар», «Жўшқин йилларнинг сўнгги нашъаси» ва бошқа кўп асарлари шундайдир. Бизнинг санаб чиқишимиз кўрсатадики, уларнинг кўп қисми номсиз бўлиб, биринчи мисра билан номланади: бу нарса — таърифлаш учун мазмуни тутқич бермайдиган, музыка сезгиси каби лирик асарнинг хоссасидир. Биз бу ерда нафосат, мусиқийлик, енгил, тиниқ форманинг, нозик, лекин чуқур ва мард ҳиснинг ифодаси сифатида асл субъективликнинг тоза, қўшимчасиз эфири билан суғорилган лиризм моҳиятининг намунаси сифатида Пушкиннинг ўлими олдидаги шеърларидан бирини келтирамиз:

Бегона диёрни тарк этаркан сен,  
 Узоқ қирғоқларнинг орзуси учун:  
 Унутилмас онда, ғамли дамда мен  
 Хузурингда узоқ йиғладим у кун.  
 Увишган ва жонсиз қўлларим сени  
 Тутиб қолиш учун ёпишди у чоқ;  
 Айрилиқнинг мудҳиш интизорини  
 Фарёдидим узмасга ётзорди йиғлоқ.

Лекин сен аламли, аччиғ бўсадан  
 Айириб олгандинг дулоқларингни,  
 Кувгинлик қораси босган ўлкадан  
 Узга бир диёрга чақирдинг мени.  
 Сен дединг: «Учрашув кунни келгуси.  
 Абадий зангори само имларкан,  
 Оғочлар кўлкаси, севги бўсаси  
 Бизни қовушгирар, дўстим, янгидан».

Эвоҳ, кўк гумбази зангори шўъла  
 Сочароқ порлаган ва қоялари  
 Остида сувлар тин олган манзилда,  
 Сени қучди сўнгги уйқу ороми.  
 Сенинг гўзаллигинг, руҳингнинг дарди

Қабр тупроғида бутун йўқолди --  
Ва у билан бирга висол бўғаси...  
Мен уни кутаман: у сенда қолди...

Бу қалб куйи инсон тилига кўчирилиб бўлмайдиган ва шу билан бирга тугуни ерда, ечилуви кўкда бўлган бир руҳ музикасидир...

- Бағишлов шеърларида ва сатираларда шоирлик дунёқараши мавзуга қараши сезгисидан устун туради. Шунинг учун бу хилдаги шеърлар ҳажм жиҳатидан
- 10 қўшиқ ва бошқа соф лирик асарлардан катта бўлиши мумкин. Бағишлов шеърларида сатирада шоир мавзуга ўз ҳисси орқали қарайди, ўз сезгиларига, қарашларига жонли шоирона образлар беради. Одатда тушунилган шаклдаги дидактизм бу ерда бўлиши мумкин эмас. Сатира камчиликларни, кишининг заиф томонларини, қабоҳатларни масҳаралаш бўлмай, аччиғланган ҳиснинг ҳамласи, энергияси, олижаноб ғазабнинг момақалдироқ ва чақмоғи бўлиши керак. Унинг асосида шод ва содда туйғунлик эмас, балки энг чуқур юмор ётиши керак.
- 20 Бағишловнинг энг яхши намунаси Пушкиннинг «Аъёнга» номли шеърдир, бунда Пушкин ажойиб гўзал образларда рус XVIII асрини характерлайди ва XIX асрнинг аҳамиятини ишорат қилади. Сатирага келсак, Лермонтовнинг «Уй» ва «Узингга ишонма» номли асарларидан кўра яхшироқ намуналарни биз рус тилида билмаймиз.
- Мазмуни қайғули бўлган шеър элегия бўлади, лекин бизнинг адабиётимизда, «Улаётган Тасс»ни ёзган Батюшковдан мерос қолган элегиянинг айрим тури, тарихий ёки эпик элегия юзага чиқди. Бунда шоир хотира
- 30 шаклида қайғули воқеани ҳам киргизади. Шунинг учун бундай элегияларнинг ҳажми одатдаги лирик асарлардан кенгроқ бўлади. Батюшковнинг «Швециядаги қўрғон харобасида» номли элегияси, Пушкиннинг «Андрей Шенье»си шундай элегиядандир. Державиннинг «Шалла»сини ҳам эпик элегия дейиш мумкин. Аммо эпик элегиянинг мазмуни тарихий бўлмаслиги ҳам мумкин, масалан, Грейнинг русчада Жуковский томонидан шундай чиройли берилган «Қишлоқ гўристонни», Батюшковнинг «Дўстининг кўлкаси» деган элегияси шундайдир.
- 40 Яна эпик асарларга ўй, баллада, романс ҳам киради. Уй тарихий воқеага бағишланган, ёки тарихий мазмунга эга бўлган қўшиқдир. Бу эпик элегиянинг ўзгинасидир, фақат у қарашларда ва ифодада албатта халқчил

бўлишни талаб қилади. Ҳар икковининг гўзал намуна-  
 сини Пушкиннинг «Афсункор Олег ҳақида қўшиқ» ҳам  
 «Буюк Пётр зифати» номли асарларида кўрамиз. Бал-  
 ладада шоир бирор хаёлий ва халқ афсонасини топади  
 ёки бундай воқеани ўзи ўйлаб чиқаради. Лекин унда-  
 ги муҳим нарса воқеа эмас, у уйғотган сезгидир, ўқув-  
 чига у берган ўйдир. Баллада ва романс ўрта асрларда  
 келиб чиққан, шунинг учун Европа балладаларининг  
 қаҳрамонлари — рицарлар, хонимлар, монахлардир;  
 мазмуни — руҳларнинг кўриниши, у дунёнинг сирли 10  
 кучлари, саҳна — қўرғон, монастирь, қабристон, қорон-  
 ғи ўрмон, жанг майдони. Жуковскийнинг гўзал таржи-  
 малари бизни Шиллер, Гёте, Вальтер Скотт ҳам бошқа  
 герман ва инглиз шоирларининг балладалари билан  
 таништиради. Жуковскийнинг ўзи ҳам бир неча яхши  
 балладалар ёзган. Уларнинг ичида энг яхшилари маз-  
 мунлари рус ҳаётидан олинмаганларидир. «Эол сози»  
 ҳам «Ахилл» айниқса гўзалдир. Пушкиннинг «Куёв»,  
 «Сувда ўлган одам», «Жинлар» номли асарлари мил-  
 лий рус балладаларининг энг яхши намуналаридандир. 20  
 Романснинг баллададан фарқи шундаки, унда лирик  
 элемент эпик элементдан қатъий равишда устунлик қи-  
 лади; шунинг натижасида унинг ҳажми ҳам анча ки-  
 чикдир. Жуковский ўзининг шеърий таржималари би-  
 лан бизни поэзиянинг бу тури билан ҳам таништиради.  
 Лиризм герман адабиётида энг катта элементдир.  
 Бу миллат бадий ҳаётининг энг кўркам гули лирик  
 поэзия ва музикадир. Шиллер ва Гёте — лирик поэзия-  
 нинг икки яхлит дунёсидир, унинг катталиги турлича 30  
 бўлган кўпгина юлдузлар билан ўралган икки буюк  
 қуёшидир. Эпик ва драматик поэзияда ҳамма бошқа  
 адабиётлардан устун бўлгани каби бой инглиз адабиёти  
 лиризмда ҳам бошқа бир адабиётдан орқада эмас.  
 Шекспирнинг сонетлари ва лирик поэмалари (масалан,  
 «Венера ва Адонис»), Байроннинг поэмалари ва кичик  
 поэзиялари, Вальтер Скоттнинг, Томас Мур, Уордсворт,  
 Борнсс, Сутей, Кольридж, Коупер ва бошқаларнинг асар-  
 лари лирик поэзиянинг бой хазинасини ташкил қилади,  
 французларда поэзия йўқ деярли, ҳар ҳолда уларда ли-  
 рик поэзия халқ қўшиғидан (водевилдан) нарига кет- 40  
 ган эмас. Уларнинг ягона буюк лирик шоири Беранже-  
 дир, лекин унинг ифода эътибори билан халқ формаси-  
 да бўлган энгил асарлари ҳеч бир тилга таржима қилина

олмайди, унинг қўшиқларидан кейин Андрей Шеньенинг қадим замон руҳи билан суғорилган элегиялари ва жўшқин Барбъенинг ямblари диққатга лойиқдир.

Ички субъектив ҳисни ифода қилиш ва формада моҳирлик маъносида асл лирик поэзия бизда Пушкиндан бошланади. Унинг асарлари тўғрисида бебаҳо деб айтиш кифоя қилади. У ўз орқасидан бутун адабиётимизни, юзага чиққан ҳамма талантларни эргаштириб олиб борди. У пайдо бўлгандан бошлаб элегия — қўшиқ лирик поэзиянинг ягона тури бўлиб қолди: фақат қарилар, ёши ўтган одамлар тантанали одаларини куйлашда давом этдилар. Пушкин билан бир вақтда майдонга чиқиб, у кўрсатган оқимдан кетган талантлар энди ўзларини бутунлай аниқлаб олганлар, оз ёздилар ёки сира ёзмайдилар; бунга қарамай, улардан баъзилари гоё катта кучга эга бўлиб, рус лирик поэзиясини гўзал асарлар билан бойитдилар. Аммо Лермонтовдай майдонга чиқиш, шундай қудрат, шундай хаёл бойлиги ва ўз асарларида шундай форма моҳирлигини кўрсатишга ҳеч ким муяссар бўлган эмас. Унинг лирик асарларидан баъзилари бадий қиммати жиҳатидан Пушкин асарлари билан рақобат қила олади. Кольцовнинг қудратли талантини ҳам яққол кўринган бир ҳодиса каби қайд этиб кетмасак, инсофсизлик бўлар эди. У алоҳида, бутунлай оригинал ва тақлид қилиб бўлмас поэзия турини яратди. Тўғри, унинг поэзияси халқчиллик гирдобиде айланади, лекин у ўз қўшиқларининг содда, халқ формасига онгининг юксак соҳаларидан кўпроқ умумий мазмун киргизиб, бу доирани кенгайтди.

### Драматик поэзия

Драма ҳозирги замон ўқувчи ёки томошабин кўзи олдида бўлаётган каби кўринган кечмиш воқеадир. Эпос билан лириканинг ўзаро келишуви бўлган драма, айрим олганда у ҳам эмас, бу ҳам эмасдир, у ўзи махсус узвий бир бутунлик ташкил қилади. Бир томондан, драмада хатти-ҳаракат доираси субъект учун ёпиқ эмас, балки, аксинча, ундан чиқади ва унга яна қайтади. Иккинчи томондан, драмада субъектнинг бўлиши лирикадигидан тамом бўлакча маънога эгадир: энди субъект сезувчи ва мушоҳада қилувчи ўз ичига марказлашган

ички дунё эмас, у энди шоирнинг ўзи ҳам эмас, у энди чиқади, унинг ўз фаолияти билан ташкил қилинган объектив ва реал дунё ўртасида мушоҳада учун ўзи туриб қолади, у бўлинган ва бир кўпгина шахсларнинг жонли тўдасидир, уларнинг ҳаракати ва қарши ҳаракатларидан драма ясалади. Бунинг натижасида драма жой, воқеалар, ҳолатлар, шахсларни эпик равишда тасвир қилишга йўл қўймайди, улар ҳаммаси бизнинг кўз олдимизда бўлиши лозим. Драмада халқчиллик талаби эпопеядагига қараганда, анча кучсиздир: «Гамлет» 10 да биз Европани кўрамиз. Шахсларнинг руҳи ва табиати бўйича Данияни эмас, Шимолий Европани кўрамиз ва қайси даврдалигини худо билсин. Драма ўзида лирик тараннумларга йўл қўймайди: шахслар ўзларини ҳаракатда ифода қилишлари керак, бу нарса энди сезги ва мушоҳада эмас, балки ҳаракатдир. Драмада лирик жойлар деб аталган жойлар дарғазаб характернинг фақат энергиясидир, нутқни ихтиёрсиз равишда қаноатлантириб, унга махсус парвоз бағишловчи бир пафосдир ёки у иштирок қилувчи шахснинг сирли, ички ўйидир, 20 уни биз билишимиз керак, шунинг учун шоир у ўйни сўзлаб беришга мажбур қилади. Драманинг ҳаракати бир мароққа тўпланиб, бошқа ёрдамчи мароқларга ёт бўлиши керак. Романда баъзи бир шахс воқеада чинакам иштирок қилуви билан эмас, балки оригинал характерга эга бўлгани учун жой олиши мумкин: драмада эса воқеанинг бориши ва тараққиёт механизмида зарур бўлмаган битта ҳам шахс бўлмаслиги керак. Соддалик, у қадар мураккаб эмаслик ва ҳаракат бирлиги (асосий идеянинг бирлиги маъносидан) драманинг асосий шартларидан бири бўлиши лозим; унда ҳамма нарса бир мақсадга, бир мўлжалга қараб йўналиши керак. Драманинг бутун қизиқлиги асосий шахсда, тақдирида драманинг асосий фикри ифодаланадиган шахсда тўпланиши керак. 30

Аммо мана буларнинг барчаси драманинг юксак тури бўлган трагедияга оиддир. Трагедиянинг моҳияти, биз юқорида айтганимиз каби коллизия, яъни қалбнинг табиий жараёни, майлнинг ахлоқий бурч ёки даф қилинмас бир тўсқинлик билан тўқнашувидир. Трагедия идеяси билан қўрқинч, қоронғи воқеа, машъум ешилув идеяси бирикади. Немислар трагедияни қайғули томоша деб атайдилар, — чиндан ҳам трагедия қайғули томоша! 40

- Агарда қон, ўликлар, ханжар, заҳар трагедиянинг одатдаги сифатлари бўлмаса ҳам, лекин унинг оқибати ҳарвақт қалбнинг энг қимматли умидларининг емирилиши, бутун бир ҳаёт саодатининг йўқолувидир. Унинг қора улувворлиги, унинг буюк азаматлиги шундан келиб чиқади: унда тақдир кучи ҳукм суради, унинг моҳияти, асоси тақдир кучидир... Коллизия нима?— Тақдирнинг шубҳасиз қурбон талаб қилишидир. Қаҳрамон ўз қалбининг табиий майлини ахлоқий қонун ифодасида енгса,
- 10** у вақт бахт билан видолашади, ҳаёт нашъаси ва лаззати билан видолашади. Тириклар орасида у ўликдир, унинг стихияси—чуқур руҳнинг ҳасрати, унинг овқати — изтироб, унинг учун ягона чора — ё марази равишда ўз-лигидан кечиш, ёки тезлик билан ўлимни қучиш! Агар қаҳрамон ўз қалбининг табиий майлига бўйсунса, у ўз назарида жиноятчи, у ўз виждонининг қурбони, чунки унинг қалби, ахлоқий қонун илдизлари чуқур ўсган бир заминдир — қалбнинг ўзини парчаламасдан, уни қон қилиб оқизмасдан у илдизларни суғуриб ташлаш мумкин эмас. Коллизияда борлиқ қонунни Нероннинг фармонига ўхшаб кетади, унинг фармонича, ҳукмдорнинг ўлган синглисига йиғламаганларни жиноятчилар сифатида ўлдирганлар, чунки улар ҳукмдорнинг мотамига ҳамдардлик кўрсатмаганлар, — унинг ўлимига йиғлаганларни ҳам ўлдирганлар, чунки унинг сингиси худолар қаторига қўшилгандир, маъбудага кўзёш тўкиш унинг саодатига ҳасад қилиш аломати бўлиши мумкин... Шу билан баравар поэзиянинг ҳеч бир тури бизнинг руҳимизга трагедия каби кучли таъсир қилмайди, бизни шундай кучли жалб қилмайди, бизга шундай юксак завқ бермайди. Ва бунинг асосида буюк ҳақиқат, юксак донолик ётади. Курашда ўлган ёки ғалабада ҳалок бўлган қаҳрамонга биз чуқур қайғурамыз. Лекин бу курашсиз, бу ҳалокатсиз у қаҳрамон бўлмаслигини, ўз шахсияти билан абадий субстанциал кучларни, жаҳонни ва ўзгармас борлиқ қонунларни амалга ошира олмаслигини биламыз. Агар Антигона Полиникнинг жасадини ўлим жазосидан хабарсиз ёки бу тўғрида ташвишсиз кўмса эди, унинг ҳаракати фақат яхши ва мақташга
- 40** лойиқ бўлар эди, аммо бу одатдагича иш бўлиб, қаҳрамонлик ҳаракати бўлмас эди. Шу ҳолда Антигона диққатимизни, хайрихоҳлигимизни ўзига тортмас эди, агар у ўша вақтда бирон тасодиқ орқасида ўлса эди, биз



унинг ўлимига ачинмаган бўлар эдик: ахир ер юзида ҳар соатда мингларча одам ўлади, ҳаммасига ачина берсанг, бир пиёла чой ичишга ҳам вақт қолмайди. Йўқ, ёш ва гўзал Антигонанинг бемаҳал ва жабран ўлиши шунинг учун бизнинг бутун вужудимизни ларзага соладики, биз унинг ўлимида инсон қадр-қимматининг устунлигини умумий ва мангу ҳолатнинг ўткинчи жузъий ҳоллар устидан галаба қозонишини мушоҳада қилар экан, руҳимизни кўкка кўтариб, қалбимизни юксак шавқ билан урдирган зафарни кўрамиз! Буюк ахлоқий вазифаларни ҳал қилиш учун тақдир энг асл руҳларни, кишилиқ дунёси бошида турган юксак руҳли шахсларни, ахлоқий дунёнинг тираги бўлган субстанциал кучларни ўзида гавдалантирган қаҳрамонларни танлайди. Исмена ҳам Полинкининг ҳамшираси эди, унинг мулойим, туғишган қалби ҳам ҳалок бўлган аканинг номусини ўйлаб қайғурган, лекин бу қайғуриш ундаги ўлим кўрқусидан кучли бўлмаган; қариндошининг шарманда бўлишидан кўра Антигона учун ўлим азоби енгил кўринган, умид ва гўзаллик билан тўла ёш жондан айрилишга афсусланмаган, Гименея лаззатини тотиб кўришга тақдир йўл қўймаган тўй-никоҳ васвасалари билан у куйиб-ёниб хайрлашади, лекин у афв ва раҳм этишини сўрамайди, у даҳшатли ўлимдан чекинмайди, балки унинг қучоғига отилиш учун ошиқади, демак, бу эгачи-сингил ўртасидаги фарқ ҳисларда эмас, балки ҳиснинг кучи, энергияси ва чуқурлигидадир, бунинг натижасида улардан бири яхши, лекин одатдаги одам, иккинчиси — қаҳрамондир. Ҳар қандай трагедиядан машъум ҳалокатни йўқотинг, сиз бу билан уни буюкликдан, бутун маънодан маҳрум қиласиз, буюк асардан оддий бир нарса ясайсиз, у биринчи галдаёқ ўзининг бутун нафис кучини йўқотади.

Баъзан коллизия, инсоннинг табиати билан тақдир унга белгилаган ўрин муносиб эмаслиги натижасида, инсоннинг сохта вазиятидан иборат бўлиши мумкин. В. Скоттнинг «Петр гўзали» деган романининг қаҳрамонларидан бирини хотирга олишни ўқувчилардан сўраймиз, унда бахтсиз уруғ бошлиғи мағрур руҳга, кучли эҳтиросга эга бўлса ҳам, уруғининг тақдирини ҳал қилиш лозим бўлган машъум жанг арафасида ўз мулозимига, мен кўрқоқман, деб эътироф қилади... Гамлет кўрқоқ эмас, лекин унинг ички мушоҳадакор та-

- биати ҳаёт бўрони учун, ёмонликка қарши кураш ва жиноятларни жазолаш учун яратилган эмас, ҳолбуки тақдир мана шундай зафарга уни чақиради, — у нима қилиши керак? Бундан қочиши керак: одамлар билмайдилар ва қораламайдилар: лекин ўз-ўзидан қочиб бекиниш учун одамда қабрдан бошқа бир жой борми? — Шундай қилиб, бояқиш Гамлет ҳақиқатан ўз масканини қабрда топади... Ҳаётнинг бутун йўлларида тақдир инсонни пойлаб туради: телба бир эҳтироснинг бир онлик майли
- 10 учун ёш йигит баъзан бутун умрининг бахтини йўқотади, ўз ишқи ҳалок қилган масъум қурбон хотираси билан умрини заҳарлайди. Нима учун бундай? Чунки унинг руҳида ахлоқий қонун уруғлари ўз илдизларини чуқур ёйган, ҳолбуки паст, разил махлуқ эса ўз фақшининг мевалари билан тинчгина завқланади ва ҳалок этган қурбонларининг сони билан беҳаё равишда мақтанади... Фақат олий табиатли одам трагедиянинг қаҳрамони ёки қурбони бўла олади, воқеликнинг ўзида аҳвол шундай.
- 20 Тасодиф, шахснинг кутилмаган ўлими ёки асарнинг асосий идеясига бевосита муносабати бўлмаган, кўзда тутилмаган бир ҳол трагедияда ўрин олиши мумкин эмас. Унутмаслик керакки, поэзиянинг бошқа турларига қараганда трагедия кўпроқ сунъий асардир. Отелло Дездемонани бўғишда бир минут кечикса ёки эшикни қоққан Эмилияга эшикни очиш учун ошиқса эди, ҳамма нарса англашилган, Дездемона қутқазилган бўлар эди, лекин трагедия яқсон қилинар эди. Дездемонанинги ўлими тасодиф эмас, балки Отеллодаги рашк натижасидир, шунинг учун шоир ҳамма нарсани, Дездемонани қутқаришга хизмат қила биладиган энг табиий тасодифларни
- 30 узоқлаштиришга ҳақли бўлган. Дездемона ҳам ўз бошидан эри олиб ташлаган ва унинг ҳалокатига сабабчи бўлган рўмолни сезиши ва сезмаслиги ҳам мумкин эди, аммо шоир ўз мақсадига мувофиқ бўлган бу тасодифдан фойдаланишга ҳақли. Унинг трагедиясининг мақсади — кўр рашкнинг қўрқинчли натижалари билан бошқаларни огоҳлантириш эмас, қабоҳат эмас, балки ҳаёт ҳодисаси сифатида кўр рашк томошаси билан томошабинларни ҳаяжонга солишдир. Отеллонинг рашки ўз сабабига, ўз заруриятига эга эди, бу унинг ёлқинли табиатида, тарбиясида, унинг ҳаётининг шароитидадир, у бу нарсада қанча айбли бўлса, шунча айбсиздир. Мана шунинг учун бу улуг руҳ, бу қудратли характер биз-

да ўзига қарши нафрат, жирканиш эмас, балки муҳаббат, ҳайрат ва ачинув қўзғатади. Жаҳон ҳаётининг гармонияси унинг жиноятининг диссонанси билан бузилган эди. — у кўнгилли равишдаги ўлим билан бунитклайди, бу ўлим билан оғир айбни, гуноҳни ювиб кетади, — ва биз ҳаётнинг эришилмас сирлари ҳақида чуқур ўйлаб, розилик ҳисси билан драмани ёпамиз, бизнинг сеҳрланган кўзларимиз олдида қабрда яшаган икки кўлка қўл ушлашиб учадн. Қон ва ўликлар, биз уларнинг зарурлигини кўрмасак, автор тантанали қилиб энгил томоша учун саҳнани улар билан тўлдириб ташласа, ҳиссимизни ғазабга келтиради. Аммо худога шукур, кўп қўлланилганлари учун бу эффектлар бутун кучларини йўқотган, энди даҳшат эмас, кулгини келтиради.

Ҳаёт шароитида мукамал бўлмаган ва машъум бир нима бор. Ҳаёт оломондан ва қаҳрамонлардан иборат, бу икки жиҳат абадий душманликда бўлади, чунки биринчиси иккинчисини кўра олмайди, иккинчиси эса биринчисидан нафратланади. Ҳаётда ҳар бир гўзал ҳодиса ўз қадри-қимматининг қурбонн бўлиши керак. Ромео ва Юлия ўртасида боғда бўлиб ўтган кеча саҳнасини ўқиганингиз ондаёқ: руҳингизга ғамли сезгилар кириб қолади... Сиз дейсиз: «Йўқ, бундай ишқ, бундай тўлиқ ҳаёт ер учун эмас, бундай махлуқлар одамлар ўртасида яшамаслиги керак! Бошқалар бундай бахтнинг мумкинлиги тўғрисида гумон ҳам қилмас экан, улар нима учун бундай бахтли бўлдилар? Йўқ, улар ўз саодатлари учун жуда қиммат тўлов тўлашлари керак!..» Ҳақиқатан ҳам Ромео ва Юлияни нима ҳалок қилади? — Одамларнинг макри, ёмонлиги эмас, уларнинг пастлиги ва аҳмоқлигидир. Чол Капулетлар яхши, лекин пасткаш одамлар: улар ўзларидан юқори ҳеч нимани хаёлларига сиғдирмайдилар, қизнинг ҳавасларини ўз ҳаваслари билан тенглайдилар, унинг табиатини ўз табиатлари билан ўлчайдилар — шундай қилиб, уни ҳалок қиладилар, кейинча, вақт ўтганда, эслари киради, кечирадилар ва ҳатто мақтаб қўядилар... Оҳ, шўрлари қурсин!..

Макбетнинг жинояти ва хотинининг дев табиати бизни ғазаблантиради; агарда ёвуз ишни қандай бажарганлигини Макбетдан сўралса, у «ўзим ҳам билмайман», деб жавоб берган бўлар эди; агар хотинидан, сен нимага бундай инсонга ўхшамаган, кўрқинчли яратил-

гансан, деб сўралса, у албатта, сўрагучи қанча билса, мен ҳам шунча биламан, деган жавобни берган бўлар эди, агар ўз табиатига мувофиқ гапирилса, бошқача бўла олмаганим учун шундайман, дер эди... Фақат ўлгандан кейин ечилидиган масалалар, мана, қисмат салтанати, мана, трагедия соҳаси, мана!..

Король учун тубанлик бўлган ишлари билан Ричард II бизда ўзига қарши совуқ ҳислар уйғотади. Аммо амакиваччаси Болингброк ундан тожни олиб қочади — 10 салтанат сурган чоқда у нолийқ король эди, мана подшоҳликдан маҳрум бўлганда, буюк король бўлиб қолади. У ўз даражасининг улуглиги, ўз ҳуқуқларининг муқаддаслигини чуқур англайди, — юксак фикрлар билан тўла доно нутқлар унинг лабларидан тошиб оқади, ҳаракатлари буюк руҳни, шоҳона улугворликни кўрсатади. Сиз энди унга ҳурмат кўрсатибгина қолмайсиз. Сиз энди кўнгилдан зорланасиз, сиз энди унга фақат ачиниб қўя қолмайсиз, — сиз унга қайғурасиз. Бахтли замонда паст эди, бахтсизликда буюк бўлди у, — у сизнинг кўзингизда қаҳрамондир. Лекин ўз руҳининг бутун 20 кучларини ташқари чиқариш учун, қаҳрамон бўлиш учун қайғу, фалокат косасини охиригача ичиши ва маҳв бўлиши керак бўлди... Қандай қарама-қаршилиқ ва трагедия учун қандай бой мавзу, демак, сиз учун қандай туганмас завқ манбаи!..

Драматик поэзия поэзия тараққиётининг олий босқичи ва санъатнинг гултожидир, трагедия эса драматик поэзиянинг олий босқичи ва гултожидир. Шунинг учун трагедия драматик поэзиянинг бутун моҳиятини ўз ичига 30 олади, унинг ҳамма элементларини қамрайди, демак, унинг ичига ҳақли равишда комедия элементи ҳам киради. Инсон ҳаётида поэзия билан проза қўл беришиб юради, трагедиянинг мавзун эса ҳамма мураккаб элементлари билан олинган ҳаётдир. Тўғри, у ўзида ҳаётнинг фақат юксак, шонрона моментларини тўплайди, лекин бу нарса бошқа шахсларга эмас, трагедиянинг қаҳрамони ёки қаҳрамонларига оиддир, чунки булар орасида ёвузлар, фазилатли одамлар, аҳмоқлар ва қизиқчилар бўлиши мумкин; чунки бутун инсон ҳаёти 40 қаҳрамонлар, ёвузлар, оддий характерлар, паст одамлар, аҳмоқларнинг ўзаро тўқнашуви ва бир-бирларига таъсиридан иборатдир. Трагедиянинг тарихий ва тарихий эмасга бўлиниши муҳим аҳамиятга эга эмасдир,

унинг ҳам, бунинг ҳам қаҳрамони инсон руҳининг мангу, субстанциал кучларини юзага чиқаради. Янги христиан санъатида инсон жамиятдан эмас, балки кишилик дунёсидан келади, трагедия эса янги санъатнинг гултожидир, шунинг учун король Ричард II ва Отелло, аристократ йигит бўлган Ромео, Афина граждани Тимон унда биринчи ўринни олишга бир хилда ҳуқуқлидирлар, чунки уларнинг ҳаммаси бир хилда қаҳрамонлардир. Мана шунинг учун тарихий шахсларни бузиб кўрсатишга, романда оз йўл қўйилса ҳам, трагедиянинг 10 гўё қатъий ҳуқуқидир, бу унинг моҳиятидан келиб чиқади. Трагедиячи ўз қаҳрамонини маълум тарихий вазиятда кўрсатишни истайди: тарих унга вазият беради, агар бу вазиятдаги тарихий қаҳрамон трагедиясининг идеясига мувофиқ келмаса, уни ўзича ўзгарттишга у тўла ҳуқуқлидир. Шиллернинг «Дон Карлос» деган трагедиясида Филипп тарих кўрсатганидан тамом бошқача кўрсатилади, лекин бу нарса пьесанинг қимматини ҳеч бир камайтирмайди, балки оширади. Альфьери ўз трагедиясида чин тарихий Филипп II ни 20 кўрсатган, аммо унинг асари Шиллерникидан беқиёс даражада тубандир. Шаҳзода Карлосга келсак, унга жиддий бир нимага қараган каби қараш, Шиллер трагедиясида унинг тарихий характерининг бузилишини кўриш кулгилдир, чунки, дон Карлос тарихда жуда кичик бир шахс. Гётенинг сарбастлиги кўп кишиларни йўлдан оздиради, у етмиш ёшли, катта оиланинг отаси бўлган Эгмонтдан, соддагина бир қизни чуқур севуви киизгин йигитча ясаган: бу жуда қонуний сарбастлик!— 30 Чунки Гёте ўз трагедиясида Эгмонтни эмас, ҳаёт лаззатларига отилган ва шу билан бирга ватан бахти учун уни қурбон қилувчи ёш одамни кўрсатмоқчи бўлган. Ҳар бир шахс трагедияда тарихга эмас, тарихий исм таққан бўлса-да, шоирга тегишлидир. Гётенинг мана бу сўзлари чуқур одилонадир: «Шоир учун битта ҳам тарихий шахс йўқ, у ўзининг маънавий дунёсини кўрсатмоқчи бўлади ва бу мақсад учун баъзи тарихий шахсларни қутлаб, уларнинг номларини ўз асарларига муносиб кўради».

Трагедиянинг актларга бўлиниши ва актларнинг 40 сонига келсак, бу умуман драманинг ташқи формасига оиддир. Трагедия прозаик йўл билан ҳам, шеър билан ҳам ёзилиши мумкин: аммо иккисини аралаштириб қўл-

лаш, айрим ўринларнинг мазмун моҳиятига қараб, яъни уларда ҳаёт поэзиясими ёки прозасими ифодаланади, шунга қараб фойдаланиш кўпроқ мувофиқ тушади.

- Драматик поэзия маданияти етук халқда, унинг тарихий тараққиёти кўркам гуллаган даврда пайдо бўлади. Грекларда шундай бўлган. Уларнинг энг машҳур трагедиячилари — Эсхил, Софокл ва Эврипиддир. Биз юқорида грек драмасининг моҳияти ва характерини қайд қилиб ўтдик. «Антигона»нинг мазмунини баён қилиб, ишораларимизни текшириб чиқиш учун ўқувчиларга факт ҳам бердик. Янги халқлардан ҳеч бирини, драма инглизлардаги каби тўла ва зўр тараққиётга эришган эмас. Шекспир драманинг Гомеридир; унинг драмалари — христиан драмасининг энг олий нухасидир. Шекспир драмаларида ҳаётнинг олиёвзориянинг ҳамма элементлари мазмунан чексиз, бадний форма жиҳатидан буюк бўлган жонли бир бирлик ясаган. Уларда кишилик дунёсининг ҳамма ҳозирги ҳоли, унинг ҳамма ўтмиши, унинг ҳамма келажаги ифодаланган; улар бутун халқлардаги, ҳамма замонлардаги санъат тараққиётининг кўркам гули, ҳашаматли мевасидир. Уларда бадний форманинг пластиклиги ва бўрттирилганлиги, илҳомнинг соф бевоситалиги ҳам шуъла берувчи ўй, объектив ва субъектив олам ажралмас бирлик ҳосил қилиб, бир-бирларига кириб, ёпишиб кетганлар. Бутун дунё шоирларининг подшоҳи бўлган Шекспирнинг чуқур қалб билувчилиги, табиатга, воқеликка содиқлиги, ижодий фикрларининг чексизлиги ва баландлиги тўғрисида гапириш минглаб одамлар томонидан кўп мартаба айтилган гапларни қайтариш демакдир. Унинг ҳар бир драмасининг қимматини белгилаш катта бир китоб ёзиш ва айтмоқчи бўлган фикрнинг юздан бирини ҳам баён қилмаслик, уларда бўлган мазмуннинг миллиондан бир бўлагини ҳам ифода қилмаслик демакдир.

- Инглиз трагедиясидан сўнг биринчи ўринни немис трагедияси олади. Уни бу шуҳрат босқинчига Шиллер билан Гёте олиб чиққан. Сўнгра, немис драмаси Шекспирникига қараганда, тамоман бошқа характерга, ҳатто бошқа аҳамиятга эгадир: бу кўпроқ ёки лирик, ёки рефлексорловчи драмадир. Фақат Гётенинг «Гёц фон Берлихинген» ва «Эгмонт»ида, Шиллернинг «Вильгельм

Тель» ва «Валленштейн» номли асарларида бевосита ижодга интилиш сезилади. Немис драмасининг аҳамияти, умуман немис санъатининг аҳамияти билан зич боғланган.

Испан драмаси, гарчи Лопе-де Вега ва Кальдерон каби бир неча исмлар билан фахрланса-да, шуҳрати оздир. Бунинг сабаби — испан драмасининг миллий бўлишида, умумий жаҳоний мазмунга кўтарилмаганлигида бўлса керак.

Француз адабиёти тарихи драмада шуҳрат қозонган кўпгина исмлар билан порлайди. Корнель билан Расин деярли икки асргача жаҳонда биринчи трагедиячилар деб ҳисобланганлар, улардан сўнг эса Кревильон ҳам Вольтер. Аммо энди равшан бўлдики, Франциядаги драматик поэзия тарихи эски замоннинг кийимлар, моддалар ва ижтимоий хулқлар тарихига оиддир, лекин санъат тарихи билан ҳеч алоқаси йўқдир. Энг янги ёзувчилардан Гюгонинг драмаларида ажойиб талантининг нурлари баъзан йилтираб қолади, бундан ортиқ эмас. 10

Бизнинг рус трагедиямиз Пушкин билан бошланади ва у билан бирга ўлди. Унинг «Борис Годунов» асари Шекспир драмаларидан сўнг биринчи ўринни олишга лойиқ ижоддир. Бундан ташқари, драманинг айрим турини яратди, у повесть романга қандай муносабатда бўлса, у ҳам ҳозиргига шундай тегишлидир, унинг «Фауст билан Мефистофель саҳнаси», «Моцарт билан Сальери», «Хасис рицарь», «Русалка», «Тош меҳмон» каби асарлари шундайдир. Форма ва ҳажми жиҳатидан булар драматик очерклардан катта эмас, аммо мазмун ва унинг тараққийси жиҳатдан булар сўзнинг тўла маъносида трагедиялардир. Оригиналлиги ва ўзига хослиги жиҳатидан уларни бошқа асарлар билан ҳеч солиштириб бўлмайди, лекин ижоднинг бевосита актига гувоҳлик берувчи идея чуқурлиги ва форманинг бадиийлиги жиҳатидан уларнинг қиммати фақат Шекспир драмалари билан ўлчаниши мумкин. Замонамизда улуғ шоир ёлғиз эпос ёзувчи, ёлғиз лирик ёки драматург бўлолмайди, замонамизда ижодий фаолият поэзиянинг ҳамма томонларининг йиғиндисидан иборатдир: аммо буюк санъаткорлар аксар эпик асарлардан бошлайдилар, лирика билан давом қилдирадилар, драма билан ботирадилар. Пушкин ҳам шундай қилди: 30

ҳатто унинг биринчи дostonларида ҳам драматик элемент кескин равишда кўриниш беради, айниқса «Лўлилар» ҳам «Полтава»да кўп жойлар гўзал трагедия сахналарини ташкил қилади. Унинг сўнгги асарлари кўрсатадики, у қатъий равишда драмага мурожаат қилган, унинг «драматик очерклари» яна буюк асарлар учун тайёрланган қаламнинг машқлари бўлган. Бу асарлар қандай бўлар эди! Аммо унинг доҳийлиги пишиб, драма учун етишган вақтда уни ўлим ёқалади, — ва унинг ғамли кўлкаси уни ўзи билан бирга олиб кетди.

Муқаддас сирни.  
Ва бизнинг учун  
Ҳалок бўлди ҳаёт бағишловчи ун!

Рус адабиётида драма учун бўлган ҳамма уринишлар, Сумароковдан бошлаб Кукольник жанобларига қадар, фақат адабиёт тарихида ёдга олинишлари мумкин, улар тўғрисида ўрни келганда гапирилади, лекин эстетикада гапириш тўғри эмас, чунки эстетикада фақат бадий асарларгина кўрсатилишга ҳақлидирлар.

Драматик поэзиянинг сўнгги тури трагедияга тамом қарши бўлган комедиядир. Трагедиянинг мазмуни — буюк ахлоқий ҳодисалар оламидир, унинг қаҳрамонлари — маънавий инсон табиатининг субстанциал кучлари билан тўла бўлган шахслардир, комедиянинг мазмуни — ақлий заруриятдан маҳрум тасодифлар, шарпалар дунёси ёки бор каби кўриниб, ҳақиқатда мавжуд бўлмаган воқелик ҳодисаларидир, комедиянинг қаҳрамонлари — ўз маънавий табиатининг субстанциал асосларидан воз кечган одамлардир. Шунинг учун трагедиянинг кўрсатган таъсири руҳни қалтиратувчи муқаддас даҳшатдир, комедия кўрсатган таъсир шўх кулгидир. Комедиянинг моҳияти — ҳаёт ҳодисаларининг ҳаёт ва унинг моҳияти ўртасидаги қарама-қаршилигидан иборатдир. Шу маънода комедияда ҳаёт ўз-ўзини инкор қилади. Трагедия ўз ҳаётининг тор доирасида фақат юксак моментларни, қаҳрамон воқеасининг шоирона моментларини тўпласа, комедия ҳар кунги ҳаётнинг оддий кўринишларини, унинг майда-чуйдасини, тасодифларини кўрсатади. Трагедия поэзия қуёшининг бурилиш доирасидир, унга етганда ўз жараёнининг энг юксак нуқтасида бўлади, комедияга ўтиш



билан пастга тушади. Греklarда комедия поэзиянинг ўлими бўлган: Аристофан уларнинг сўнгги шоири эди, унинг комедияси эса — бутунлай йўқотилган тўла ҳаёт ва ундан ўсиб чиққан Грециянинг гўзал санъатининг мотам қўшиғи бўлди. Аммо ҳаётнинг ҳамма элементлари бир-бири пичига кириб, бир-бирининг тараққиётига тўсқинлик қилмайдиган янги дунёда, комедия санъат учун бундай мотамли аҳамиятга эга эмас, унинг элементи поэзиянинг ҳамма турларига кирди, ёки кириши мумкин, у трагедия билан бирга ўсуви, ҳатто санъатнинг тарихий тараққиётида ундан олдин келиши мумкин. 10

Чин бадий комедиянинг асосида энг чуқур юмор ётади. Унда шоирнинг шахси фақат ташқи жиҳатдан кўринмайди, лекин унинг субъектив мушоҳадаси яширин фикр сифатида кўп комедияда бевосита ҳозир бўлади, комедияда кўрсатилган ҳайвонлар ва тасқара башаралар орқасидан сизга бошқа юзлар, гўзал, инсоний юзлар кўрингандай бўлади, кулгиси шўх хурсандчиликни эмас, алам ва норозиликни ифода қилади... Комедияда ҳаёт, қандай бўлса шундай кўрсатилишининг сабаби шундаки, биз ҳаёт қандай бўлиши кераклигини очик ва равшан кўра билайлик. Бадий комедиянинг энг яхши намунаси Гоголнинг «Ревизор» номли асаридир. 20

Бадий комедия шоир мўлжаллаган мақсадга ўз тасвирларининг объектив ҳақиқатини қурбон қилмаслиги керак, шундай қилганда комедия бадий бўлмай, дидактик бўлиб қолади, бу сўзнинг маънисини биз тубанда муфассал тушунтирамиз. Агар дидактик поэзия ҳазилкашлик қилиш каби аҳамиятсиз орзуларни етиштириб, ҳаётнинг тубанлиги, разиллиги билан чуқур ҳақоратланган руҳни кўрсатмоқчи бўлса, агар унинг масхараси кучли ҳажв аралаш бўлса, унинг асосида энг чуқур юмор ётса, ифодасидан ҳаяжонли бир руҳ учиб турса, қисқаси — у дардли бир ижод бўлса — ҳар қандай бадий комедияга арзийди: маълумки, бундай комедия кичик талантнинг асари бўлаолмайди, — комедиянинг тасвирлари ортиқча ёрқинлик ва қуюқ рангдорлик билан ажралиб туриши мумкин, лекин улар ғайри табиийлик ва карикатурага бориб етиши мумкин эмас: маълумки, иштирок қилучи шахсларнинг характерлари комедияда ўйлаб чиқарилиши эмас, яратилиши ва уларнинг тасвирида оз ёки кўп даражада бадийлик бўлиши керак. Бундай комедия- 40

нинг юксак намунасини биз «Ақллилик балоси»да кўрамиз, бу асар гениал кишининг асаридир, биз бунда ожиз руҳларига нур кирмаган, эскиликнинг чирик афсоналари билан разил, ғайри ахлоқий қондалар системаси билан яшаган одамларнинг чирик жамиятини кўриб аччиқ нафратланган, ғазабланган руҳни кўрамиз, уларнинг майда мақсадлари, паст интилишлари ҳаётнинг фақат шарпаларига — мансабларига, оқчага, гийбатга, инсон қадри-қимматининг пасайишига қаратилган, уларнинг хафақон, мудроқ ҳаёти ҳар қандай жонли ҳиснинг, ҳар қандай маъқул фикрнинг, ҳар қандай асл интилишнинг ўлиmidир... «Ақллилик балоси» бизнинг адабиётимиз учун ҳам, бизнинг жамиятимиз учун ҳам аҳамиятга эгадир.

- Бундан бўлак, яна паст комедия бор, у оригинал характерлар яратиб жамият хулқларини тўғри кўрсатиш билан бадийлик босқичига минниши мумкин; лекин унинг асосида юмор эмас, фақат комик хурсандчилик ётиши мумкин. Ўз қимматига кўра, бундай адабиёт санъатга ҳам, беллетристикага ҳам кириши мумкин, у ҳар ҳолда адабиётнинг икки жиҳати ўртасида қолади. Бизнинг адабиётимизда бундай комедиянинг намунаси йўқ. Фонвизиннинг «Вояга етмаган» ва «Бригадир» номли асарлари халқ комедиясига ҳам, сўзнинг одатдаги маъносида сатирик комедияга ҳам кириши мумкин. Чин бадий комедия, унда кўрсатилган жамият хулқлари ўзгарса ҳам, асло эскирмайди. «Ревизор» ва «Ақллилик балоси» ўлмас асарлардир.

- Драматик поэзиянинг трагедия билан комедия ўртасида бўлган яна бир айрим тури бор: бу нарса драма деб аталган турдир. Драма мелодрамадан бошланади, у ўтган асрда, у вақтнинг совуқ ва ғайри табий комедиясига оппозицияда эди, ҳаёт жонсиз, сохта классицизмдан қочиб, фақат ундагина ягона маскан топар эди. Радклиф, Дюкре-Дюмениль ва Август Лафонтен романларида ҳаёт, худди шунинг каби «Гонзальв Кордуанский» ва «Кадма ҳам Гармония» сингари риторик поэмалардан қочиб макон топган эди. Бироқ бу келиб чиқиш фақат «драма» номига нав эмас, тур қисмига оиддир (масалан, Гётенинг «Клавиго»си шундайдир). Ҳар вақт ўз йўли билан кетган, бемаъни адабиёт қондалари билан эмас, ижоднинг абадий низомномалари билан ишлаган Шекспир жуда

кўп асарлар ёзган, булар трагедия билан комедия ўртасида турадилар ва улар эпик драмалар деб аталади. Уларда характерлар ва фоже вазиятлар бор (масалан, «Венеция савдогари» каби), аммо уларнинг ешилuvi ҳар вақт бахтиёр шаклдадир, чунки уларнинг моҳияти машъум фалокатни талаб қилмайди. Драманинг қаҳрамони ҳаётнинг ўзи бўлиши керак. Лекин драма эпик характерда бўлишига қарамай, унинг формаси юқори даражада драматик бўлиши лозим. Драматизм фақат суҳбатда эмас, балки гапирувчиларнинг бир-бирига нисбатан ҳаракатидадир. Агарда, масалан, икки киши бирикма тўғрисида баҳслашса, бу ерда фақат драма эмас, балки драматик элемент ҳам йўқ, аммо баҳслашувчилар бир-бирларидан устун чиқиш учун, бир-бирларининг характерларининг қандай бўлмасин бирон томонини босиб қўйишга ёки руҳнинг заиф қилларини чертиб қўйишга уринсалар ва бу нарса орқали уларнинг характерлари очилса, ниҳоят баҳслашув уларни бир-бирларига нисбатан янги муносабатда бўлишга мажбур қилса, — бу нарса драма деб аталиши мумкин. Драмада муҳим нарса — узундан-узоқ ҳикояларнинг йўқ бўлишидир, ҳар бир сўз драмада ҳаракат — амал билан ифодаланиши лозим. Драма табиатдан оддий кўчирмакашлик эмас, айрим саҳналарнинг, гарчи улар гўзал бўлсалар ҳам йнғиндиси эмас, драма айрим, хос, ёниқ бир дунё бўлиши керак. унда ҳар бир шахс ўз мақсадига интилиб, фақат ўзи учун ҳаракат қилиб, ўзи билмасдан ҳам пьесанинг умумий ҳаракатига ёрдам беради. Драма хаёл, мулоҳаза орқали ёзиштирилмасдан, балки фикрдан туғилган бўлсагина шундай характерга эга бўлади. 10 20

Поэзиянинг ҳамма турлари мана шулардир. Улар фақат учта, бундан кўп бўлиши мумкин эмас. Аммо ўтган асрнинг адабиёт қоидаларида ва адабиётларида яна бир қанча поэзия турлари бор эди. Улар орасида дидактик ёки ахлоқий асарлар айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлган. Катта-катта поэмаларда деҳқончилик, чорвачилик, астрономия, ҳисоб, ҳатто кийим тикиш ҳунарини ҳам ўргатганлар. Бу тур қадим замонда санъат пасайиб кетгач пайдо бўлган. Одатда, поэзия йўқолса, унинг ўрнини назмчилик олади. 30 40

Бироқ дидактик поэзиянинг борлигини биз ҳам қабул қиламиз, фақат дидактикани биз поэзия тури

каби эмас, балки поэзия характери сифатида қабул қиламиз ва уни эпик турга киргазамиз. Бизнинг фикримизча, «дидактик» деган сўз ҳам, масалан, объектив ва субъектив каби, хусусият ва характернинг ифодасидир.

- 10 Дидактик поэмаларнинг намунаси қилиб биз Вергилийнинг агрономик поэмаларини, Горацийнинг «Ars poetica»сини, Буалонинг «l'Art poétique» поэмаларини, Делилнинг сувдан мазасиз поэмаларини олмаймиз, — балки намуна қилиб Жан-Пол Рихтернинг буюк фантазиясининг оламшумул мушоҳадаларини ва шоирона афоризмларини кўрсатамиз. Бадний поэзия асарларидан улар шу билан ажраладиларки, уларнинг асосий идеяси санъаткорнинг руҳида ижодий актдан бурун англашилди, яна фарқи шундаки, дидактик асарларда фикр муҳимдир, форма эса фикрни ифода қилиш учун гўё бир воситадир. Бадний поэзия асарлари билан уларнинг умумлиги шундан иборат: улар ўлик, совуқ муҳоамадан эмас, балки жонли, ёлқинли илҳомдан келиб чиқадилар, поэзиянинг ҳамма бўёқларини оладилар, руҳга абстракт тушунчалар билан эмас, образлар билан сўзлайдилар. Жан-Пол Рихтернинг «Туш» ва «Йўқ бўлиш» каби асарларини билган одамлар бизнинг нима демоқчи эканлигимизни тушунадилар. Бу ёзувчи билан таниш бўлмаганлар учун бу ерда унинг икки кичик пьесасини кўчирамиз:

- 30 — Мени севасанми?— ишқнинг энг тоза, шавқли дақиқасида руҳлар қовнишиб, бир-бирларига бериладиган бир онда, ёш йигит хитоб қилди. Ёш қиз унга боқди ва сукут қилди.  
— Оҳ, сен агар мени севсанг.— йигит давом этди.— Сўйла!  
Сўзлашга мажоли қолмаган қиз унга боқди.  
— Мен жуда бахтли эдим, умид қилар эдимки, сен мени севасан деб,— энди ҳамма нарса йўқолди,— умид ва саодат ҳам йўқолди!— деди йигит.  
— Севгилим, наҳотки мен сени севмай?— қиз бу саволни такрорлади.  
— Оҳ, бу самовий сасларни сен нега мунча кеч айтдинг!— деди йигит.  
40 — Мен жуда бахтли эдим, сўзлаёлмадим, сен ўз қайғунгни менга бағишлаган чоқдагина менга муяссар бўлди...

— — —  
Янги йил кечаси мўйсафид дераза олдида туриб, мангу гуллаган самога аччиқ ўкиниш билан боқди ва бунда туриб жимжит, тоза, оқариб кўринган ерга қаради, бу ер юзида ҳозир шодлик ва уйқу ҳеч ким учун, унга бўлгани қадар, бегона эмас, чунки унинг тобути ёнгинасида туради, унинг сиймосида ёшлик май-

саси эмас, қариллик ётарди ва у ҳаётнинг бутун бойликларидан фақат гумроҳлик, жинойт ва иллатларни — вайрон бадан, чиркин рух, заҳар билан суғорилган кўкрак, тавба қилажак ёшни ўзи билан бирга олиб кетади. Ёшликнинг гўзал кунлари, бир хаёл каби, унинг кўз олдидан ўтди, у нафис тонг яна имлади; бир тонг чоғи отаси биринчи марта ҳаётнинг айрилиш йўлига уни қўйган эди, ўнг томон фазилатнинг қуёш тўла йўли, нур ва ҳосилот тўла, малаклар билан тўла узоқ сокин бир диярга кетган йўл, сўл томон эса — қабоҳатнинг каламуш инига, чак-чак томган заҳар билан тўла, илонлар ва дудли, бўғучи буғлар билан тўла қора ўпқон йўли. 10

Оҳ! Илонлар унинг кўкрагида осилиб ётарди, тилида заҳар томчиси, қаерда булганини у энди билди!

У ҳушсиз ҳолда, тилга сиғмас бир қайғу билан кўкка хитоб қилди: «Қайтар менинг ёшлигимни! Эй ота! Мени яна у айрилиш йўлга қўй, токи мен бошқа йўлни танлай!»

Аmmo унинг отаси ва ёшлиги узоқ эди. У ботқоқликларда сакраган, қабристонда сўнган оловларни кўрди ва деди: «Бу менинг қувноқ кунларим!» У кўкдан учган, учиб тушаётиб, ярқираб, ерга сочилган юлдузни кўрди: «Бу мен!» — унинг парчаланган қалби деди, тавбанинг илон тишлари яраларга яна чуқурроқ ботди. 20

Унинг касал хаёли ойдинда уйқусираб томларда чопган хасталарни кўз олдига келтирди: шамол тегирмони қанотлари билан уни мажақламоқчи бўлиб қўрқитди, ўликларнинг хароб масканида азроил секин-секин унинг тусига кирди.

Бу даҳшатли типирчилаш ичида, минорадан янги йилга чалинган музика узоқдан эшитилган бутхона куйи каби, бирдан юксалди. Унда ҳалим, юмшоқ ҳаракатлар уйғонди. У кўзларини кенг ерни ўраб олган уфқларга тикди, ундан кўра яхшироқ ва бахтлироқ бўлган ёшликдаги дўстларни ёдлади, улар ҳозир ернинг мураббиялари, бахтли болаларнинг оталари, дуоғўй эрлардир, хотирлади ва хитоб қилди: «Оҳ! Агар хоҳласам эди, бу биринчи кечани мен ҳам намсиз кўзларим билан мудраб ўтказган бўлар эдим! — Эй хушбахт оталар, оналар, агар мен янги йилда сиз айтган орзуларни, насиҳатларни бажарган бўлсам эди, мен ҳам бахтли бўла олар эдим». 30

Ёшлик кунларининг хогираси билан у овора экан, қабристондан афти унга ўхшаган азроил чиқиб келгандек кўринди; янги йил кечаси хаёл сурувчи, келажакнинг руҳларини кўради, деган хурофот бу азроилни жонли ёш йигитга айлантирди. 40

У ортиқ қараёлмади: — кўзларини юмди. — қайноқ кўз ёшлари тошиб-тошиб оқди, қорни эритди, у оҳ чекди, секин-секин овунамасдан, ҳушсиз ҳолда оҳ чекди: «Қайт фақат, қайт яна, ёшлик!»

Ва у яна қайтди, чунки бу нарса янги йил кечаси кўринган даҳшатли туш эди фақат. У ҳали ёш йигит эди: фақат унинг гумроҳлиги, адашганлиги эса — туш эмас эди! У тангрига шукур қилди, чунки ёш бўлгани учун ёмонликнинг ифлос йўлларидан қайтиши ва сернеъмат бой диярга олиб борувчи қуёш йўлига тушуви ҳали мумкин.

У билан бирга қайт, ёш ўқувчи! Агар сен унинг ёлғон йўлида бўлсанг! Бу қўрқинчли туш бир вақт сенга суд бўлади: агар сен у вақт бутун кучинг билан чақирсанг: «Қайт, гўзал ёшлик» — у қайтиб келмайди! 50

Асарларнинг руҳи, формаси ва қиммати жиҳатидан Жан-Пол Рихтерга яқин бўлган ёзувчига рус адабиёти эгадир. Биз князь Одоевскийни ва унинг «Бетховеннинг сўнги квартети», «Operi del cavaliere Ciambattista Piranesi»\*, «Импровизатор», «Ўликнинг масхари-си», «Бригадир» каби асарларини кўзда тутамиз. Бу пьесалардан ҳар бирининг мазмуни инсон руҳининг ҳодисаси ёки сўзнинг жуда чуқур маъносида ахлоқий масаладир, уларнинг асосида чуқур дунё мушоҳадаси ва олий жаҳон юмори ётади, формаси илҳомкор поэзиянинг бўёқлари билан яшайди: фикр ўқувчининг руҳини қудратли равишда қамраб олади ва кескин, муайян ифодаланади. Бу пьесаларнинг умумий манзараси — бу турдаги асарларга жуда келишган фантастик манзарадир. Шу билан барабар, князь Одоевскийнинг «Княжня Мими» номли повести ҳам, гарчи мазмуни оддий ҳаётдан олинган бўлса-да, биз айтган дидактик поэзияга мансубдир. Бу повестнинг мақсади соф ахлоқийдир, лекин бу мақсад жонли картиналарда, ҳис билан сўғорилган, фикр билан руҳланган мароқли ҳикояда баён қилинади, икки марта икки тўрт бўлади, каби ҳаммани зериктирган, ҳеч кимни ишонтирмайдиган юзаки ҳақиқатлар, тўғрилигини ҳамма қабул этган совуқ аллегория ва ахлоқий ваъзлар, очик кўкрак билан совуққа чиқсанг, шамоллайсан, ёмғирда кўчага чиқсанг, албатта ҳўл бўласан, каби ҳаммага маълум ҳақиқатлар Одоевский асарида йўқ.

Мумкин қадар ҳаммага тушунарли бўлиш учун биз бу ерда князь Одоевскийнинг бир пьесасини кўчирамиз, бу билан дидактик поэзия деб аталган поэзиямизга факт келтирган бўламиз.

«Бал борган сари қизиб кетмоқда эди, хира ёнган ҳисобсиз шамлар остида юпқа дуд мавжланарди ва унинг орқасидан ипак пардалар, мрамар вазалар, олтин панжаралар, баральефлар, колонналар, суратлар милтираб кўринар эди, гўзал хотинларнинг очик кўкракларидан қизгин ҳаво учар эди, жодугарнинг қўлларидан узилиб чиққан каби, гир-гир айланиб учган, жуфт-жуфт бўлиб рақс этувчилар кўзларингиз олдидан ўтишар экан, Арабистон чўлларидаги каби қизгин, бўғучи шамол тегиб кетарди. Хушбўй кокиллар тўзғиб борарди, қалб тез урарди, қўллар тез-тез учрашар, оловдай ёнқ юзлар яқинлашарди: боқишлар яна қорароқ жилваланарди, кулги ва шивирлаш кучая борди, чоллар ўринлардан туриб, заиф қўл-оёқларини ёзишди, уларнинг бақрайиб қолган

\* «Джамбаттист Пиранези асари». — *Ред.*

кўзларида очиқ ҳасад билан ўтмиш хотираси аралаш эди,— лаззатли, эҳтиросли телбалик ичида ҳамма нарса сакрар, айланар, жўш урар эди.

Кичик супада каман ёйлари таранг тортилган қилларда ўйнардди, турли музика асбобларда турли сас титрарди, бирининг саси қабрдан келган каби бўғиқ, литаврларнинг саси кинояли қаҳқаҳага ўхшайди. Юзлари кулиб турган, шавқдан ўзини йўқотаётган. соч-соқоли оқ капельмейстер мақомни борган сари тезлатар ва боқиши, гавда ҳаракатлари билан чарчаган музикачиларни ишга солар эди.

— «Тўғри эмасми?» — у менга бидиллаб деди: «Тўғри эмасми? Бу бални жонлантираман, деган эдим,— сўзимнинг устидан чиқдим. Ҳамма гап музикада,— уни қандай қилиб саралашни билмайдилар,— музика одамларни ўрнидан кўтарди,— ўйновчиларни ихтиёрсиз маст қилади,— яхши музикачиларнинг асарларида шундай жойлар борки, улар кишига ажиб таъсир кўрсатади,— мен уларни бошлаб тингладим,— ҳамма гап шунда,— мана тингланг:— мана у донна Аннанинг фарёди, дон Хуан уни масхара қилган ваътдаги фарёди, мана бу ўлаётган Командорнинг инграши, мана бу Отелло ўз рашкига ишонишга бошлаган минути, мана Дездемонанинг сўнги ибодати».

Шонли музикачиларнинг асарларида сасланган бутун инсон қайғуларини капельмейстер узоқ вақт санаб чиқди, яна, лекин мен энди ортиқ тингламасдим,— мен музикада аллақандай ажиб ютоққан даҳшатли бир нима сездим. Ҳар бир товушга бир товуш қўшилиши, яна ҳам чинқироқ, кучли бўлган бу товушдан томирларга совуқ югуриб, бошдаги сочлар ҳурпайиб кетишини сездим, тинглайман, чақалоқларнинг инграши, ёки йигитчанинг жўшқин фарёди, ёки есир онанинг чинқириши, гоҳ титроқ қалбнинг ҳолатлари эшитилади, турли инсон дардларининг ҳамма саслари, янги туғилган боланинг биринчи фарёдидан тортиб, то ўлаётган Байроннинг сўнги фикрига қадар давом этган бир чексиз гамманинг даражаларига бўлинган музика тонлари менга эшитилди: ҳар бир сас ғазабли асабдан узилиб чиқар, ҳар бир нақорат тўлғоқ ҳаракати эди.

Бу даҳшатли оркестр рақс қилувчилар устида қора булут каби сузар эди,— оркестрнинг ҳар бир зарбида, у булутдан шу нарсалар янграб чиқар эди: қаттиқ ғазаб сўзи ҳам, оғриқ енгган хастанинг кесик-кесик алжираши ҳам, ўкиншининг яширин садоси ҳам, қаллиғидан айрилган куёвнинг кескин ҳасрати ҳам, хиёнатдан тавба қилиш ҳам, ғалаба қозонган бузғунчиларнинг ҳайқирғи ҳам, имконсизлик масхараси ҳам, доҳийликнинг бефойда йиғиси ҳам, алданган мунофиқнинг сирли дарди ҳам, ўз замони танимаган дардманднинг ноласи ҳам, ўз руҳининг хазинасини балчиққа топтаган одамнинг фарёди ҳам, узоқ умр кўриб, тинкаси қурган одамнинг хаста товуши ҳам, ўч олиш нашъаси ва ғазаб титраши ҳам, қирғинчининг завқи ва чанқоқлик интизори ҳам, тишларнинг ғижирлаши, суякларнинг қисирлаши ҳам, йиғи ҳам, ҳўнграш ҳам, қаҳқаҳа ҳам... ва барчаси чидаб бўлмас оҳангга қуюлар эди ва барчаси қаттиқ товуш билан табиатга лаънат ўқирди, кароматга роз эгарди: оркестрнинг ҳар зарбида, ундан, гоҳ жазоланган одамнинг кўкарган юзи, гоҳ жиннинг кулар кўзлари, гоҳ қотилнинг титраган тиззалари, гоҳ сирли дард билан ўлган одамнинг сукутли лаблари кўриниб қолар эди; паркетга қо-

10

20

30

40

50

ра булутдан қонли кўз ёшлари томар эди, бунинг устида гўзал хотинларнинг ипак ковушлари сирпанар эди.—лаззатли, совуқ телбалик ичида ҳамма нарса илгаригидай айланар, сакрар, тошиб қайнар эди...

Бал тонгдан сўнг ҳам узоқ вақт чўзилди, тирикчилик учун ўринларидан туриб юрган оламлар узоқ тўхтаб, ёруғ деразаларда милтиллаб кўринган кўланкаларни томоша қилишар эди.

- 10 Балнинг қийновчи нашъаси билан гаранг бўлиб, чарчаб, тинкам қуриб, мен дим уйлардан кўчага отилдим, тоза ҳавони симирдим, тонгнинг ороми қатнаб юрган араваларнинг шовқин-суронида бузилар эди, меннинг қаршимда бутхона эшиклари очик эди.

Мен кирдим: бутхона бўш, бўш бут олдида бир дона шам ёнар эди ва бутхона гумбазлари остида бир руҳонийнинг паст овози учар эди, у ишқ, имон, умиднинг эзгу сўзларини айтар эди, у гуноҳдан қутулишнинг сирларидан хабар берар эди, у инсоннинг бутун изтиробларини ўзида тўплаган шахс тўғрисида сўйләрди, у оллоҳни мушоҳада қилиш, руҳ олами, яқинларга шафқат, кишилик жамиятининг биродарона бирлашуви, гинахонликнинг унутилиши, душманларни кечириш, оллога қаршиларнинг ниятларининг беҳудалиги, инсон руҳининг узлуксиз равишда мукамаллашуви, худо ёзган тақдирга бўйсуниб ҳақида сўзларди, у кечмишлар ва бўлгусилар ҳақида ибодат қилар эди!

- 20 Мен бутхона эшигига отилдим, йўлдан озган дардкашларни тутишни истадим, мен уларнинг парчаланган юракларини узиб гашлашни, ишқ ва имоннинг алангали оҳанг билан уларни совуқ уйқудан уйғотишни истадим, лекин вақт ўтган эди,— бутхона олдида ҳамма ўтиб кетаверди ва руҳонийнинг сўзларини ҳеч ким эшитмади...».

- 30 Эски замонда тавсифий поэзия деган нарса ҳам бор эди. Боғчаларни, жой, мавқеларни, йил мавсумларини ва ҳоказоларни тавсиф этишга катта-катта поэма бағишланар эди, бундай поэмаларни статистик поэзия деб аташ дуруст бўлар эди. Аммо бу бемаъни нарса, у рад қилинишга ҳам арзимайди. Поэзия тавсифлар билан эмас, балки картиналар ва образлар билан сўзлаши керак: поэзия буюмни тавсиф этмайди ва ундан кўчирмайди, балки уни яратади.

- 40 Яна эпиграмма поэзияси ҳам бўлар эди. Қадимдаги эпиграмманинг аҳамиятини биз юқорида ишорат қилиб ўтган эдик. Бизнинг замонамизда бу нарса қофия ичига олинган нуктадонликдир. Ўтган асрда эпиграмма, поэзиянинг бошқа турлари қаторида, ҳурматга лойиқ ўрин олган эди. Энди бу гўё шоирнинг шўхлиги ёки бирон башарага урилган шапалоғидир. Ҳар ҳолда бу санъатга эмас, балки беллетристикага мансубдир.



А. М. Горький

МАКАР ЧУДРА

Денгиздан нам, совуқ шамол эсиб, қирғоққа урилаётган тўлқинларнинг ўйчан куйини<sup>к</sup> ва соҳилдаги дарахтларнинг шовиллашини чўлга учтириб кетар эди. Баъзан шамол хуруж қилиб, бужмайган сап-сарик япроқларни гулханга келтириб ташларди-да, ёлқинни елпир эди; атрофимизни ўраб олган кузги тун қоронғиси, гўё чўчиб тушгандай чекиниб, сўл ёқдан — поёнсиз даштни, ўнг ёқдан — чексиз денгизни ва бир лаҳза нақ<sup>10</sup> тўғримда ўтирган қари лўли — Макар Чудранинг гавдасини очар эди. Макар Чудра биздан эллик қадам нарида жойлашган ўз таборининг<sup>1</sup> отларини пойлар эди.

Чол муздай шамол тўлқинлари чакмон барларини кўтарганига, жун босган кўкрагини очиб, аямай савалаганига парво қилмасди, у юзини менга ўгириб, гузал қиёфада паҳлавончасига ёнбошлаб ётар ва каттакон трубкасини дам-бадам тортиб, оғзидан, бурнидан буруқсатиб тутун чиқарарди, кўзларини аллақайга, менинг бошимдан оша чўлнинг ўлик каби унсиз зулматига тиккан ҳолда, шамолнинг кескин зарбаларидан сақланиш учун бирон ҳаракат қилмастан, мен билан тинмай сўзлашар эди.

— Шундай кезиб юрибман дегин? Яхши! Яхши йул танлабсан, лочин! Шундай бўлиши ҳам керак: кез, оламни кўр, кўриб тўйдингми, ёт ва ул бутун гап шунда!

— Ҳаёт? Бошқа одамлар? — «Шундай бўлиши керак» деганига билдирган эътирозимни шубҳа билан тинглаб, сўзида давом этди: — Э-ҳе, у ёғи билан нима ишинг бор? Ахир сен ўзинг ҳаёт эмасми? Бошқа одам...

<sup>1</sup> Табор — дўлилар мазгили.

лар сенсиз яшайдилар ва сенсиз ҳам ҳаёт кечирадилар. Хўш, сен бировга керакман, деб ўйлайсанми? Сен нон ҳам эмассан, таёқ ҳам эмассан, ҳеч кимга керагинг ҳам йўқ.

— Ҳурганиш ва ўргатиш дейсанми? Сен одамларни бахтли қилиш йўлини ўргана оласанми? Йўқ, ўргана олмайсан. Аввал соч-соқолинг оқарсин, кейин ўргатиш керак, деб гапир. Ниманиям ўргатиш мумкин? Ҳар ким ўзига кераклигини билади. Ақллироқлар ҳаётда  
10 нима бўлса — шунини оладилар, аҳмоқлар эса ҳеч нима ололмайдилар. Ҳар ким ўзи ўрганади...

— Сенинг ўша одамларинг қизиқ. Ҳаммалари бир жойга гуж бўлиб олиб, бир-бирини сиқади, холос; аммо ер юзида жой кўп, уни қара, қанча,— у қўлини кенг ёзиб, даштга ишора қилди.— Ҳаммаси ҳам ишлайди. Нима учун? Кимга? Ҳеч ким билмайди. Одамнинг қандай ер ҳайдаганини кўрасан-да, ўйлайсан: мана, у қатра-қатра тер тўкиб, бор кучини ерга сарф қилади-да, сўнгра ўзи ҳам бир кун ер тагида чирийди.  
2) Ундан ҳеч асар қолмайди, ўз даласидан ҳам ҳеч нима кўрмайди, қандай туғилган бўлса, аҳмоқ бўлиб шундай ўлиб кетади.

— Хўш, у ерни қазиб-қазиб, ҳатто ўзига гўр қазиб олишга ҳам улгурмай ўлиб кетиш учун туғилганми, ахир? Эркинлик нималигини биладимиз? Дашт кенглигини тушунадими? Денгиз тўлқинлари шовиллашидан завқлана оладими? У қул, туғилгандан бери қул, бутун умри бўйи қул, мана шу! У ўзини нима қила олади? Бир оз ақли кирса ўзини бўғиши қолади, холос.

30 — Мана, мени кўр, эллик саккиз ёшга кириб, шунча нарса кўрдимки, агар уларнинг ҳаммасини қоғозга ёзса, сенинг халтангга ўхшаш халталарнинг мингтасига ҳам сизмайди. Қани, айт-чи, мен қандай ўлкаларда бўлмадим? Айтолмайсан. Мен бўлган ўлкаларни сен билмайсан ҳам, ялло қилиб юра бер, шундай яшаш керак — ҳамма гап шунда. Бир жойда кўп тўхтама — ундан нима фойда? Кун ва тун ер атрофида бир-бирини қувиб чопишадн, ҳаётдан кўнглим қолмасин десанг, сен ҳам худди ўшалар сингари ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалардан қоч! Ҳайлаб ўйингга етсанг, ҳаётдан кўнглинг совийди. Ҳар вақт шундай бўлади. Мен ҳам шундай бўлган эдим. Э-ҳе! Кўп нарсани кўрдим, лочин!

— Галичинада турмага ҳам тушганман. Турмада юрагинг қон бўлиб кетади, лочин, шундай диққат бўлар эдимки, азбаройи жоним халқумимга келганидан; «Нима учун дунёда яшаб юрибман?» деб ўйлар эдим. Деразадан далага қарасам борми, қалбимни ҳасрат гўё омбур билан қисиб олгандай бўларди. У нимага яшаяпти, дейдиган одам бор дейсанми? Йўқ, ҳеч ким бундай демайди, лочин! Бу тўғрида ўзингдан сўраб, қийналиб ўтирмасанг ҳам бўлади. Яша, ҳамма гап шунда. Атрофингга назар солиб юр, ана шунда ҳасрат сени 10 ҳеч вақт эзмайди. Мен ўшанда сал бўлмаса ўзимни камар билан бўғиб қўя ёздим. Мана шундай ишлар бўлди!

— Ҳе! Мен бир одам билан гапиришган эдим. Жуда қатъий одам, ўзи ҳам сизларнинг русларингиздан эди. У менга, ўзинг хоҳлагандай эмас, худонинг каломида дейилгандек яшаш керак, деган. Худога сизин, нима сўрасанг, у сенга ҳаммасини беради, деди. Ўзини кўрсанг, уст-боши йиртилиб, титилиб кетган. Мен унга, худодан ўзингга янги кийим сўра, дедим. 20 Унинг жаҳли чиқиб, мени сўка-сўка ҳайдаб юборди. Ҳозиргина унинг ўзи одамларни авф этиш керак, уларни севиш керак, деб турган эди. Менинг гапим уни хафа қилган экан, мени ҳам кечирса бўлмасми эди? Шу ҳам устоз бўлдими? Улар оз егин деб ўргатадилару, ўзлари бўлса бир кунда ўн марталаб овқат ейдилар.

У гулханга бир туфлади-да, жим бўлди ва трубка-сига яна тамаки сола бошлади. Шамол секин ва ҳазин инграрди, қоронғида отлар кишнарди, табордан нафис 30 ва эҳтиросли қўшиқ эшитилар эди. Буни Макарнинг қизи — гўзал Нонка куйлар эди. Мен унинг қўшиқ айтганида ҳам, «салом» деганида ҳам, ҳар вақт аллақандай ажойиб норозилик акс этувчи овозини англаб эдим. Унинг қорача, тиниқ юзида маликанинг кибри кўринар, аллақандай соя силаб ўтган қуралай кўзларида гўзаллигининг ўткир шуъласи порлар ва ўзидан бошқа ҳар нарсага нафрат билан қараш сезилар эди.

Макар менга трубкасини узатди.

— Чек! Қўшиғи чакки эмас-а? Яхши! Шундай қиз 40 сени севишини хоҳлармидинг? Йўқ, дейсанми? Яхши! Шундай бўлиши ҳам керак. Қизларга ишонма, улардан ўзингни нарироқ тут. Мен трубка чекишдан қанча-

лик маза қилсам, қиз ўпишишдан ундан ҳам кўпроқ лаззатланади. Лекин уни ўпдингми — шу он қалбингдаги эрк ҳам ўлади, у сени кўзга кўринмас бир нима билан ўзига шундай боғлаб оладики, ундан асло қутулиб бўлмайди, сен ҳам жонингни унга бағишлайсан. Шундай қизлардан эҳтиёт бўл! Улар ҳар вақт ёлгон гапирадилар! Дунёда ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ сени севаман, дейди, аммо сен унга игнанинг учини тегизиб кўр-чи, юрак-бағрингни парчалаб ташлайди. Мен буни  
10 биламан! Э-ҳе, мен кўп нарсаларни биламан! Қани, лочин истайсанми, мен сенга бир воқеани айтиб берай. Сен уни эсингда тут, эсингда тутдингми — умр бўйи қушдек озод бўласан.

«Дунёда Зобар деган ёш бир лўли бўлган. Лойко Зобар. Уни бутун Венгрия ва Чехияда, Словакияда ва денгиз атрофида қандай мамлакат бўлса, барида билар эдилар — у шундай азамат йигит эди! У мамлакатларда аҳолисидан тўрт-бештаси Лойкони ўлдириш учун онт ичмаган битта ҳам қишлоқ йўқ эди! У эса  
20 бемалол яшар эди. Унга биронта от ёқиб қолсами, у отни пойлаш учун бир полк аскар қўйсанг ҳам, бари бир, Зобар ўғирлаб, уни миниб ўйнатар эди. Э-ҳе! У ҳеч кимдан қўрқмасди! Башарти, шайтон бутун мулозимлари билан унинг устига юриш қилса, Зобар унга пичоқ урмагандаям, сўкиб-сўкиб юборар эди, жинларнинг тумшуғига биттадан тепки ҳадя қилиши турган ган!

Бутун таборлар уни танир ёки унинг тўғрисида эшитган эди. У отнигина севарди, лекин бу ҳам кўпга бормас, бир оз миниб юрарди-да, кейин сотиб юборар  
30 эди. Ақчасини ким хоҳласа, ўша оларди. Унда кўнгил орзулари йўқ, сенга унинг юраги керак бўлса, ўзниёқ кўкрагидан узиб олиб беришга тайёр эди, бундан сенга яхшиликкина етса бас. У ана шундай йигит эди, лочин!

Бизнинг таборимиз ўша вақтларда Буковинада кўчиб юрар эди, у бундан ўн йил илгари эди. Бир куни — баҳор кечаси мен, Кошут билан бирга жангларда бўлган аскар Данило, қари Нур ва Данилонинг қизи Радда ҳамда бир неча киши ўтирар эдик.

Сен менинг Нонкамни биласанми? Малика қиз!  
40 Раддани эса у билан тенглаштириб бўлмайди, Нонка у билан тенглаштиришга ҳам арзймайди. Раддани мақташга сўз ҳам тополмайсан киши. Радданинг гўзаллигини эҳтимол скрипкада чалиб тасвирлаш мум-

кин бўлар, шунда ҳам скрипка чалишни яхши биладиган одам бўлса!

У кўп йигитларнинг юрагини эзган, кўп юракларни! Моравода бир бадавлат кекса одам уни кўриб, турган жойида қотиб қолган. Безгак тутгандай титраб, оти устида ўтирганича, кўзини ололмай қараб қолган. У одамнинг ўзи ҳам байрамда ясанган шайтондай гўзал эди. Эгнида зар чопон, белида қилич, от сал қимирласа чақмоқдай ялтираб кетади, қиличнинг ҳамма ёғи асил тошлар билан безалган, шапкасининг кўк духобаси худди бир парча осмонга ўхшайди. У гердайган бой бир чол эди. У Раддага узоқ вақт қараб турди-турди-да: «Ҳой, мени бир ўпсанг, бир ҳамён пул бераман»,— деди. Радда эса, юзини тескари ўгириб олди. Бой бирданига ҳовуридан тушиб: «Агар хафа қилган бўлсам кечир, ҳеч бўлмаса кулиб қара»,— деди-да, унинг оёғи остига каттакон ҳамённи ташлади. Катта ҳамён, ука! Радда уни, гўё арзимаган нарсадай, лойга тепиб юборди.

— Оҳ, қиз!— деб у оҳ тортди ва отини қамчилади, кетидан булутдай чанг кўтарилиб қолди. 20

Эртасига яна келди. «Унинг отаси ким?»— деган овоз таборда момақалдироқдай янгради. Данило чиқди. «Қизингни сот, нима хоҳласанг, ол!»— деди. Данило унга жавобан: «Панларгина чўқаларидан тортиб, то ўз номусларигача ҳамма нарсаларини сотадилар, мен эса Кошут билан бирга жанг қилганман, ҳеч нарса сотмайман!» деди. У бўкириб, қиличига қўл узатиб қолди, лекин орамиздан биров унинг отининг қулоғига лахча чўғни тиқиб юборган эди, от уни олиб қочиб кетди. Биз у ердан кўчиб, йўлга тушдик.. Бир кун юрдик, икки кун юрдик, қарасак, бизни қувиб етиб келиб: «Ҳой, қулоқ солинглар, худонинг олдидаям, сиз — ларнинг олдингиздаям менинг виждоним пок. Қизни менга хотинликка беринг, бор нарсамни сиз билан бўлишаман, мен жуда бойман»,— деди. Аъзойи бадани ёнар, эгарда ўтираркан, шамолда қимирлаган новдадай титрарди. Биз ўйланиб қолдик.

Данило секин:

— Қани, қизим, ўзинг гапир-чи!— деди. 40

— Агар она бургут қарғанинг инига ўз ихтиёри билан кирса, у нима бўлиб қолади?—деб сўради биздан Радда.

Данило кулиб юборди, унга қўшилиб биз ҳам кулишдик

— Баракалла, қизим! Эшитдингми, бой! Ишинг ча-тоқ! Каптарга ўхшаганини қидир, улар тезроқ гапга кўнадиган бўлади...— Биз яна олдинга қараб юрдик.

Ҳалиги бадавлат киши эса, шапқасини олиб ерга бир урди-да, отини шундай чоптириб кетдики, ерлар титраб кетди. Радда мана шундай эди, лочин!

10 Хайр! Бир куни кечаси ўтирибмиз-у, дашт узра сув-дай оқиб келаётган музика товушини эшитиб қолдик. Яхши музика эди! Унинг таъсиридан томирларимиз-даги қонлар ёнар ва у бизни қаёққадир чақирар эди. Ана шу музикани тинглар эканмиз, кўнгил шундай бир нимани қўмсардики, унга етишгандан кейин яшашнинг ўзи ҳам керак бўлмай қолар эди, агар яшасанг ҳам бутун ер юзига ҳоким бўлиб, подшоларча яшамоқни истардинг, лочин!

20 Қоронғилик ичидан бир от пайдо бўлди, унинг усти-да ўтирган киши музика чалиб биз томонга келар эди. У гулхан ёнига келиб, чалишдан тўхтади-да, жилмайиб бизга қаради.

Данило севиниб:

— Зобар, сенмисан!— деб қичқириб юборди.

Бу Лойко Зобар эди.

30 Мўйловлари елкасига тушган ва жингалак сочлари билан чирмашган, кўзлари чақноқ юлдузлардай ёнади, табассуми эса — бутун бир қуёш, худо ҳаққи! Бамисо-ли уни оти билан бирга бир парча темирдан қуйган-лар. У гулхан қаршисида туриб кулар экан, тишлари ярқираб кетади! Мен билан бир оғиз ҳам сўзлашмас-дан, ҳатто ёруғ дунёда бор-йўқлигимни сезмасдан ту-риб, уни худди ўзимдай яхши кўриб қолмаган бўлсам, лаънатлар бўлсин менга!

40 Мана, лочин, шундай одамлар бўлади! У кўзларинг-га бир қараши билан қалбингни асир этади, лекин зар-рача ҳижолати йўқ, ҳатто сен учун фахрдир. Бундай одам билан бирга бўлсанг, ўзинг ҳам яхши бўлиб қола-сан. Бундай одамлар оз, биродар! Хўп, оз бўлса ҳам майли, дунёда яхши нарса кўп бўлса, уни яхши деб ҳисобламас эдилар. Рост гап! Қани, бу ёгини эшит бўл-маса.

Радда унга: «Яхши чалар экансан, Лойко! Бундай жаранглайдиган ва нозик скрипкани сенга ким ясаб

берди?»— дедн. У бўлса кулди: «Ўзим ясадим! Буни ёғочдан эмас, қаттиқ севганим ёш қизнинг кўксидан ясадим, торларини эса, унинг юрагидан эшдим. Скрипка бир оз ёлғон садо ҳам чиқариб қўяди, аммо мен камонни қандай ушлашни яхши биламан!»

Маълумки, бизнинг йигитлар: юрагимизга ўт солмасин. балки қиз ўзи ишқимизда ўртансин, деб унинг кўзига яхши кўриниш пайидан бўладилар. Лойко ҳам шундайлардан бўлган. Лекин қиз унақалардан эмасди. Радда ундан юзини ўгирди-да, эснаб: «Зобарни ақлли ва чаққон деб эшитгандим, одамларнинг ёлғон гапиришини қара-я!»— деб жўнаб қолди. 10

— Ҳой, гўзал қиз, тилинг жуда ўткир экан!— деди Лойко отдан тушаркан, кўзларини чақнатиб.— Салом, оғалар! Мана, мен ҳам келдим!

— Марҳамат, меҳмон!— деди Данило унга жавобан. Кўришдик, гаплашдик, сўнг ухлагани ётдик... Қаттиқ ухлаб қолибмиз. Эрталаб туриб қарасак, Зобарнинг боши латта билан боғланган. Бу нима десак, ухлаб ётганда, от босиб олган экан. 20

Э-э-э! Бу отнинг ким эканлигини биз фаҳмлаб қолиб, жилмайиб қўйдик. Данило ҳам илжайди. Нима, Лойко Раддага арзимайдими? Йўқ, ундай эмас! Қиз нақадар яхши бўлмасин, юраги тор ва саёз, унинг бўйнига бир пуд олтин оссанг ҳам, бари бир, ўзи қандай бўлса, шундайлигича қолаверади, бу билан яхши бўла олмайди. Ҳа, майли!

Биз ҳамон ўша жойда яшар эдик, у вақтларда ишларимиз яхши, Зобар ҳам биз билан эди. У ҳақиқатан ҳам ўртоқ эди! Қариялардай доно, ҳамма нарсадан хабардор, рус ва мадьяр тилларини тушунарди. Баъзан гапга тушиб кетса, бир умр ухлмасдан тингласам, дердим! 30

У музикани шундай чалардики, агар дунёда биров шундай чала олса, яшин урсин мени! Камончани тор устидан юргизса борми, юрагинг эзилиб кетади, яна бир юргизса, юрагинг бардош бера олмайди. У бўлса илжайиб туриб чалаверади. Уни тинглар экансан ҳам йиғлагинг, ҳам кулгинг келар эди. Гўё шу дамда аллаким аччиқ-аччиқ фарёд қилиб, ёрдам сўрайди, кўрагингни пичоқдай тилади. Гўё чўл кўкка қарата ривоятлар, қайғули эртақлар сўзлайди. Ботир ўғлонни сафарга узатаётган қиз йиғлайди! Ботир ўғлон уни даштга 40

чорлайди. Бирданига — эҳ! Қўшиққа жон кириб, мома-қалдироқдай гулдурайди ва унинг оҳангига қуёшнинг ўзи ҳам рақсга тушиб кетгуси келади! Мана, шундай эди лочин!

Баданингдаги ҳар бир томир у қўшиқни сезар ва сен унинг куді бўлиб қолар эдинг. Агар шунда Лойко: «Пичоқни олинглар, ўртоқлар!» деса, ҳаммамиз у кўрсатган киши билан пичоқлашиб кетар эдик. Одамни у ҳар нима қила билар эди, ҳамма уни севар эди, қаттиқ севар эди! Елғиз Раддагина бу йигитга қарамасди. Шу билан чекланса ҳам майли эди-я, тагин уни масхара ҳам қиларди. У Зобарнинг юрагини қаттиқ тилган эди, жуда қаттиқ тилган эди! Лойко тишларини ғижирлатади, мўйловини юлади, ўпирилган ўрадек қоронғи кўзлари билан қарайди, баъзан кўзлари чақмоқ чаққандек ярқираб кетардики, одамни ваҳима босарди. Лойко кечалари даштнинг бир чеккасига чиқиб кетарди ва эрталабгача унинг скрипкаси фигон қиларди, йиғлай-вериб, Зобарнинг эркини банди этарди... Биз бўлсак ёғиб уни тинглаймиз ва «Нима қилсак экан?» деб ўйлаймиз. Биламизки, икки тош бир-бирига қараб юмаласа, улар уртасига тушиб бўлмайди — пачақ-пачақ қилиб ташлайди. Иш шундай кетаверади.

Бир кун ҳаммамиз йиғилишиб ўтириб, ишларимиз тўғрисида гаплашар эдик. Зерикиб кетдик. Данило Лойкодан: «Зобар, бир қўшиқ айтиб кўнглимизни кўтар!» деб сўради. Узидан бир оз нарида осмонга қараб ётган Раддага кўз қирини ташлади-да, чала кетди. Скрипка шундай куйладикки, чиндан ҳам торлари у қиз қалбидан ясалган эди. Лойко ашула бошлади:

Ҳой! Кўкракда ёнади олов,  
Кенг чўл эса қандай бепоён!  
Елдай учар остимда бедов,  
Кўлда жилов, бардамман чунон!

Радда бошини ўгирди, ўрнидан бир оз қўзғалиб, қўшиқчининг кўзларига қараб жилмайди, Лойко шафқат каби қизариб кетди:

Ҳой, ҳой, ҳой! Қани, ўртоқжон,  
Чопмайликми отда илгари?  
Чўлни босган зулмат ва тўзон,  
Бизни кутар тонг ёғдулари.



Кунни қаршилашга учайлик,  
Уч, юксал энг баланд жойга!  
Фақат, ёлинг тегизмайин чиқ —  
Чиройли, кўркам ойга!

Айтишини қаранг-а! Ҳозир ҳеч ким унақа қўшиқ айта олмайди. Радда эса заҳрини сочиб:

— Сен бунчалик баланд учмасанг бўларди, Лойко, йиқилиб тушиб, бурнинг билан балчиққа ботарсан, мўйловингни ифлос қиларсан, эҳтиёт бўл,— деди. Лойко унга йиртқичдай қараб қўйди, лекин ҳеч нима де- 10  
масдан, сабр қилиб, яна куйлай бошлади:

Ҳой, ҳой! Бирдан туғилади кун,  
Икковлон-чи, ҳамон ухлаймиз.  
Ҳой, у чоқда иккимиз бутун —  
Уят оловида ёнгаймиз.

— Мана буни қўшиқ дейдилар!— деди Данило, бунақа қўшиқни ҳеч эшитган эмасман. Агар ёлғон гапирсам, шайтон мени ўзига чилим қилиб олсин!

Қари Нур мўйловини бурар, елкасини қисар, Зобарнинг мард қўшиғи ҳаммамизнинг ҳам кўнглимизга 20  
ёқар эди! Фақат Раддага ёқмаган эди.

— Бир куни чивин бургут овозига тақлид қилиб, худди шундай ғинғиллаган экан,— деб қиз устимизга худди қор отгандай бўлди.

— Радда, сен қамчи хоҳлаб қолганга ўхшайсан?— деб Данило унга томон чўзилди. Зобар эса шапкасини ерга уриб, тупроқдай қорайиб:

— Тўхта, Данило! Уйноқи отга пўлат жилов! деган эканлар. Қизингни менга хотинликка бера қол!— деди.

— Шуюм гап бўлдимми!— кулимсиради Данило.— 30  
Қўлингдан келса ола қол!

— Бўпти!— деди-да, Лойко Раддага қаради:— Ҳой қиз, кеккаймасдан менга бир оз қулоқ сол! Сендақа қизларнинг кўпини кўрганман, кўпини! Лекин менинг юрагимни ҳеч бири сендай эзган эмас. Оҳ, Радда, кўнглимни мафтун этдинг сен! Майли, нима ҳам деб бўлади? Бўлганича бўлди энди... Шундай бир от йўқки, унга минсанг-у, ўзингдан узоқлашиб кетсанг!.. Тангри олдида, виждоним олдида, отанг ва бу одамлар олдида мен сени хотинликка оламан. Лекин эҳтиёт бўл, хоҳи- 40  
шимга қарши чиқма, мен эркин одамман, қандай хоҳла-

сам, шундай яшайман!— У тишларини қисиб, кўзларини чақнатиб қизга яқинлашди. Биз қараб турибмиз. Лойко қўлини унга узатди.— Мана, энди чўл отига Радда жилов тақди!— деб ўйлаб турибмиз. Бирдан қарасак, Лойко қўлларини узатиб орқаси билан ерга гуп этиб йиқилди.

10 Нима бало? Йигитнинг юрагига гўё ўқ қадалгандай бўлди. Кейин билсам, Радда унинг оёқларига қамчи солиб, ўзига қарата тортган экан, Лойко йиқилиб тушган.

Қиз бўлса, индамай илжайиб қўйди-да, қимир этмасдан ётаверди. Биз нима бўлар экан, деб қараб турибмиз, Лойко эса, ўтирган жойида ҳадеб қўллари билан бошини сиқади, гўё боши торс ёрилиб кетадигандай қўрқади. Кейин у секин турди ва ҳеч кимга қарамасдан даштга қараб кетди. Нур менинг қулогимга: «Унинг орқасидан бор!» деб шивирлади. Мен ҳам тун қоронғисида Зобарнинг орқасидан даштга кетдим. Шундай бўлди, лочин!»

20 Макар трубкадан кулни қоқиб, яна тамаки тика бошлади. Мен шинелга ихчамроқ ўралиб, ётган жойида унинг шамолдан ва офтобдан қорайган қари юзига боқар эдим. У бошини қаҳр ва жиддият билан чайқаб, ичида бир нималар деб шивирлар эди: унинг оқарган мўйловлари қимирлар ва сочларини шамол ҳилпиратарди. У яшин уриб куйдирган, лекин ҳали бақувват, маҳкам ва ўз кучига ишониб гердайган қари чинорга ўхшар эди. Денгиз аввалгидай қирғоқ билан шивирлашиб сўзлашарди, шамол ҳам унинг ивир-шивирини

30 дашт узра учуриб юрар эди. Нонка энди куйламас: кўкда тўпланган булутлар эса, куз кечасини яна ҳам қоронғилаштирган эди.

Лойко секин-секин қадам босиб, бошини қуйи солиб, қўлларини шалвиратиб борарди. У жарга тушиб булоқ ёнидаги тошга ўтирди-да, оҳ тортди. Шундай оҳ тортдики, унга ачинганимдан юрагим қонга тўлди, шундай бўлса-да, унга яқинлашмадим.. Қайғуни сўз билан тарқатиб бўлмайди, тўғрими?! Ҳа, шундай! Бир соат ўтди — ўтираверди, икки соат ўтди — ўтираверди, уч

40 соат ҳам ўтиб кетди — миқ этмай ўтираверди.

Мен ҳам нарироқда ётибман. Кеча ойдин, ой бутун даштга кумуш нурини ёйган, узоқдаги нарсалар ҳам кўринади.

Бир вақт қарасам, табордан шошиб-пишиб Радда келяпти.

Мен севиниб кетдим! «Радда юракли қиз! Қандингни ур!» деб ўйлайман. Радда унинг ёнига келди. Лойко бунн сезмади ҳам. Радда қўлини унинг елкасига қўйди. Лойко сесканиб кетди, қўлларини олиб, бошини кўтарди ва сакраб туриб пичоққа қўл узатди! Қараб турсам, қизга пичоқ солмоқчи, мен дод деб таборга томон югурмоқчи бўлиб туриб эдим, бирдан:

— Қўй! Бошингни мажақлайман! — деган овозни <sup>10</sup> эшитдим. Қарасам, Радданинг қўлида тўппонча, у Зобарнинг пешанасини нишонга олипти. Қизнинг шайтонлигини қара! Ҳа, энди кучда улар баравар бўлди-ку, қани, нима бўлар экан, — деб турибман.

Радда тўппончани белига қистирди-да, Зобарга қараб: — Менга қара! — Мен сени ўлдиргани эмас, сен билан ярашгани келдим, ташла пичоқни! — деди. У пичоқни ташлаб, қизнинг кўзларига ўқрайиб қаради. Бу ажойиб манзара эди, ука! Иккиси ҳам бир-бирига йиртқишларча қараб туришипти, аммо иккиси ҳам — <sup>20</sup> азамат, довюрак одамлар. Уларга фақат тиниқ ой ва мен шоҳид холос.

— Қани, энди гапимга қулоқ сол, Лойко: мен сени севаман! — деди Радда. Лойко эса оёқ-қўллари кишанлангандай, фақат елкасини қисиб қўйди.

— Мен азамат йигитларнинг кўпини кўрганман, аммо сен қалбинг ва чеҳранг билан улардан гўзалроқ ва мардроқсан. Мен кўзимни қиссам, уларнинг ҳар бири мўйловини қирқиб ташлайди, агар мен истасам уларнинг ҳар бири ўзини оёғим остига ташлайди. Лекин <sup>30</sup> бундан нима фойда? Улар унчалик мард эмас, унақаларнинг ҳаммасини аёлга айлантириб қўярдим. Дунёда мард лўлилар кам қолди, жуда кам, Лойко, мен ҳеч вақт бировни севган эмасман. Лойко, лекин сени севаман. Сендан бошқа эркинликни ҳам севаман! Лекин, Лойко, сендан кўра эркин кўпроқ севаман! Сени сиз яшай олмайман, сен ҳам менсиз яшай олмайсан, шунинг учун бутун жони-танинг билан меники бўлишингни истайман, эшитяпсанми? — Лойко кулимсиради.

— Эшитяпман! Сенинг сўзингни эшитиш юрагимга <sup>40</sup> нашъа беради! Қани, яна сўзла!

— Яна гапим шуки, Лойко, бари бир, қанча уринсанг ҳам мен сени енгаман, сен меники бўласан. Энди

вақтни бекорга ўтказма — сени келажакда менинг ўпишларим, эркалашим кутади... Сени астойдил ўпаман, Лойко, менинг ўпишим таъсирида сен мард ҳаётингни унутасан... Лўли йигитларни шундай севинтирадиган жонли қўшиқларинг даштлар узра ортиқ янграмайди — сен нафис, ишқий қўшиқларингни менга, Раддага куйлайсан... Энди вақтни қўлдан берма, мен шундай дедимми, демак, эртага сен, катта-кичикка бўйсунгандек, менга итоат қиласан. Бутун табор олдида

10 менинг оёғимга бош эгасан, ўнг қўлимни ўпасан — шунда мен сенинг хотининг бўламан.

Шайтон қизнинг хоҳлаган нарчасини қаранг-а! Бу ҳеч бир қулоқ эшитмаган гап; қадим замонларда қоратоғликлардагина шундай одат борлигини кексалар гапиришар эди, лўлиларда эса ҳеч вақт бўлган эмас! Қани, лочин, бундан қизиқроқ нарсани ўйлаб топа оласанми? Бир йил бош қотирсанг ҳам ўйлаб тополмайсан!

Лойко бир томонга ташланди-да, кўкрагидан яранган кишидек даштга қараб бақирди. Раддани қалтироқ босди, лекин у сир бой бермади.

— Майли, эртагача хайр, айтганимни эртага бажарасан, эшитдингми, Лойко!

— Эшитдим! Бажараман,— деб ингради Зобар ва унга қўлини узатди. Радда унга аҳамият бермади ҳам. Лойко эса шамол синдирган дарахтдек чайқалиб, ерга йиқилди. У ҳам кулар, ҳам йиғлар эди.

Лаънати Радда йигитни мана шундай азобга солди. Мен уни зўрга ҳушига келтирдим.

30 Одамларнинг қайғу ўтида ёнишлари қайси махлуққа керак! Инсон қалбининг ҳасратда эзилиб инграшини тинглашни ким севар экан? Мана буни ўйлаб кўр!..

Мен таборга қайтиб, воқеани кексаларга сўзлаб бердим. Улар ўйлашди ва бундан нима чиқишини кўриш учун сабр қилиб туришга қарор беришди. Бундан мана шу чиқди: оқшом биз ҳаммамиз гулхан атрофига йиғилганимизда, Лойко келди. Унинг табиасти хира эди, бир кечада жуда озиб, кўзлари киртайиб, ичига тушиб кетган эди; у кўзларини ерга тикиб,

40 бошини кўтармасдан, деди:

— Ўртоқлар, иш мана шундай: мен бу кеча ўз қалбимга қарадим ва унда илгариги эркин ҳаётни топа олмадим. Унда фақат Радда яшайди холос! Мана,

гўзал Радда, малика каби табассум қилади! У ўз эркини мендан кўпроқ севади, мен эса уни ўз эркимдан ҳам ортиқроқ севаман ва унинг буйруғига мувофиқ оёқларига бош уришга қарор қилдим, токи унга қадар қарчиғай ўрдаклар билан ўйнашгани сингари, қизлар билан қон ўйнашган мард Лойко Зобарни Радданинг ҳусн-жамоли қандай асир этганини ҳамма кўрсин! Кейин у менинг хотиним бўлади, мени ўпади, овутади, шунда сизга қўшиқ айтиб беришга ҳавасим ҳам қолмайди, ўз эркимни ҳам унга фидо қиламан! Шундайми, Радда?— Лойко кўзларини ердан узиб, унга жиддий тикилди. Қиз сукут этиб, бошини қатъий қимирлатди ва қўли билан оёқларини кўрсатди. Биз ҳеч нима англамай, қараб турар эдик. Лойко Зобарнинг қиз оёғига, гарчи у Радда бўлса-да, йиқилишини кўрмаслик учун бир ёққа қочиб кетишни истар эдик. Нимадан-дир уялардинг, раҳминг келар, ранжирдинг, киши.

— Қани, бўл!— Зобарга қичқирди Радда.

— Э-ҳа, шошма, улгурасан, зерикиб ҳам қоларсан ҳали.— Кулиб юборди Зобар. Унинг кулиши — пўлатнинг жаранглаганига ўхшарди.

— Мана, энди ҳамма иш тамом бўлди, ўртоқлар! Яна нима қолди? Энди менинг Радданинг юраги, у менга кўрсатгандай мустаҳкамми, йўқми, буни синаб кўриш қолади. Қани, синаб кўрай-чи, кечиринг мени, оғалар!

Биз ҳали Зобарнинг нима қилмоқчилигини пайқаб ололганимизча ҳам йўқ эди, кўрсак, Радда ерда ётибди: кўкрагига Зобарнинг эгри пичоғи санчилган. Биз тошдай қотиб қолдик.

Радда эса пичоқни суғуриб олиб, уни бир томонга улоқтирди-да, ярасини бир тутам қора сочлари билан ўраб, қисиб олиб, илжайди ва қаттиқ бурро овоз билан:

— Алвидо, Лойко! Шундай қилишингни билган эдим!— деб жон берди...

Кўрдингми, қизни, лочин?! Минг лаънат менга, у шундай девсимон қиз эди!

— Эҳ! Мен оёқларингга сажда қиламан, мағрур малика!— деб Лойко Зобар даштни бошига кўтариб ҳайқирди-да, ўзини ерга отиб, жонсиз Радданинг оёқларига лабларини қўйганича қотиб қолди. Биз шапка-мизни олиб, жим турар эдик.

Бунга нима дейсан, лочин? Шунақа! Нур: «Уни боғ-

лаш керак!..» демоқчи бўлди. Лекин Лойко Зобарни боғлаш учун қўл бормас, ҳеч ким қўлини кўтара олмас эди. Бунин Нур ҳам билар эди, у қўлини силкиди-да, бир чеккага чиқди. Данило эса Радда улоқтирган пичоқни қўлга олди, оқарган мўйловларини қимирлатиб, анчагача унга қараб қолди. Пичоқда ҳали Радданинг қони қотмаган, пичоқ эгри ва ўткир эди. Сўнгра Данило Зобарга яқинлашиб, пичоқни унинг елкасига — юрагининг худди қаршисига суқди. Кекса солдат Да-  
10 нило ҳам Раддага лойиқ оталардан эди.

Лойко Данилога томон қайрилиб, бурро овоз билан:

— Шундай бўлдими?— деди-да, Радданинг кетидан у ҳам кетди.

Биз эса, қараб турар эдик. Бир тутам сочларини тутган қўлини кўкрагига маҳкам босиб, Радда ётар эди. Унинг очиқ кўзлари кўкка тикилганди, оёқларида эса мард Лойко Зобар чўзилиб ётарди. Унинг юзига жингалак сочлари ёйилган, юзи кўринмас эди.

Биз турган жойимизда ўйлардик. Кекса Данило-  
20 нинг мўйловлари титрар, қалин қошлари уюлган эди. У кўкка тикилиб жим турарди. Соч-соқоли қордек оқарган Нур бўлса, мукка тушиб ётиб олиб, шундай йиғлардики, букчайган елкалари ҳадеб қалт-қалт қиларди.

Шундай пайтда йиғласанг арзир эди, лочин!

...Йўлга чиқдингми, ўз йўлингдан боравер, ҳеч ёққа бурилма, тўғри кетавер. Балки бекорга нобуд бўл-  
массан. Гап шундай, лочин!»

Макар жим бўлди, трубкани киссасига солиб, кўк-  
30 рагига чакмонини ёпди. Майдалаб ёмғир томчиларди, шамол кучайиб, денгиз асабийлашиб, бўғиқ овоз билан ҳайқирар эди. Ўчаётган гулханга отлар бирин-кетин яқинлашиб, катта ва зийрак кўзлари билан бизга қарар эдилар, атрофимизни зич ўраб олиб, жимгина турардилар.

Макар отларга:

— Моҳ, моҳ, эй жонивор!— деди-да, яхши кўрган қора отининг бўйнини кафти билан силаб-сийпади ва менга боқиб:— Ухлайдиган вақт ҳам бўлди!— деди.

40 Кейин боши билан чакмонига бурканиб, арслондай чўзилиб ётиб олди-да, жим бўлди.

Менинг уйқум келмади. Қоронғи даштга ва уфққа қарадим, кўзим олдида Радданинг салобатли, гў-

зал ва мағрур сиймоси гавдаланди. У бир тутам қора сочларини тутган қўлини кўкрагидаги жароҳатга маҳкам босганди, қорамтир нозик бармоқлари орасида томчи-томчи қонлар олов юлдузчалар шаклида ерга томарди.

Унинг орқасидан изма-из мард йигит Лойко Зобар сузар эди. Унинг юзини қоп-қора ва қалин жингалак сочлар қоплаган, сочлар тагидан муздай кўз ёши қатра-қатра бўлиб кетма-кет томчиларди.

Ёмғир тобора кучаймоқда, денгиз эса бир жуфт 10 мағрур ва гўзал лўлига Лойко Зобар билан кекса солдат Данилонинг қизи Раддага ўзининг ҳазин ва тантанали марсиясини куйлар эди.

Улар иккиси тун қоронғисида секин-секин сузиб айланишарди, лекин гўзал Лойко, мағрур Радда билан ҳеч бир тенглаша олмас эди.

## ЛОЧИН ҚУШИҒИ

### I

Илон юқори тоққа чиқди ва денгизга қараб, намлик тоғ бағрида кулча бўлиб ётди.

Қуёш юксак осмонда порлар, тоғлар кўкка боқиб, ҳароратли нафас олар, пастда тўлқинлар тошларга урилар эдилар...

Жар бўйнича сув зарралари тошқин ва қоронғилик ичида тошларга урилиб, денгизга қарши чиқарди.

Тўлқин оқ кўпикларда, баёз ва кучли; тоғни кесиб, газаб билан урилиб, денгизга тушарди.

Бирдан, Илон кулча бўлиб ётган жойга эзилган кўкраги, қонли қанотлари билан осмондан Лочин йиқилиб тушди... У қисқа қичқириқ билан ерга тушди ва қаттиқ тошга кучсиз газаб билан кўкрагини урди...

Илон қўрқди, тезда нарироққа сургалди, лекин дарров англадиким, қушнинг ҳаёти икки-уч минут.

Урилган қушга яқинлашди. Лочиннинг кўз олдида шувуллади:

— Уласанми?

— Ман ўламан!— Лочин чуқур хўрсиниб жавоб берди.— Мен жуда гўзал яшадим!..— деди.— Мен бахтни биламан!.. Мен ботирларча урилдим... Мен кўкни кўрдим... Сен уни шундай яқиндан кўролмайсан... Эй, 40 бояқиш!

— Осмоннинг нима бўларди? Бўш ер. Унда мен юра оламанми? Бу ер менга жуда яхши... иссиқ ва нам!

Илон эркин қушга шундай жавоб берди-да, унга қилгаң пичинглари учун юрагидан кулди.

Сўнгра ўйлади: «Учсанг ҳам, сургалсанг ҳам охири маълум. Барча ерда ётади, ҳамма мурда бўлади»...

Аммо ғайратли Лочин бирдан типирлади, бир оз бошини кўтарди, тоғ бағирларига боқди.

10 Гулранг тошлар орасидан сув томчиларди — қоронғи тоғ ораси дим, чирик ҳид келарди.

Лочин бутун кучини йиғиб, алам ва изтироб билан қичқирди:

— О-ҳа, яна бир мартаба кўкка кўтарилсам!.. Кўкрагимнинг яраларига душманни қиссам... Шул қонларим билан бўяларди. Оҳ, жанг нашъаси!..

Илон: «Лочин шундай инграйдир. Ҳақиқатан кўкда яшамоқ тотли бўлса керак!»... деб ўйлади ва эркин қушга: «Тоғ ёқасига бир оз сурил, ҳам ўзингни пастга ташла!» деб таклиф қилди.

20 «Эҳтимол, қанотларинг сени кўтарар, яна ўз афлонкинда оз-моз яшарсан».

Лочин силкинди. Кучсизгина қичқириб, силлиқ тош устида панжалари билан сирпаниб, учурумга йўл солди.

Яқинлашиб, Лочин қанотларини ёйди. Бутун кўкраги билан хўрсинди кўзларини ҳар ёққа ташлади, ҳам... пастга юмаланди.

30 Лочин тошдек тошлиқлардан сирпаниб, қанотларини синдирди. Патларини йўқотиб, тезда пастга тушди... Тошқин — оқим тўлқини Лочинни ўраб олди ва қонларини юиб, кўпикдан кийим кийгизди. Денгиз ичида йўқ бўлиб кетди. Денгиз тўлқинлари аламли сайҳалар билан тошга урилдилар. Денгиз бўшлиғида қушнинг мурдаси кўринмас эди.

## II

40 Илон тоғ бағрида ётиб, қушнинг ўлими, кўкка бўлган эҳтироси тўғрисида ўйларди.

Ва бахт йўлида кўзларини хаёл билан очди. Қувнатадирган узоқликка боқди.



— Шу тагсиз ва чексизлик саҳросида нима кўрди ул ўлган Лочин? Нима учун унинг каби ўлганлар ўзларининг кўкка парвозлари учун бўлган севгилари билан руҳни қайғиртирадирлар? Кўкда уларга нима очиқ? Мен бўлсам осмонга оз вақт кўтарилиб ҳам ҳаммасини билиб олар эдим.

Илон айтганни қилди. Кулча бўлиб Илон ҳавога кўтарилди ва ингичка уқа (лента)дек қуёшда ярқиради.

Сурғалишга туғилган — уча олмайди... Буни унутиб, ул тошларга йиқилди. Лекин ўлмади. Кулиб қўя қолди... 10

— Мана кўкка парвозларнинг гўзаллиги қаерда! Бу гўзаллик йиқилишда!.. Нодон қушлар! Ерни билмасдаг, жуда дард чекиб, юксак осмонга интиладилар ва иссиқ саҳрода ҳаёт қидирадирлар. У ерда фақат бўшлиқ! У ерда зиё кўп. Лекин овқат йўқ, ҳам тирик баданга таянч йўқ. Нега ифтихор? Нега итоб? Шу ифтихор билан ўзининг ҳаддан ташқари истакларини қоплаб ва унинг остида ўзининг ҳаёт ишига ярамаслиги учунми яширади? Нодон қушлар!.. Аммо энди уларнинг сўзлари алдамас мени! Мен ҳаммасини биламан! Мен осмонни кўрдим... Унга учдим, уни ўлчадим, тушишни идрок этдим, лекин парчаланмадим, балки фақат ўз-ўзимга қаттиқроқ ишонаман. Ерни сева олмаганлар, алданиш-ғалат билан яшасинлар. Мен ҳақиқатни биламан ҳам уларнинг даъватларига инонмайман. Ерда яратилдим — ер билан яшайман.

Ва Илон ўзига фахр этиб, тош устида кулча бўлди.

Денгиз порлади, ҳамма нарса порлоқ нурда, тўлқинлар соҳилга ғазаб билан ўзларини урар эдилар.

Уларнинг шер сайҳасида ботир қуш тўғрисидаги қўшиқ гувулларди, тошлар унинг заррасидан титрарди. даҳшатли қўшиқдан осмон ларзага келарди. 30

«Ботирларнинг телбалиги учун куйлармиз шуҳратни!

Ботирларнинг телбалиги — мана ҳаёт ҳикмати! О-ҳа, юракли Лочин! Душманларингдан урушда сен қон бўлиб оқдинг... Лекин вақт келганда, учқун каби қизгин қонларинг томчиларди, ҳаёт зулматида ловуллаб ёнади, кўп ўғитли юракларни эркинлик ҳам ёруғлиқнинг даҳшатли ташналиги билан ёндирадир!

Майли, сен ўлдинг!.. Аммо руҳан жасур ва кучлиларнинг қўшиғида сен ҳамма вақт жонли ўрнак, эркинликка, ёруғлиққа ифтихорли даъваткор бўласан! 40

Ботирларнинг телбалиги учун куйлармиз қўшиқни!..»

Анна Ахматова

МАРДЛИК

Биз биламиз тарозуга қўйилмиш нима,  
Бу куннинг ҳам мазмуни аён.  
Мардлик чоғи мард туйғулар тошди сийнадан,  
Мардлик бизни тарк этмас бир он.

Даҳшат эмас, ночор бир ўқ келтирса ўлим,  
Қўзимизга кўринмас уй-жой.  
Лекин сени сақлаймиз, рус тили, бир зум —  
10 Унутмаймиз, бу сўз улуг, бой.

Гард юқтирмай эркин, гўзал сени элтамиз,  
Сўйлар сенда набиралар, асоратдан биз,  
Қутқарурмиз сени абадий!

\* \* \*

\*

1

Боғда ғалати чуқур.  
Чироқлар ўчиқ босим.  
Интернинг етимлари,  
Менинг болажонларим!  
Ер ости нафас бўғир,  
Пармалар чаккани ғам.  
Бомбалар дўзах тўқир,  
10 Чинқирар бола бирдан.

2

Жажжи қўлинг билан эшигимни қоқ —  
Очаман; очардим сенга ҳамиша.  
Мен энди баланд тоғ, қизгин ва қумлоқ  
Саҳролардан ошдим, лекин мен сени —  
Унутмайман. Кўнглим узмайман ҳар чоқ...  
Эшитмадим сенинг инграшингни ман,  
Сўрамаган эдинг мендан парча нон.  
Келтира қол менга яшил майсадан  
20 Ё бўлмаса нозик гуллаган навда,—  
Қилгандинг-ку ўтган баҳор армуғон.  
Гўзал Невамизнинг совуқ ва тоза  
Суvidан бир қултум сен келтира қол.  
Олтин соч бошингдан у қонли яра —  
Изларини юиб қўяйини дарҳол.

## А. Т. Твардовский

### ГАРМОНЬ

— Бу қандай гап: колоннада йўқ  
Бирон гармонь — чалиб юргани.  
Совуқ қаттиқ — кесади дами!

Қўлқопини счиб, ишқайди кафтин,  
Бирдан эшитар у:

— Гармонь бор, мана.

Тоза, юмшоқ қорни тепишиб,

10 Танк олдида иккита танкист

Оёқларин тутар оловга,

Гоҳ сакрашиб қўяр исиниб.

— Йигитлар, кимда у гармонь?

— Мана унда, укажон...—

Танк ҳайдовчи сари қарайди

Уқчи шу дам иймангансимон.

— Йўлда чалиб кетсакми экан?

— Ҳа, чалинса бўлмасди зарар.

— Хўш, нима гап? Гармонь кимники?

20 — Эгаси йўқ энди, биродар.

У дўстининг ўрнига ҳозир

Танк ҳайдовчи қилади баён;

— Ҳаваскорди бизнинг командир,

Қўмдик уни, ўлим беомон...

— А, шундайми...— Ҳар ёққа аскар

Боқди маъюс табассум билан,

Гўёки у тамом беҳабар

Ранжитгандек бировни бирдан.

- Сўзни шунда тамом қилмоқ-чун,  
30 Баён этар фикрини аста:  
— Мен дегандим, чалмоқлик мумкин,  
Сақламоқдан борми бир фойда?

Уқчи деди:

— Манов башняда

Утирганди кеча жангда у...

Қалин дўстдик уччовимиз-да...

— Мумкинмасми, бўпти, сўз йўқ, шу.

Тушунамен ўзим ҳам, қардош.

Мен иккинчи урушни бутун...

- 40 Яраландим, майли соғдир бош.

Балки эрта жангга борурмиз,

Ўйлаб кўринг яна бир карра.

Танкчи деди:— Қилай хулоса,

Ол, чалавер, қайғирма зарра.

Жангчи қўлга олгани ҳамон

Маълум бўлди — гармонга моҳир.

Бармоқларин югуртиб бир он,

Бошламоқчи бўлди у ҳозир.

- 50 Аста-секин гармонь тугмасин  
Босиб, солди сасларга қулоқ,  
Шлёмини яримта кийиб,  
Сасларга у берилди шу чоқ.

Бирдан юмди кўзини кейин,

Смоленск — туққан юртининг

Ғамли, лекин ҳазил аралаш

Бир куйини бошлади секин.

Етим бўлиб қолган — эгасиз,

Эски гармонь сасидан шу он

Фронт йўли қандайдир илиқ

- 60 Ва ёқимли бўлди ногаҳон.

Қиров босган машиналардан

Халқ югурди оловга гўё.

Ким чалмоқда, кимнинг гармони?

Ким ўйнайди буни, ажабо!

Фақат икки ҳалиги танкчи —  
Ҳайдовчи ва ўқчи — қарашар  
Гармончига, кўзни узмасдан.  
Бу боқишда — қандайдир ҳис бор.

- Гўлдан учраб қолган, бегона  
70 Ай, йигитча, улар гармонин  
Қўлга олиб, сен бениҳоя  
Сири қандай сайрата қолдинг?

Бармоқларни югуртиб ясноқ  
Сен бу ерда гўё илк дафъа  
Учта танкчи — уч қалин ўртоқ  
Тўғрисида айтдинг ҳикоя.

- Эмасмидир улар достони  
Бошдан-охиргача бу қўшиқ?  
80 Чарм шлём кийган дўстлар жим —  
Тинглайдилар — қовоқлар солиқ.

Жангчи эса қайгадир ундар,  
Узоқларга етаклар енгил.  
— Ах, йигитлар, ҳаммангиз дилдор,  
Ажойиб бир авлодсиз дадил!

Бошқачароқ айта билардим,  
Сақлайдирман юрагимда лол.  
Ўзгачароқ чала билардим,  
Афсус, дуруст чалмоқлик маҳол.

- 90 Бир зумгина берилиб кетдим,  
Ўйнаб кетдим йўлда анчайин.  
Мен ҳазилга айлантирамен,  
Сабр этларинг, бу эмас қийин...

Гурунглашиб, исиниш учун  
Ҳамма келур гармончи сари.  
Епирилар қуршаб олгали.  
— Тўхтаб бир оз, оғайниларим,  
Қўлни пуфлаб олайин бурун.

- Сөвуқ олмиш йигит бармогин,  
100 «Тез ёрдам»ни чақириш керак.

— Бу вальсларни йиғиштир, тағин.  
Ановни чал, ҳаммада истак.

Қўлқопини чиқарар яна,  
Қарчиғайдай боқар ҳар томон.  
Ў гармонни энди бир пастда  
Ўзга тил-ла сайратди равон.

Унутилган, унутилмас ҳам,  
Хотирлашнинг эмас замони —  
Қайда ётар, ким ўлди шу дам,  
110 Яна кимнинг етар қазоси.

Ўйинчилар бўлишиб жуфт-жуфт,  
Ўринлардан қўзғалди бирдан.  
Изғиринли ҳавони ютиб,  
Зич давра ҳам қизиб кетди шан...

Баъзи бири керилиб, зуғум  
Билан ўйнар, қ.изиқ йўрғалар,  
Шундай қилиқ кўрсатар бир зум,  
Тавсифига сўз йўқдир бирор.

Кечки энг шўх йиғинчоқ каби  
120 Ерни кучли тепиб рақс этар.  
Мақол, пичинг, нуқтали сўзни  
Оёқларнинг остига сепар.

Кўрсатади хилма-хил қилиқ:  
— Тақилламас ер рақсдан, ёзиқ!  
Эҳ, жўрам,  
Тақилламайди бир дам,  
Тўсатдан пайдо бўлса,—

Қаттагина тош давра!  
Отиб ташлаб наMAT этикни,  
130 Пошналарга бир пас зўр берсак,  
Ерга шундай қадаб юборсак,  
Пошналарнинг чиқса абжағи!

Гармонь эса қайгадир ундар,  
Узоқларга етаклар енгил.  
Йиғитчалар, ҳаммангиз дилдор,  
Ажойиб бир авлодсиз, дадил!

Бу йигитлар ажаб баҳодир!  
Тонмайди ҳеч сувдан, оловдан.  
Ҳодисалар дунёда чексиз,  
140 Мана, гармонь саси юксалар.

Ўз сасини соф баён қилиб,  
Руҳга шундай қуйиб қўядир.  
Икки танкчи дер гармончига:  
— Сўзимизга қулоқ сол, дўстим,

Биз қоламиз ремонт-чун ҳозир,  
Сенинг эса йўлинг бошқадир.  
Ҳаёт шундай, гармонни эса  
Не қилайлик, ола қол, дўстим.

Қўлдан қўйма, чалавер эпчил,  
150 Сен бу ишда моҳир жуда ҳам,  
Ўз ииёда қисминг хурсанд қил...  
— Азаматлар, қандай, чинакам?

Ҳайдовчи дер:— Ҳечқиси йўқ, ол!  
Ол, дедикми, бас, йўқ зарари.  
Ҳаваскорди командиримиз,  
Бу гармонми унинг ёдгори...

Олисдаги ўрмон ёнидан,  
Машиналар зўр карвонидан  
Сас янгради колошна сари,  
160 Тўлқинланди юраклар бари...



К. Н. Чуковский

БАРМАЛЕНИИ ЕНГАМИЗ

*Автордан*

*Бу муқаддас урушда дунё маданиятининг юксак қимматлари, гуманизм, демократия ва ижтимоий озодлик учун жанг кетаётганини ҳам сулҳпарвар мамлакатлар Гитлер шайкасини яксон қилмоқ учун бераётган катта қурбонлар мана шу идеаллар билан бутунлай оқланишини мен ҳатто кичкина болаларга ҳам уқтирмоқчиман.*

*Малъун фашизмга қарши курашнинг маънавий негизлари ҳақида биз ўз болаларимизга жуда оз гапирармиз. Ҳолбуки, уларни бу хаддан ташқари катта эпопея ва яловбардорликнинг тумтароқли, қизгин жасорати қизиқтиради. Мақсадларимни яна ҳам яққолроқ кўрсатмоқ учун болаларга илгаридан таниш бўлган Айболитни гавдалантирдимки, у болаларнинг назарида кўндан буён яхшилик, фидокорлик, ўз бурчига ва мардликка садоқат тимсолидир. Шунинг учун ҳам фашизмнинг бузғунчи ва разил кучини унга қарши қўйдим.*

*Доктор Айболит Айболития Кўк тоғнинг этагидаги кичиккинагина мамлакатда яшайди. Кўк тоғнинг орқасида Қутурганя деган жой бўлиб, унда Бармалей ва қонхўр йиртқичлар яшайдилар. Узоқда, каттакон дарёларнинг орқасида Ажойибия деган улуг мамлакат бор. Бу ҳақиқат, озодлик ва бахт мамлакатидир. У кичиккина Айболития мамлакатини қутурган йиртқичлар ҳужумидан (тарихда биринчи мартаба эмас!) қутқариб қолади. Эртагим узунгина бўлди. Бу тўпламда қисқартиш мақсадида унинг бир кўп эпизодларини чор-чочор проза билан айтиб беришга тўғри келади.*

**Биринчи қисм**

Тани заҳар-заққумли Илон  
Чумчуқчани чақипти ёмон.

(Чумчуқчанинг ҳоли танг, кўп танг!)  
Учай деса — йўқдир мадори,  
Йиқилипти йиғлаб қум сари.  
(Чумчуқчанинг ҳоли танг, кўп танг!)

- Келмиш унга тиши йўқ кампир,  
Бу — олакўз кўк Қурбақадур.  
10 (Чумчуқчага қаранг, раҳм айланг!)  
Чумчуқчанинг қанотидан тутиб,  
Олиб кетмиш ботқоқдан юриб.  
(Чумчуқчага қаранг, раҳм айланг!)

Деразадан Типиратикон  
Боқиб дейди: «Элтасан қаён?»  
«Мен докторга элтаман, жоним!»  
«Кампир, кутгил ариқ бўйида,  
У ширинсўз доктор уйига,  
Иккимиз тез элтамиз, жоним».

- 20 Йўл узоқ ва чатоқ йўл эди. Кечаси вақт алла-пал-  
ла бўлганда, йўлчилар суюкли докторнинг уйига етиб  
бордилар. Доктор тезда дори-дармон бериб, Чумчуқни  
даволашга бошлади. Чумчуқнинг касали шундай оғир  
эдики, у ўлиб қолаётгандек кўринар эди.

Чумчуқ тинмай йиғлар, додлар, танг ҳоли,  
Минут сайин кетар эди мадори.  
Узи каби митти ажал кўп яқин...

- Доктор бутун кеча шу оғир касал билан овора бўл-  
ди; эргалаб Чумчуқ соғайди, у деразага пир этиб учиб,  
30 патини чўқилади ва ўзининг кутилмаган вақтда тузал-  
гани учун докторга астойдил раҳмат айтди.

Докторга бошқа касаллар келиб қолди. Қасаллар-  
нинг баъзилари, масалан, Аждаҳо-горилла бўрига ўш-  
шани ёвуз йиртқич эди, баъзилари эса ожиз, лекин:

Ичи оғриган чўлоқ Қурбақа,  
Қаноти сишиқ гўзал Қарқиноқ,  
Бўри тишлаган Қуён ва Улоқ.

мўмин-мақбултой ва юмшоқ кўнгил эди.

- Доктор ожиз ва кичик ҳайвонларни боқади. Йирт-  
40 қичларнинг аччиғи келади:

Бўрининг кўзлари қон:  
«Қурки, Типиратикон,

- Эчки билан овора  
 Бўлади доктор, қара,  
 Бари ҳаром қотсаям».  
 Ким ачинар, ким ер ғам!  
 Бегемот дейди: «Вой-бўй,  
 Уларга мен ем, қўй!  
 Улар — қора халқ бари,  
 50 Улсалар ундан нари».  
 Шунда туриб Аждаҳо,  
 Оғзини очди расо:  
 «Менинг болаларим боқ,  
 Чумчуқларни қув узоқ!»  
 Шақал, Бўри тиржаяр  
 Ва тишларини қайрар:  
 «Жимит Чумчуққа дастёр  
 Докторлар кимга даркор.  
 Сени ғажиб ошаймиз,  
 60 Сенсиз ҳам биз яшаймиз.»  
 Душманларга Айболит  
 Қўрқмай боқар, у — йнгит:  
 «Не қиласиз. Сизда ихтиёр,  
 Парчалангиз мени бемиқдор.  
 Тортқилангиз мени,  
 Ошангиз мени,  
 Лекин билинг, кўп, бениҳоя  
 Лашкар мени қилар ҳимоя.  
 Кечирмайди улар, ўч олар  
 70 Ва мен учун ўлимга борар!»  
 Борган сари йиртқичларнинг ғазаби ёмон,  
 Қонхўр йиртқичлардан асло қутулмас омон.  
 Даҳшатлидир тиши, шохи, туёқлари ҳам,  
 Айболитни ўлдириши мумкинди илдам.

Уруш оловини ёқувчи мана шу бир ҳовуч йиртқич-ларга ёрдам бермоқ учун Қутурганя деган мамлакатдан жуда кўп ёввойи ҳайвонларнинг дивизиялари келди.

### Иккинчи қисм

- 80 Уруш! Зўр жанг! Ҳисобсиз ёв-ла  
 Айболитнинг уйи қуршовда!  
 Боғда Денгиз чўчқалари бор,

Йўлда Йўлбарс — Қоплонлар қатор!  
 «Қани, доктор, чиқиб кўр жангга,  
 Кўрсатайлик жанг нима санга!»  
 У ёвузлар увлаб югурди,  
 Бу томонга кўп тўплар сурди.  
 Энг каттакон тўпнинг бошида  
 Угри боши Бармалей турди.  
 90 У қаққайиб, қаттиқ қарайди,  
 Айболитни нақ мўлжаллайди.  
 Олтмиш тўртта тўпни шу чоқ  
 Дарахтзорга қўйди у қароқ.  
 Кейин ўзи аждаҳо била  
 Яширинди ўрмон ичида.  
 Хохолайди, кулади буткул.  
 Кир пичоқни чархлайди нуқул:  
 «Айболитнинг куни кун эмас  
 Ва қўлимдан қочиб қутулмас!»  
 100 Оқ кўнгилли доктор айтади:  
 «Ёввойилар, қараб тур ҳали!»  
 Содиқ ва мард қўшинларга ёв —  
 Босганини билдирар дарров,  
 «Ниначилар,  
 Сиз разведкачилар,  
 Сиз тез учинг кенг далаларга,  
 У ям-яшил теракзорларга,  
 Хаккалардан сўраңгиз илдам,  
 Қора тўрғай читтаклардан ҳам.  
 110 Бегемогнинг пиёдалари  
 Сув бўйида ё ботқоқдами?  
 Турналарим яхши билсинлар,  
 Бомба ташлаб яксон қилсинлар.  
 Эшигимга қўйингиз тагин  
 Тўпларнинг энг узоқ отарин,  
 Пайт пойлаб разил диверсант  
 Туширмасин бизларга десант!  
 Сен, Қурбақа, пулемётчи бўл,  
 Душманларга сира берма йўл,  
 120 Бир дарахтнинг остида ётгил,  
 Кутилмаган вақтда ҳужум қил.  
 Сиз, қартоллар, бўлинг партизан,  
 Ёв танкларни пачақланг тездан.  
 Бармалейнинг паровозларин  
 Жарга йиқит абжағи чиқсин!  
 Сен ҳам тингла, ёқимтой Чумчуқ,

- Чарчамасин қаноту қуйруқ.  
Уқдай учиб, далага жар сол,  
Барча асаларилар дарҳол  
130 Етиб келсин. ғувуллаб барн  
Бармалейни қувсин йўл сари!»  
Аждаҳолар ва бўрилар аччиқ хохолар:  
«Йўқ, Айболит, бол арилар қутқармас, қочар.  
Биз уйингни босиб олдик, бу бизга макон,  
Энди бундан кетиш йўқдир ҳеч вақт, ҳеч қачон!»

- Лекин бирдан шод ғувиллашиб,  
Эшиклардан, деразалардан,  
Ёпирилди асал арилар.  
Қаён боқсанг, фақат арилар.  
140 Йиртқишларнинг ранги оқарган,  
Чақаверди найзалари кўп,  
Қадайверди ханжар каби хўп.

- Бегемотни чақдилар,  
Танин ўтга ёқдилар,  
Оғзи очиқ дарвоза  
Қулар ботқоққа роса,  
Розидир ўла қолса!  
Арилар ҳеч қўймайди,  
Чақиб-чақиб тўймайди,  
150 Каркидонлар зир қотиб.  
Қочар шаталоқ отиб.  
Қўрқувдан бир Каркидон,  
Бошқасининг шохига  
Бир сакраб минди чаққон.  
Тепасида бол арилар булутдек қалин,  
Чақадилар, қийнайдилар барчасин.  
Чумчуқ шод, бир навдада  
Чирқиллаб куйлар яна:  
«Баракалла, бол арилар! Офарин!  
160 Ҳамма йиртқишлардан кучлироқ, метин.  
Туйғунроқ, ботирроқ эканингиз чин!»  
Бол арилар тепасида қушчалар  
Қўнғироқдек жаранг-жаранг сайрашар:  
«Эй, меҳнаткаш, эй, жанговар,  
Эй, бсомон бол ари!  
Яша, яша! Минг офарин,  
Ҳақнинг шонли аскари!»

## Учинчи қисм

- Зафар! Зафар! Лекин душман бўлмади яксон!  
170 У бадкирдор Бармалейдан бор ҳали нишон.  
У бир дарё қирғоғида туриб, эснайди  
Ва топ-тоза чаманларни янчиб туфлайди.  
Туфуриги унинг жуда ҳам заҳар:  
Туфугидан илоп, тимсоҳлар унар.  
Бармалейнинг атрофида бўғма ўқ илон,  
Тиш қайраган бўриларнинг тумшуқлари қон.  
Кўп ҳаромхўр махлуқлардан бор даста-даста,  
Маст бўлишиб ағанайди, кўм-кўк майсада.  
Бармалейга кўринади гўзал қишлоқлар,  
180 Яшнаб ётган кўм-кўк, кўркам ўтлоқлар.  
Бемаъни бир товуш билан вайсар Бармалей:  
«Қириб ташланг! Маҳв этинг!  
Иўқотинг ва ўлдиринг!  
Бомбалаб айланг яксон!  
На қарига, на болага берингиз омон!»

Ундан кейин тимсоҳлар ҳам ҳар нав маймун  
Хунук тумшуқ ва ёввойи чўчқа бутун  
Бақиради кеча-кундуз шуни ёлғиз:  
«Биз ғажиймиз! Мажақлаймиз! Ўлдирамиз!»

- 190 Узоқ замон доктор Айболит  
Қароқчига тикилар сокит:  
«Бошқа йўл йўқ! Бу ифлос билан  
Энди рўй-рост мен курашаман  
Акс ҳолда бутун халойиқ.  
Бу махлуқдан ўлиши аниқ...  
Унда фақат йиртқичлар қолар».

- Шу вақт учиб келди тўрт қора товуқ.  
Қатта индан учган, хабари совуқ.  
200 Улар қичқирди: «Иш ёмон! Ёмон!  
Яна ерга ўзни олингиз чаққон!»  
Қоронгида бирдан тўртта буқача  
Гудок чалган каби маъради роса:  
«Огоҳ бўл! Огоҳ бўл! — тревога!»

Доктор чиқар балконга шу дам,  
Разм солар кўкка у илдам:  
«Ҳа, тепада учар самолёт,  
Самолётни ҳайдар Бегмот.  
У тасқара Бегемотда бор  
210 Тез отувчи битта пулемёт.  
У учади дала устидан,  
Ён бағирлаб терак учидан,  
Сал пастда у қилади парвоз,  
Пулемётдан бола-чақага  
Отавсрар — раҳм билмас оз».

Бало-қазо! Бало-қазо! Қон!  
Қочар қўрқиб болалар ҳар ён.  
Тинратикон юмалоқлари,  
Қуёнларнинг кўн дўмбоқлари  
220 Қочишар ҳам йиглаб-сиқташар,  
Қий-чув билан жой тоймай шошар.  
Кўтарилар самолёт баланд,  
Шўнгишлари қаҳрга монанд,  
Дала-тошга, чамаи, ўрмонга  
Бомба ташлар, ташлар ҳар ёнга.  
«Ким бор ахир, ким ёрдам берар?  
Бу қароқни ким пачақ этар?  
Кўкка учиб, бу қора калхат  
Патини ким тўкар ниҳоят?»  
230 «— Мен! Мен!»— дея чумчуқ чирқиллаб,  
Навдаларда учар шириллаб:  
«Ё бу жангда ўзим ўламаи,  
Ёки уни ерга йиқаман!»  
Ёв тўплари олдидан Чумчуқ..  
Кўкка учиб кетди гўё ўқ:  
«Учинг менинг орқамдан ҳозир,  
Ун саккизта Турна — баҳодир!»  
Шунда парвоз қилди турналар;  
Булутлардан баландда улар  
240 Атакани бошладилар зўр:  
«Ҳа, лаънати, қани, қочиб кўр!»  
Етиб бориб қилдилар зуғум,  
Қуршов ичра қолди самолёт.  
Титроқ босиб ранги ўчди қум  
Ҳуши кетган разил бегемот.  
Кенг далалар устидан қувлаб,

- Учадилар уни тортқилаб.  
 Ҳаддан ортиқ уп-узун тумшуқ  
 Билан уни санчдилар қуюқ.  
 250 Тумшуқларни қадаб найзадай  
 Ҳар тарафдан урдилар тинмай.  
 Бутун тана бўлди дабдала,  
 Урдилар хўп, қайта ва қайта:  
 «Ҳазонгни торт! Ҳазонгни торт, ўл!»  
 Ҳавомизда ўғрига йўқ йўл.  
 Ожиз, бойқиш бола-чақани  
 Отганинг-чун қўймаймиз сани!»  
 Мана, қаранг: айланиб гир-гир  
 Умбалақаш бўлди самолёт.  
 260 Парчаланиб йиқилди ахир  
 Ботмон-дахсар қўпол бегемот.

Турналарга таъзим қилиб, доктор шундай дер:  
 «Раҳмат, раҳмат, сизлар ботир, сизлар эр!»  
 Довюракли Чумчуққа ҳам деди кейин у:  
 «Хизматингни унутмаймен, Чумчуқчам, мангу».  
 Қушлар деди: «Сенга хизмат қилмоққа биз шод,  
 Ифлос ёвлар, у йиртқишлар ҳалок бўлсин бот!»

### Тўртинчи қисм

- Жанг тўхтамас худди тонг чоғи,  
 270 Тинч ва гўзал бир арчазорда  
 Радионинг қувонч садоси:  
 «Бизлар қўлга туширдик бугун,  
 Юз ўн тўртта йиртқишни бутун.  
 Яна босиб олдик ўнтадан  
 Ун саккизта қора самолёт.  
 Бир юз битта мотоциклет,  
 Бир юз битта велосипед.  
 Бизга тушди яна ўлжа қўн:  
 Бир юз тўртта батарея-тўп.  
 280 Уч юз яшик тушди гранат,  
 Яна битта азростат.  
 Юз йиғирма миллион бутун ўқ,  
 Бу ўқ билан душманни хўп сўқ!»  
 Ёвни Лазер довони сари  
 Қувлаганда уч юз морж пинҳон —



- Яшириниб ўтди биз томон.  
 Шундай деди уларнинг бари:  
 «Биз қилмаймиз ўғрига хизмат  
 Айболитга аскармиз фақат!»  
 Қочар экан душман кейинга,  
 290 Ут қўйипти Оққуш шаҳрига.  
 Қанотлари билан кўп Қартол  
 Учрипти ёнғинни дарҳол.  
 Фалон шаҳар ёнида бутун  
 Асир тушмиш Горилла — маймун.  
 Харобалар остидан нажот  
 Топмиш беш юз гўзал қулун-от.  
 Тўғри, ҳали душманда куч бор,  
 Ҳар томондан урмоққа тайёр.  
 Сўл қанотда тўзмай лапанглар  
 Энг қутурган орангутанлар.  
 300 Унг қанотда увиллаб турган  
 Юз полк бўри — бари қутурган.  
 Лекин бизнинг ғалаба яқин.  
 Одамхўрнинг ваҳший ва озғин  
 Қўшинларин айлармиз, тор-мор,  
 Из ҳам қолмай, битар у беор!

- Аmmo Бармалей билан курашиш фавқулодда қийин.  
 310 Бармалей золим ва маккор. Уни яккалик билан йў-  
 қотиш муяссар бўлармикан? Мана шу вақтда Айболит  
 қошига турналар учиб келиб, зўр шодликдан дарак  
 бердилар:

«Шарқда бордир ажойиб бир мамлакат,  
 Шон ва шуҳрат мамлакати у фақат.  
 Эшитинглар! Эшитинглар! Тингланглар!»

- Бу қаҳрамонлик мамлакати — Ажойибияда Ваня  
 Васильчиков деган шавкатли бир рус ботири яшайди.  
 У эзилганларни ва ожизларни ҳамиша ҳимоя қилиб  
 келган — Айболитга ўзининг жанговар ёрдамчини так-  
 320 лиф этади. Шу вақтдан бошлаб Айболит танҳо — якка  
 эмас. Унинг кичкина Айболития деган мамлакати энди  
 қудратли бир иттифоқчига эга бўлди. Энди Айболит  
 одамхўрнинг сонсиз, саноқсиз йиртқичларига қарши  
 жангга дадил киришини мумкин. Яшасин Ваня Василь-  
 чиков!

Бармалей ўзининг жосуси — Тулкидан жуда муҳим  
 ҳарбий сирни ўрганиб олади: Айболит армиясининг

барча снарядлари Қўк тоғдаги узоқ бир ғорда сақланар экан. Бармалей ўзининг қутурган шақалларидан  
330 бир кўп отрядларни у ерга дарров юборади ҳам у ўқдори омборини динамит билан тезда портлатишни буюради.

Айболитни снарядлардан маҳрум қилсак, у қандай қилиб жанг қила олади? Снарядсиз урушмак мумкин эмас. Айболитга орқага чекинишга тўғри келди.

Ёвуз Бармалей шунда барча тўплардан отди,  
Эрта-кеч отди, отди, ерни-кўкни дудлатди.

У лаънати ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам отди мудом,  
Оқ соқолли Айболит гандираклади тамом.

340 «Мен ярадор... ярадор... оёқдан ҳам сийнадан...  
Мен ҳозир йиқиламан... ҳаво йўқ, бўғиламан...».

Нима қилиш керак? Айболит хавф остида қолди. Лекин мард доктор ўзининг разил душман устидан қатъий ғалаба қозонишига бир зум бўлсин нишончини йўқотмайди:

Жанг қиламен охирга қадар,  
Орсиз ёвни енгамен, албат.

Айболит ўзининг қудратли ҳимоячиси борлигини унутмайди ҳам садоқатли Чумчуқни Ваня Васильчиковга — Ажойибия мамлакатига юборади. Ваня Васильчиков келар ва Бармалейни ҳайдашга ёрдам берар. Аммо Ажойибия узоқ, ёрдам эса шу кун, шу соатда керак. Кошкйди Қўк тоғдаги ғорда яширилган снарядларни олиб ишлатиш мумкин бўлса! Айболит кўзларини узмасдан, Қўк тоққа қарайди. Бармалейнинг йиртқичлари у ерда, тоғ устида эканини кўриб қолиб, ранги ўчади. Улар ҳозир тоғни динамит билан портлатарлар. Бир минут ўтмасдан, снарядли ғор кўкка отилади.

360 Йўқ, йўқ, қаранг... қандай бахт!

Тоғларда парвоз этар

Қўк қанотли қартоллар ҳам қуроолларни элтар.

Шақалларга ҳужум айлар, чўқир, тепар у дадил.

Йиртқичлар қулар, қулар ва парчаланар сабил,

Ҳалок бўлди барча шақал, барчаси ҳалок,

Ғорга тумшуқ тиқолмас биронта нопок,

Сизга шонлар ва ҳурматлар,

Қўк қанотли қартоллар!

370 Энди Айболитнинг снарядлари бор ва янгидан ҳу-  
жумга ўтади. Лекин йиртқичлар галасини епгиш унча  
осон эмас. Бармалей ўлиб-тирилиб, ўзини қўриқлайди.  
Айболитнинг бахтига Ажойибиядан самолётда Ваня  
Васильчиков учиб келади ҳам Бармалейни тум-тарақай  
қочиради.

- Қаттиқ қочди Бармалей тоққа,  
Тошлоқлардан кетди узоққа.  
Мўлжаллади бу ердан секини,  
Зўр ўрмонга кириб бекинсини.  
Ваня қувди қароқчинни хўн,  
380 Дала-даштни чаңгитди у кўл:  
«Йўқ, лаънати, сенга йўқ омон,  
Қилмишингга жавоб бер, шайтон!»  
Унинг ўткир қиличи ёнар,  
Бармалейнинг бошида ўйнар.  
Шунда қаттиқ ҳўнгар Бармалей,  
Ваняга тиз чўқар Бармалей:  
«Ўлдирма мени,  
Сўйдирма мени,  
Ҳолимга раҳм айлагил мени».
- 390 Васильчиков Бармалейга айтади шу чоқ:  
«Йўқ, мен сенга раҳм этмайман,  
Сен разил, олчоқ.  
Сен мингларча инсонларни айладинг ҳалок,  
Минглаб-минглаб ажал оздир, сенга эй нопок!»  
Ваня шунда одамхўрга найза санчади,  
Баланддан у қулаб тушар қўрғуч сингари.  
Юмаланиб шўнғир сассиқ ахлат ўрага,  
Самолардан қуёш боқар чарақлаб яна:  
«Ҳаром қотди пес Бармалей, қолмади зоти,  
400 У лаънати Бармалейнинг йўқолди номи.  
Ариқчаларда ўйнар қундуз билан олмахонлар  
ҳам,  
Шўх сакрашар қуёнчалар, юп-юмалоқ  
типратиконлар ҳам.  
Яшнар энди бутун ер юзи,  
Яшнар дала, тоғ ҳамда ўрмон.  
Яшнар тиниқ кўл кундузи,  
Қўктерақлар куйлар шўх-хандон:  
«Дунёда йўқ Бармалей бутун,  
Қон ялаган, бадкирдор малъун!

- 410 Бармалейнинг ўчди қораси,  
 Эркин бўлди олам нафаси!»  
 Қарғалар ҳам булбуллар каби  
 Сайрайдилар гулларда бари,  
 Ер қаъридан тошган ҳар булоқ  
 Қантдан, болдан хушбўй, тотлироқ.  
 Товуслардек товуқлар кўркам,  
 Мусичалар демайди: «Мен кам!»  
 Сигирлар ҳам энди шод-хандон,  
 Уларга бас келмайди арқон.
- 420 Яшнаб кетди тол, терак, чинор,  
 Сарв каби бари қоматдор,  
 Шодлигидан бари гуллади,  
 Ҳар бирида тўп-тўп гуллар бор.  
 Булутлардан қуйилган ёғин —  
 Ёмғир эмас, ё дўлана дўл.  
 Бу қушларнинг тантилиги чин:  
 Тўкадилар узумларни мўл.  
 Булутлардан қуйилди сочиқ —  
 Шушча олма, попук ва ҳалво,
- 430 Болалар уч ҳафтадан ортиқ  
 Териб-териб тўйдилар расо.  
 Қорини зўр қилиб ноғора,  
 Салқинда дам олди ҳар бола,  
 Бир пастдан сўнг яна ошайди,  
 Қорни яна кўпроқ қаппайди.  
 Еган билан тугамас мева,  
 Ортсанг етмас машина, тева,  
 Урмон, дала устидан бирдан  
 Янграб кетди катта зўр сурон.
- 440 Қарабсанки паровоз билан  
 Тракторлар рақс этар ҳар ён!  
 Ғозлар билан Қурки хушчақчақ,  
 Бойчечак-ла бўтакўз иноқ.  
 Ҳатто камтар писмиқ тегирмон  
 Гир айланиб ўйнайди хандон.  
 Ҳатто йиғлоқ ғамли мажнун тол  
 Қоматини ростлайди дарҳол.  
 Қаранг, бу ҳеч эшитмаган гап:  
 Кулиб қўйди қуёшга қараб,
- 450 Ўйин тушди, қадди баркамол.  
 Дунёда йўқ Бармалей бутун  
 Қон ялаган, бадкирдор малъун  
 Бармалейнинг ўчди қораси,  
 Эркин бўлди олам нафаси!

СССР ХАЛҚЛАРИ  
АДАБИЁТИ



В. А. Липко

ХАТ

Билмайман, севгилим, сенга ушбу хат —  
Ғижимланган, хира қоғоз етарми.  
Билмайман, бўлурми сабру матонат  
Бир неча жумлани сенга битгали.

Лекин янгиланур посбон букун,  
Балки биримизга толе бўлур ёр...  
Агар ёт кўзларни сеҳрласа тун,  
10 Унинг ўзи сени қилур хабардор.

Севгилим, ётамен, тўшагим — сомон.  
Кеча оғир меҳнат узди мажолим.  
Қалб инграр, зирқирар дарддан устихон,  
Тонггача билмайман, не бўлур ҳолим.

Совет тупроғидан уздилар мани,  
Ўсиб ундигим у эркин тупроқдан.  
Бир немис шаҳрига чўри этгали  
Элтдилар... Кўзларим фарқсиз булоқдан.

Лаънати немисга мен — иш ҳайвони,  
20 Сағал имирласанг, ўшқиради: «юр!»  
Ўйнайди бошимда қамчи илони,  
Юзимда, сийнамда яралар чуқур...

Севгилим, очилса тушимда ҳатто  
У сокин, сеҳрли гўшанинг юзи,  
Бир парча рус кўки, бир ютум ҳаво,  
Нина тешигидай руснинг кундузи.

Лекин тунларда туш чалғимас бир он,  
Тунлар ҳам нашъасиз кундуздан бадтар.

Фақат ваҳм хаёл ўрар ҳар замон,  
30 Ҳасратда қоврилиб юрак жим турар...

Мен сенга жуда оз этдим арзи ҳол,  
Билмайман мен яна нелар айтайин?  
Хатда кўз ёшларим қўшиб дердим: ол!  
Йиғидан қуриди кўзлар, нетайин!

Севгилим, ўтинчим сенга ёлғиз шу:  
Мени ҳеч соғинма ва чекма ҳасрат.  
Бошқа бир қизни сев гар бўлса орзу,  
Лекин мен-чун ёвдан қасос ол фақат!



## ДОВУД САСУНЛИ

### 1

- Ҳурмат билан ёд этил сен, Або Малик,  
Ҳурмат билан ёд этил сен, Санасар,  
Ҳурмат билан ёд этил сен, Бағдасар,  
Ҳурмат билан ёд этил сен, Маликсет,  
Ҳурмат билан ёд этил сен, Дзенов-Ован,  
Ҳурмат билан ёд этил сен, Цирон-Верго,  
Ҳурмат билан ёд этил сен, Тирлан-Довуд,  
10 Ҳурмат билан ёд этилсин куйимни  
Тингловчилар ота-оналари ҳам.*

### 2

- Вафот этгандан сўнг Довуд отаси,  
Тегди Миср Маликка унинг онаси,  
Довуд қолди кичик ёшида етим,  
Амаклар йиғилиб сўйлашди им-жим.  
Ован деди:— Цирон-Верго, Довудни  
Сен оласан, ёки мен олайнми?  
Цирон-Верго дейди: «Менинг ўғлим бор,  
20 Сен ол, парвариш қил, ўғил қил уни».  
Шунда Ован олди Довудни, боқди,  
Довуд бўлди унга маънавий ўғил.

### 3

- Бир ой ўтар-ўтмас она соғинди,  
Ўғли учун тезликда чопар юборди.  
Довуд ўринлашди она уйида.  
Миср Малик ҳар кун мизроқ отарди,  
Довуднинг онаси ялинар унга:  
Менинг боламини ҳам бирга олиб бор,  
30 Миср Малик жавоб берар: «Олмайман,  
Ўқ — мизроғим тегиб, ўлдириб қўйсам;  
Гўдакни жўрттага ўлдирган, дерлар».

Шунда жавоб берар яна Довуд онаси:  
— Улдирсанг-да, уни ол, йиғламасин,  
Миср Малик олиб борди Довудни,  
Олиса майсага ўтқазди уни.  
Йигитлар жўнашди мизроқ отишга.  
Миср Малик отди ўз мизроғини,  
Довуд бўйин чўзди,

- 40 Қўлларин ёйди-да,  
Мизроқини илди,  
Шу пайтда Миср Малик аччигланиб, дер:  
«Бир куни бу бола жанг очар менга!»  
Уйга Миср Малик келди газабли;  
Қош-қовоғин солиб ўтиради жим.  
Шу чоғда хотини гаширар унга:  
— Нечун индамайсан, нечун бу газаб?  
Жавоб беради у: «Ҳа, мен не деяй?  
Эл олдида ўғлинг шарманда қилди».
- 50 Хотини дер: — Ахир нима қилди у?  
«Мен буқун мизроқини отганим ҳамон,  
Довуд бўйин чўзди,  
Қўлларин ёйди-да,  
Мизроқини илди».
- Хотин дер:— У гўдак, ҳали эси йўқ,  
Миср Малик шу пайтда хотинга деди:  
«Довуд гўдак бўлса, эси йўқ бўлса,  
Унинг олдига қўй бир идиш олтин,  
Яна бир идишда қўйгил лаққа чўғ,
- 60 Довуд гўдак, ҳали эси йўқ бўлса,  
Қизил чўғин олар, олтинин олмас».

Бир идишда олтин, бир идишда чўғ  
Қўйилди Довуднинг олдига у чоғ;  
Довуд қўл кўтарди олтин олиш-чун,  
Қўлин чекди малак, оловга тутди  
Бармоғин чўққа тикди, бармоқ куйди,  
Тишлаб эди бармоғини, тили куйди.  
Тили куйганида бўлиб қолди гунгалак,  
Сўнг атай бошлашди Довуд-дудуқ деб.

- 70 Миср Малик асрамади Довудни,  
Довуд яна қайтди амак уйшга,

Ован буюртирди темирдан этик,  
Ован буюртирди темирдан таёқ,  
Довуд шундан бошлаб чўпонлик қилди.

Довуд кийиб олди темир этикни,  
Довуд қўлга олди темир таёқни,  
Хайдади яйловга қўзи-қўйларни,  
Далада қолдирди қўйларни Довуд,  
80 Атроф тўқайларда қанча бўрилар,  
Тулкилар, қуёнлар ва ҳар нав йиртқич —  
Бўлса, барин йиғди, подага қўшди,  
Кечқурун хайдади, шаҳар келтирди.  
Сасун кўрди — бутун шаҳар қўрқувда,  
Эшиклар тақа-тақ, ким чиқар уйдан,  
Довуд ўз бошини тошга қўйди-да,  
Зах ерда — далада кетди уйқига.

Тонгда Ован ўзи борди қонига,  
Кўрдикки, тоғларда у беҳад кезган:  
90 Тўзиб кетмиш унинг темир этиги,  
Синмиш унинг темир таёқ-калтаги.  
Ован деди:— Довуд, ишларинг қалай?  
Довуд деди: «Менга қора қўйлар яхши,  
Лекин бўз қўйлар-чи сира ёқмайди,  
Уларни тўқайдан йиғиш қийнайди».  
Ован деди:— Ташла, бўз қўйларни сен,  
Улар қарғишланган,  
Уйга ҳайда фақат ювошларини!

Яна бир кун Довуд чўпонлик қилди,  
100 Яна ҳайдаб кетди қўйларни тоққа.  
Қанча йўлбарс, арслон ҳам айиқ бўлса,  
Барчасин сурди, подага қўшди,  
Сасун кўрди — бутун шаҳар қўрқувда,  
Эшиклар тақа-тақ, ким чиқар уйдан.

Довуд ерга ётди, тонггача ухлади,  
Эрта билан шаҳар эли тўпланиб,  
Бари деди:— Ован, сўзга қулоқ сол!  
Бутун шаҳримизни бузди бу боланг,  
Биз қўрқамиз унинг бўриларида.  
110 Айиқлари, ҳатто қуёнларидан.  
Ован деди: «Агар сизлар қўрқсангиз,

Бориб келтираман Довудни уйга». Жўнади, Довудни келтирди уйга, Нонхона калитин, овқат калитин, Довудга берди-да шу сўзни айтди: — Меҳмонлар келишса, олиб чиққил нон, Еб бўлганларида эшикка узат.

5

120 Хўш деганда бир ой, икки ой ўтди...  
У вақтда Сария, Ован хотини,  
Довуд гўзал бола бўлгани учун  
Унга кўз тикади ва шундай дейди:  
— Етоқхонамга бир киришинг керак,  
Лекин Довуд шундай жавоб қайтарур:  
«Сен меним онамсан, мен ўғлингман-ку».

Сария дер:— Бориб бошимни ювай,  
Довуд эса менга сув қуйиб турсин,  
Менинг баданимга кўзи тушдими,  
Дарров юрагига шайтон киради.  
130 Довудни чақирар, сув қуйгил, дейиб,  
Яланғоч баданни кўриб, гуноҳкор —  
Бўлмаслик-чун Довуд кўзларни юмар.  
Шундай, у сув қуйди — кўзи чирт юмуқ,  
Ованнинг хотини ювуниб бўлгач,  
Қайрилиб қаради ҳам кўриб қолди:  
Довуд кўзларини чирт юмиб олган;  
У ҳўнграб йиғлади, сочларин юлди,  
Юзини юлди-да қора қон қилди!  
Уйига жўнади, то эри келиб  
140 Ҳолини сўргунча шундай ўтирди.

Ован деди:— Хотин, сенга на бўлди?  
Хотин жавоб берар: «Нетайин ахир?  
Лақма, ишонибман, ўғил бердинг деб,  
Билмабман менга эр берган экансан».  
Ован дер: — Эй, хотин, қараб гапир сен!  
Бўлмағур нарса бу; ёлғон сўйлайсан.  
Хотин жавоб берар: «Мен чин айтаман.  
Менга қўл текизди Довуднинг ўзи,  
Ва лекин мен унга ҳеч бўш келмадим».

- 150 — Гап шу эса кечга эшикни боппай.—  
Кечқурун эшикни бекитди Ован,  
Довуд келиб кўрди ва шундай деди:  
«Амаки эшикни бир тепар эдим,  
Эшик ҳам, ўзинг ҳам қулардинг бирдан,  
Лекин на чораки, айб сенда эмас,  
Бу ўсал хотининг сени алдаган».

6

- Довуд ўзи учун ўқ, ёй ясади,  
Шаҳардан олисда овга жўнади,  
160 Ҳар куни овда у беданаларни,  
Чумчуқларни уриб, оқшом чоғида,  
Бир кампир уйига келиб тунади,  
Кампир отасининг қадрдонийди,  
Бу кампир Довудга ана шундай дер:  
Ёсмиғимни босдинг, нечун сен, Довуд?!  
Ёсмиқдан юрдинг-да, ёсмиғим янчдинг.  
Довуд деди: «Ахир мен нима қилай?»  
Кампир шундай жавоб берар Довудга:  
— Отанг овозали бир подшо эди,  
170 Чорваси, мол-мулки жуда кўп эди.  
Отанг ўлгандан сўнг то шу йилгача  
Ован бож тўламас Миср Маликка.  
Миср Малик энди божни дов қилар,  
Ован етти йиллик божни тўлайди.
- Довуд ётди, ухлаб қолди саҳаргача;  
Тонгда турди; ёйни, ўқларни олди,  
Ёсмиқзорга борди, бедана урди,  
Миср Малик элчиси — номи Козбадин —  
Келди, хазинанинг қопқасин очди,  
180 Хазинани санаб, олиб кетмакчи;  
Кампир уёқ борди, элчини кўрди,  
Ёсмиқда бедана овлаган Довуд  
Қошига келди-да, унга сўзлади:  
— Довуд, қоранг ўчгур, нима қиласан!  
Менинг бисотимда ёлғиз шу ёсмиқ,  
Бир парча нонимдан маҳрум қиласан,  
Агар ботир бўлсанг, сен югур, қара,  
Миср Маликдан келган элчи Козбадин,  
Отанг хазинасин олиб кетмакда.  
190 Довуд унга деди: «У қайда? Кўрсат».

- У вақт кампир олиб бориб Довудни,  
 Ўзи қайтди; Довуд кўрдик, бунда  
 Хазинани санар элчи Козбадин.  
 Довуд кўрган ҳамон  
 Кўзин қон босди,  
 Аччиғланди, деди:  
 «Козбадин, буён тур, ўзим санайман!»  
 Козбадин турмади.  
 Довуд шу чоқда
- 200 Кўлини чўзди-да, элчи кўлидан --  
 Тутди; улоқтирди эшикка бошлаб,  
 Мезонни тўнкарди ўзи ўтириб,  
 Ёғоч-ла уриб тагин туширди,  
 Олтинларни тўкди,  
 Қитдай ҳам пул қолдирмади.  
 Бўш мезонни буриб деди: «Буни кўр!»  
 Козбадин дер:  
 -- Ован, қувлаб юбор, бу шум болани,  
 Тўлаш зарур, етти йиллик бож тўла,
- 210 Инонмасанг, айтай Миср Маликка,  
 У келар, Сасунни тору-мор этар,  
 Бошқа шаҳар қураб Миср ортига.  
 Довуд аччиқланди, ўрнидан турди,  
 Мезон билан Козбадин манглайига  
 Урди ва лабларин юлиб ташлади,  
 Тишларин суғуриб, манглайга қоқиб.  
 Дер: «Миср Маликка жўна, жавоб айт:  
 Нимани хоҳласа, кўрсатсин энди...»

7

- 220 Козбадин жўнади Миср Маликка,  
 Аёллар қарайди: Козбадин келар,  
 Нақ оғиз очгандай, хохолагандай.  
 Дейишар: «Етти йил божин ундирган».  
 Козбадин уларга яқин келганда,  
 Аёллар кўради: унинг лаби йўқ,  
 Тишлари қоқилган пенюнасига  
 Улар бу чоқ дейди:  
 «Козбадин, қаердан тентиб келасан?»  
 Козбадин уларга жавоб беради:
- 230 «Мен қайдан қир ошдим, билиб нетасиз,  
 Сасун мамлакатидан бўрон туради»,

- Сўнг Миср Маликка борди ва деди:  
 «Ётти йиллик божини бермади Довуд,  
 Сенинг тўғрингда дер: «На қилса қилсин».  
 Миср Малик жарчиларни юборди  
 Ҳар ерда жар солиб, қўшин йиғиш-чун:  
 «Менга йиғиш керак бир ярим мингта  
 Чақалоқларни,  
 Менга йиғиш керак бир ярим мингта  
 240 Успиринларни,  
 Менга йиғиш керак бир ярим мингта  
 Қора соқол мард,  
 Менга йиғиш керак бир ярим мингта  
 Оқ соқолли мард».
- Айтди, йиғди барчасини бир жойга  
 Сўнг Сасун шаҳрига юритди қўшини,  
 Чодирларин қуриб олди қалъада,  
 Чопарлар юборди кейин Ованга.  
 У деди: — Ован!
- 250 Агар бож тўласанг, тўғри тўлагил,  
 Тўламасанг, Сасунни тору мор қилғум,  
 Бошқа шаҳар қураман Миср ортида.  
 Ован деди: «Урушни биз истамаймиз,  
 Урушмакка тайёр ёлғиз бир Довуд,  
 Тўхта, сабр эт, бизлар ундан сўрайик».  
 Довуд дер: «Отамнинг хазинасини  
 Бермайман, Миср Малик на қилса қилсин».  
 Бу вақт Ован деди Довудга қараб:  
 — Шундай бўлса, шу тун улар келади,  
 260 Босқин ясаб шаҳримизни хароб қилади,  
 Довуд жавоб берар:  
 Барчангиз тарқалинг, уйда тинч ухланг,  
 Тонг чоғида мен қилажакман жанг».

## 8

- Ҳазабланди Довуд, тунда  
 Бутунлай ухламади.  
 Тонгда туриб ёйни, ўқларни олди,  
 Жўнамакчи экан, кампир унга дер:  
 — Сен қайга борасан? — Довуд жавоби:  
 270 «Миср Малик билан жангга бораман!»  
 — Сенда нима? Фақат ўқ билан ёйми?

Миср Малик билан шундай жанг қилмоқчимисан?  
«Нетай менда от ва қилич бўлмаса?»

Кампир деди:— Худо жазонгни берур!

Отангга муносиб келурмидинг сен.

Отангда бор эди бир от — Жалолий,

Чақмоқ қилич,

Ва дубулға,

Олтин жома,

280 Қизил камар,

Унда борди Марутли<sup>1</sup> Биби Марям ҳам.

Ўнг қўлида эди Патараз<sup>2</sup> салиби,

Довуд деди: «Кампир, булар қаерда?»

— Шўринг қуриди, барин амакинг олди!

Бермас яхшиликча нарсаларинг у.

Сен бор, амакингнинг ёқасидан тут,

Ҳеч бўш келма, зўрлик билан барин ол!

У вақт Ован сари Довуд борди-да,

Амакининг ёқасидан у шундай

290 Бўғди, кўзлар косасидан чиққандай бўлди.

Деди: «Амак, сендан талаб қиламан:

Менга қайтар Марут Биби Марямин,

Отам ўнг қўлида осиб юрувчи

Патараз салиби,

Жалолий отни,

Чақмоқ қилич,

Дубулғани,

Олтин жома,

Менинг қизил камаримни!

300 Яхшиликча бермасанг, куч билан олғум!»

Бу чоқ Ован деди:— Ола қол, Довуд!

Бу сенинг сўзингмас — ўргатишгандир.

Отанг ўлган кундан буён кўрмадим

Мен Жалолий деган отни ҳеч ерда,

Миср Маликдан қўрқиб, оғилда тутдим;

Миср Маликдан қўрқиб, эшикни сувадим,

Ем-ҳашак берамиз тепа туйнукдан.

Агар кучли бўлсанг, забардаст бўлсанг,

Бора қол: қаршингда эшик очилур.

310 Довуд борди, оёқ билан бир тепди,

Оёқ билан тепди — девор қулади.

<sup>1</sup> *Марут* — тоғ.

<sup>2</sup> *Патараз* — маъжусийлик худосининг номи бўлса керак.



- Отнинг сағрисини силамоқчикан,  
 Довудни танимай от сапчиб кетди,  
 Деворни бир тепди — девор йиқилди,  
 Довуд фарёд қилди, ҳайқирди, деди:  
 — Оҳ, нетай, сен кимнинг Жалолий оти!  
 Ўйловдимки, жангда сен менга хамроҳ.  
 Худонинг буйруғи — от жавоб берди:  
 «Хўп, мен хизмат қилай сен учун, Довуд,  
 320 Отанг ўлган кундан бвён амакинг  
 Ован мени боқди, лекин v чоқдан  
 Бошлаб мени тутди гўё зиндонда,  
 Кашлоғич-ла мени созлаб тозала».  
 От сағрисин Довуд силаб-сийпади,  
 Тизгача товуклар ахлати хар ёқ,  
 Куёнига чиқарди Довуд бу отни,  
 Минди, чопди, сарой дарвозасида —  
 Тўхтади: шv чоқда Ован хам чикди,  
 Келтирди жамки керак нарсани;  
 330 Дубулға,  
 Олтин жома,  
 Кизил камар,  
 Чақмоқ қилич.  
 Сўнг у деди:— Довуд, Патараз салиби  
 Сандикда ётибди.  
 Сандиқ олдига бор,  
 Тиз чўкиб шvнда  
 Тангрига ялвор,  
 Агар сен отангдек ҳақ йўлли бўлсанг,  
 340 Патараз салиби,  
 Ўнг қўлингда ўзи бирдан  
 Порлаб қолади.

Довуд борди ҳамда тиз чўкиб тврди,  
 Тиз чўкиб йиғлади, фиғон айлади...  
 Тангрининг кудрати: Патараз салиби  
 Учиб келиб, ўзи қўлига тушди.

9

- Довуд минди шv чоқ Жалолий отга,  
 Бошга кийди отасининг дубулғасин,  
 350 Кийли отасининг олтин жомасин,  
 Тақиб олди яна чақмоқ қилични,  
 Белига боғлади қизил камарни.

Қирқ марта ўради белни у камар,  
Ерда судралди у чақмоқ қилич,  
Кўзига тушади катта дубулға  
(Бошга мослаш учун у дубулғанинг  
Ичига нақ қирқ пуд пахта тиқилди!)

- Довуд отда учиб, қўрғонда тўхтар,  
Амакиси унга нима дегуси,  
360 Тўхтар, эшитар,  
Ован унга дейди:  
— Эсиз, эсиз, юз марта эсиз  
Бу Жалолий от!  
Эсиз, эсиз, юз марта эсиз  
Бошда дубулға!  
Эсиз, эсиз, юз марта эсиз  
Бу олтин жома!  
Эсиз, эсиз, юз марта эсиз  
Қип-қизил камар!  
370 Эсиз, эсиз, юз марта эсиз  
Чақмоқ қиличимиз!  
Эсиз, эсиз, юз марта эсиз  
Патараз салиби,  
Эсиз, эсиз, юз марта эсиз  
Ана шу бизнинг ана шу бола!  
Довуд дейди:  
«Саломат бўл, мени ёдингга олдинг.  
Ёллашни унутсанг эди агарда,  
Жангдан бурун сени ўлдургай эдим!»

- 380 Шундай деб от чопиб, шаҳардан чиқди,  
Тангрининг қудрати Жалолий от дер:  
— Сут булок томонга йўрғалат, Довуд,  
Мен қайда тўхтасам, сен шу ерда туш.  
От чопди, тўхтади сут булоғида,  
Довуд унутди-да, твшмади отдан,  
От чарчабди, лея ўйлади Довуд,  
Човига бир уриб, от қобирғасини  
Синдирди. Ғазабли от кишнаб айтди:

- «Қуёшга юксалиб, шу чоқда сени  
380 Кўйдира билардим, ахир сен меңим  
Сўзларимни шунча тез унутдингми!  
Лекин, отанг ҳурмати, сени кечирдим,

Темир устун бўлган жойга чопавер,  
Темир устунга ур қиличнинг билан,  
Агар устунни кессанг, жангга кирамиз,  
Устун кесолмасанг, уйга қайтамиз».

- Ана шунда Довуд тушади отдан,  
От ярасин шифолар сут булоқдан,  
Ўзи ҳам сут ичди ва нон ошади,  
400 Сут булоқ бошида хуррак тортади,  
Бир соат ухлагач, турар, ҳайрон у:  
У шунчалик тўлишган,  
У шунчалик йўғонлашган,  
Унга шунча қувват тўлган,  
Унга шунча қудрат кирган,  
Бўйи ҳам аввалгидан анча ўсган,  
У чоқ Довуд олди дубулғасини,  
Ерга улоқтирди қирқ пуд пахтани,  
Шунда ҳам дубулға қошга тушмади,  
410 Ерларда судратган чақмоқ қилични  
Тақди: тиззасига етмади энди;  
Белини қирқ марта чулғар камарни —  
Боғлади: белчига роп-роса келди.  
Довуд чопди темир устун томонга,  
Етиб қилич солди темир устунга,  
Қилич зарбасидан устун бўлинди.  
Сўнгра Довуд чикди тоғ чўккисига,  
Атрофга қаради, бир нима кўрди,  
Кўкда канча бўлса чақмоқ юлдузлар,  
420 Миср Малик чодир далада шунча.  
Буни кўриб Довуд чўчиди, деди:  
— Мақоми улуғ, шафқатли тангри,  
Ҳар нимарса сенинг ихтиёрингда,  
Бир нимарса қилишим мумкинми ахир?  
Агарда уларнинг барчаси бирдан  
Пахтага айланса, мен олов бўлсам,  
Шунда ҳам барчасин ёқа олмайман,  
Агарда уларнинг барчаси бирдан  
Кўзига айланса, мен бўри бўлсам,  
430 Шунда ҳам барчасин ошай олмайман.  
Шу чоқда от дейди: «Сен қўрқма, Довуд!  
Сен қиличнинг билан қанчани қирсанг.  
Мен ҳам думим билан шунча қираман,  
Қилич қирганларни қирар туёғим;

Фақат мендан тушма, алдовга кўнма?  
Довуд деди:— Фақат мен нима қилсам?  
Яшириниб аста борсам, ўғри сингари  
Чиқиб келди, дерлар; ёвлар устига  
Тикка босиб борсам, ўзим қўрқаман.

- 440 Шундай ўйлаб, кейин шундай қичқирди:  
— Чодирда ухлаган, тезроқ уйғонсин,  
Уйғонган бўлса, у тезроқ қўзғалсин,  
Ўрнидан турдим, зирҳни олсин,  
Зирҳни кийдим, эгар изласин,  
Отни эгарлаган, эгарга минсин,  
Ўғридек келди деб, ҳой, қичқирмангиз!

Шундай деди, чопди, учди қўшинга,  
Икки марта от сурди ёв сафин ёриб,  
Гўё қон дарёси лим тўлиб-тошди.

- 450 Ва қилич қанчани кесиб ташласа,  
От шунча одамни янчиб ташлади.

Бор эди шунда бир кекса донишманд,  
Довудга дуч келди ва унга деди:  
«Нечун одамларни сен ўлдирасан?  
Уларнинг барининг оналари бор,  
Миср Малик бизни зўрлаб келтирди.  
Агар ботир бўлсанг, у билан жанг эт!»  
Довуд дейди:— Қайда унинг чодир?  
Кекса дейди: «Анави ям-яшил чодир».

## 10

- 460 Яшил чодир олдида тўхтаб, Довуд дер:  
— Миср Малик, қани, жанг қилишга чиқ.  
Ажалинг бўлмаса, ажал келтирдим,  
Азроил бўлмаса, Азроил келтирдим.  
Довуднинг онаси дер унга шу чоқ:  
«Миср Малик ҳозир тўшакда ухлар,  
Етти кун ухлайди, уч кун ўтди».  
Довуд дейди:— Ундай-бундай билмайман!  
Уйғотинглар уни, унга жанг пайти!

- 470 Мана, олов ёқиб, темир косовни  
Миср Малик оёғига уралар.

- Миср Малик қичқиради уйқида:  
— Букун ёмон солибдилар тўшакни,  
Бурга чақди мени ҳозир тушимда...  
Довуд унга дейди: «Эй, тур ўрнингдан!  
У бурга эмасдир, қаршингдаги — мен».  
Миср Малик турмай, яна ухлади  
Энди ўт келтириб, омоч тишнини  
Обдон қизиталар, кейин бу билан
- 480 Миср Малик оёғига босалар,  
Миср Малик қичқиради уйқида:  
— Букун ёмон солибдилар тўшакни,  
Бурга чақди мени ҳозир тушимда.  
Довуд дейди унга: «Ҳай, тур ўрнингдан!  
Жанг қилишинг керак бу кун мен билан».

- Миср Малик турди, Довудни таниди,  
Ва Довудга қараб бир ҳансиради,  
Уйладики, бундан бўлур пирпирак,  
Лекин Довуд отда турганча-турди,
- 490 Миср Малик бу вақт Довудга деди:  
— Кел, Довуд, иккимиз бирга еяйлик,  
Бир оз гап сотишиб, сўнг жанг бошлармиз.  
Довуд кўйиб қолди бундай ҳийлага  
Отдан тушди, лекин от қочиб кетди,  
Тоғ бошига чопди аччиғланиб от.

- Бу орада Миср Малик буюрди  
Чуқурлиги қирқ қилич ўра қазиншга,  
Уранинг устига сим тўр тутилди,  
Бу тўрнинг юзидан гилам ёйилди.
- 500 Довудни бу ерга ўтқазган чоқда,  
Урага у бирдан йиқилиб кетди,  
Миср Малик деди:— Мана буни кўр,  
Довуд бил, мен билан жанг қилиш нима,  
Сен чириб битгунча ётавер бунда.

## 11

- Кечаси туш кўрди Дзенов-Ован:  
Мисрнинг юлдузи чақнаб ёнади,  
Сасуннинг юлдузин зулмат қоплаган,  
Ован уйғотди-да, хотинга деди:
- 510 — Тур, хотин, ўрнингдан, мен бир туш кўрдим:

- Мисрнинг юлдузи чақнаб ёнади;  
 Сасуннинг юлдузин зулмат қоплаган.  
 Бизнинг Довудга бир бало етибди!  
 Хотини дер унга: «Хонавайрон бўл!  
 Тинчгина ёт, ухла, бир чалкаш туш-да!»  
 Ован яна ухлаб, яна туш кўрди:  
 Мисрнинг юлдузи чақнаб ёнади,  
 Сасуннинг юлдузи бутунлай сўнган.  
 Ован уйғонди-да, хотинга деди:
- 520 — Тур хотини, ўрнингдан, мен бир туш кўрдим;  
 Мисрнинг юлдузи чақнаб ёнади,  
 Сасуннинг юлдузи бутунлай сўнган.  
 Бизнинг Довудга бир бало етибди!  
 Хотини дер унга: «Хонавайрон бўл!  
 На ўзинг ухлайсан, на менда уйқи».  
 Ован яна ухлаб, яна туш кўрди:  
 Мисрнинг юлдузи чақнаб ёнади  
 Ва Сасун юлдузин булут қамради,  
 Ован уйғонди-да, хотинга деди:
- 530 — Тур хотини, тур, Довуд ўлдирилди, тур!  
 Хотини дер: «Нега ухламайсан ҳеч?  
 Тушда бирон танноз билан ўйнайсан?!»  
 Ован аччиқланди хотинни тепди,  
 Хотини сўнг туриб чироқни ёқди,  
 Ован деди: — Қилич ва қалқонни бер!  
 Мана, Ован қилич ва қалқонни тақди,  
 Бориб отхонанинг эшигини очди,  
 Оқ отнинг сонига биттани урди  
 (Шунда отнинг қорни нақ ерга тегди).
- 540 Ован деди:— Оқ от, қандай чопасан,  
 Довуд турган жойга тез элтасанми?  
 От айтади: «Тонггача элтаман сени».  
 Ован деди:— Сенга шу вақтга қадар  
 Берган ем-ҳашагим ҳаромга чиқсин,  
 Кейин жийрон отнинг сонига урди,  
 (Шунда отнинг қорни нақ ерга тегди).  
 Деди:— Жийрон отим, қандай чопасан,  
 Довуд турган жойга тез элтасанми?  
 От деди: «Элтаман бир соатда мен».
- 550 Ован деди:— Сенга шу вақтга қадар  
 Берган ем-ҳашагим ҳаромга чиқсин.  
 Кейин Қора отнинг сонига урди,  
 Лекин отнинг қорни ерга тегмади,

Қора отни Ован ўпа-ўпа дер:  
— Қора от, сен қандай югурадирсан,  
Довуд турган жойга тез элтасанми?  
От айтди: «Сен менга маҳкамроқ ёпиш,  
Бир оёқни қўйиб узангига, сен  
Иккинчи оёғинг кўтарган чоқда,  
560 Элтаман мен сени Довуд олдиға».  
Қора отга Ован минмоқчи бўлди.  
Қўйиб узангига бир оёғини,  
Иккинчи оёқни кўтарган чоқда,  
Қора от оловдай учди-да, кетди,  
Бир тоғнинг бошига етиб гўхтади.

Жалолий от уни кўриши билан  
Қаттиқ кишнади ҳам тез елиб келди.  
Ован кўриб қўрқди, ичида деди:  
«От қочган бўлса, Довуд ўлибди».  
570 Дзенов-Ован у чоқ қичқирди,  
Унинг қичқириши тоғ-тошни тутди:  
— Ҳай, қайдасан, Довуд! Сен энди ёд эт  
Биби Марямни ҳам ўнг қўлингдаги  
Патараз салибни ёдингдан қўйма!  
Ованнинг товушин Довуд эшитди,  
Довуд эшитди-да, шундай сўйлади:  
«Сен Марутли Биби Марям ва меним —  
Қўлимдаги Патаразнинг салиби!»  
Бир марта шундай деб гавдасин силкди,  
580 Тангрининг қудрати — занжир узилди,  
Ва Довуд ўрадан сакради-чиқди.

Миср Малик унга яқинлашолмас,  
Ован чақирди: «Ҳой, буён кел, Довуд!»  
Довуд Ованнинг келди қошига,  
Ован унга шу чоқ отни келтирди,  
Довуд минди ва шундай деди:  
— Амаки, сен энди уйингга жўна,  
Миср Малик билан мен жанг қиламан.

## 12

590 Чопиб келди Довуд Миср Маликка:  
— Миср Малик, мени у вақт алдадинг,  
Мана энди нима қила олгайсан?

Миср Малик деди: «Бери кел, ўтир».  
Довуд деди:— Йўқ, бизга жанг қилиш керак.  
Миср Малик деди: «Навбатба навбат».  
Довуд айтди:— Уришамиз галма-гал.  
Миср Малик: «Биринчи гал меникидир».  
Довуд деди:— Майли, сен биринчи бўл.

- Довуд бориб турди шу вақт майдонга,  
600 Миср Малик гурзини кўтариб отди.  
Довудни қоплади тўзон қуюни,  
Бу тўзон беркитди қуёш юзини,  
Миср Малик деди:  
«Довуд тупроқ эди, тупроққа кирди».  
Довуд жавоб берди:— Йўқ, мен тирикман;  
Илдам бўл, гурзингни от менга яна.  
Миср Малик гурзини кўтариб отди,  
Довудни қоплади тўзон қуюни,  
Ва бутун беркитди қуёш юзини.  
610 Миср Малик деди:  
«Довуд тупроқ эди, тупроққа кетди».  
Довуд жавоб берди:— Йўқ мен тирикман.  
Миср Малик урди учинчи марта.  
Тўзон таралгандан сўнг деди Довуд:  
— Мен тирикман, лекин навбат меники.

- Миср Малик деди: «Довуд, тўхтагил,  
Қирқ чақирим чуқурликда ўра кавлатиб,  
Уранинг тагига тушмак истайман;  
Устимга қирқ тегирмон тош,  
620 Қирқ хўкиз терисин бир-бир ёпаман».  
Довуд дейди:— Майли, кавла ва ёпин,  
Кўнглинг тилаганин қилавер тагин.

### 13

- Миср Малик ўтиради ўрада,  
Устига қалаган қирқ тегирмон тош,  
Қирқ хўкиз терисин ёпиниб олган.  
Довуд чопиб келиб, урмоқ истади,  
Довуднинг онаси етиб, шундай дер:  
«Боқмадимми сени кўкрагим билан?  
630 Мени ҳурмат қилиб бу гал урмагил».  
Довуд рози бўлди она ҳурмати.



- Довуд чопиб келиб гурзи кўтарди,  
 Миср Маликнинг опаси келди ва деди:  
 «Елкамда опичган эмасмидим мен?  
 Мени ҳурмат қилиб, бу галча урма».
- Довуд ризо бўлди унинг ҳурмати;  
 Ёлғиз бир марта зарб бериш қолди,  
 Довуд чопиб келиб, гурзи кўтарди;  
 Довуднинг опаси келди ва деди:
- 640 «Менинг ҳурматимдан бу галча урма».
- Довуд жавоб берди: «Йўқ, меним галим!»
- Довуд зикр этади тангри номини,  
 Зикр этади ҳамда Биби Марямни,  
 Патараз салибига у сигинади,  
 Сўнгра гурзи билан битта уради.
- Худонинг буйруғи: Довуд урганда  
 Қирқ тегирмон тошни у кесиб ўтди  
 Қирқ ҳўкиз терисин ҳам тешиб ўтди  
 Ҳам Миср Маликнинг бошин ярмисин.
- 650 Миср Малик деди:— Мен ҳали бунда.  
 Довуд жавоб берди: «Гавдангни силкит».
- Миср Малик бутун танин силкитди,  
 Шу вақт икки бўлак ажралиб тушди:  
 Яرمىси у ёқда, ярмисин бунда,  
 Миср Малик шу хилда дунёдан ўтди.

#### 14

- Бу воқеадан бир йил ўтган сўнг,  
 Дзенов-Ован Довудга деди:  
 Миср Маликни сен енгдинг, Довуд,
- 660 Сенга бир хотинни унаштирайин».
- Чимишқик султонни унаштирди у.  
 Баҳодир эди Чимишқик султон,  
 Эрга тегмаган ҳам ўзи гўзал.

Шу вақтларда келиб икки қўшиқчи  
 Довудга мақташди Хандут хотинни.  
 Улар шундай деди:

«У оқми, деб сўрайсан,  
 Қордан оппоқ, аҳ оппоқ.

Нозикми, деб сўрайсан,  
670 Момиқдай нозик, аҳ нозик,  
Қошлар қандай?— сўрайсан.—  
У қаламқош — қаламқош.  
Кўзлари қандай?— сўрайсан,—  
Икки хитой пиёласи.  
Манглайн кенгми?— сўрайсан,—  
Етти эллик ва балки зиёд».

Бу куйини эшитиб, Довуд шундай дер:  
— Чимишкик султонга бормайман, амак,  
Энди бормоқчиман Хандут хотинга.  
680 Қошлар қандай?— сўрайсан,  
У қаламқош — қаламқош.  
Амакиси дейди: «Қирқта паҳлавон  
Етти йилдан буён остонасида.  
Сен унинг дарчаси ёнидан ўтгил:  
Сенга совға берса, у вақт кирасан;  
Бермаса, уйингга қайтиб келасан».

## 15

Довуд сакраб отга минди — ҳайт, деди,  
Хандут хотин уйи томон югурди.  
Хандут хотин ёлғиз бир боқиш билан  
690 Довудни кўрди-да, қувониб кетди,  
Шодлигидан унга отди бир олма,  
Отда туриб Довуд тутди олмани,  
Бу олма йингитнинг кўнгил истаги.  
Отин ҳайлаб чопди дарвозабонга,  
Бу дарвозабоннинг номи Ямдолди;  
Бир лаби кўкракка салқиб тушганди,  
Довуд уни кўрди, бақрайиб қолди,  
Тугилиб ҳеч кимга эгилмаганди,  
Кўрққандан Ямдолга у таъзим қилди.  
700 Ямдол бу ерларда қирқ йилдан буён  
Дарвозабон бўлиб, лекин ҳеч кимнинг  
Саломига жавоб бермаган эди.  
У кунини Довудни кўраркан, қўрқиб,  
Унинг саломига жавоб қайтарди.

Довуд деди:

«Онадан тугилиб шунгача мен,  
Ҳеч кимга таъзим қилмаганман,

Букун Ямдолни кўрдим мен,  
Қўрқиб салом бердим унга мен,  
710 Эҳ, қўрқиб салом бердим унга мен».

Ямдол деди:

«Қирқ йил бунда мен дарвозабон,  
Кимсага салом-алик қилмадим.  
Букун кўрдим Довудни мен,  
Қўрққаннимдан саломлашдим мен,  
Эҳ, қўрқиб салом бердим унга мен».

Довуд деди: «Мен тангридан ўргилай,  
Қўрқиб, саломимга жавоб қайтардинг,  
Мен ҳам қўрқиб сенга таъзим айладим,  
720 Қўрққанингдан саломлашмасанг эди,  
Юрагимни гусса ўлдирар эди».

16

Бу сўзларни айтиб, отни чоптирди,  
Учиб қирқ паҳлавон олдига келди.  
Хандут хотин учун у қирқ паҳлавон  
Етти йил бир жойда ўтиришади.  
Хандут хотин ваъда бермай бирига,  
Довудни кўрганда олмани отди.  
Улар аччиқланди, шундай дейишди:  
730 «Биз бунда етти йил тиз чўксак ҳам, у  
Бағишламас бизга ҳеч қандай совға.  
Сасунли шолғомхўр Довуд келаркан,  
Боқмасданоқ унга олмани отди».  
Буларнинг ёнида ўтирди Довуд,  
Дастурхон ёзишди, келди кўп таом,  
Дастурхон тагига улар яширни  
Қистириб қўйишди ўз қиличларин,  
Етти йиллик апор майи қўйилди,  
Қадаҳлари катта жомашов каби.  
740 Довудга қуйдилар — Довуд сипқирди;  
Янадан қуйдилар — Довуд сўзлади:  
«Жўраларим, бу иш тўғри келмайди.  
Ҳар ким навбат билан ичиши керак.  
Ким маст бўлса жимгина ётсин,  
Кимки маст бўлмаса, ичсин, кайф қилсин».

- Улар Довудга бас келармиди?  
 Яна етти йиллик анор майини  
 Улар ичишди-да, бари бўлди маст,  
 Ҳар бири жойнда юмалаб қолди.
- 750 Довуд деди шунда хизматкорига:  
 «Тур ўрнингдан, дастурхонни йиғиштир,  
 Нонни босиб-янчиш, гуноҳ бўлади».  
 Хизматкори туриб, йиғиштираркан,  
 Дастурхон остига яшириб қўйилган,  
 Яланғоч қиличларни кўриб қолади,  
 Довуд қиличларни йиғди барини,  
 Тиззасига босиб синдирди бирдан,  
 Бир сиқим нинани синдирган каби;  
 Сўнгра хизматкорга берди ва деди:
- 760 «Хуржунга солиб қўй буларни элтиб,  
 Булар яхши пўлат, отимиз учун  
 Қуямиз булардан тақалар, миҳлар».

17

- Тунда бориб Хандут хотин уйига,  
 Бу ерда тонггача ухлади Довуд.  
 Эрта билан туриб ювунмак бўлди,  
 Хандут хотин ўзи сув келтирди-да,  
 Довуднинг қўлига қуя бошлади.  
 Довуд уни қучди, ўпмакчи бўлди,
- 770 Лекин Хандут хотин ўпич бермади.  
 Оғзига мушт билан шундай урдики,  
 Довуднинг оғзидан қон оқиб кетди.  
 Довуд деди: «Хандут хотин, худога  
 Ёлвораман, кўкда тонггача қанча,—  
 Юлдуз бўлса, шунча душман чодир  
 Сенинг шаҳарингни қуршаб олишсин,  
 Барчаси отангнинг ёвлари бўлсин».

18

- Қанча юлдуз бўлса кўкда тонггача,  
 780 Худди шунча чодир тикилган эди,  
 Хандут отасининг шаҳрини қуршаб,  
 Бари Хандут хотин отасига ёв,  
 Хандут хотин деди эрталаб туриб:  
 «Қим жангга чиқади?»

Қирқ паҳлавон шунда деди:

«Ким жангга чиқади?!»

Совғанг кимда бўлса, у чиқар жангга,

Ё истасанг, буюр, бизлар чиқайлик».

Эрта билан турди Довуд,

790 Жалолий отга минди, урушга чиқди,

Ўннга урди, чапга урди,

Ярим лашкарни сурди,

Оқшом яна қайтди Хандут хотинга,

Эртасига яна урушга чиқди,

Довуд билан жангга ёв чидолмади.

19

Душманлар маслаҳат қила бошлади,

Дзенов-Ованга — Сасун шаҳрига

Элчи юбордилар Халап шоҳини.

800 Унга дедилар: «Бизга маълумки,

Сасунда баҳодир жангчилар кўпдир,

Юбор бизга бир баҳодир жангчини.

Бу ерда бири бор, ортиқ зўр ботир,

Уни ўлдирса, сенга еттига шаҳар».

Цирон Вергонинг ўғли бор эди,

Унинг номи эди Парон-Астхик.

Парон-Астхик минди олов отига,

От қанотли эди, шамолдай, бирам

Учди, чопди, етди жанг майдонига.

810 Довуд кўрдик: бу Парон-Астхик,

Кечқурун келиб Хандут хотинга

Деди: «Мен эртага жангга чиқмайман».

Хандут хотин деди:

«Уялмасанг, жангга ўзим чиқаман».

Довуд деди: «У вақт сен менга сўз бер:

Мен жангга чиқаркан, тишга чиқмайсан,

Эшикни очмайсан, туйнук очмайсан.

Хандут хотин деди:

820 «Яхши, мен қоламан эшикни ёпиб,

Ўтираман ҳамда кашта тикаман».

Довуд тонгда турди, жангга от сурди.

20

Довуд борди, қиёмгача қилди жанг,

Парон-Астхик билан қаттиқ жанг этди,

- Қиличлардан учқун тушди туйнукка.  
 Мана, Хандут хотин шу ҳолни кўрди,  
 Унинг ҳужрасига бир шуъла урди.  
 У деди: «Бу нима бўлиши мумкин?»
- 830 Ҳавода булут йўқ, ёмғир ёгмайди,  
 Кеча эмас ҳамда яшин чақмайди».  
 Бу чоқ Хандут хотин бардош қилмади,  
 Турди деразани қия очиб, у  
 Қарайди, кўради: бир олов отлиқ  
 Довуд тепасида гир айланади,  
 Авлоний қилични ўйнатиб силкиб,  
 Довуднинг бошига олов сочади,  
 Хандут хотин эди олима, билгич;  
 У бир китоб топиб, шуни ўқиди:
- 840 Довуднинг бошида қилич ўйнатган  
 Довуднинг амакиваччаси экан,  
 Чарх уриб Довудга олов отади,  
 Бир нима қилишдан Довуд ожиздир.  
 Шу чоқ Хандут хотин куйлади, деди:  
 «Яхшилик қилибсан, амак, бизга сен —  
 Довуднинг бошига сепдинг сен олов,  
 Хандут хотин уйин барбод айладинг —  
 Довуднинг бошига сепдинг сен олов».

21

- 850 Унинг овозини эшитди Довуд,  
 Деди: «Қуриб кетсин, аёлнинг лафзи!  
 Сабр қилмаслигин билгандим ўзим!»  
 Довуд аччиқланди,  
 Мўлжаллади сўнгра отди ўқ-ёйни  
 Парон-Астхик минган отнинг қорнига,  
 От қорнига кирди-да ўқ, сувори —  
 Бошининг учидан чиқди бир зумда.  
 У ерга йиқилди, бақирди, деди:  
 «Оҳ, бу бизнинг бирон қариндош бўлғай!»
- 860 Довуд унга сира таниш эмасди.  
 Довуд деди унга: Сен ўзинг кимсан?»  
 Цирон-Вергонинг ўғли Парон-Астхикман».  
 Довуд деди:  
 «Мен ўз кўзим кўр қилдим!  
 Бизда одат: кимнинг ажали етса,  
 Туғишганин тиззасига бошини қўйиб,

Ўз жонини топширади тангрига».

Ердан олиб Парон-Астхик бошини,

Довуд қўйди аста ўз тиззасига.

870 Хириллади Парон-Астхик, жон берди.

Бунн кўриб Довуд ҳушидан кетди,

Довудни тутгали келди кўп лашкар,

Лекин унинг оти Жалолий айғир,

Довуд атрофида айланиб юрди,

Довуд ҳушга келиб, эгарга сакраб,

Лашкарларни қириб ташламагунча

От Довудни душманга банд эттирмади.

## 22

У кеч Хандут хотинга бормади Довуд.

880 Хандут хотин Довуд ўлган деб ўйлар.

Эрталаб кийди у эркакча кийим,

Отга минди, қурол тақди ва шундай деди.

«Бораман Довуднинг жасадин толиб,

Келтираман ҳамда уни кўраман».

Деди, кетди Хандут хотин

Кўрмак учун Патаразнинг салибин,

Бундан танимоққа Довуд жасадин.

Найза билан туртиб кўрди танларни,

Лекин Довуд бошқа кийимда келди,

890 Хандут хотинни у таниди, аммо

Хандут хотин танимади Довудни.

Довуд деди: «Кимни сен қидирасан?

Сен қидирган одамни

Мен ўлдирганман.

Хандут хотин деди:

«Агар ўлдирган бўлсанг,

Иккимиз жанг қилишимиз керакдир.

Ё мен сени ўлдираман у учун.

Ёки ўлдирасан мени-да ўзинг».

900 Иккиси шу замон олишиб кетди:

Довуд ерга йиқди Хандут хотинни,

Тиззалари билан кўкрагин эзди,

Хандут хотин деди:

«Аҳ, сен раҳм эт менга, мен ахир аёл!»

Довуд деди:

«Аёл эканингни ўзим биламан.

Сен бир кунш мушт билан оғзимга уриб,

- Оғзи-бурнимни қон қилган эдинг,  
Мана булар бари унинг жазоси.»  
910 Хандут хотин деди: «Сен Довудмисан?»  
Довуд деди: «Аҳа, мен ўша одам».  
«Агар шундай эса, сен бўшат мени;  
Довуд, кўрган эдинг қирқ паҳлавонни:  
Етти йилдан буён ўтиришади,  
Улардан ҳеч кимга совға бермадим,  
Сен келган ҳамона сенга бахш этдим.  
Довуд, сен мени бўшатиб юбор.  
Энди мен хотиннинг, сен меним эрим».  
Довуд шу чоқда бўшатди уни.

920

23

Турдилар, келдилар, Хандут хотиннинг  
Саройига, Хандут хотин шунда дер:  
«Ўтирайик еб-ичиб, ором олайик».  
Довуд деди: «Меним шаҳрим Сасундир,  
Йўқ, энди борайик бизнинг Сасунга».  
Нима бор, нима йўқ-барин сотдилар,  
Катта карвон ясаб, Сасун кетдилар.

- Қаршиларига чиқди Чимишқик султон,  
Довуднинг ёнига келиб у деди:  
930 «Ажабо, мен гўзал эмасдим, Довуд?  
Унаштирилгандик, мени севмадинг,  
Мени ташлаб Хандут хотинни олдинг,  
Қани, юр, иккимиз жанг қилишайик,  
Ё мен сени ўлдираман, —  
Хандут хотин билан қолурмиз бева,  
Ё мени сен ўлдирасан, —  
Хандут хотин кучоғига кирасан».  
Довуд деди: «Тингла, Чимишқик султон,  
Меним сенга ёлғиз илтимосим бор,  
940 Ҳозир мен билан келар бир аёл.  
Рухсат эт мен аввал уйга борайин,  
Саккиз кун ўтдим — етиб келаман,  
У вақт биз иккимиз жанг қилишамиз».  
Чимишқик — султон дер:  
«Марутли Биби Марям ҳам қўлингдаги  
Патараз салиби билан қасам ич.  
Шунда кетишингга рухсат этаман».

256



Довуд деди:

- 950 «Саккиз кун ўтганда келмак учун, ҳам —  
Сен билан у чоқ жанг қилмоқ учун  
Биби Марям ҳақи, ҳам қўлимдаги  
Патараз салиби билан онт ичдим».  
Ва Хандут хотинни олиб жўнади.  
Сасунга етди.  
Кирди Хандут хотин қучоғига у,  
Патараз салиби ҳам қасамни  
Унутди; хўш деганда саккиз йил ўтди.

24

- 960 Уйлангандан биринчи йил ўтар-ўтмас,  
Тангри ўғил берди бизнинг Довудга.  
Довуд унга қўйди Мгер деган ном.  
Бошқаларнинг болалари бир йилда  
Қанча ўсса, Мгер бир кунда ўсди,  
Бошқаларнинг болалари бир ойда  
Қанча ўсса, шунча ўсди соатда.

- Бир йил ўтгач,  
Мгер чиқди, шаҳар борди, ўйнади,  
Катта теракларни ерга эгди у,  
Шаҳар болаларин ўтқазди унга,  
970 Тана-бутўқларига қаторлаб терди,  
Дарахт учин бирдан қўйиб юборди,  
Дарахт учи кучли тиккаяр экан,  
Қанча бола минган бўлса, барини —  
Ҳар томонга тарқоқ отиб юборар,  
Шаҳарлилар келиб Довудга айтар:  
«Ўғилчангга ўргат, бундай қилмасин,  
У туфайли болалардан ажралдик».  
Довуд таълим берар, Мгер тингламас.

- Бир дарё оқарди Сасунга яқин;  
980 Мгер саккиз яшар бўлган пайтда,  
Бу дарёга Мгер қурди бир кўприк,  
Кўприкдан одамлар юришар экан;  
Мгер одамларни урди ва деди:  
«Итваччалар, қурдим бу кўприкни мен,  
Лекин сизлар учун қурган эмасман;  
Бу кўприкдан ўтиш сизга мумкинмас!»  
Одамлар бурилиб, орқага қайтар  
Ва дарёни кечиб ўта бошлашар.

- Мгер яна чиқар, урар ва айтар  
990 «Итваччалар, қурдим бу кўприкни мен,  
Лекин қурдим сизлар учун уни мен.  
Нимага дарёни кечиб ўтасиз?  
Сизни сув оқизса гуноҳкор бўлгум».

Одамлар Довудга қилди шикоят.

25

- Довуд борди, роса урди Мгерни,  
Бу чоқ ўғил ёқалади отани;  
Ота-ўғил бир-бирига ёпишди,  
Ана шундай қилиб бошланди муштлаш.  
1000 Шундай муштлаш рўй бердики, чапг-тўзон  
Кўтарилди ва қоплади уларни;  
Тирқиллаб қон оқди афт-башарадан.

- Хабар еткизишди Хандут хотинга:  
«Хандут хотин, тур ўрнингдан!  
Довуд ва Мгер муштлашмакда».  
Хандут хотин туриб, ҳайрон ҳар ён қарайди,  
Қарайди, кўради нима ҳангома?  
У кўради: икки тоғ бир-биридан  
Узоқлашиб, бирдан қаттиқ урилгандек,  
1010 Довуд ва Мгер бир-бирига урилади.  
Йўлай олмас эди уларга одам.  
Хандут хотин шу вақт чақира бошлар:  
«Довуд, урма,  
Довуд, урма,  
Бизнинг ёлғиз боламиз у!»

Довуд урмас,  
Лекин унинг феъли айнаган эди.  
Даҳшатдан Мгерни у қаттиқ урди.  
У вақт Хандут хотин деди ўғилга:

- 1020 «Мгер, урма,  
«Мгер, урма,  
Бу сенинг ёшгина даданг-ку!»

Қулоқ солмас Мгер она сўзига  
У вақт Хандут хотин куйлади, деди:

«Шонлар сенга бўлсин, шафқатли тангри!  
Сенинг иродангининг ҳисоби ҳеч йўқ.  
Буюр, кўкдан энсин малак Жаброил,  
Отани, ўғилни ажратиб қўйсин!»

1030 Тангри буйруғи-ла Жаброил тушди,  
Қўл ёйди-айирди ота-ўғилни;  
Гўё икки хўроз уришар экан,  
Биров келиб дарров айирган каби.  
Довуд қичқирди-да, шу сўзни айтди:  
«Мгер! Сен мен билан муштлашиб ҳамда —  
Ётлар ўртасида уялтирганинг —  
Учун мен энг азиз худога ҳозир  
Ёлвораман: мангу ўғил кўрмагил,  
Қиёматга қадар ажал кўрмагил».

1040 Тангрининг фармони —  
Мгердан ўғил тузилмасин-чун,  
Яғриндан фаришта томирин кесди.

## 26

У лаънатни ўқиб, ўйга жўнади,  
Мгер билан муштлашган чоқда Довуднинг  
Бадани қонларга бўялган эди.  
У дер: «Хандут хотин, сув келтир менга».  
Довуд кийим ечиб, ювунмакчикан,  
Кўзи тушди қўлда бўлган салибга:  
Патараз салиби қорайиб қолган,  
1050 Деди: «Хандут хотин,  
Менинг бошимга етган Мгер эмасдир,  
Патараз салиби мени урибди.  
Чимишкик султонга бораман, хотин.  
Онт ичдим — саккиз кун, ўтди саккиз йил,  
Хотин, мен кетдим».

Шундай деди, отга минди, жўнади,  
Чимишкик султоннинг саройи томон.  
Саройинга Довуд келганини шу дам  
1060 Деразадан кўрди Чимишкик султон.  
Чимишкик султоннинг боғига кириб,  
Довуд ечди бутун кийимларини,  
Ҳовузга тушди-да, чўмилиб олди,

Сувдан чиқиб кийим киймак истаркан,  
Шу вақт деразадан Чимишкик султон  
Отди қизиган темир омоч тишини;  
Омоч тиши кирди Довуд кифтига,  
Ёриб, кўкрагидан чиқди ташқари.  
Ҳалок бўлди Довуд — баҳодир йигит.  
Хабар етказдилар Хандут хотинга:  
1070 «Довуд ўлдирилди, жангга киришмай».  
Хандут хотин олди заҳарли коса,  
Довуд ҳасратида у ҳам жон берди.

# ВАРИАНТЛАР



## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР РУС АДАБИЁТИ

И. А. Крилов бўйича:

*Масаллар—44* — И. А. Крилов. Масаллар. Т., Ўздавнашр, 1944. 51 бет.

*Масаллар—52* — И. А. Крилов. Масаллар. Т., Ўздавнашр, 1952, 54 бет.

М. Ю. Лермонтов бўйича:

41 — М. Ю. Лермонтов. Танланган асарлар, 2-том, Т., Ўздадабийнашр, 1941. 292 бет.

55 — М. Ю. Лермонтов. Танланган асарлар, 2-том, Т., Ўздавнашр, 1955. 567 бет.

*Адмони* — А. Адмони. Нина романси. Т., Ўздавнашр, 1948. 5 бет.

В. Г. Белинский бўйича:

40 — V. G. Belinskij. Poezijanin çinlarga va turlarga bolunişi. Т., ЎзССР Davlat oquv-pedagogik нашрияти, 1940. 74 бет.

48 — В. Г. Белинский. Мақолалар. Т., Ўздавнашр, 1948. 312 бет.

55 — В. Г. Белинский. Танланган асарлар. Т., Ўздавнашр, 1955. 509 бет.

М. Горький бўйича:

46 — М. Горький. Ҳикоялар. Т., Ўздавнашр, 1946. 454 бет.

52 — М. Горький. Ҳикоялар. Т., Ўздавнашр, 1952. 110 бет.

57 — М. Горький. Танланган асарлар, 1-том, Т., Ўздавнашр, 1957. 821 бет.

68 — М. Горький. Асарлар, 1-том, Т., Фафур Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1968. 334 бет.

76 — М. Горький. Изергиль кампир. Ҳикоялар. Т., «Еш гвардия», 1976. 112 бет.

## СССР ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИ

«Довуд Сасунли» бўйича:

Қ — «Довуд Сасунли» таржимасининг қўлёзма нусхаси. Ойбек дастхати. Стандарт ёзув қоғозига араб алифбосида бинафша сиёҳ билан ёзилган. 65 бет. Таржиманинг сўнги 12 сатри сақланмаган.

39 — Davud Sasunli. T. Nafis adabijjat. Davlat нашrijati, 1939, 67 бет.

61 — Довуд Сосуний, Т., Ўздадабийнашр, 1961, 43 бет.

## РУС АДАБИЁТИ

И. А. Қрилов

### ЯПРОҚЛАР ВА ИЛДИЗЛАР (11-бет)

*Масаллар — 44:*

26 Пастдан уларга жавоб берилди шундай:

### УТҚИНЧИЛАР ВА ИТЛАР (13-бет)

*Масаллар — 44:*

*Сарлавҳа:*

### УТҚИНЧИЛАР ҲАМ ИТЛАР

3 Бир дарвоза орқасидан ногаҳон,

5 Сўнгра неча ит бошлади ҳурарга.

11 Тош кўтарсанг улар баттар акиллар.

### ДУБ ДАРАХТИ ВА ЧУЧҚА (14-бет)

*Масаллар — 44:*

4 Сўнгра туриб, ўзича иш бошлади:

21—22 Барча илмий асарлардан қўл силтар,  
У билмаски, илм берур мевалар.

*Масаллар—52:*

9 Чўчқа дейди: — «Майли қурир, йўқ ишим».

М. Ю. Лермонтов

### МАСҚАРАД

(16-бет)

Б и р и н ч и п а р д а

Б и р и н ч и с а ҳ н а

8 М а ъ м у р (41)

17 Майда ўйнинг ёмон (41)

26 Тингла, азиз дўст, кимки катта кечмаса бугун, (41)

43 (кулинч билан) (41)

69 Ҳа, кўп замондан буён сиз билан учрашмадим. (41)

90 Менга қолса ҳеч қачон (41)

104 Қарабсан, инсон эмас, — ўхшамас шайтонга (41)



- 119 Тасвири яхши — лекин асли сиймоси ёмон! (41)  
 136 Унинг нишони ҳам бор, — қўлида тамакидон?... (41)  
 140 Гуржистонда етти йил қилгандир хизмат, (41)  
 144 Бўйнидаги нишонни у ола билган. (41)  
 163 Худди шу саволни мен ҳам бермоқчидим  
 Сизга-да (41)  
 167 Ҳаяжондан юрагим титраб, зир қоғиб, (41)  
 177 К в я з ь (ҳассосланиб унинг қўлидан тутуди) (41)  
 180 Кўряпман — Хўш? Сўнг чора ўлимми! (41)  
 188 Ҳар нарсани ағдаринг: қариндош, дўст, номус, ор (41)  
 202 (Сукут. Князь унинг сўзини базўр эшитади ва ҳаяжон-  
 ланади). (41)  
 224 Биров йўлим тўсмайди... (41)  
 236 Ишқилиб расволаниб қолма уятга, (41)  
 273 Ахир сенга дедим-ку. (41)  
 311 Тасодифдан хушланиб, отилдим ҳаяжонга, (41)  
 318 Бари ҳам менга равшан... барча нозик ёқларин, (41)  
 331 Инонинг деб айтар ким? (41)  
 332 Хў аллақачонлардан бу бўлмиш менга одат. (41)  
 337 Букун байрам экан-ку, дарҳақиқат маскарад бор. (41)  
 348 Унда аёллар... на соз... (41)  
 350 Ҳайтовур йиғиштирди ўйинни... у кўп бало... (41)  
 375 (Кетади ва ўз-ўзича фикр қилади) (41)

#### Иккинчи саҳна

- 8 Қаршимда чувуллайди хил-хил оломон... (41)  
 11 (Князь ҳомуза тортиб яқин келади.) (41)  
 21 Ҳамма ниқоб бемаъно... (41)  
 28 Сарқомат турк хотини... у қандай асл, виқор (41)  
 36 Ҳар ҳолда сиз кўрмайсиз бундан ҳеч зарар юзи. (41)  
 39 К н я з ь ҳам маскали (ниқобли) а ё л (41)  
 92 Ўсал, ёвуз — шу билан ожиз бир инсон; (41)  
 110 Қидирмайман муҳаббат. (41)  
 112 Қидиришни билмайсан. (41)  
 126 Каттадан кетдинг. Сўзни ўзинг ўйлаб кўр буткул! (41)  
 141 А р б е н и н ҳам икки маска (41)  
 142 (Арбенин эркак маскани қўлидан ушлаб келади.) (41)  
 162 (Оломон орасида йўқолади.) (41)  
 190 Ўзгаларнинг ишига сира тикмайман бурун... (41)  
 198 Ҳа, йўқ хазил бус-бутун... (41)  
 207 (Бир қўшиқни ғинғиллаб, жўнайди.) (41)  
 212 (Оломон орасида йўқолади.) (41)  
 234 Билакузук-ла мени қидира қолсин. (41)  
 239 Худди аёл. (41)  
 292 М а с к а (икки қадам нари юриб) (41)  
 293 Ҳақлисиз, ачинаман — билагузугим олинг! (41)

#### Учинчи саҳна

- 25 Бирдан ошибди бу дам — (41)  
 63 Мен янадан денгизга отилган синиқ қайиқ: (41)  
 128 (Тиззасига ўтказади ва ўпадади.) (41)  
 203 Сен янада нохушлик кўрсатасан... худойим! (41)

- 231 Албатта мен тақмаган бұлардмн агар шу (41)  
 276 Бири мансаб, нишонлар ёки шуҳрат қозонар, (41)  
 312 Тусингизни ўчириб, қалтирайсиз? Қани у (41)  
 411 О, бас қил, сен ўзингнинг бу кунчилигинг билан (41)

## Иккинчи парда

### Биринчи саҳна

- 26 Афтга — либоста қараб, виждонини, писқини ўлчар (41)  
 37 Ченада сайр эгаркан, сенга (41)  
 38 Кириб чиқни деган бир фикр келди бошимга (41)  
 83 Обрўсини билган хотин у ерга қандай борар, (41)  
 87 Бунинг каби сўзлардан воз кечмак керак. (41)  
 138 Уч кун бўлди, йўқ кеча, йўқ наринги ҳафтада. (41)  
 145 Ух, бу отинчалар-ей! (41)  
 148 Сизга таклиф қилгайдим...балки топилиб қолар (41)  
 163 Уни мен қилар эдим ким учун совга? (41)  
 195 Adieu, ma chère — эрта кунгача хайр. 41)  
 201 Мен эртага сабсҳдан кутамаи сени ахир (41)  
 217 Айтнинг нима тўғрисида баҳслар этилди? (41)  
 219 Унга айтдимки, сизга йўлиқдим маскаралда? (41)  
 245 Шундайини фақат бир жуфт экан — инондим бутун. (41)  
 271 На-да бирон нарсада дилга ором топамаи? (41)  
 272 Қулоғимга туюлгандай оломоннинг кулиши (41)  
 277 Лекин бу гуноҳимни бошқа бирови олени!... (41)  
 329 Аёл кетарки, эркак мингларча садни яксеи (41)  
 412 Ах, хурсандман, хотирда йўқли дуч келишимиз. (41)  
 439 (Бирмоқлари билан мўғиз жсайди.) (41)  
 450 Воқеа шундай: унинг хотини шу орада, (41)  
 451 Эсимда йўқ, балдами ёки бир бутхонада, (41)  
 478 Бефойда нобуд қилиш албатта улуг гуноҳ. (41)  
 523—524 (Арбенин хатни қўлда тутиб киради, улар ёзув столи-  
 дан чапда турганлар, Арбенин уларни кўрмайди.) (41)  
 528 Арбенин (уларни кўрмасдан) (41)  
 554 Сиздан кечиндан кўра, мен кўнамен ажалга. (41)  
 556 Хат! Ҳа, ҳа ўша — бутун иш энди бўлди алла. (41)  
 559 Қопли жавоб юбормоқ деган истак бор! (41)  
 563 Бир соатлар кутамаи. (41)  
 570 Шпрыхсиз аввалгилар. (41)  
 663 Лекин қайси нарсага у ташаккур қилади? (41)  
 726 Нодошинг бахт деганин қурбон берай сиз учун, (41)  
 736 (Стулга ўзини ташлайди ва юзини бекитади.) (41)  
 746 Ётти ҳам деярли бита ётипти. (41)  
 759 Тўғри эмас. (41)  
 762 Беш минут бундан олдин (41)  
 793 Уйқуда у! Сўнг марта қандай туш кўрар бир? (41)  
 798 (Хона ичига киради.) (41)  
 799 (Икки минут қадар туриб, сўнгга чиқади.) (41)  
 802 Ҳа! Етмади бу ишга на кучим на иродаи! (41)  
 831 Ах! Хароб бўлдим ортиқ... (41)  
 833 Бу на? (41)  
 852 Мен сизни танимаймаи қўйворинг мени бутун. (41)  
 882 Тинч бўлаверинг, ҳозир чиқиб кетамаи, (41)  
 922 Уларни дучлатдингиз... ўргатдингиз... қачондан. (41)

- 978 Аҳ, Баронесса! Йўқ... бунга ишонч қийин. (41)  
 993 Ўз айбимни ўртинга, ювишга мен тайёрман; (41)  
 1003 Келган эмасман сизга. Бизга хос бўлган бутун (41)  
 1004 Ҳаёни ва қўрқувни унутмак керак букун? (41)  
 1075 Ахир сиз қандай қилиб? Князь эвоҳ, бу шарпа, хаёл!  
 (41)  
 1077 Ҳа, Шприх! У гапирди... Ҳамма айб унда ёлғиз. (41)  
 1095 Филхақиқат, мен нима қилишни ҳам билмайман, (41)  
 1096 Шу гаплардан мен фақат англадим шу нарсани: (41)  
 1103—1104 у ерда кўнлар бўлур...  
 Сен бек билан биргасан. (41)  
 1162 Йўқ, сиз билан ўйиндан қўрқмайман, бу гал. (41)  
 1181 Князь, сиз жуда хавфли, йўлдан оздирар одам. (41)  
 1204 Сизга айтиб берайин мен битта латифани, (41)  
 1208 Ўйланган одам — сенинг картанг олди, Қазарин — (41)  
 1211 Князь, Сизда қандайдир хилла ортиқча диққат, (41)  
 1227 (Унга чуқур тикилиб.) (41)  
 1248 Олиб қасосини, (41)  
 1256 Олди... олди... (41)  
 1259 Чалкаштирдингиз. (41)  
 1272 (Карталарни унинг юзига отади). (41)  
 1275 Энди биз тенгаш бўлдик. (41)  
 1306 Киборлар менга қарши — мен сизни ўлдираман! (41)  
 1325 Қонли кўзёшиларидангина оларсан лаззат, (41)  
 1339 Ўзоқ яша, — будир тилак доимо.. (41)

## Учинчи парда

### Биринчи саҳна

- 9 Сизни англамадим-ку. (41)  
 6 Қишлоққа бугун сабоҳ жўнади. (41)  
 19 Наҳотки ўз эркича? — Нима экан нияти? (41)  
 21 Хаёл, роман меваси!... бу қилиқ кимга лозим! (41)  
 38 Ошналикин қўйдим. (41)  
 47 (Князь яқин келади, у билан базўр саломлашадилар).  
 (41)  
 78 Князь, жинни бўлибсиз, сизга шу топда. (41)  
 103 Севаман, — бунга боқмай алдандим қаттиқ ёмон... (41)  
 124 (Муסיкий садолари эшитилади.) (41)  
 128 Ютқизиб қўйган эдим бори-йўғимни тақир,— (41)  
 137 Киссамда ётар эди — чиндан зўр эди хатар (41, 55)  
 139 Бу заҳарни сақлайман ўша замондан буён, (41)  
 247 Нималар гапирасан? (41)  
 365 Шунда-да ҳамма бало. (41)  
 376 Қанақа севги? Шундай ҳаёт не даркор? (41)  
 397 Барчасини унутасан, ўтирасан бедармон. (41)  
 454 Ҳа, сени оз севгандим, менга айт-чи бир дафъа? (41)  
 455 Сен бу эркалашнинг ҳеч билдингми қадрини? (41)  
 461 Жонимни бериш менга бўларди бахт, қувонч иш, (41)  
 486 Ғазабдан, кучлиликдан, азобдан ва уятдан (41)  
 526 Мен чеккан азобларни яна ҳам қутуртирма, (41)  
 564 На бир виждон азоби кўринмас унда ҳозир... (41)

- 571 Айёрлик қутқоролмас... қани, тез гапир: (41)  
 578 Менга энди барибир... Ҳар ҳолда мен ҳар замон (41)

## Тўртинчи парда

### Биринчи саҳна

- 5 Ожизландим, чарчадим қийноқ нчида, (41)  
 27 Арбенин бу ердами? Оҳ қайғули чекади, (41)  
 28 Қараймиз қандай ўйнар экаи комедияни (41)  
 31 Хабарин эшитиб югурдим ҳамон. (41)  
 32 Иложи борми — тақдирда ёзмиш бўлади албат, (41)  
 43 Мотам тутиб келишган ҳаммаси марҳумага. (41)  
 48 Хоним (ҳалишира зодасига) (41)  
 50 Эри ёмонди, ўғли бўлибди ёмон — баттол. (41)  
 89 Ердам ҳам мумкин эмас, сиз ўзингизга жуда. (41)  
 90 Парвариш қилинг. (41)  
 98 Унда қув сифатни булғади ёлғиз, (41)  
 102 Номусимни тегарак, қутқордим ҳалокатдан. (41)  
 107 У ростакам касалдир — ва унинг миясида (41)  
 137 У касалдир ростакам. (41)  
 148 Энг сўнг! (41)  
 166 Ҳа, бу чаққон ажалнинг бордир бирон сабаби. (41)  
 169 Мен икки қадам ортда, тамошачиман бутун. (41)  
 213 Ишонмадим хотинга — мен кимга ишонай, (41)  
 215 Судья эдим — ким мени бу ишончдан қайтарар, (41)  
 223 Пайғамбарларни сира ёқтирмайман, шу замон (41)  
 275 Ютқиздим, — отам хасис ва жуда ночор (41)  
 289 (Арбенин чачраб турмоқчи бўлади, лекин яна ўйга шўн-  
 гийди.) (41)  
 290 Мен ўша ондан бошлаб тарк этдим ҳар нарсани, (41)  
 297 Иззат-нафсини билган, юраги яхлар жойи, (41)  
 315 Жуда аччиғим чиқди — дилим зардобга тўлди (41)  
 386 Билсам эди, мен на кўз, на табассум овлардим, (41)  
 398 Руҳининг аслиги-ла ёнарди порлоқ. (41)  
 429 Қоралангиз, истамайман ва буюраман шунни. (41)  
 468 Арбенин (аччиқ фиғон кўтариб қайтиб келади) (41)  
 469 Қарангизлар, бу ерда! Хайр қарангизлар! (41)

Адмони

### Нина романи

- 166—177 Кўзларингда қайнаб тошаркан  
 Эрксиз кўз ёшлари ва гам,  
 Узга билан бахтсиз яшарсан,  
 Бу менга қилмайди алам.

Ниҳол умринг кемирар ичдан  
 Печак каби дард ёлқини.  
 Нетай? Мен шод, сени ман —  
 Севганим сингари севолмас у.

Кўзларингнинг нурида бир дам  
 Ярқираса бахт ногаҳон,  
 Дардим ошиб, ёнаман пинҳон,  
 Кўксимни қоплар жаҳаннам.

ПОЭЗИЯНИНГ ХИЛ ВА ТУРЛАРГА БЎЛИНИШИ  
(120-бет)

120-бет

- 1 олий турдир./юқори жинсидир. (4); юқори туридир. (48)
- 3 маълум даражада/озми, кўпми сиқилган (40); оздир-кўпдир сиқилган (48)
- 4 Архитектура/Архитектура (меъмор) (40, 48)
- 6 гармонияси/гармонияси (оҳанги) (40, 48)
- 7 ҳайратда қолдиради./ҳайрон қолдирди. (40).
- 7—8 қиррали учлари само саря/қирралик учларини кўмган самога томон (40); ўткир қирралик учлари чўмган самога сари (48)
- 9—10 уларнинг таъсири шу билан чекланади./бу билан уларнинг таъсири чекланади. (40, 48)
- 10 Бу фақат/Бу нарса (40, 48)

121-бет

- 1 нитилишдир/фақат ўтишгинадир. (40, 48)
- 3 бадийи формада ўз ифодасини топган./формага кирган фикр эмас, (40, 48)
- 5 Скульптура/ҳайкалтарошлик (40, 48)  
меъморликка қараганда/қараганда (40)

122-бет

- 1 танаси/бадани (40)
- 3 бир пайтини. тандаги/бир моментини, баданнинг бир вазиятинигина (40)
- 6 фаолияти инсоннинг бутун сиймосини қамрай олмайди, балки инсон танасининг ташқи шакллари/фаолият соҳаси инсоннинг бутун сиймосига ёйилмайди, балки унинг баданининг ташқи формалари (40); фаолият соҳаси инсоннинг бутун сиймосига ёйилмайди, балки ~ (48)
- 8 мардлик/эркаклик (40, 48)
- 9 рассомлик/расм (40)
- 10—11 унинг ички руҳий дунёсини ҳам ўз ичига олади, аммо рассомлик/унинг руҳининг ички дунёсини ҳам қамрай билади, лекин расм (40)
- 11—12 фақат бир пайтини қамраш/бир моментини тутиш (40)
- 15—16 товушлар руҳга кўп нарса берса ҳам, ақлга очиқ ва аниқ қилиб айтмайди./товушлар эса руҳга кўп нарса айтсалар ҳам, ақлга ҳеч нимани очиқ ва белгили равишда айтмадилар. (40): товушлар эса руҳга кўп нарса гапирсалар ҳам, ~ (48)

122-бет

- 25 ҳамма очиқ ва аниқ айирмаларини ўз ичига олади./ҳамма айирмаларини очиқ ва муайян равишда ўз ичига олади. (40); ҳамма айирмаларини очиқ ва аниқ ~ (48)
- 27—29 ташқи кўринишда ифодалайди ва маънавий оламни бутунлай аниқ, пластик образларда уюштиради./ташқи томонда амалга оширади ва бутунлай белгили, аниқ, (48); пластик образларда маънавий оламни ташкил этади. (40)
- 29—33 Бунда ҳамма ички маъно юзага чиқади ва бу икки томон — ички ва ташқи томонлар бир-биридан айрим

- ҳолда кўринмайди, бироқ бевосита жам ҳолида олган да улар аниқ реаллиқни, воқеани гавдалантиради./Ҳамма ички ҳодисалар бунда чуқур равишда ташқи томонга чиқади, ҳам бу ~, кўринмайди, лекин бевосита тўплам ҳолида олганда белгилли, ўз ичига ёпиқ бўлган реаллиқни — воқеани гавдалантиради. (40); Ҳамма ички ҳодисалар ~. (40); кўринмайди, бироқ бевосита гуҷ ҳолида олганда белгилли ва маҳдуд реаллиқни, воқеани гавдалантиради. (48)
- 37—38 тилак, орзу, ният, хуллас/амал, орзу, мўлжал, бир сўз билан айтганда (40); амал, орзу, ният, хуллас (48)
- 41 туб негизга/ичига (40); ички томонига (48)
- 42 воқеа ва хатти-ҳаракат ана шу/воқеа ва амал ана шу (48)
- 123-бет
- 2—5 ташқарига чиқмайдиган ташаббуслар дунёсидир/ташқарига чиқмовчи уринишлар дунёсидир. (48)
- 3—6 туйғу ва онг доирасида қолади, бунда руҳ ташқари реаллиқдан ўтиб яширилади, ташқи оламни ўзида акс эттирадиган ички ҳаётнинг мислсиз жилваларини поэзияга ҳадя қилади/сезувчи ва фикр қилувчи муҳокамада қолади, бунда руҳ ташқи реаллиқдан ўтиб ўз ичига кириб кетади, ўз ичиде бутун ташқи нарсаларни эритган ўз ички ҳаётнинг тусларини, чексиз равишдаги турли жилваларини поэзияга беради (40); сезувчи ва фикр ~ реаллиқдан ~ ўз ичига беради. (48)
- 7—8 биз ҳамма нарсани фақат, у орқалигина қабул қиламиз./ҳам фақат, у орқалигина биз ҳамма нарсани қабул қиламиз. (40)
- 10 икки хил/икки (40); икки турли (48)
- 15 сингари/каби. (40)
- 16 чиқиб қолувчи белгилли, реал ҳаракат тараққий этади./чиқувчи (чиқиб келувчи — 48) белгилли, реал (амал — 40) ҳаракат иккишоф этади. (40, 48)
- 17 ҳаракат/амал (40)
- 17—18 характерга/ҳаракатга (40)  
бўлмайди/эмас. (40)
- 18—22 Бунда хатти-ҳаракат, воқеа бизга бирданигагина ва тайёр ҳолда кўринмайди, биздан яширинган ишлаб чиқариш кучларидан чиққан, ўз ичиде эркин бир доира чизган ва кейин ўз ичиде таскин топган воқеа сифатида кўринмайди./Бунда амал-воқеа бизга бирданига ва биздан яширинган ишлаб чиқарув (чиқариш — 48) кучлардан чиққан, бутунлай тайёр ҳолда бўлган, ўз ичиде эркин бир доира чизган ва ўз ичиде секинлашган (таскин топган — 48) воқеа сифатида кўринмайди. (40)
- 23 хатти-ҳаракатнинг бошланиш/амал ҳаракатнинг бошланиши (40)
- 25—26 Иккинчидан ~ ичларида бекниб қолмайди./Иккинчи томондан, ~ ичларида қолмайди. (40)
- 26 узлуксиз равишда/шубҳасиз равишда (40)
- 27 ички мазмунини амалий манфаатда очад/ички томонининг мазмунини практик (амалий — 48) манфаатда очад. (40)

- 30 уч хилининг ~ ва қисқача обзор қилгандан/уч турку-  
минини ~ /обзор қилгандан (40, 48)
- 32 таққослаш/солиштириш (40)
- 35—36 батамом қарама-қаршидирлар;/тамоман зиддирлар, (40)
- 40—41 Эпик поэзия мавжуд дунё ва ҳаётни кузатишни улар-  
нинг ўзларига нисбатан, ёки уларни кузатувчи шоир ва  
китобхонга нисбатан бутунлай лоқайд ҳолда бўлиш-  
ларига қарамай, мана шу дунё ва ҳаётни кузатишни  
ифода этади./Эпик поэзия ўз-ўзига, шонрга ва ўз ўқув-  
чисига нисбатан асосан объектив, ташқи поэзиядир.  
Эпик поэзияда ўз-ўзига ва мувоқабат қилувчи шонрга  
ёки унинг ўқувчига бутунлай лоқайд бўлган дунё ва  
ҳаёт мувоқабаси ифода қилинади. (40, 48)

124-бет

- 4 дейди Жан Пол Рихтер./Жан Поль Рихтер айтади. (40)
- 5—6 Эпик поэзияши/эпик поэзия қуручи санъатлари (40)
- 6—7 рассомлик сингари санъатларга ўхшатиш мумкин/расм  
(рассомлик, 48) билан солиштириш мумкин. (40)
- 8 музика/музиқий (40)
- 9 10 музикадан айриб турувчи/музикадан айирувчи (40)
- 10 чегара қарийб йўқолиб кетади/чегара бутунлай деярлик  
йўқолади. (40)
- 11 кўпгина рус ~ халқ эсида қолади./бир куй рус ~ халқ  
эсида сақланадилар, (40)
- 13 қарийб/деярлик (40)
- 13 улардаги сўзларнинг/уларда бўлган сўзларнинг (40)
- 14 қўшиливи қарийб/бирикувлари (40)
- 16 эса/маънода эса (40)
- 16 маптиқийлик йўқдир./маптиқийликка эга эмас. (40)
- 16—17 Аммо бу қўшиқлар/Бунинг сабаби шундаки, у қўшиқ-  
лар, (40)
- 17 18 Сўзларнинг қўшилиши натижасида найдо бўлган/сўз  
бирикмалари натижасида тугилган (40)
- 18 музиқийлиги, шеърларининг вази ритми билан/музи-  
қийлиги билан, шеърларининг (40)
- 19 оҳангдорлиги билан./мотиви билан (40)
- 19 20 одамлар айтганидек, ~ сақланиб қолади/одамлар айт-  
ганидек ~ сақланиб келинади. (40)
- 23 ёлғиз оҳангдорлиги билангина чексиз мутлақо оддий  
маънони/ёлғиз музиқийлиги билангина чексиз равишда  
улуг маънони (40)
- 29 ёпилмаган демакдир/ёпилмаган деган маънони (улуг  
маънони — 48) беради (40) лекин ~ бир хилдаги сўз-  
нинг такрорланиши, руҳга қандай таъсир этади./Лекин ~  
бир сўзнинггина такрор этилиши руҳга таъсир қилади. (40)
- 32 балки куйланиши/куйланиши (40)
- 33—34 қайта ишланган/қайта ишланган қўшиқ (40)

125-бет

- 10 муқаррар/муҳаққақ (40)
- 11 сўзлаб/айтиб (40)
- 13—14 ҳечқандай бир аниқ маъно ифода ~ этиб, ҳис ва музи-  
ка садосига ~ фикрга эга./ҳеч бир белгилли маънони ифо-  
да ~ этиб, музиқий садога айланган ~ фикр ташийди.  
(40)

- 19 ширин/тотли (40)  
 21—22 шеърлари қаторига кирадиган/бўлишига тўғри келадиган (40)
- 126-бет
- 2 шайдо қилувчи —/гўзал дилишлар (40)  
 6 серенада/най (40)  
 8 нозанин/ёш (40)  
 9 тўла серепада/тўла бўлган най (40)  
 10 тўлқини ва/тўлқини, югурган ва (40)  
 18 сўнгра/ва сўнгра (40)  
 27 «Эпос, — дейди Жан Поль Рихтер, — ўтмишдан келиб чиққан воқеадан иборат./Жан Пол Рихтер шундай дейди: «Эпос ўтмишдан ишқиниоф (40)  
 31 вақтида/палласида (40)  
 38 мутафаккир шоирининг/шоир — мутафаккирнинг (40)  
 43 турларидан ўтганлиги/туркумларидан келганлиги (40)
- 127-бет
- 2 келишиб бўлмайди./келшмаслик мумкин. (40)  
 3 обрў/авторитет (40)  
 6 кўпроқ/чўнг кўп (40)  
 8 обрў/авторитет (40)  
 9 пайдо бўлгани/келгани (40)  
 9—10 эпопея ҳам лирадан олдин яралган/эпопея лирадан ~ яралган. (40)  
 11 мувофиқдир/мувофиқ тушади. (40)  
 13—14 бўлган табиат ва ҳаёт деб, ~ ва фикрни ~ афсона деб билиш ички мушоҳидадан ва мустақил онг каби фикрдан олдин ўтиши/бўлган буюмлар сифатида ~ ҳам ўтмиш ҳақида афсона сифатида бўлган фикр ички муроқибадан ва мустақил шуур каби бўлган фикрдан олдин келиши (40)  
 17 изчиллик билан/изчиллик тартиб билан (40)  
 24 бўйсунгандир/кўл кучларига бўйсунган. (40)  
 27 бўлиб эмас./сифатида эмас, (40)  
 27—28 чўлларда тарқоқ ҳолда яшаган./яшаган ва чўлларда тарқоқ бўлган. (40)  
 28 ёт бўлган/бегона (40)  
 29 эди./бўлди, (40)  
 35 тақлид қилишдан/тақлидан (40)  
 36 бениҳоя/чексиз (40)  
 38—39 даражадаги тараққиётга эришган/тараққиётга етишган (40)  
 39—40 ҳамма турлари бор./бутун туркумлари бор, (40)  
 4 бир қаторда Вальтер Скотт ижодида эпик поэзия ҳам ўсди, эпик поэзия/бирга эпик поэзия ҳам Вальтер Скотт асарлари орқасида ўсди. (40)  
 6 қардош/қариндош (40)  
 7 асарларида/асарлари билан (40)  
 10 чуқур/тийран (40)  
 17 турини/туркуминни (40)  
 18 бўлак/бошқа (40)  
 20—21 жонлантиради/жонлатади (40),  
 24 асосидан/орасидан (40)  
 25 жозибали/фаттан (40).



- 26 нури/порлоқлиги (40)  
 28 Лиризмсиз ~ драма мазмун жиҳатидан ортиқ даражада прозаик ва совуқ — лоқайд бўлар эди, лиризм ~ қолади/Лиризмсиз ~ эса эпопея ва драма ортиқ даражада тиниқ ва ўз мазмунига совуқ — лоқайд бўлар эди. (40)  
 36 асарнинг/лирик асарнинг (40)  
 37 у/у асар (40)  
 41 воқеа кесилиб қолиши бошқа мавзуларга ўтиб, яна унга қайтиши мумкин:/бошқа мавзуларга ўтиб, яна қайтиб, воқеа кесилиб қолиши мумкин. (40)

129-бет

- 4—5 ҳажм жиҳатидан/ҳажм масаласида (40)  
 7 аниқ/муайян (40)  
 11 ҳаракатнинг/амал ҳаракатнинг (40)  
 11—12 узоқ вақт/анча вақт (40)  
 15 мароқ/мароқ — қизиқиш (40)  
 16 кучли/кучли суратда (40)  
 19 шириң/тоғли (40)  
 32 чиройли ранг-баранг/порлоқ рангли (40)  
 33—34 шу сабабдан гўё «фикрлар»га бой бўлган/Шунинг учун салбий «фикрлар»га бой бўлган (40)  
 37 бағирларидан/манбаларидан (40)  
 39—40 Бу жуда табиий бир ҳол/Бу ҳол жуда табиий (40)  
 41—42 музиканинг оҳанги/музиқийнинг мотиви (40)  
 43 бера оласиз?/беражаксиз? (40)

130-бет

- 6—7 ўхшашлик/бир умумий нарса (40)  
 9—10 мушоҳада/мувоқиб (40)  
 10 онгнинг ~ аниқ тилига/шуурнинг ~ белгили тилига (40)  
 17 шахснинг чуқур қалбидан чиққан инграш/шахс руҳининг чуқурлигидан чиққан инграш (40)  
 20 сарқит/салқит (40)  
 22 мунгли бир соя/хазинли соя, (40)  
 36 булутни/сўнги булутни (40)

131-бет

- 8 жиҳатидан/бўйича (40)  
 9 ҳукмрондир./ҳукм суради. (40)  
 11 инсон шахсидир./инсоний шахсиятдир. (40)  
 11—12 мавҳум бир нарсадир./мавжуд бир нимадир (40)  
 у идрок этишган онг каби/у онгли шуур каби (40)  
 22—23 воқеани истаганича яқунлайди, унга истаганича хотима беради./воқеага истанилган ечилишни, истанилган хотимани беради. (40)  
 25 келтирамиз/оламиз (40)  
 27—29 ҳатти-ҳаракатини/амал ҳаракатини (40)  
 энди кўтарган замоннинг ўзидаёқ/кўтарган замониёқ (40)  
 31 оламиз/қўямиз (40)

132-бет

- 23—24 тақдирга бўйсуниш ~ тайёрлик кўради./ваҳм жазмига бўйсиниш учун тайёрликни кўрсатади: (40)  
 25 йироқда/узоқда (40)

133-бет

- 5 фалокатли тақдири/ваҳм фалокати (40)  
 17 қилмасин/бўлмасин (40)

- 41—42 парчаланиб кетиши мумкин./парчаланиши мумкин. (40)  
 134-бет 7 ёзувчидан гина қиладилар./ёзувчига пичинг қиладилар. (40)  
 14—15 рангсиз кўланка, нурсиз очерк/рангсиз кўлка, кучсиз очерк. (40)  
 22—23 ўқувчида хайрхоҳлик уйғотади, ўзига жалб этади./ўқувчининг аянчини ~. (40)  
 26 асосий/бош (40)  
 27 улуг/доҳий (40)  
 42—43 инсоний хайрихоҳлигимизга муносиб/инсоний тажассу-мимизни жалб этувчи (40)

135-бет

- 2 бир ҳисобда/таъбир жоиз бўлса (40)  
 4 тўсиб қўяди./тўсади, (40)  
 6 четга тортади/айиради (40)  
 10 кўринади./ўзини кўрсатади. (40)  
 14 фақат/ёлғизгина (40)  
 15 чорраҳага/айириш йўлига (40)  
 25—26 отасининг даҳшатли ўлимини отасининг арвоқидан эши-тади:/отасининг васиятли ўлимини отасининг руҳидан эшитади. (40)  
 26 эмас./томонидан эмас, (40)  
 34 натижасидир./хатоси натижасидир. (40)

136-бет

- 2 нафрат/нафрат в жирканч (40)  
 4 билди./кўрди. (40)  
 7 ишонч тугайди;/ишончи битади; (40)  
 9—10 латофатли/тоза (40)  
 16 соф./соф ички, муроқабали (40)  
 19—20 уни идеал ҳаракат оламиндан практика оламига чақира-ди/идеал оламдан, унинг маънавий кайфиятига бегона бўлган амал ҳаракат оламига, практика оламига уни чақиради. (40)  
 20 қалбида/ичида (40)  
 23 озод/сарбаст, (40)  
 24 беғараз қилични алмаштиради/билмасдан қилични ал-маштиради (40)

137-бет

- 1 ҳаққоният/тўғрилиқ (40)  
 7 руҳининг эришган/руҳининг вужудга чиққан (40)  
 11 жасоратини/ўзининг маълум жасоратини (40)  
 12—13 ёмонликка қатъий равишда ундайди./махсус иннга қатъий равишда итаради. (40)  
 15 ёмонликка етакловчи/ёмонликка мусонда (40)  
 16 яратилиши/бориш (40)  
 31 кишига/эркакга (40)  
 36—37 жаҳолатга берилган характери./муҳокамага таслим бўл-маган қизгин эҳтирослари, ўзининг гўдакча—соддадил характери, (40)  
 41 у соф ҳақиқат/у чоқ ҳақиқат (40)  
 43 ҳайвоний ўч олишнинг/ҳайвоний киннинг (40)

138-бет

- 4 чаққонлик/илдамлик (40)

- 14 йўқотмайди/йўқотмайди эмас (40)  
 19 ҳақли равишда киради/ҳақли ўлароқ киради. (40)  
 бирга/баравар (40)

139-бет

- 6—7 қанчалик чуқур мазмун, қанчалик ҳаракат бахш этади!  
 қанча ички ҳаёт, қанча ҳаракат беради! (40)  
 9 нақадар/қанча (40)

140-бет

- 32 жуда ҳам ~ бениҳоя вафодор бўлган хотиннинг қалби-  
 га бундан ҳам чуқурроқ/ортиқ даражада чуқур самимий  
 равишда берилган хотиннинг қалбига яна чуқурроқ (40)  
 35 маънүқининг/севгили кишининг (40)  
 36—37 сезмайди./тўймайди. (40)  
 40 борлигига/борлиги тўғрисида (40)  
 40 41 у ҳалокатга маҳкум бўлса, бу билан Мариянинг тақди-  
 ри ҳал бўлмайди./у ҳалок бўлишга маҳкум эса, Мария  
 учун ҳали масала битган эмас. (40)

141-бет

- 1—2 чўққисига чиққан аёлни/чўққисида бўлган бутун бир хо-  
 тинни (40)  
 4 маъшуқидан бирини/севгилиси ўртасида бирини (40)  
 6 ҳақиқат ва турмушга мослик/чинлик ва воқеликка мос-  
 лик (40)  
 11 зўр тантанаси/қандай тантанаси (40)  
 14—15 Орлик саҳнаси/Орлик ўртасидаги саҳна (40)  
 15 Мария билан онаси саҳнаси/Мария ва унинг онаси ўр-  
 тасидаги саҳна (40)  
 21—22 аксарисида/кўпида (40)  
 22 бу камчилики/буни (40)  
 26 мана шу/бу (40)  
 28 совуққонлик/шахсиятсизлик (40)  
 31—2 улар гўё одамда қалб борлигига гумон қилмайдилар./  
 улар гўё ички одамнинг мавжуд эканини гумон қилмай-  
 дилар, (40)  
 36 фазилатдир/мозийятдир (40)  
 41 кўрсатамиз./исбот қиламиз, (40)  
 42 фавқулсда/одатдан ташқари (40)  
 42 қолдиради/кўрсатади. (40)

142-бет

- 4 том маъносида/сўзнинг тўла маъносида (40)  
 6 ҳаракат этучи шахсдир./ҳаракатчи шахсдир. (40)  
 9 беҳад/чексиз куч билан (40)  
 11 шакли/формал жиҳати (40)  
 12 ривожланиб боришида/ўсувида (40)  
 16—17 энг чуқур жойларида/яширин чуқурларида жилвалан-  
 ган (40)  
 22 фожиали муносабати/трагедияли муҳаббати (40)  
 24 энг чуқур жойларига/яширин чуқурларига (40)  
 39 кўплар/бир кўп кишилар (40)

143-бет

- 4 рад этилган/рад этилган — танилмаган (40)  
 7—8 лекин қуёш чиққанда, унинг нури иситгани каби/лекин  
 қуёшда янги ўзгарган шаклда кўринган табиатни қуёш  
 нури иситгани каби (40)

- 11 севишига/топинишига (40)  
 15—16 аёлниг чуқур қалбининг, эйтироф этилмаган ишқининг/чуқур ҳақиқатнинг танилмаган ишқининг (40)  
 21—2 Бу қандай ажойиб картина,/Бу нарса ўзинча ҳам қандай картина, (40)  
 25 «Саҳрода йўл кўрсатувчи»/«Чўлда йўл кўрсатувчи». (40)  
 27 намунасидир./намунасини кўрсатади, (40)  
 28—29 елкасида ов милтиги билан ўтказган,/елкасида ов милтиги осароқ кечирган, (40)  
 30 ихтиёрий/кўнгилли (40)  
 31 тангри яратган/тангрининг яратдиги (40)  
 32 баландпарвоз суҳбат/руҳли суҳбат (40)  
 40 абадий/мангу (40)  
 42—43 арслон каби мард бўлишига қарамай нозик қалб эгаси бўлган одам/арслон каби мард кўкракда нозик қалб ташинган одам. (40)

144-бет

- 10 кўксида/сниймосида (40)  
 12 кўнгли очик/руҳи очик, (40)  
 14 фурсатни ҳеч қўлдан бермасдан,/ҳечбир фурсатни қочирмасдан. (40)  
 17 гаплашадиган вақти келади,/фикр алмашув вақти келади. (40)  
 32 қисади/сиқади. (40)  
 36 ўзига насиб бўлмайдиган бахт/ўзи кўролмайдиган бахт (40)

145-бет

- 1—2 Унинг айрим ерларига қизиқиб қолишдан хавфланиб/унинг жузларига қизиқиб кетишдан хавфланиб (40)  
 3 ишора/ишорат (40)  
 4 бир қанча/бир қатор (40)  
 6 мунтазам равишда/изчил равишда (40)  
 17 саҳрода йўл кўрсатувчи»/чўлда йўл кўрсатувчи». (40)  
 21 ижоди/ижодий даҳоси (40)  
 22 қирралик/қирраланган (40)  
 32 мароқли/интереси (40)  
 35 асосий/бош (40)  
 39—40 фикрини/шуурини (40)

146-бет

- 5 ватан душмани/ватан душмани сифатида (40)  
 19 ўжар ота/бир сўзли ота (40)  
 20 ҳузуридан/олдидан (40)  
 38—39 кўланкаларига/кўлкаларига (40)

147-бет

- 3 икки жиҳатни/икки қарши жиҳатни (40)  
 9 яраштиради/келиштиради (40)  
 10 азобланган/азоб кўриш (40)  
 15 бунча мураккаб эмас,/оз мураккаб, (40)  
 19 лекин башаралари деярли ўзгармай бўрттириб ифодаланади./лекин деярли ўзгармовчи башарага эга бўлган, қабарик/ифодали. (40)  
 28 мумкин бўлган/имкони бор ҳолат (40)  
 30 мароқи/интереси (40)  
 36 мароқи соҳасида/интереси соҳасида (40)

- 148-бет  
2 поймол қилинган/топталган (40)  
кишиларгина/кишиларга (40)
- 149-бет  
1 тенглашиб кетади/мувозанатга келади (40)  
20 олийжаноб/асл (40)  
27 мушоҳададаги/мушоқабаси (40)  
28 одам шахсининг/шахсий одамнинг (40)  
29 ва унинг ўзига/ва ўзига (40)  
31 ўз хусусиятига кўра/ўз хассослиги бўйича (40)
- 150-бет  
6 ҳар бир турининг/ҳар жинсининг (40)  
11--12 кўринишни тасвирлай/кўринишида беради (40)  
12--13 ва умуман буюм нималиги ҳам қандай бўлиши ҳақида фикр юритади/ва буюм нималигини, ҳам қандай бўлса, шу шаклда умуман инкишоф эттиради. (40)  
прозадан/боситликдан (40)  
27 кузатиш/мушоқоба (40)  
32 коннотнинг бошланғич илоҳий кучлардан/бошланғич субстанциал кучлардан коннотнинг (40)
- 151-бет  
1 кўр-кўрона/ғайри шуурий (40)  
40 онгининг/шуурининг (40)
- 152-бет  
1 даврларида/замонларида (40)  
21 гуруҳларга айрилиб/фирқага айрилиб (40)
- 153-бет  
1--2 лекин унинг/лекин (40)  
16 хуллас./бир сўз билан айтганда. (40)  
20 замонларда./манзарадан (40)  
гойт даражада/буюк ўлчовда (40)  
34 ривожлантирилган/ўстирилган (40)
- 154-бет  
36--37 ижод этувчиларида/яратувчиларида (40)  
6 ўхшашлиги бор/умумий ўхшашликка эга. (40)  
20 булар ҳаммаси/буларнинг барчаси (40)  
31 мос/мувофиқ (40)  
31 қисмлар/жузъалар (40)  
38 қисмлардан/жузъиятлардан (40)
- 156-бет  
19--20 асарларнигина келтириш мумкин;/асарлар келтирила билинади (40)  
21 --22 ва айниқса Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» эпослари/ лекин эпосга намуна ўлароқ кўп вақт Гомернинг эпослари - «Илиада» ҳам «Одиссея» хизмат қилади. (40)  
26 бири унинг халқчиллигидир;/бири халқчилликдир. (40)  
35 кейинчалик/кейинча (40)  
39 ҳаракатсиз фикри/мушоқабасиз фикри (40)  
40 эстетикасининг/санъатининг (40)  
43 инсониятга/кишиликка (40)
- 157-бет  
13 таъсир қилади./ва унга таъсирини сўзлайди. (40)  
15 қилиб бўлмайди./қилинмайди. (40)  
21 гўлдирайди/какалайди. (40)

- 23 халқ моҳияти ҳаётининг/халқнинг субстанциал ҳаёти (40)
- 31 худди/наҳ (40)
- 32—33 мазмун берди/мазмун бўлиб хизмат қилди. (40)
- 39 яна шундайдир/шундайдир (40)
- 158-бет*
- 1—2 лекин астойдил тикилиб қарасангиз,/лекин ўткир боқиш билан қарасангиз. (40)
- 8 илоҳий сифатдир/худо сифатдир (40)
- 21 жамлаб/тўплам равишда (40)
- 6 танада/баданда (40)
- 8 улугворлик/буюклик (40)
- 33 тумтарақай қилиб/тумтарақай (40)
- 42 ўзинча/ўзлигидан (40)
- 159-бет*
- 3 хусусиятигина/хоссаси (40)
- 26 мувофиқ/маъқул (40)
- 38 кучга боғлиқдир./кучдан ўзгаради. (40)
- 160-бет*
- 8 беқисс даражада/солиштириб бўлмас даражада (40)
- 8 исмидан маълум/исми кўрсатгани каби, (40)
- 12 ўсиб кетган/тарвақайлаб кетган (40)
- 15—16 поэмани намуна қилиб кўрсатдик./асарни намуна ўлароқ қабул этган эдик. (40)
- 30 мумтоз бўлмас эди./мумтозликка эга бўлмас эди. (40)
- 34 мингга/минг дона (40)
- 36 катта афзаллик/буюк ортиқлик (40)
- 4—5 астарини/ич юзини (40)
- 6—7 ётоғига/ётоқ уйига (40)
- 162-бет*
- 7 шоҳиди/мууроқаба (40)
- 9 қиммати жиҳатидан/қимматига қараб (40)
- 11 бир қаторда туради/бир қаторда ўрин олади (40)
- 13—14 гениал романчиси Купер/романчиси доҳи Купер (40)
- 15 бўлак/бошқа (40)
- 16 ўшашлиги йўқдир./умумийликка эга эмас, (40)
- 20 романнинг ўзгинасидир/романдир, (40)
- 22 моҳиятига қараб белгиланади./моҳияти билан шартланади. (40)
- 25—27 жанжаллашгани тўғрисида» номли повестлари энг яхши повестлардандир./жанжаллашгани тўғрисида ривоят» номли асарлари повестнинг энг яхшиларидандир. (40)
- 28 номли повести ҳам бунга/деган повести бунга (40)
- 30 шуни кўрсатадики,/кўрсатадики, (40)
- 31 бемаҳал вафот этмаганда/вақтсиз ўлмаганда (40)
- 32 бўлак/бошқа (40)
- 33—34 жаноб Лермонтовнинг/Лермонтов афандининг (40)
- 36 гениал/доҳий (40)
- 40 тилга олинишига лойиқ бўлган/ёдланишга лойиқ (40)
- 163-бет*
- 11 мароқли бўлса-да/интересга эга бўлса-да (40)
- 15 яратди./ёзди. (40)
- 21 фарқ қилувчи/белгиловчи (40)
- 164-бет*
- 5 киришмаган/бошламаган (40)

- 19 ичра/бўйича (40)  
40 одамлар/халқ (40)
- 165-бет  
33 солиб/келтириб, (40)  
33 илоҳий/субстанциал (40)
- 166-бет  
12 бўёқ/ранг (40)  
25 тури/жинси (40)  
27 масалчилар бор/масалчиларга эгадир. (40)  
36 мавзу/буюм-мавзу (40)  
39 туйғулар/сезгилар (40)  
42 ҳаёт/яшаш (40)
- 167-бет  
2 ҳамма/ҳар (40)  
8 бсҳад/чексиз (40)  
11 субстанцияга оид нарса/субстанциал нарса (40)  
26 қандай мавзу бўлиши мумкин?/қандай мавзу? (40)  
35 кузатишимиз/муроқабача (40)
- 168-бет  
23 мавҳум/абстракт (40)  
27 шу хилдаги камчиликларини/шу кўрсатилган камчиликларини (40)  
33 «Тантанали ода»ларидан/«Тантанали қасида»ларидаги (40)  
37—1 университет дарсларида ўқиб берадиган/университет дарсларида ўқиб беради (40)
- 169-бет  
3 руҳини оғир/руҳини маънетик равишда оғир (40)  
5 онгининг/шуурнинг (40)  
8 прозаик/оддий (40)  
13 ташқарида/хорижида (40)  
17 кузатиш/муроқабача (40)  
23 кўп бошланғич ва биринчи моментдир/кўп даражада абстрактдир. Бу лирик поэзиянинг бошланғичи ва биринчи моментидир, (40)  
24 гимнлари/қўшиқлари (40)  
25 характердадир/характерга эгадир (40)  
29 «Шодлик гимни»/«Шодлик қўшиғи» (40)  
40 Бу хил/Бу жинсдаги (40)  
42 Шоир субъекти/Шоирнинг субъективлиги (40)  
43 ода/қасида (40)
- 170-бет  
2 мароққа/интересга (40)  
5 тантанали характерга/тантанали, тумтароқли характерга (40)  
14 ўзини қизиқтирган/қизиқтирган (40)  
34 бениҳоя кўп/чексиз равишда кўп (40)  
34 шаклдаги/шаклда бўлган (40)  
38 бўлак/бошқа (40)  
40 сезгиларини/муроқабаларини (40)
- 171-бет  
4 шулар жумласидандир./шуларга кирди. (40)
- 172-бет  
5 тугуни/боғичи (40)

- 7—8 шоирнинг дунёқарани, мавзуга қарани/шоирнинг мавзуга қарани (40)  
 40 киради/мансубдир (40)  
 43 халқчил бўлишини/халқчиллигини (40)
- 173-бет*
- 2 «Афсункор Олег/«Қароматли Олег (40)  
 4 бирор/қандай бўлмасин бир (40)  
 6 муҳим нарса, муҳим бўлган нарса (40)
- 15—16 Жуковскийнинг ўзи ҳам бир неча балладалар ёзган. Уларнинг ~ олинмаганларидир./Уларнинг ~ олинмаганларидир. (40)
- 24 25 таржималари билан/таржималари орқасида (40)  
 35 кичик/майда (40)  
 36 Вальтер Скоттнинг/Вальтер Скоттнинг лирик дostonлари (40)  
 39 йўқ деярли./деярли йўқдир, (40)
- 174-бет*
- 3—4 лойиқдир/арзийди (40)  
 7 тўғрисида/ҳақида (40)
- 9 10 эргаштириб олиб борди./олиб борди, (40)  
 13 майдонга/ўртага (40)  
 14 оқимдан кетган/оқим бўйича кетган (40)  
 15 аниқлаб/белгилаб (40)
- 18 19 Лермонтовдай майдонга чиқни./Лермонтов каби ўртага чиқни билан, ҳеч ким (40)
- 20—21 кўрсатишга ҳеч ким муяссар бўлган эмас/кўрсатган эмас. (40)  
 22 жиҳатидан/бўйича (40)  
 27 халқчиллик гирдобида/халқчилликнинг чиқилмас гирдобида (40)  
 35 у ҳам эмас, бу ҳам эмасдир./на у ва на будир, (40)  
 36 узвий/органик (40)  
 41 мушоҳада/мушоҳаба (40)
- 175-бет*
- 5 тўдасидир/ластасидир, (40)  
 7 8 тасвир қилишга/тасвирга (40)  
 17 жойлар/қисмлар (40)  
 17 дарғазаб/аччиғланган (40)  
 23 бошқа ёрдамчи мароқларга ёт/бошқа интересларга бегона (40)  
 27 воқеанинг бориши ва тараққиёти механизмида/воқеанинг юриши ва тараққиёси механизмида (40)
- 32—33 Драманинг бутун қизиқлиги асосий шахсда, тақдирида, драманинг ~ тўпланиши керак/Драманинг ҳаракати бир интересга тўпланиб, бошқа интересларга бегона бўлиши керак. Романда баъзи бир шахс воқеага чиндан иштирок қилувчи билан эмас, балки органик характерга эга бўлгани учун жой олиши мумкин, драмада эса воқеанинг юриши ва тараққиёси механизмида зарур бўлмаган битта ҳам шахс бўлмаслиги керак. Соддалик, у қадар мураккаб эмаслиги ва ҳаракат бирлиги (асосий идеянинг бирлиги маъносиде) драманинг асосий шартларидан бири бўлиши лозим; унда ҳамма нарса бир мақсадга, бир мўлжалга қараб йўналиши керак. Драманинг



- интереси бош шахсда, тақдирида драманинг асосий фикри ифодаланадиган шахсда тўпланиши керак. (40)
- 176-бет  
23—24 ҳамдардлик/таважжуқ (40)
- 177-бет  
4 бемаҳал ва жабран ўлиш/вақтсиз ҳам жабр қўлида ўлиш (40)
- 177-бет  
21 Гименя лаззатини/лаззатини (40)
- 178-бет  
16 беҳаё/уятсизча (40)  
19 кутилмаган/иттифоқан (40)
- 179-бет  
18 абадий/мангу (40)  
28 бундай бахтли бўлдилар./бундай бўлдилар. (40)
- 180-бет  
16—17 Сиз энди унга ҳурмат кўрсатибгина қолмайсиз. Сиз ~ зорланасиз./Сиз зорланасиз. (40)  
31 ҳақли равишда комедия элементи/ҳақли ўлароқ комик (кулги) элементи
- 181-бет  
7—8 бир хилда ҳуқуқлидирлар./тегис ҳуқуқлидирлар. (40)  
8 ҳаммаси бир хилда/барчаси бир текис (40)  
10—11 романда оз йўл қўйилса ҳам, /романда оз мусонда қилинсада (40)  
22 беқиёс/ўлчовсиз (40)  
22 шахзода/принц (40)  
25 кулгилидир./кулунчдир. (40)  
29 қизғин/қайноқ (40)  
42 прозаник йўл билан ҳам, шеър билан ҳам/сочма билан ҳам, назм билан ҳам. (40)
- 182-бет  
13 зўр/буюк (40)  
23—24 бўрттирилганлиги,/қабариқлиги (40)  
24—25 шуъла берувчи ўй,/рефлектрланувчи ўй, (40)  
29 баландлиги,/юқорилиги (40)
- 183-бет  
10 шуҳрат қозонган/шуҳрат олган (40)  
29 жиҳатидан/бўйича (40)  
38 эпос ёзувчи./эпик (40)
- 185-бет  
3 бутунлай/ҳамнишалик (40)  
3 тўла ҳаёт/ҳаёт абадиятининг (40)  
14 мушоҳадаси/мувоқабаси (40)
- 186-бет  
2 гениал/доҳий (40)  
15 бўлак/ташқари (40)  
24 комедиясига/трагедиясига (40)  
39 нав/жинс (40)  
40—41 масалан, Гётеннинг «Клавиво»си шундайдир./!ўйқ. (40)  
43 абадий/мангу (40)
- 187-бет  
5 бахтиёр/мақсуд, бахтиёр (40)  
10 сўхбатда, мукалимада (40)

- 38 поэмаларда/достонларда (40)  
38 деҳқончилик/зироат (40)
- 188-бет
- 5 хусусият ва/хосса ҳам (40)  
8 агрономик поэмаларини,/агрономик (зироатга доир) достонларини, (40)  
42 мангу/сокин (40)
- 190-бет
- 19 учиб тушаётиб ярқираб,/йиқилиши билан ярқираб, (40)
- 1 жиҳатидан/бўйича (40)  
3 Одоевскийни/Одоевскийни ганираамиз (40)  
13 ньесаларнинг умумий манзараси/ньесаларнинг колорити, умумий манзараси/ (40)  
16 «Княжна Мими»/«Князь хоним Мими» (40)  
32 Бал/Базм-бал (40)  
32 ҳисобсиз/чексиз (40)  
36 жодугарнинг/соҳиранинг (40)  
43 заиф/кучсиз (40)  
43 бақрайиб қолган/бақрайиб қотган (40)
- 191-бет
- 5 музика/музиқий (40)  
6 литаврларнинг саси/якнасақ (40)  
17 тингладим/тингладинг (40)  
50 ҳўнграш ҳам/йиғи ҳам, ҳўнграш ҳам (40)
- 192-бет
- 18 мушоҳада қилиш/олий мушоҳаба қилиш (40)  
25 юракларини узиб ташлашни,/юракларини лаззатли оқишдан узиб ташлашни (40)  
40—41 ишорат қилиб ўтган эдик./ишорат қилган эдик. (40)

### А. М. Горький

#### МАҚАР ЧУДРА (193-бет)

- 193-бет
- 4 тўлқинларнинг/тўлқиннинг (46)  
5 учириб кетар эди/учирар эди (46)  
7 келтириб ташларди-да,/ташлар, (46, 76)  
8 кузги тун қоронғиси, гўё чўчиб тушгандай чекиниб, сўл ёқдан/куз кечаси қўрққансимон (ҳайиққансимон, 76) чекиниб, (46)  
8 поёнсиз даштни/поёнсиз чўлни (57, 76)  
10 нақ тўғримда/бир лаҳза нақ тўғрисида (52)  
11 гавдасини/сиймосини (46); жуссасини (57, 76)  
13 пойлар эди/пойлаб ётар эди (57, 76)  
14—15 шамол тўлқинлари чакмон барларини кўтарганича,/ ~ унинг чакмонини кўтариб. (46); Шамолнинг совуқ тўлқинлари чакмонини кўтариб, (57, 76)  
16 жун босган/тукли (46)  
15—16 аямай савалаганига парво қилмасди./ ~ эътибор қилмай, (46): аёвсиз уриб туришига парво қилмай (57—76)  
16 ўгириб/қаратиб (46) ,

- 16—17 гўзал қиёфада паҳлавончасига/гўзал ва кучли вазият-да (46); гўзал ва кучли қиёфада, ёнбошлаб (57, 76)
- 18 дам-бадам тортиб/кетма-кет тортар (46); ҳадеб тортар (57, 76)
- 18 бурнидан бурқситиб тутун чиқарарди./бурнидан қуюқ тутун бурқитиб чиқарар, (46); бурнидан бурқитиб қуюқ тутун чиқарар, (57, 76)
- 20 меининг боинимдан оша чўлнинг ўлик каби унсиз зулматига тиккан ҳолда,/чўлнинг ўлик каби жимжит зулматига тиккан ҳолда, (57, 76)
- 21 шамолнинг/тўхтатмасдан ва шамолнинг (46)
- 22 бирон ҳаракат/ҳеч ҳаракат (57, 76)
- 22 қилмасдан, мен/қилмасдан, тинмай мен (57, 76)
- 25 танлабсан/танлагансан, (57, 76)
- 25 бўлиши ҳам/бўлиши (46)
- 28 Шундай бўлиши/Унинг шундай бўлиши (46)
- 30 уёғи билан/у нарсалар билан (57, 76)
- 31 Ахир, сен/Сен (57, 76)

194-бет

- 6 бахтли қилиш йўлини/бахтли қилишга (57, 76)
- 7 Аввал/Аввал сенинг (46)
- 9—10 ҳаётда нима бўлса/ҳаётдан нима бўлса (46); ҳаётдан нима керак бўлса (57, 76)
- 12 ўша/у (57, 76)
- 13 бўлиб олиб,/бўлиб, тикилишиб олиб, (46)
- 13—14 сиқади, холос, аммо ер юзида жой кўп/сиқадилар, аммо ерда жой (46); сиқадилар, аммо ерда эса жой (57, 76)
- 15 даштга ишора/чўлга ишорат (46); чўлга ишора (57, 76)
- 15 Ҳаммаси/Яна ҳаммаси (57, 76)
- 18 тер тўкиб,/терини оқизиб, (57, 76)
- 20 ҳеч асар/ҳеч нима (57, 76)
- 21 бўлса,/бўлса шундай (57, 76)
- 25 Эркинлик нималигини биладими?/Эркинлик нима, биладими? (46); Эркинлик нима? (57, 76)
- 25 Дашт/Чўл (57, 76)
- 27 Денгиз тўлқинлари шовиллашидан завқлана оладими?/Чўл тўлқинининг нашидаси унинг қалбини севинтирадими? (57, 76)
- 28 тугилганимдан бери қул, бутун умри бўйи қул/тугилгандан бошлаб қул, бутун умрида қул (46)
- 35 ялло қилиб юра бер,/юрабер ялло қилиб, (46)
- 41 Мен ҳам/мен (46)

195-бет

- 1—2 Турмада юрагинг қон бўлиб кетади./Турмада диққат-бозлик катта, (46)
- 3 азбаройи жоним ҳалқумимга келганидан:/зериққанимдан: (46); зориққанимдан: (57, 76)
- 7 яшайпти,/яшайди, (46)
- 8 бундай демайди,/топилмайди, (46)
- 9 қийналиб ўтирмасанг/қийналмасанг (46)
- 10 Атрофингга назар солиб юр./Уёқ-бу ёққа юриб ҳам тур, атрофингга қараб-қараб юр, (57—76)
- 11 ўшанда сал бўлмаса/ўша вақтда оз бўлмаса (46); ўша вақтда сал бўлмаса (57, 76)

- 15 қатый 'қаттиқ қўл (46)  
 17 дейилгандек яшаш/қандай дейилган бўлса, шундай (46)  
 17—18 Худога сиғин нимани сўрасанг, оллога сиғин, ана шундан кейин нимани сўрасанг (46); Худога сиғин, шунда нимани сўрасанг (57, 76)  
 19 йиртилиб, титилиб/титилиб (46)  
 20 худодан оллодан (46)  
 20 янги кийим, сўра дедим./бир янги кийим сўраб ол, дедим (46)  
 21 чиқиб, чиқди ва (46)  
 25 устоз бўлдимиз?/устодми? (46)  
 31 32 Макарниг қизи - гўзал Нонка'гўзал Нонка, Макарниг қизи (46)  
 37 ўткир/енгилмас (46)  
 40 Қўшиги'Қизнинг қўшиги (57, 76)  
 43 нарироқ/узоқ (46)  
 43—1 Мен трубка чекишдан қанчалик маза қилсам, қиз ўпишишдан ундан ҳам кўпроқ лаззатланади./Менга трубка қанчалик кайф берса, қизга ўпишиш шунча кайф беради, (46); Менга трубкам қанчалик кайф берса ҳам, ундан кўра қиз билан ўпишиш шунчалик яхши ва лаззатлидир. (57, 76)

196-бет

- 2—3 қалбнигдаги/юрағингдаги (46)  
 5 Сен ҳам жонингни унга бағишлайсан, шундай қилиб сен жонингни унга берасан (46)  
 6 Шундай қизлардан/Гапнинг тўғриси шу! Қизлардан (46); Тўғриси? Қизлардан (57, 76)  
 6 ҳар вақт/ҳамма вақт (46)  
 7 кўпроқ'ортиқ (46)  
 8 игнаниг учини/игна учини (46); игнаниг учини бир (57, 76)  
 9 нарчалаб ташлайди'эзиб ташлайди. (57, 76)  
 10 кўп нарсаларни/қанча нарса (46)  
 11 айтиб берай?, атай (46)  
 12 умр бўйи'бутун умринг бўйи (46)  
 17—19 У мамлакатларда аҳолисидан тўрт-бештаси Лойкони ўлдирши учун онт ичмаган битта ҳам қишлоқ йўқ эди! У мамлакатларда битта ҳам қишлоқ йўқ эдики, аҳолисидан тўрт-бештаси Лойкони ўлдирши учун онт ичмаган бўлсин (46)  
 20 қолсами, қолдим (46)  
 22 Зобар ўғирлаб, уни миниб ўйнатар эди, Зобар қўлга олар ва уни миниб йўргалатар эди. (46); Зобар қўлга тушириб, уни миниб ўйнатар эди. (57, 76)  
 23 У ҳеч кимдан қўрқмасди! У бировдан қўрқармиди? (46)  
 26 тумшугига/тумшугига эса (46)  
 27 уни танир'уни билар эди. (46)  
 28 эшитган эди/бирор нарса эшитган бўлар эди (46)  
 28 У отнигина севарди, У фақат отларни севарди, (46)  
 29 кўпга бормас/узоққа чўзилмас (46)  
 29 юрарди-да, кейин сотиб юборар эди'юргач, отни сотар эди (46)

- 30-31 Унда кўнгил орзулари йўқ Унинг кўнглига туккан нар-  
саси йўқ (46)  
32 узиб олиб/узиб (46)  
32 бундан сенга/ётигиз бундан сенга (46)  
33 ана шундай йингит/шундай (46); ана шундай (57, 76)  
34 табор/таборимиз (46)  
35 у бундан ўн йил илгари эди./Бундан ўн йил илгариги  
иш бу (46)  
36-37 жангларда бўлган аскар/урушган аскар (57, 76)  
40 Раддани./У Раддани (57, 76)  
43 скрипка/бу скрипка (46)

197-бет

- 3 эзган./қақшатган, оҳо, (46)  
4 қари бир, қари (57, 76)  
4 кўриб, кўриб қолиб, (46)  
5 Безгак тутгандай Безгакдай (46)  
8 Эғнида зар чонон, белида қилич. от сал қимирласа/  
Кийими зарҳал, ёнига осилган қилич, от бироз қимир-  
ласа (46); Кийими зарҳал, ёнига осилган қиличи от сал  
қимирласа (57, 76)  
9 қиличнинг ҳамма ёғи асл/қилич бошдан-оёқ қиммат-  
баҳо (46)  
11 бир нарча осмонга ўхшайди/кўкнинг бир нарчасига ўх-  
шайди. (46)  
12 турди-турди-да./туриб, ахир: (46); туриб-туриб, ахир  
(57, 76)  
13 ўнсанг./ўп (46)  
14 Радда эса юзини тескари ўгириб олди./У эса юзини  
ўгирди (46)  
14-15 Бой бирланига ҳовуридан тушиб:/Қари давлатманд  
(57, 76)  
16 деди-да, унинг/деди-да, бирдан паст тушди ва унинг  
(46, 57, 76)  
17 ташлади. Катта ҳамён, ука!/ташлади, ука! (46)  
18 бир нарсадай лойга/нарсайдай (46)  
20 «-- Оҳ, қиз! -- деб у оҳ тортиди! «-- эҳ, қиз! — деб у оҳ  
чекди. (46)  
22 Унинг отаси ким?/Унинг — кимнинг қизи? (46)  
23 момақалдироқдай/қалдироқдай (46)  
24 ол»/ол мандан» (46)  
25 унга жавобан/бирдан унга (46)  
25 Панларгина/Фақат панларгина (46, 52)  
26 ўз номусларигача/то ўз номусларига қадар (46, 52)  
27-28 ҳеч нарса сотмайман! — деди/савдо-сотик билан ишим  
йўқ, деса бўладими? (46); ҳеч нарса сотмайман, (52,  
57 76)  
29 лекин орамиздан/орамиздан биров чиқиб (46, 52)  
30 лахча чўғни/ёниб турган чўғни (46)  
30 от уни/от (46)  
31 йўлга тушдик/йўлга тушиб қолдик (46, 52)  
31 юрдик/йўл юрдик (46)  
36 ёнар, куйиб борар, (46, 52)  
37 титрарди. Биз ўйланиб/қалтирарди. Биз ўйлаб (42, 52)  
40 гапир-чи!/гапир (46, 52)

- 41 она бургут/мода бургут (46)
- 3 Баракалла, қизим!/Офарин қизим! (46, 52)
- 3 Эшитдингми, бой/Эшитдингми, бойвачча! (57, 76)
- 4 Қаптарларга ўхшаганини қидир,/Қаптарларни қидир, (57, 76)
- 6 бадавлат киши эса/давлатманд эса (46, 52)
- 6—7 бир урди-да, отини/урди-да, отни (46, 52)
- 7—8 ерлар титраб кетди. Радда мана шундай эди, лочини!/ер ҳам титраб кетди. Мана Радда қандай эди, лочини! (46, 52)
- 9 дашт узра сувдай оқиб/чўл бўйлаб оқиб (46, 52); чўлдан оқиб (57, 76)
- 10 музика товушини/музика овозини (46, 52)
- 14 қўмсардики,/истадики, (46, 52); кўрсатдики, (57, 76)
- 14 етишгандан/эришгандан (46, 52)
- 18 пайдо бўлди/келиб чиқди (46, 52); чиқиб келди. (57, 76)
- 19 чалиб, биз томонга келар эди./чалиб келар эди./(46, 52); биз томонга чалиб келар эди. (57, 76)
- 20 ёнига келиб,/ёнида тўхтаб (46)
- 23 Данило севнииб: «Эҳе, Зобар, сенмисан! — деб қичқириб юборди./Данило севнииб: «Эҳе, Зобар, сенмисан! — деб қичқирди. (46, 52); «Зобар, сенмисан!» — деб қичқириб юборди. (57, 76)
- 25 тушган ва жингалак сочлари билан/тушиб, жингалак сочлари-да (46); тушган, жингалак сочлари-ла (52); тушган ва жингалак сочлари билан (76)
- 27 табассуми эса/табассуми (46, 52)
- 27—28 Бамисоли уни оти билан бирга/Уни гўё оти билан бирданоқ (46, 52)
- 29 У, гулхан қаршисида туриб кулар экан,/У, гулханнынг олови қаршисида туради, кулар экан, (46, 52)
- 30 бир оғиз ҳам/бир оғиз (46)
- 31 ҳатто ёруғ дунёда бор-йўқлигини сезмасдан туриб,/ҳатто менинг ҳам ёруғ дунёда яшаб юганимни сезмасдан туриб, (46)
- 33 лаънатлар бўлсин менга!/менга лаънат бўлсин! (46, 52)
- 34 У/У сенинг (46, 52)
- 36 фахрди/бу фахр (46, 52)
- 38 Хўп,/Майли, (46)
- 40 бу ёғини/давомини (46, 52)
- 42 Бундай/Сенга бундай (46, 52)
- 43 скрипкани сенга/скрипкани (46, 52)

- 1 Буни/Лекин буни (46, 52)
- 3 торларини эса/торларини (46, 52)
- 5 камонни қандай улашни/камонча тутнишни (46); камон тутишни (52)
- 6—7 юрагимизга ўт солмасин,/юракка ўт солмасин, (46); унинг юрагига ўт солмасин, (57, 76)
- 7 ўртансин/ўрталсин (46)
- 8 Лойко/Мана Лойко (46, 52)
- 9 шундайлардан бўлган/шундай (57, 76)
- 11 одамларнинг ёлгон гапирнишни қара-я! — деб жўнаб

қолди./одамлар кўп ёлгон гапираркан-да! — деди ва  
жўнаб қолди. (46); одамлар кўп ёлгон гапираркан-да! —  
деб жўнаб қолди. (52)

13 «— Ҳой,/«— Эҳе, (46, 52)

13 тилинг/сенинг тилинг (46, 52)

15 огалар!/акалар (46, 52)

16 «Марҳамат/«Марҳамат қилинг (46, 52)

18 қолибмиз/қолган эканмиз (46, 52)

20 от/уни от (46, 52)

22 Нима./Нима қилибди, (46, 52)

24 нақалар/қандай (46, 52)

26 шундайлигича қолаверади./шундай бўлиб қолаверади,  
(46); шундайлигича қола беради, (57, 76)

31 Баъзан/Баъзи вақт (46, 52)

32—33 тингласам дердим!/уни тинглай олардим (46, 52); тинг-  
лай олардим (57, 76)

34 чалардики./уста чалардики (46); яхши чалардики, (52)

34 биров/яна биров (52, 57)

36 юргизса борми./бир юргизса, (46, 52)

37 бера олмайди./қилолмайди. (46, 52)

38 туриб чала беради./чалишда давом этади. (46, 52)

38 ҳам/айни замонда ҳам (46, 52)

40 аллаким/бироз (46, 52); бир оз (57, 76)

41 Гўё чўл кўкка қарата ривоятлар/Гўё бир чўл кўкка ҳи-  
қоялар, (57, 76)

42 яхши азамат йигитни/ботир ўғлонни (57, 76)

43 яхши йигит уни чўлга ундайди./Ботир ўғлон уни дашт-  
га чорлайди. (57)

206-бет

1—2 Бирданига эҳ! Қўшиққа жон кириб момақалдироқдай  
гулдирайди ва унинг оҳангига/Бирдан эркин, жонли қў-  
шиқ гулдирайди ва бу қўшиқ оҳангига (57, 76)

5 сезар/сезар эди (57, 76)

7 ҳаммамиз/биз ҳаммамиз (52)

10 Ёлғиз/Фақат биз (57)

16 одамни ваҳима босарди./қўрқиб кетардинг киши, (46,  
52); киши қўрқиб кетарди. (57); киши қўрқарди (76)

17 қараб кетарди/кетарди (46, 52); чиқиб кетарди (57)

18 фиғон чаларди./йиғларди, (46, 52)

18 йиғлайвериб ~ банди этарди/йиғлаб-йиғлаб ~ эркини  
кўмарди (76)

19 Биз бўлсак ётиб/Биз ётиб (46, 52)

21—22 тушиб бўлмайди/тушиш мумкин эмас (46, 52)

24 ҳаммамиз йиғилишиб/биз ҳаммамиз йиғилиб (46)

25 гаплашар/сўзлашар (46, 52)

26 Зобар бир қўшиқ айтиб, кўнглимизни кўтар! деб, сўра-  
ди./Зобар қўшиқ айт, кўнглимизни шодлантир! (46, 52)

29 куйладиким./тилга кирдики, (46, 52); сайрадики, (57, 76)

29—30 торлари у қиз қалбидан ясалган эди./қиз қалбидан (46,  
52, 57); қиз лабидан (76)

35 қўзғалиб/кўтарилиб (46, 52)

201-бет

5 Айтишини қаранг-а! Ҳозир ҳеч ким унақа қўшиқ айта  
олмайди!/«Хўп ашула айтар эди у! (46); У жуда яхши

- ашула айтар эди! (52)  
 5 унақа/унчалык (46, 52)  
 6 Радда эса, захрини сочиб:/Радда эса унга, гүё сув сеп-  
 гаңдай: (76)  
 7 баланд/юксакка (46, 52)  
 10 лекин ҳеч нима/ҳеч нима (46)  
 16 «— Мана буни — қўшиқ дейдилар!» «Мана бу — қўшиқ!»  
 (46, 52)  
 17 бунақа/бундай (46, 52)  
 18 қилиб олсин!/қилсин (46, 52)  
 28 ўйноқи отга/шўх отга (46, 52)  
 33 Сендақа/сиздай (46, 52)  
 34 кўпини!/эҳе, кўпини! (46, 52)  
 38 тангри олдида, виждоним олдида/Тангри қошида, виж-  
 доним қошида ва бу одамлар қошида (46)

202-бет

- 5 қарасак/қўрамизки (46); кўрасанки (57, 76)  
 8 оёқларинга қамчи солиб./оёқларига катта чарм қамчин  
 билан шартта солиб, (46); оёқлари остига катта чарм  
 қамчин солиб (57, 76)  
 11 илжайиб қўйди-да, қимир этмасдан ётаверди./Илжайиб  
 кулди. (46); илжайиб қўйди. (57, 76)  
 14 гүё боши тарс ёрилиб кетадигандай қўрқади./гүё боши  
 ажралиб кетмасин (46, 52); гүё бошим тарс ёрилиб кет-  
 масин деб қўрқарди. (57, 76)  
 16 даштга қараб кетди./чўл томон кетди. (46, 52); чўлга  
 қараб кетди. (57, 76)  
 17 «Унинг орқасидан бор»/«Унинг орқасидан қара!» (57,  
 76); кўз-қулоқ бўл! (46)  
 17—18 Мен ҳам тун қоронғисида пусиб Зобарнинг орқасидан  
 чўлди кетабердим. Шундай бўлди, лочин/Мен ҳам Зо-  
 барнинг орқасидан, чўл бўйлаб кеча қоронғисида яши-  
 риниб — яшириниб кетабердим. Шундай иш бўлди, ло-  
 чин (46)  
 21 ўралиб ётиб унинг/ўралиб олиб, ётган ҳолимда унинг  
 (46)  
 23 боқар эдим/қарар эдим (46, 52)  
 23 қаҳр ва жиддият билан/қаҳрли ва жиддийлик билан  
 (46, 52)  
 24 ичида бир нималар деб шивирлар эди;/ўз-ўзи билан ни-  
 маларнидир шивирлаб гаплашарди. (46, 52)  
 27 гердайган/гурурланган (46, 52)  
 29 шивирлашиб/шивир-шивир (46, 52)  
 30 дашт узра учириб юрар эди./чўл бўйлаб учирар эди.  
 (46, 52); чўлда учириб юрар эди. (51, 76)  
 35 оҳ тортди./оҳ чекди. (46)  
 40 икки соат ўтди — ўтираберди, уч соат/уч соат (57, 76)  
 41 Мен ҳам мен (46, 52)

203-бет

- 7 сакраб/сачраб (46)  
 14 қани нима/энди нима (46)  
 19 манзара эди./ҳол эди, (46, 52)  
 21 фақат тиниқ ой/яшнаб турган ой (57, 76)  
 42 яна гапим шуки./Яна айтадиганим шуки. (46, 52)



- 42 қанча/сен қанча (46, 52)
- 204-бет
- 3 Лойко, менинг/Менинг (46)
- 5--6 даштлар узра ортиқ/чўллар устида (56, 76)
- 8 айтдим, дедим, (46, 52)
- 12 «Шайтон қизининг хоҳлаган нарсасини қарап-а:/«Мана нимани хоҳлабди шайтон қиз! (46, 52)
- 13 Қадим замонларда/Фақат, қадим замонларда (46, 52)
- 14 бош/бошининг (46)
- 19 ташланди-да ва/сачради ва (46); ташланди ва (52)
- 20 даштга қараб бақирди./бутун чўлга бақирди. (46, 52); бутун чўлга қараб бақирди. (57, 76)
- 21 Раддани қалтироқ босди, лекин, у сир бой бермади./Радда чўчинди, лекин сирни бой бермади. (46); Раддани ~ у сирни бой бермади. (52).
- 22 «— Майли, эртагача хайр, айтганимни эртага'«— Хўп, эртагача хайр, менинг буюрганимни (46, 52).
- 24 --Эшитдим! Бажараман, --деб ингради Зобар/«— Эшитдим! Бажараман, — деб Зобар ингради (46); -- Эшитяпман! Бажараман, — деб Зобар ингради (52); «— Эшитяпман! Бажараман, — деб ингради Зобар (57, 76).
- 25 аҳамият бермади ҳам/қарамади ҳам (46)
- 28 шундай азобга солди/шундай эзди (46); шунақа эзди (57, 76)
- 29 ҳушига/ўзига (46)
- 31 ҳасратда эзилиб/ҳасратдан нарчланиб (46, 52)
- 36 шу чиқди:/нима чиқди: (46, 52)
- 38 озиб,/озган (46, 52)
- 39 у кўзларини ерга тикиб,/у кўзларини ерга тикди ва (46, 52); у ерга боқиб, (57, 67)
- 42—43 ҳаётни топа олмадим./ҳаётининг топмадим. (46); ҳаётни тополмадим (52)
- 205-бет
- 2 менадан кўпроқ севади./мени севгандан кўпроқ севади, (46)
- 4 бош уришга/бош эгишга (46)
- 5 ўйнашга сингари,/қандай ўйнаса (46, 52)
- 7 хусн-жамоли/ғўзаллиги (57, 76)
- 9 Шунда сизга қўшиқ айтиб беришга ҳавасим ҳам қолмайди/Шунда меним сизга қўшиқ айтишга орзум ҳам қолмайди (46, 52)
- 11 Лойко кўзларини ердан узиб/Лойко бошини кўтарди (46); Лойко кўзини ердан узди (52)
- 12 бошини қатъий қимирлатди/жиддий равишда бошини қимирлатди (46, 52)
- 15 бўлса-да,/бўлса ҳам (46, 52)
- 16 кетинини/қолини (46)
- 17 келар/келар эди (57, 76)  
Зобарга қичқирди Радда./деб Радда Зобарга қичқирди. (46, 52)
- 18 қолади?/қилади? (76)
- 27—28 пайқаб ололганимизча ҳам йўқ эди, кўрсак/пайқаб олишга улгурганимиз ҳам йўқ эди, кўрамизки. (46, 52)
- 29 сонигача/сонига қадар (46, 52)

- 32 уни бир томонга улоқтирди-да,/бир томонга отди-да. (46); уни бир томонга отди-да (52)
- 33 бурро/очиқ (46)
- 34 «Алвидо, Лойко! Шундай қилишингни билган эдим!... — деб жон берди.../«— Хайр, Лойко. Сенинг шундай қилишингни мен билган эдим!... — деди, ва жон берди... (46, 52)
- 39 Зобар даштни бошига кўтариб ҳайқирди-да, ўзини ерга отиб, жонсиз Радданинг оёқларига лабларини қўйганча қотиб қолди./Зобар бутун чўлга қараб ҳайқирди-да, ~ ва қотди. (57, 76)
- 40 ўлиб/ерда ўлиб (46, 52, 57)
- 43 «Бунга нима дейсан, лочин!/*«*Мана шундай аҳволга нима дейсан, лочин? (46); Мана шундай ишга шма дейсан, лочин! (52)
- 206-бет
- 4—5 улоқтирган пичоқни/отиб юборган пичоқни (46, 52)
- 5 қараб қолди./унга қаради. (46, 52, 57)
- 7 қотмаган, пичоқ/пичоқнинг ўзи эса қотмаган эди, (46); қотмаган, пичоқнинг ўзи эса, (57, 76)
- 8 яқинлашиб, пичоқни унинг елкасига/яқинлашди ва пичоқни унинг орқасига (46); яқинлашди ва пичоқни унинг елкасига (52)
- 9 Кекса солдат/Қари аскар (46, 52)
- 11 бурро/равшан (46)
- 14 Биз турган жойимизда ўйлардик. Кекса ~ қалин қошлари уюлган эди./Биз ўйлардик, қари ~ қошлари хўмрайган эди. (46); «Биз тик туриб, ўйлардик, қари ~ қуюқ қошлари уюлган эди.(52); Биз тик туриб, ўйлардик, кекса ~ қуюқ қошлари уюлган эди. (57, 76)
- 21 У кўкка тикилиб жим турарди./У кўкка қараб, сукутга толди. (46)
- 21 қордек/ойдиндек (46); ойдек (57, 76)
- 22 ётиб/ётиб олиб (46)
- 23 ҳадеб/зўр бериб (46, 52)
- 23—24 қалт-қалт қиларди./қалтирар эди. (57, 76)
- 25 Шундай пайтда/Бу чоқда (57, 76)
- 26 ...Йўлга чиқдингми, ўз йўлингдан боравер, ҳеч ёққа бурилма./Сен кетаётгирмисан, ўз йўлингга кета бер. йўлингдан ҳеч томонга бурилма, (46, 52); Сен кетаётгирмисанми, ўз йўлингга кета бер, йўлингга ҳеч ёққа бурилма. (57, 76)
- 28 Гап шундай, лочин!/*«*Мана гап шу, лочин!» (46, 52)
- 37 деди-да, яхши кўрган қора отининг бўйинини кафти билан силаб-сийпади./Кани билан қора суюкли отининг бўйинини силаб-сийпади. (46); қичқирди Макар кани билан қора суюкли отининг бўйинини силаб-сийпади. (52); деди ва яхши кўрган қора отининг бўйинини кафти билан сийпади. (57, 76)
- 39 Ухлайдиган вақт ҳам бўлди!/*«*Уйқу пайти ҳам бўлди, ухлаш керак!(46); Ухлаш пайти ҳам бўлди! (57)
- 40 кейин боши билан/кейин (46)
- 42 Менинг уйқум келмади./Уйқу ҳам келмас эди. (46)

- 42—43 Қоронғи чўлга ва уфққа қарадим/Мен чўлнинг қоронғилигига қарадим, (46); Мен қоронғи чўлга ва уфққа қарадим, (52)  
43 салобатли/ҳашаматли, (46)

207-бет

- 1 гавдаланди/сузар эди. (46)  
4 олов/қизил олов (46)  
8—9 Соцлар тагидан муздай кўз ёши қатра-қатра бўлиб кетма-кет томчиларди./уларнинг тагидан совуқ, йирик кўз ёши доналари тез-тез томчиларди. (57, 76)  
11—12 кекса солдат/қари аскар (46)  
10 Ёмғир тобора кучаймоқда, денгиз эса, бир жуфт мағрур ва гўзал лўлига Лойко Зобар билан/Ёмғир кучайди, денгиз мағрур, гўзал лўли — Лойко Зобар ҳам (57, 76)  
14 тун қоронғисиди/кечанинг қоронғисиди (46, 52, 57).

## СССР ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИ

### ДОВУД САСУНЛИ

17-мисрадан сўнг:

- Борди-да узоққа ўтин қалади,  
Темир омоч тишин ўтга ташлади. (Қ)  
23 Уғли учун она чопар юборди, (Қ)  
28 Довуднинг онаси қистайди яна: (Қ)  
48 Жавоб беради у: «Ҳа, не дей? (Қ, 61)  
51 «Мен букун мизроқни отган ҳамон, (61)  
65 Қўлин чекди малак, оловга қўйди. (Қ)  
66 Чўгга бармоқ босди, бармоғи куйди. (Қ)  
67 Бармоқни оғзига тикди, тил куйди. (Қ)  
68 Тили куйгач, бир оз соқовланди у. (Қ)  
73 Ован буюртирди темирдан хасса, (Қ)  
77 Довуд қўлга олди темир хассани, (Қ)  
78 Ҳайдади яйловга қўй-қўзиларни, (Қ)  
91 Синмиш унинг темир қўлтиқ таёғи. (Қ)  
106 Эрта билан шаҳар эли тўпланиб, (Қ)  
Эрта билан шаҳар эди тўпаланг. (61)  
107 Бори деди: — Ован, сўзга қулоқ сол, (61)  
117 — Меҳмонлар келишса, уларга нон бер, (Қ)  
118 Нонни егандан сўнг эшикка узат. (Қ)  
Кейин уларни иззат-ла узат. (61)  
138 Юзини урди-да, қора-қон бўлди. (Қ)  
Юзини урди-да, қора-қон қилди. (39)  
151 Кечқурун эшикни тузатди, Ован. (Қ, 39)  
165 Есмийимни босдинг нечун сен, Довуд?! (Қ)  
168 Қампир тўсатдан элчини кўрди, (61)  
181 Егоч-ла мезоннинг тегин туширди, (Қ)  
210 Унамасанг, айтай, Мисрмаликка, (Қ)  
212 Бошқа шаҳар қуради мана шу ерга. (61)  
215 Урди ва лабларин узиб ташлади, (39)  
236 Ҳар ерга жар солиб, қўшин йиғишсин (61)  
247 Чодирларни қуриб олди далада, (Қ)

- 263 Тонг чоғида бориб мен қиламан жанг, (Қ)  
 274 Қампир деди: «Сени худой кўтарсин!» (Қ)  
 275 Отанга муносиб эмас экансан! (Қ)  
 281 Унда бор эди Морут Биби Марями ҳам (39, 61)  
 284 Шўрлик қуриди, борин амакинг олди! (61)  
 287 Ҳеч бўш келмас, зўрлик билан борин ол! (61)  
 288 У вақт Ованга Довуд борди-да, (61)  
 290 Бўғди, оёқлари ердан юксалди, (Қ, 39)  
 292 Менга қайтар Морут Биби Марямни, (39, 61)  
 299 Менинг қизил камаримни! (39)  
 301 Бу чоқ Ован деди: — Ула қол, Довуд! (Қ, 39)  
 326 Ташқари чиқарди Довуд бу отни, (61)  
 346 Учиб бориб, ўзи қўлига тушди. (39)  
 380 Шундай деб от чопиб, далага чиқди. (Қ, 39)  
 402 Унга шунча қувват кирган (Қ, 39)  
 408 Ерларда судралган узун қилични (61)  
 412 Танини қирқ марта чулғар камарни. (Қ)  
 433 Мен ҳам думим билан шунчани қираман (39, 61)  
 444 Зирҳни кийдими, эгар ташисин. (39)  
 459 Кекса дейди: «Анави ям-яшил чодир». (Қ)  
 464 Азроил бўлмаса, ўзим Азроил (61)

479-мисрадан сўнг:

- Қизитилар, сўнгра бу косов билан (Қ)  
 471 Мисрмалик оёғига ўралар (61)  
 476 У бурга эмасдир, қаршингдаман мен». (61)  
 480 Мисрмалик оёғига уралар, (Қ, 39)  
 499 Бу тўрнинг устидан гилам ёйилди. (Қ)  
 504 Сен чириб битгунча ётавер мунда. (39, 61)  
 508 Сосуннинг юлдузин зулмат қоплади (Қ)  
 515 Ўзинг ухлаб бошқаларни туш кўрасан?» (39)  
 528 Ва Сосун юлдузин бутун қамради, (35)  
 550 Ован деди: — Сенга ҳозирга қадар (61)  
 552 Кейин Саман отнинг сонига урди, (Қ)  
 555 Деди: Саман отим, қандай чопасен, (Қ)  
 619 Кетимга қўяман қирқ тегирмон тош, (Қ)  
 620 Қирқ хўкиз терисин устга ёпаман». (39)  
 628 Келди Мисрмалик отаси, деди: (Қ)  
 655 Мисрмалик умри дунёда учди. (Қ)  
 697 Довуд уни кўрди, анграйиб қолди. (Қ)  
 704 *йўқ.* (61)  
 746 Улар Довуд билан ича олармиди, (Қ)  
 Улар Довуд-ла ича олармидилар, (39)  
 Довуд қилишларни йиғди борини, (61)  
 799 Элчи юбордилар — Халап шоҳисини, (35)  
 Элчи юбордилар — Халап шоҳисин, (61)  
 808 От қанотли эди, шамолда, ерда, (Қ, 39)  
 821 Ўтираман, ҳамда гардиш тикаман. (Қ)  
 828 Унинг ҳужрасига ёруғлик урди. (Қ, 39)  
 835 Довуд тепасига гир айланди. (39)  
 836 Бир йигит қилични ўйнатиб, силкиб, (61)  
 844 Шу чоқ Хондут-хотин куй билан деди: (61)  
 860 Довуд унга сира таниш эрмасди. (61)

- 871 Бунн кўрди Довуд, ҳушидан кетди. (39, 61)  
941 Рухсат эт. мен олдин уйга борайин (Қ)  
946 Марут Биби Марям ҳам қўлингдаги (39, 61)  
971 Дарахт учин бирдан қўйиб юборди. (61)  
973 Қанча бола минган бўлса, борини (61)  
975 Шаҳарликлар келди Довуд қошига (Қ)  
1011 Узоқлашиб, бирдан зўр-ла урилгандек, (Қ)  
1024 Бу сенинг ёшгина даданг Довуд-ку! (Қ)  
1032 Қўл ёйди-айирди отани, ўғилни, (39, 61)  
1038 Учун мен энг лазиз худога ҳозир (39)  
1043 Умзидан фаришта томирини кесди. (Қ)



# ИЗОҲЛАР





«Мукаммал асарлар тўплами»нинг ушбу томига Ойбекнинг рус классик ва совет адабиёти ҳамда СССР халқлари адабиётидан қилган таржима асарлари киритилди. Бу асарлар гарчанд турли даврда таржима этилган бўлса-да, ушбу томда улар ўзбек тилига ағдарилган йилига қараб эмас, балки улар муаллифларининг адабиёт тарихидаги ўрни ва яшаб, ижод этган саналари асосида кетма-кет берилди.

Ушбу том билан Ойбек томонидан таржима этилган асарларнинг мазкур нашр доирасида эълон қилинши тугайди.

## РУС АДАБИЁТИ

А. С. Пушкин  
(1799—1837)

ҚИШЛОҚ  
(7-бет)

Ушбу шеърнинг «Рухнинг чуқурлигида пишадир аста» мисраларига қадар бўлган биринчи қисми 1926 йилда А. С. Пушкин асарлари тўпламида «Танҳолик» сарлавҳаси билан биринчи марта чоп этилган. Шеърнинг тўла нусхаси эса фақат қўлёзма ҳолида тарқалган. Шеър Михайловский қишлоғида 1819 йил июлида ёзилган.

Шеърнинг дастлабки қисмида Михайловский қишлоғи манзаралари тасвирланади. Шеърнинг асосий пафоси эса крепостной ҳуқуқининг бекор қилинишига қаратилади.

Александр I Пушкиннинг тақиқланган шеъри Петербург знолилари доирасида кенг тарқалганидан хабар топиб, уни қўлга киритишни князь Васильчиковга топширади. Унинг адъютанти эса А. А. Чаадаев эди. Пушкин бўлажак декабрист орқали ўз шеърини Александрга етказди.

Подшо бу йилларда ҳар қандай лойиҳаларни, ҳатто конституция лойиҳаларини ҳам рад этмай, уларнинг муаллифларини рағбатлантирар эди. Шунинг учун ҳам у Пушкинни жазолаш учун баҳона тополмади, аксинча, шоирга «эзгу ниятлари учун ташаккур билдириш»ни топширди.

Ойбек мазкур шеърни 30-йилларнинг иккинчи ярмида таржима этиб, уни қайта таҳрир қилмоқчи ва унга сайқал бермоқчи бўлган. Бироқ, номаълум сабабларга кўра, у ўз таржимаси устида бошқа ишламаган.

Шеърнинг аниқ таржима этилган йили ҳам маълум эмас.  
Таржима қўлёзмаси ёзувчи архивида сақланади.  
Таржима биринчи марта эълон этилмоқда.

#### «ТУН НУРИ СОҲИР...»

(9-бет)

1824 йил 13 ноябрда ёзилган бу шеър биринчи марта 1827 йилда «Литературный музей» альманахида эълон этилган.

Шеър 1939 йилда Ойбек томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Шеър таржимаси В. Г. Белинскийнинг «Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши» мақоласининг ўзбекча нусхаларида 1940, 1948 ва 1955 йилларда чоп этилган. (В. Г. Белинский мақоласининг ушбу томдаги матни ва изоҳига қаранг.)

Шеър таржимаси шоир архивида.

#### БУЛУТ

(10-бет)

Шеър 1835 йил 13 апрелда ёзилган ва 1835 йилда «Московский наблюдатель» альманахида чоп этилган.

Шеър 1939 йилда В. Г. Белинскийнинг «Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши» мақоласи муносабати билан ўзбек тилига таржима этилган ва шу мақоланинг барча нашрларида эълон этилган.

Таржима қўлёзмаси шоир архивида сақланади.

#### И. А. Кривов

(1769—1844)

#### ЯПРОҚЛАР ВА ИЛДИЗЛАР

(11-бет)

«Листы и Корни» сарлавҳаси остида биринчи марта «Чтения в Беседе любителей русского слова» китобида (1811) босилган.

Ўзбек тилида И. А. Кривов «Масаллар»нинг 1944 ва 1952 йил нашрларида эълон қилинган.

Таржима қўлёзмаси Ойбек архивида сақланади.

#### ҚАРҒА ВА ТОВУҚ

(12-бет)

«Ворона и Курица» сарлавҳаси остида биринчи марта 1811 йилда «Чтения в Беседе любителей русского слова» мажмуасида эълон этилган.

Ўзбек тилида И. А. Кривов «Масаллар»нинг фақат 1944 йил нашрида босилган.

Таржима қўлёзмаси Ойбек архивида сақланади.

#### ЎТКИНЧИЛАР ВА ИТЛАР

(13-бет)

«Прохожие и Собаки» сарлавҳаси остида 1815 йилда «Басни Ивана Кривога» тўпламида биринчи марта эълон этилган.

Ўзбек тилида И. А. Кривов «Масаллар»нинг 1944 ва 1952 йил нашрларида босилган.

Таржима қўлёзмаси Ойбек архивида сақланади.

## ДУБ ДАРАХТИ ВА ЧУЧҚА (14-бет)

Биринчи марта «Северная пчела» журналининг 1825 йил 5-сонда «Свинья под дубом» сарлавҳаси остида эълон қилинган.

Ўзбек тилида И. А. Крылов «Масаллар»нинг 1944 ва 1952 йил нашрларида босилган.

Таржима қўлёзмаси Ойбек архивида сақланади.

**И. И. Қозлов**  
(1779—1840)

## ДЕЗДЕМОНА РОМАНСИ (15-бет)

1831 йилда В. Шекспирнинг «Отелло» трагедиясида эркин таржима этилган бу шеър ўз даврида куйга солинган ва ижро этилган. Шеърда ўз ифодасини топган теран фикр ва туйғу бирлиги В. Г. Белинский томонидан юқори баҳоланган.

Шеър 1939 йилда В. Г. Белинскийнинг юқорида қайд этилган мақоласи муносабати билан ўзбек тилига таржима этилган ва шу мақола таркибида эълон этилиб келган.

Ойбек, афтидан, рус классик поэзиясининг бир қатор намуналарини ҳам таржима этиш ниятида бўлган. Тахминан антология шаклида ўзбек тилида тайёрламоқчи бўлган рус классик шоирларининг тўпламидан И. И. Қозловнинг мазкур шеъри ҳам ўрни олиши керак эди. Лекин кейинчалик бадний ижод билан фаол шугулланиш бу ниятнинг амалга ошишига имкон бермаган.

Шеър таржимаси шоир архивида сақланади.

**М. Ю. Лермонтов**  
(1814—1841)

## МАСКАРАД (16-бет)

М. Ю. Лермонтовнинг «Маскарад» драмаси 1835 йилда ёзилган бўлиб, унинг саҳна юзини кўриши жуда қийин кечган. Адиб цензура талаби билан асар устида кўп ишлади ва унинг бир неча вариантларини яратди. Драма тексти 1842 йилда нашр этилишига қарамай, 1846 йилда ҳам цензура асарнинг Александр театрида саҳнага қўйилишига рухсат этмаган эди. Фақат 1862 йилдагина асарни саҳнага қўйиш имконияти пайдо бўлди.

Совет даврида «Маскарад» деярли ҳамма драматик театрлар саҳналарида қўйилди, унинг балет ва кино вариантлари яратилди.

Лермонтов асарларини ўзбек тилига таржима этиш шоир вафотининг 100 йиллиги муносабати билан айниқса кенг тус олди ва 1941 йили унинг уч томлик асарлари ўзбек тилида нашр этилди. Шоир «Асарлар»нинг II томига «Маскарад» ҳам киритилди. Мазкур нашрнинг I томига илова этилган сўз бошида айтилишича, А. С. Пушкин асарларини таржима этиш жараёнида катта тажриба ортирган таржимон шоирлар Лермонтов асарларини баланд руҳ билан жуда қисқа вақт ичида таржима эгганлар.

Ойбекнинг мазкур таржима устида қачон иш олиб борган номаълум. Бироқ шу нарса аниқки, М. Ю. Лермонтов вафотининг 100 йиллиги муносабати билан 1941 йилдаёқ Ҳамза номидаги театр «Маскарад» пьесасини саҳналаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Аммо Ватан урушининг бошланиши бу режани амалга оширишга имкон бермади. Асар 1945 йилнинг 10 ноябри келибгина Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида саҳна юзини кўрди.

Рус классиклари асарларининг Бутуниттифоқ кўриги учун тайёрланган ушбу спектаклга (рассом С. Миленин, композитор И. Адмони) Евг. Амонтов режиссёрлик қилди.

И. Адмони томонидан спектакль учун ёзилган романс 1948 йилда алоҳида китобча шаклида нашр этилди.

Спектаклга ёрдамчи режиссёрлик қилган ҳамда Ванина ролини ижро этган Ўзбекистон халқ артисткаси Назира Алиева қуйидагиларни эслайди: «Спектаклнинг муваффақиятли чиқиши, сўзсиз асар таржимаси билан ҳам боғлиқ эди. Шунинг учун Ойбек ака Лермонтов фикрларини ўзбек тилида тўғри, бутун чуқурлиги билан ифода этишга катта эътибор берди. У асар таржимасини театр коллективига ўқиб бериш билангина чегараланмай, репетицияларда ҳам фаол қатнашди, асар постановкасига оид турли маслаҳатлар берди. Ойбек ака айрим актёрларнинг баъзи сўзларни талаффуз этиши қийинлигини кўргач, уларни бошқа сўзлар билан алмаштириш устида ҳам ишлади».

Назира Алиева «Маскарад» спектаклини тайёрлаш жараёнида Ойбекда туғилган фикрлар спектакль рамзи ва костюмерлар фикри билан ҳам кўп ўринда тўғри келганини эслайди. Чунинчи Ойбек эркаклар қора фракда, хотин-қизлар эса оқ либосда гулден бўлишларини истаган. Бу, албатта, асар ғояси билан боғлиқ бўлиб, мавжуд тузум гулдек латофатли аёлни поймол қилганини яна бир бор тасдиқлаш имконини берар эди. Назира Алиеванинг эслашича, Ойбекнинг театр билан яқин ҳамкорликда ишлаганини кўриб, Маннон Уйғур: «Сиз драматург бўлишингиз керак экан!» деб айтган.

Мазкур спектаклда Арбенин ролини ижро этган СССР халқ артисти Наби Раҳимов бундай ҳикоя қилади. «Амонтов бошчилигида Лермонтовнинг «Маскарад» пьесасини саҳналаштиргани кирадики. Бу, театримизнинг рус классиклари ижодига биринчи бор мурожаат этиши эди. Тажриба кам, актёрлик маҳорати етишмас эди. Шунинг учун ҳам спектаклни саҳналаштиришда анча қийналдик. Спектакль кўп кетмади, атиги бир йилгина ўйналди, холос. У кезларда театр таъқидчилиги яхши ривожланмаганлиги сабабли спектакль объектив баҳосини ҳам олмади.

Спектаклни саҳналаштириш муносабати билан Ойбек домла театрга тез-тез келиб турар эдилар. Таржима тўлиқ, яхши бўлганлиги туфайли унга ўзгартиришлар деярли қиртилмаган. Фақат айтилиши қийин бўлган сўзларгина ўзгартирилган.

«Маскарад» пьесаси М. Ю. Лермонтов «Танланган асарлар»нинг (1941, 1955) 2-томига ва Ойбек «Асарлар»нинг 10-томига киритилган. Пьесанинг ана шу мавжуд ўзбекча босма нусхалари ушбу нашр учун асос қилиб олинди.

Таржима қўлёзмаси Ойбек архивидан ҳам, давлат архивларидан ҳам топилмади.

В. Г. Белинский  
(1811—1848)

ПОЭЗИЯНИНГ ХИЛ ВА ТУРЛАРГА БЎЛИНИШИ  
(120-бет)

В. Г. Белинскийнинг 1841 йилда ёзилган ушбу мақоласи биринчи марта «Отечественные записки» журналнинг ўша йилги XV том, 3-сонда эълон қилинган. Мақола «Рус адабиётининг назарий ва танқидий курси» деб номланган тадқиқотнинг бир қисми сифатида ёзилган. XVIII—XIX асрлар рус адабиёти тарихига бағишланган мазкур тадқиқотнинг аксар қисмлари муаллиф томонидан ёзилганига қарамай, у тугалланмай қолган.

Ушбу мақоланинг назарий гоёлари В. Г. Белинскийнинг классицизм ва романтизмнинг маддоҳларига қарши, реализм назариясини ишлаб чиқиш учун олиб борган амалий кураши билан боғлиқдир.

Мақола биринчи марта ўзбек тилига Ойбек томонидан таржима этилиб, 1940 йилда Ўзбекистон Давлат ўқув-педагогик нашриёти томонидан алоҳида китобча шаклида нашр этилган. Мақола иккинчи марта «Поэзиянинг хил ва навларга бўлиниши» сарлавҳаси остида В. Г. Белинскийнинг «Мақолалар» тўпламида (1948), учинчи марта эса яна шу ном билан мунаққиднинг «Танланган асарлар» китобида (1955) нашр этилган.

Мақола таржимасининг қўлёзмаси Ойбек архивида сақланмаган.

А. М. Горький  
(1868—1936)

МАҚАР ЧУДРА  
(193-бет)

Ушбу ҳикоя М. Горькийнинг матбуотда эълон қилган биринчи бадий асари бўлиб, илк дафъа Тифлисида чиқадиغان «Кавказ» газетасининг 1892 йил 12 сентябрь сониде эълон этилган.

Ҳикоя ўзбек тилига биринчи марта Ойбек томонидан таржима этилган ва М. Горькийнинг 1946 йилда нашр қилинган «Ҳикоялар» тўпламига киритилган. Кейинчалик адибнинг ўзбек тилида нашр этилган «Ҳикоялар» (1952), «Изергиль кампир» (1976) тўпламларида ҳамда уч томлик «Танланган асарлари» (1957) ва ўн томлик «Асарлари»нинг (1968) биринчи томларида қайта нашр этилган.

Ҳикоянинг 1968 йилдаги нашри ушбу том учун таянч матн сифатида олинди.

Таржима қўлёзмаси адиб архивида сақланмаган.

ЛОЧИН ҚУШИҒИ  
(207-бет)

Ҳикоя 1894 йилда ёзилган ва биринчи марта «Самарская газета»нинг 1895 йил 5 март сониде эълон қилинган. Кейинчалик М. Горький ҳикояни қайта ишлаб, 1899 йилда чоп эттирган.

Ҳикоя ўзбек тилига биринчи марта Ойбек томонидан 1926 йилда таржима этилган ва «Ер юзи» журналнинг ўша йилги 14-сонида босилган.

Журнал редакцияси ҳикояга илова этган кириш сўзида журналхонларни М. Горький билан таништириш мақсадида унинг ҳаёт йўлини гарчанд қисқа сатрларда бўлса-да, тавсиф этган. Аммо бу редакция кириш сўзида «Лочни қўшиғи»нинг яратилиш даври ҳақида журналхонларга нотўғри маълумот берилган.

«Максим Горькийнинг ёзгон асарларида,— деб ёзди журнал редакцияси,— ишчилар ҳаракати ва замонанинг катта проблемаларига кўп ўрин берилгандир.

«Ер юзи» ўқувчиларини Максим Горький билан таништирмақ учун қуйида унинг «Лочни қўшиғи»ни босадир. Горький бу нарсани 1905 йил инқилобний ҳодисалари муносабати билан ёзган ва ёзувчиға илҳом, умид берган нарсалар ҳам 1905 йил инқилобидир.

Максим Горький Лочни деб кимни ва Илон деб кимни кўрсатмакчи эканлигини ўқувчиларнинг ўзлари тушуниб олсалар керак».

Бу сатрлардаги чалкашлик ва ибтидоийлик М. Горький ижодига бўлган қизиқишнинг шу йилларда эндигина бошланганлиги билан изоҳланади.

Ҳикоянинг Ойбек қаламига мансуб таржимаси қайта нашр этилмаган.

Таржима қўлёзмаси ҳам сақланмаган.

А. А. Ахматова  
(1889—1966)

МАРДЛИК  
(210-бет)

Шеър 1942 йил февралда ёзилган ва шу йили «Правда» газетасида, шунингдек «Ташкентский альманах»да эълон қилинган. А. Ахматова бу даврда Тошкентда яшар ва ижод этар эди.

«1941 йил сентябрида,— деб ёзди А. Сурков,— у қамал қилинган Ленинграддан дастлаб Москвага, кейинчалик эса Тошкентга эвакуация қилинди. 1942 йил февралда, фашист галалари Ленинградни қамал қилган, Москва деворларидан улоқтириб ташланган, ammo мамлакатимиз жануби ва шарқи-жануби сари ҳамла қилаётган бир пайтда «Правда» саҳифаларида, ҳарбий сводкалар ва фронт хабарлари билан бирга, Анна Ахматованинг имзоси билан «Мардлик» шеърни пайдо бўлди.

...Ёдимда, 1942 йилнинг аёзли қиш кунлари мен Советлар Уйининг Колонна залида совет ҳарбий лирикаси тўғрисида сўзлар эканман, ҳаво тревогасини англагувчи даҳшатли садо жўрлигида бу шеърни ўқиган эдим» (Анна Ахматова. Стихотворения, М., ГИХЛ, 1961, 300—301-бетлар).

Ойбек Анна Ахматованинг Тошкентда яшаган кезларида (1941—1944) у билан яқин муносабатда бўлган ва унинг бир неча шеърларини ўзбек тилига таржима этган.

Ушбу шеър 1942 йилда ўзбек тилига таржима этилган.

Шеър таржимасининг қўлёзмаси адиб архивда сақланади.

Шеър ўзбек тилида биринчи марта эълон қилинмоқда.

«БОҒДА ҒАЛАТИ ЧУҚУР...»  
(211-бет)

Шеър 1942 йилда Тошкентда ёзилган. Шеърнинг рус тилидаги биринчи наشري помаълум.

Шеър Ленинградда бомбардимон вақтида ҳалок бўлган Вова Смирнов хотирасига бағишланган.

Ушбу шеър Анна Ахматованинг «Уруш шамоли» ҳарбий шеърлар туркумига кирган ва сўнгги марта шоиранинг «Избранное» (М., 1978) тўпламида чоп этилган.

Шеър ўзбек тилига Уйгун томонидан ҳам «Гўдакнинг ўлими» сарлавҳаси остида таржима қилинган ва унинг уч томлик «Танланган асарлар»нинг 1-томида босилган (1964).

Шеърнинг Ойбек томонидан қилинган таржимаси биринчи марта эълон қилинмоқда. Таржима қўлёзмаси шоир архивида сақланади.

А. Т. Твардовский  
(1910—1971)

ГАРМОНЬ  
(212-бет)

«Василий Тёркин» китобидан олинган бу шеър биринчи марта «Правда» газетасининг 1942 йил 26 сентябрь сонидан эълон қилинган.

Шеър шу йил Ойбек томонидан ўзбекчалаштирилган.

Таржима қўлёзмаси Ойбек архивида сақланади.

Таржима биринчи марта эълон қилинмоқда.

К. И. Чуковский  
(1882—1969)

БАРМАЛЕЙНИ ЕНГАМИЗ!  
(217-бет)

Асар 1942 йилда Тошкентда ёзилган. Бу вақтда К. И. Чуковский Улуғ Ватан уруши туфайли Тошкентга эвакуация қилинган эди.

Асарнинг айрим парчалари («Автордан», «Биринчи жанг», «Хаво жанги») биринчи марта «Правда Востока» газетасининг 1942 йил 9 август сонидан эълон қилинган. Редакция бу парчаларни газетхонлар эътиборига ҳавола этар экан, бундай изоҳ берган:

«Ёзувчи Корней Иванович Чуковский Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкентда «Бармалейни енгамиз!» деган янги болалар эртагини ёзди. Бу эртақдаги фантастик образларда давримизнинг фақат катталарни эмас, балки совет болаларини ҳам ҳаяжонлантирувчи улкан воқеалари тасвир этилади. Болалар эртақда К. И. Чуковскийнинг оммабоп эртақларидаги эски танишлари — инсонсевар доктор Айболит, жасур совет пионери Ваня Васильчиков, разил одамхўр Бармалей ва бошқалар билан учрашадилар. Бироқ янги эртақда бу персонажлар ҳозирги давр руҳидаги янги қиёфага эга бўлганлар.

Эртақ яқинда Тошкентда «Советский писатель» нашриётида чоп этилади».

Асар 1943 йилда «Советский писатель» нашриётининг Тошкент бўлими ва Ўздавнашр томонидан икки марта чоп этилган.

Ойбек асарни 1942 йилнинг сентябрь ойида таржима этган. Асар таржимасининг қўлёзмаси шоир архивида сақланади.

Таржима биринчи марта эълон қилинмоқда.

В. А. Липко  
(1912—1980)

ХАТ  
(229-бет)

1942 йилда ёзилган бу шеър уруш йиллари Тошкентда нашр этилган тўпламларининг бирида чоп этилган.

1942 йилнинг 25 сентябрида Ойбек томонидан таржима этилган.

Биринчи марта эълон этилаётган бу таржима қўлёзмаси Ойбек архивида сақланади.

### СССР ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИ

ДОВУД САСУНЛИ  
(233-бет)

1939 йил сентябрида арман халқ эпоси — «Довуд Сасунли»нинг 1000 йиллиги нишонланиши муносабати билан бу асарнинг қисқартирилган варианты В. Брюсов ва М. Лозинский таржимасида Москвада нашр этилди. Айни пайтда С. Шервинский, К. Липскеров, В. Державин ва А. Кочетковдан иборат таржимонлар группаси эпоснинг янги, тўлароқ таржимаси устида иш олиб борди.

Асар 1939 йилда Ойбек томонидан ўзбек тилига таржима этилди ва шу йили Нафис адабиёт Давлат нашриёти томонидан босиб чиқарилди. Эпоснинг ўзбек тилидаги нашри учун В. Брюсов ва М. Лозинскийлар қаламига мансуб таржима асос қилиб олинди.

Асар 1961 йилда ўзбек тилида «Довуд Сосуний» номи билан қайта нашр этилди.

«Довуд Сасунли» эпоси «Санасар ва Багдасар», «Тўнғич Мгер», «Довуд Сасунли» ҳамда «Кенжа Мгер» деб номланган тўртта китобдан иборат бўлиб, «Довуд Сасунли» унинг учинчи қисмини ташкил этади. Бу эпоснинг вужудга келиши арман халқининг араб босқинчиларига қарши миллий мустақиллик учун олиб борган кураши билан боғлиқдир.

«Тарихимизнинг VII асрида,— деб ёзган эди В. Қирпотин,— Арманистон араблар ҳужумига йўлиқди. Бир-бирига душманлик қилувчи феодал князликларига парчаланган ва бунинг устига Эрон ҳам Византия ўртасида бўлинган Арманистон ўз давлат мустақиллигини мудофаа қила олмади. Эрон монархияси йиқилгандан кейин араблар арман ерларига бостириб кирдилар. Арманистон арабларга қарши Византия императорларидан ёрдам олишга ҳаракат қилди, лекин Византия императорлари арманларнинг маффаатларини ҳаммадан оз ўйлар эдилар, улар Арманистонга, худди араблар каби, босиб олиш ва талон-торож қилиш объекти деб



қарар эдилар. Ёрдамсиз қолдирилган Арманистон қудратли ҳам урушчан халифаликка қарши тура билмади. VII асрнинг ўртасида араблар мамлакатнинг энг муҳим маркази бўлган Двин шаҳрини ҳужум билан олдилар, бу ерда 12 000 одамни қириб ташлаб, 35 000 кишини асир олиб кетдилар. Арманистонга катта бож юкланди. Божни тўлашдан бош тортишга қарши қаттиқ жазо чоралари қўлланилди.

Арабларнинг сиқувларига қарши Арманистон халқ оммалари VII асрнинг охиридаёқ кучли қўзғолонлар билан жавоб бердилар. Арман халқи ўз озодлиги ва мамлакатнинг мустақиллиги учун кураш бошлашга ҳар бир ҳолдан — халифаликнинг ўзаро урушларидан, унинг ҳарбий ва халқаро қийинчиликларидан фойдаланди. Араблар арманларни ўз ҳукмронликларига тамом бўйсундира олмадилар. Арабларнинг Арманистондаги икки юз йиллик ҳарбий ҳокимиятини қўзғолонлар ҳамма вақт ларзага солиб турди, бу қўзғолонларда арман халқи ажойиб мардлик ва сабот кўрсатди, у қўзғолонлар жуда муҳим натижалар берди. Араблар солиқларни юмшатишга мажбур бўлдилар, бутун-бутун районлар узоқ муддат тўла мустақиллик олдилар, пайти билан қўзғолончилар катта шаҳарларни қутқардилар. Зулми кучайтириш учун бўлган арабларнинг ҳар бир уриниши халқ ғазабини янгидан қўзғатар эди. Очкўз ва зolim халифа Мансур VIII асрнинг иккинчи ярмида пул солиғи билан арманларнинг тинкасини айниқса қурутган эди, у пулни энг даҳшатли чоралар билан халқ қўлидан қоқиб ола бошлаган. Мансурнинг қилмишига қарши арман халқи ўз курашини кучайтириш билан жавоб беради. Оккупацион гарнизонлар эплай олмаган халқ ҳаракатини бостириш учун Мансур халифаликнинг бошқа ерларидан кучли ҳарбий ёрдам олишга мажбур бўлди.

Халқ бошқаларга тобе бўлиб қолишга кўнмади — у истилочиларга қарши тинмай курашди. Тўхтовсиз урушлар, босқинчилар ва аҳолини ҳайдаб олиб кетиш ҳамда шаҳарлар аҳолисини бошқа жойларга кўчириш орқасида мамлакат хонавайрон бўлди. Маданият ва савдо марказлари хароб бўлди. Феодалларнинг ўзаро урушлари ва дипломатик комбинациялар ҳам Арманистоннинг аҳволини оғирлаштирди, дипломатик комбинацияларда ҳоким синфлар кўпинча мамлакатнинг манфаатларини қурбон этдилар.

Утиш қийин бўлган тоғлар билан ўралган Сасун округи бу курашда айниқса ўзини кўрсатди. Узининг қўлликка тушувини қутулиб бўлмас деб билмаган халқ оммалари Сасун жанги эпизодлари теварагида бир қанча ажойиб қиссалар яратдики, буларда уларнинг миллий озодликка интилишлари ифодаланди.

Воқеий эпос — «Давид Сасунский» («Довуд Сасунли» — арманча «Сосунци Давид») шундай вужудга келди. Бу эпос Совет Арманистонининг қишлоқ ва шаҳарларида шу вақтгача айтилиб юрляди» («Довуд Сасунли», Тошкент, 1939, 5—7-бетлар).

«Сасунли Довуд сиймосида, — деб ёзади М. Шайхзода, — арман халқи ўзининг энг ажойиб хислатларини — меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ботирлик, вафодорлик, дўстлик, сулҳпарварлик хислатларини мукамаллиги, классик тўлалиги билан тараннум этган. Аёлларга эҳтиром ва уларнинг гўзал фазилатларини қадрлаш, турли миллатларга мансуб бўлган меҳнаткашларга меҳру рағбат кайфиятлари ҳам бу дostonнинг тарбиявий қимматини ошириб, унинг

чиннакам халқчил бир асар бўлганига қўшимча далил бўлиб тушади.

Арман халқининг дилида ёд бўлиб сақланган ва асралган Довуд достони 1873 йилда Крпо номли оддий бир арман деҳқонининг оғзидан ёзиб олинган эди. Достон арман ёзув адабиётига, кейинча эса бутун дунё поэзиясига дурдона бўлиб кириб кетди» («Довуд Сосуний», Тошкент, 1961, 5—6-бетлар).

«Довуд Сасунли»нинг рус тилидаги 1939 йил нашри арман халқ эпосининг турли вариантларидан бири бўлиб, эпоснинг ҳозирги тўла русча нашрларидан қатор жиҳатлари билан фарқланади. Шунинг учун асарнинг Ойбек таржимасидаги ўзбекча нашрини ҳам В. Державин, А. Кочетков, К. Лисскеров ва С. Шервинский томонидан бажарилган эпоснинг рус тилидаги таржимасига қиёлаш самара бермайди.

Ўзбек халқининг қардош халқ эпосига бўлган қизиқини унинг 1000 йиллик юбилейига иттифоқ миқёсида тайёргарликнинг қизгин тус олиши билан боғлиқ. Шу нарса диққатга сазоворки, Ойбек бу асарнинг таржимасига анча илгари киришган. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 14 сентябрь сонидасқ «Сасунли Довуд»нинг минг йиллиги» рубрикаси остида асардан парча эълон этилган.

1939 йилда эса Ўзбекистонда «Довуд Сасунли» эпосининг минг йиллиги муносабати билан юбилей комиссияси тузилган. Ана шу юбилей комиссиясининг 1939 йил 28 августда Ҳамид Олимжон раислигида бўлиб ўтган йиғилишида комиссия раисининг «Арман халқининг эпоси — «Довуд Сасунли» юбилейига тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ахбороти тингланган. Комиссия қабул қилган қарорда эса қуйидаги тadbирлар белгиланган ва қайд этилган:

«1. Шоир Ойбек томонидан арман эпоси — «Довуд Сасунли» таржимасининг ўз вақтида тугаллангани эътиборга олинсин.

2. Еревандаги юбилей тантаналарида иштирок этувчи делегация ўзи билан олиб кетиши учун асарни зудлик билан ўзбек тилида нашр этиш ташкил этилсин.

3. «Совет адабиёти ва санъати» журналининг 5-сонида эпос таржимаси эълон этилсин ва журнални юбилей кунларига чиқариш таъминлансин.

4. Юбилей кунларида газеталарда саҳифа уюштиришга ёрдам берилсин».

Юбилей комиссиясининг бу қарори тўла амалга оширилган.

Ушбу том учун «Довуд Сасунли»нинг 1939 йил нашри таянч матн сифатида олинди.

Эпос таржимасининг қўлёзмаси Ойбек архивида сақланмоқда.

## MUNDARIJA

### Рус адабиёти

А.	С. Пушкин		7
	Қишлоқ . . . . .		9
	«Тун нури соҳир...» . . . . .		10
	Булут . . . . .		10
И.	А. Крылов		
	Япроқлар ва Илдизлар . . . . .		11
	Қарга ва Товуқ . . . . .		12
	Уткинчилар ва Итлар . . . . .		13
	Дуб дарахти ва Чўчқа . . . . .		14
И.	И. Козлов		
	Дездемона романи . . . . .		15
М.	Ю. Лермонтов		
	Маскарад . . . . .		16
В.	Г. Белинский		
	Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши . . . . .		120
А.	М. Горький		
	Макар Чудра . . . . .		193
	Лочин қўшиғи . . . . .		207
А.	А. Ахматова		
	Мардлик . . . . .		210
	«Боғда галати чуқур...» . . . . .		211
А.	Т. Твардовский		
	Гармонь . . . . .		212
К.	И. Чуковский		
	Бармалейни енгамиз! . . . . .		217
В.	А. Липко		
	Хат . . . . .		229

### СССР халқлари адабиёти

Довуд Сасунли		233
ВАРИАНТЛАР		261
ИЗОҲЛАР		295

*На узбекском языке*

**М. Т. АЙБЕК**

**ПОЛНОЕ СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИИ**

в 19 томах

том XVII

ПЕРЕВОДЫ ПРОИЗВЕДЕНИЙ РУССКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ  
И ЛИТЕРАТУРЫ НАРОДОВ СССР

Ташкент, «Фан»

*Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил  
ва адабиёт институтининг Илмий совети,  
ЎзССР ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими  
томонидан нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир *М. Алиева*  
Расом *В. С. Тий*  
Техмуҳаррир *Ҳ. У. Бобомухамедова*  
Корректор *Д. Сирожиддинова*

ИБ № 1204

Тершга берилди 8.10.81. Босишга рухсат этилди 30.03.81. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>.  
Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма  
л. 16,17. Ҳисоб-нашриёт л. 11,7. Тиражи 5000. Заказ 217. Баҳоси 1 с. 50 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.  
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.